

Actual problems of modern science and innovation in the Central Asian region

ORGANIZED BY  
**JOURNAL OF TECHNICAL SCIENCE AND INNOVATION Ltd.**

**ACTUAL PROBLEMS OF MODERN SCIENCE AND  
INNOVATION IN THE CENTRAL ASIAN REGION**

proceedings of the international conference

26 September, 2020 y, Jizzakh, Uzbekistan

<http://jtsi.uz>



Actual problems of modern science and innovation in the Central Asian region

PROCEEDINGS  
of the INTERNATIONAL CONFERENCE

**Actual problems of modern science and  
innovation in the Central Asian region**

МАТЕРИАЛЫ  
МЕЖДУНАРОДНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

**Актуальные проблемы современной науки и  
инноваций в Центрально-Азиатском регионе**

**Марказий Осиё минтақасида замонавий илм-  
фан ва инновацияларнинг долзарб  
муаммолари**

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

26 сентябрь 2020 йил

Жиззах 2020

**Материалы международной конференции**

**ACTUAL PROBLEMS OF MODERN SCIENCE AND INNOVATION IN  
THE CENTRAL ASIAN REGION**

**Учредитель и издатель:** ООО “JOURNAL OF TECHNICAL SCIENCE AND INNOVATION”. Адрес учредителя и издателя: 130100, Узбекистан, г. Джизак, улица Кангли, дом 20, тел. +(99897)70-274-04, e-mail: journal.tsi20@gmail.com.


**Редакционный совет:** проф. Мамажонов Р.К., доц. Ганиев И.Г., доц. Исломов Р.

**Редакционная коллегия:** Главный редактор – доц. Ганиев И.Г. Заместитель главного редактора – доц. Исломов Р. Ученый секретарь – PhD Соатова Н.З.

**Члены редакционной коллегии:** проф. Ишанходжаев А.А. (Узбекистан), доц. Кузнецова И.О. (Россия), доц. Хамрокулов Р.Ж. (Узбекистан).

**Секции конференции:** Физико-математические науки; Химические науки; Биологические науки; Геолого-минералогические науки; Технические науки; Сельскохозяйственные науки; Исторические науки; Экономические науки; Философские науки; Филологические науки; Географические науки; Педагогические науки; Ветеринарные науки; Архитектура; Психологические науки; Социологические науки; Политические науки.

**Actual problems of modern science and innovation in the central asian region: collection of articles of the international conference . – Jizzahk, 2020. – 687 pages.**



## Section 1

### *Physical and Mathematical Sciences*

## **ASTRONOMIYADA ISTIQBOLLI TADQIQOTLAR**

**dotsent Ajabov<sup>1</sup> A., k.i.x. Mirzaqulov<sup>2</sup> D.,  
dotsent Turniyazov<sup>3</sup> R., Xudoyberdiyeva<sup>4</sup> Y.**

**<sup>1,4</sup>Qarshi Davlat universiteti, Qarshi sh. O'zbekiston  
Tel.: (+99897)576-42-88, E-mail: ajabovabdurazzoq@mail.ru**

**<sup>2</sup>O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Astronomiya instituti  
O'zbekiston, 100052. Toshkent shahri, Astronomiya ko'chasi, 33-uy.  
Tel: (+99871)235-81-02. E-mail: info@astrin.uz**

**<sup>3</sup>Samarqand davlat universiteti  
Tel.: +99897 927-04-38, E-mail: jimtoga@mail.ru**

Astronomiya – yulduzlar va ular sistemalari, sayyoralar va ularning yo'ldoshlari, kometalar va meteor jismlar, sayyoralar, yulduzlar va galaktikalararo muhitdan tashkil topgan, bizni qurshab turgan bepoyon Koinotni o'rganadi. Astronomik hodisalarga bo'lgan qiziqishlar (vaqtni hisoblash, quruqlik va dengizlarda manzildan adashmaslik va keyinchalik esa – Yer shari sirtida o'z joylashgan o'rnini aniqlash va h.k.) insonlarning hayotiy talablari oshgani sari tobora rivojlanishda davom etgan.

Quyosh va Oy tutilishlari, zilzilalar, chaqmoq chaqishi, yulduzlar uchishi va b. shu kabi hodisalar qadimda, insonlarda turli qo'rquvlarni yuzaga keltirgani bois, bu hodisalar turli ko'rinishlarda ilohiylashtirilib, oqibatda qo'rquvni bartaraf etish uchun qurbonliklar qilingan.

Hozirda tabiatning bu kabi hodisalari hech kimga hayratomuz tuyulmasada, biroq, ular tabiatning noyob hodisalari sanaladi. Birgina misol, Yerga meteor jismlar tushishi (ular har doim boshimizdan yomg'ir zarrachalari ko'rinishida yog'ib turadi) noyob hodisa sanalib, uning tarkibi o'rganiladi va Yer shariga nisbatan o'ta olis masofada joylashgan osmon jismlarini o'rganishga asos bo'ladi.

Koinotni o'rganish bilan turli davrlarda ko'plab olimlar tadqiqotlar olib borishgan va izlanishlar natijasi ularoq beqiyos asarlar dunyoga kelgan.

Buyuk davlat va jamoat arbobi, mutafakkir olim Mirzo Ulug'bek boshchiligida 1424-1429 yillarda Samarqandda - Rasadxona barpo etilgan.

Ushbu rasadxona tufayli Samarqand - o'рта asrlardayoq Dunyo astronomiya markaziga aylangan.



*Ulug'bek rasadxonasi.*



*Ulug'bek ziji.*

Ulug'bek astronomiya maktabida: Ali Qushchi, Qozizoda Rumi, Al-Koshiy, Al-Birjandiy, Mirim Chalabiy kabi etuk astronom olimlar faoliyat yuritishgan. Ulug'bek Rasadxonasi faoliyatining mahsuli "Ziji jadidi Ko'ragoniy" nomi bilan dunyoga tanildi. 430 sahifadan iborat "Zij" da, jumladan: astronomik, trigonometrik, geografik va astrologik jadvallar ham keltirilgan. Turli astronomik hodisalar, ayniqsa, Yer sharining ma'lum bir nuqtasida Quyosh va Oy tutilishlarini oldindan aniqlash uchun, shu joyning geografik koordinatasini bilish zarurati mavjud.

1018 ta yulduz koordinatasini o'z ichiga olgan - "Zij" da esa, 247 ta shahar va boshqa aholi yashash punktlarining koordinatalari ham keltirilgan. Bugungi kunda Respublikamizda, turli sohalarda bo'lgani kabi, astronomiya sohasida ham ulkan muvaffaqiyatlarga erishilmoqda. O'zR FA Astronomiya instituti (direktori akademik Sh.A. Egamberdiyev)ning "Maydanak balandtog' observatoriyasi, Kitob kenglik stansiyasi, Astronomiya instituti tomonidan Respublikamizning qator Oliy o'quv yurtlari qoshida tashkil etilgan "O'quv observatoriyalari" da astronomiya sohasida ilmiy tadqiqot ishlari muntazam davom ettirilmoqda.



*SamDU o'quv observatoriyasi.*

Maydanakdagi qator muhim tadqiqotlar to'la robotlashgan teleskop yordamida amalga oshiriladi. Bu teleskop fan va texnika rivojining eng so'nggi yutuqlarining mahsulidir. Uning datchiklari mustaqil ravishda ob-havoga qarab teleskopni ochish yoki ochmaslikka, shamol kuchayganda uni zudlik bilan yopishga komanda beradi. Bulutsiz musaffo tunlarda esa teleskop kompyuterining xotirasiga oldindan kiritilgan dastur bo'yicha yulduzlarni navbatma-navbat kuzatadi. Eng muhimi, bu teleskop uzoq masofadan turib Internet orqali boshqariladi.

O'zR FA Astronomiya instituti va uning tasarrufidagi Maydanak observatoriyasi informatsion-kommunikatsiya texnologiyalarni ilmiy tadqiqotlar jarayonida joriy etishda mamlakatimiz ilmiy muassasalari orasida ilg'or o'rinlardan birini egallaydi. Koinotda ro'y berib turadigan portlashsimon jarayonlar paytida o'ta qisqa vaqt davomida gamma nurlanish hosil bo'ladi. Bunday gamma-chaqnashlar kosmosda joylashgan maxsus teleskoplar yordamida qayd etiladi. Portlagan jismlar tabiatini tushunishda ularni gamma-chaqnashlar fazasidan keyingi optik nurlanishni kuzatish katta ilmiy ahamiyat kasb etadi. Bu degani gamma-chaqnash kosmosdagi teleskop yordamida qayd etilgandan keyin bir necha daqiqa ichida osmonning o'sha nuqtasiga Yerdagi optik teleskoplar qaratilishi kerak. Demak, Maydanakda o'tirgan astronomga chaqnash koordinatalari sekundlar ichida yetib kelishi kerak. Internet tarmog'isiz bunday masalani yechib bo'lmaydi. So'nggi yillarda Maydanak observatoriyasida 30 dan ziyod gamma-chaqnashlarning optik dipazondagi nurlanishi qayd etildi.

Maydanak observatoriyasida so'nggi yigirma yilda astronomiya sohasida erishilgan eng muhim yutuq bu galaktikadan tashqari fazoga chiqishdir. Yulduzlar, yulduz hosil bo'ladigan hududlar, sayyoralar, bularning bari bizning Galaktikamizda - Somon yo'lida joylashgan. U 300 milliard yulduzdan iborat ulkan sistemadir. Uning bevosita yaqinida mahalliy guruhni tashkil etuvchi o'nlab galaktikalar mavjud. Koinot ichkarisiga nechog'lik kira borgan sari galaktikalar ko'p uchrayveradi.

Milliard-milliardlab galaktikalar, ular o'n minglab galaktikalarni o'z ichiga oluvchi to'dalarga to'planadi. To'dalar esa, o'z navbatida, o'ta to'dalarga to'planadi va hokazo. Hozirgi tushunchalarga ko'ra, Koinot bundan qariyb 14 milliard yil ilgari katta portlash natijasida paydo bo'lgan. O'shandan beri muttasil kengayib boryapti. Endilikda astronomlar ana shu ob'yektlarning aksariyatigacha bo'lgan masofani aniqlash imkoniga ega. Eng uzog'i kvazarlardir. «Kvazar» so'zi «yulduzsimon» degan ma'noni anglatadi. Darhaqiqat, fotosuratlarda ular oddiy yulduzchalardek ko'rinadi, biroq, aslida, ular nurlanishi 300 milliard yulduzning umumiy yorug'ligiga teng nur sohadigan Somon yo'ldek o'tagalaktikanikiga nisbatan yuzlab marta ko'p energiya tarqatadi. Kvazarlarning kichik ko'rinma yaltirashi ularning haddan tashqari uzoqdaligi bilan izohlanadi. Kvazarlardan Yer tomon sochilgan yorug'lik milliardlab yillar davomida yetib keladi.

Koinotdagi yana bir qiziqarli ob'yektlar faol yadroli galaktikalar - blazarlardir. Ayniqsa blazarlarning vaqt-vaqti bilan ro'y berib turadigan chaqnashi paytida olingan ma'lumotlar katta ilmiy ahamiyat kasb etadi. Aynan shunday jarayonlarni kuzatish maqsadida jahonning 30 observatoriyasi "Butun dunyo blazar teleskopi" dasturini amalga oshirish uchun birlashgan. Maydanak observatoryasi ham shu dasturning faol qatnashchisi hisoblanadi [1].

Jumladan, "0026+129 PG blazar ob'ekti o'rganilib, ma'lumotlar R va I filtrlarda olindi. Bu filtrlarda kuzatuvlar 180 sekundga teng ekspozitsiyada amalga oshirildi. Olingan natijalarning tahlili shuni ko'rsatadiki, "0026+129 PG blazar ob'ektining yorqinligi tez suratda va tartibsiz: 1,1 dan 1,3 yulduz kattaligicha o'zgarganligi aniqlandi.

Ushbu ob'yektlarni kuzatish uzluksiz ravishda davom ettirilmoqda va natijalar to'planib borilmoqda.

### **Adabiyot:**

D.O.Mirzaqulov, Sh.A.Ehgamberdiyev, A.Q.Ajabov. Observations of intranight brightness in 2013 at Maydanak observatory. DAN. P.19-21. №2-2016.



## COMBINATORICS ON A CHESSBOARD

Eshbekov<sup>1</sup> R.

assistant of Samarkand State University of Mathematics faculty  
Telephone: +(99897)286-48-46, E-Mail: rayxonbek@mail.ru

### **Abstract:**

*This article provides comments and problems on "Combinatorics on a Chessboard," which is one of the most interesting sections of combinatorics. These types of topics are very interesting to study and research and are common in Mathematical Olympiads.*

**Key words:** *combinatorics, "can't hit", box of chessboard, queen, column, row, diagonal.*

### **Introduction**

Combinatorics is one of the branches of modern mathematics that is based on the integration of sciences and develops on the basis of real-life applications. The branch of mathematics that deals with the theory of finite sets is called combinatorics. Combinatorics deals with issues such as identifying all possible ways to place elements of a finite set or finding all ways to perform a particular action.

Topics on "Combinatorics on a chessboard" are mostly encountered in math olympiads. As a general law for solving these problems, we can say the following:

*when it is necessary to act on any piece or pieces of chess, place these pieces on the possible boxes of the chessboard, calculate all the combinations, and find the general laws in the boxes, and solve the problem.*

We will consider solutions to the following problems.

**Problem 1.** How many different ways can black and white queens be placed on a chessboard so that they can't "hit" each other?

### **Solution.**

Let's draw a chessboard.

It is known that the queen can "hit" both in rows and columns, as well as diagonally. To solve the problem, we place the white queen in the boxes and count the number of boxes it can "hit". Divide the chessboard into 4 parts as shown in the Picture1. We define the yellow section as section 1, the red section as section 2, the green section as section 3, and the blue.

8								
7								
6								
5								
4								
3								
2								
1								
	A	B	C	D	E	F	G	H

Picture 1.

section as section 4. Let's make sure that the number of "hit" boxes of white queen in each of these sections is equal.

8								
7								
6								
5								
4								
3								
2								
1								
	A	B	C	D	E	F	G	H

Picture 2.

1) First, let's put the white queen in box A1, otherwise we can't put the black queen in box  $7 + 8 = 15$  on the row and column. Also we can't place 7 boxes diagonally (*painted black in the Picture 2*).

That is, we cannot place a black queen in a total of  $15 + 7 = 22$  boxes. Since the total number of boxes is 64, we can place the black queen in  $64 - 22 = 42$  boxes in 42 different ways.

It is also easy to see that if a white queen is placed in an arbitrary box of section 1, in each case the black queen can be placed in 42 different ways so that the white queen cannot be "hit".

8		■						■
7		■					■	
6		■				■		
5		■			■			
4		■		■				
3	■	■	■					
2	■	□	■	■	■	■	■	■
1	■	■	■					
	A	B	C	D	E	F	G	H

**Picture 3.**

2) We place the white queen in box B2. In that case, we can't place a black queen in  $7 + 8 = 15$  per row and column; diagonally in  $7 + 2 = 9$  boxes. We can't put a black queen in  $15 + 9 = 24$  boxes in total (see Picture3).

Hence, the black queen can be placed in  $64 - 24 = 40$  different ways.

It is possible to check directly that even if the white queen is placed in any box of section 2, in each case the black queen can be placed in 40 different ways so that the white queen cannot "hit".

8			■					■
7			■				■	
6			■			■		
5	■		■		■			
4		■	■	■				
3	■	■	□	■	■	■	■	■
2		■	■	■				
1	■		■		■			
	A	B	C	D	E	F	G	H

**Picture 4.**

3) Let's place the white queen in box C3. In that case, we cannot place the black queen in boxes  $8 + 7 = 15$  on the row and column,  $7 + 4 = 11$  on the diagonal, and  $15 + 11 = 26$  in total (see Picture4). As in the above, it is possible to check that the black queen can be placed in 26 different ways according to the white queen placed in each box of section 3.

4) Let's place the white queen in box D4. In that case, we cannot place the black box in boxes  $8 + 7 = 15$  on the row and column,  $7 + 6 = 13$  on the diagonal, and  $15 + 13 = 28$  in total (see Picture5).

That is, the black queen can be placed in a different way  $64 - 28 = 36$  so that the white queen cannot "hit". Similarly, if we place a white queen on any of the boxes in Section 4, we can place the black queen in 36 different ways so that it cannot "hit."

8			■					■
7			■				■	
6			■			■		
5	■		■		■			
4		■	■	■				
3	■		□		■	■	■	■
2		■	■	■				
1	■		■		■			
	A	B	C	D	E	F	G	H

Picture 5.

In conclusion, we give the 'summary table' in the Picture6. In this case, the numbers in the boxes correspond to the box in which the white queen is placed, which means the number of ways to place the black queen so that it cannot "hit":

8	42	42	42	42	42	42	42	42
7	42	40	40	40	40	40	40	42
6	42	40	38	38	38	38	40	42
5	42	40	38	36	36	38	40	42
4	42	40	38	36	36	38	40	42
3	42	40	38	38	38	38	40	42
2	42	40	40	40	40	40	40	42
1	42	42	42	42	42	42	42	42
	A	B	C	D	E	F	G	H

Picture 6.

This means that a total of  $28 \cdot 42 + 20 \cdot 40 + 12 \cdot 38 + 4 \cdot 36 = 2576$  can be placed on a chessboard in such a way that a white and a black queen cannot "hit" each other.

The same type of problems can be compiled for king, bishop, knight, rook and even on pawn.

### **References**

1. Erkaboyeva Z.Q., Eshbekov R.H. Kombinatorika elementlari. SamDU bosmaxonasi, Samarqand-2018 y.
2. Виленкин Н.Я. Комбинаторика. "Наука" Москва-1969.
3. Chen Chuan-Chong, Koh Khee-Meng. Principles and techniques in combinatorics. Pekin.

## UZOQLASHUVCHI QATORLARNI TAKRORIY QATORLAR YORDAMIDA YIG'ISH

Eshbekov<sup>1</sup> R., Eshbekova<sup>2</sup> G.

<sup>1</sup>Samarqand davlat universiteti, 140104, O`zbekiston, Samarqand shahri,  
Universitet xiyoboni, 15-uy.  
Telefon: +(998 66)239-11-40, Email: devonxona@samdu.uz

<sup>2</sup>Nizomiy nomidagi TDPU Matematika fakultetining 3-kurs talabasi.  
100066, O`zbekiston, Toshkent shahri, Chilonzor tumani  
Bunyodkor ko`chasi 27- uy.  
Тел.: +(99871)202-44-21, E-mail: info@tdpu.uz

Sonli qatorlar yig'indisi tushunchasini aniqlash bo'yicha uchta yondashuv mavjudligi haqida [1] da keltirilgan: birinchisida cheksiz sondagi hadlarning yig'indisi tushunchasi ma'noga ega emas deb qaraladi. Ikkinchi yondashuv tarafdorlari istalgan cheksiz qator yig'indiga ega va bu yig'indini arifmetik amallar yordamida aniqlash mumkin deb hisoblaganlar. Uchinchi yondashuvda barcha sonli qatorlar ichida faqat biror ma'noda yig'indi tushunchasini kiritish mumkin bo'ladiganlarinigina ajratib olib, qolganlari o'rganilmaydi. Limitlar nazariyasiga asoslangan bu yondashuv juda samarali bo'lib chiqdi. Yig'indiga ega bo'lgan qatorlar sinfi kengayishi natijasida, bu yondashuv hozirgi kunda ham rivojlanmoqda.

Biz ayrim uzoqlashuvchi qatorlarni maxsus takroriy qatorlar orqali jamlash masalasini ko'rib chiqamiz. Qatorning yig'indisi an'anaviy usuldan farqli ravishda boshqacha aniqlangan bo'lsa, uni qatorning umumlashgan yig'indisi deb atash qabul qilingan.

Ma'lumki, quyidagi ko'rinishdagi yig'indi

$$\sum_{n,k=1}^{\infty} a_{nk} \quad (1)$$

ikki karrali qator deyiladi.  $a_{nk}$ -lar ikki karrali haqiqiy sonli ketma-ketlikdan iborat.

Matematik analizning tadbirlarida (1) ikki karrali qatorni

$$\sum_{n=1}^{\infty} \left( \sum_{k=1}^{\infty} a_{nk} \right) \quad (2)$$

yoki

$$\sum_{k=1}^{\infty} \left( \sum_{n=1}^{\infty} a_{nk} \right) \quad (3)$$

ko'rinishdagi takroriy qator deb qarash ko'p uchraydi. Ayniqsa, takroriy qatorlardan birining dastlabki yoki qoldiq hadlaridan tuzilgan maxsus ko'rinishli quyidagi takroriy qatorlar uzoqlashuvchi qatorlarni jamlashda samarali bo'lishini kuzatish mumkin.

$$\sum_{n=1}^{\infty} \left( \sum_{k=n}^{\infty} a_k \right), \quad \sum_{n=1}^{\infty} \left( \sum_{k=n}^n a_k \right) \quad (4)$$

Adabiyotlarda (4) ko'rinishdagi takroriy qatorlar *ichma-ich joylashgan takroriy qatorlar* deyiladi.

Ma'lumki, ishorasi o'zgaruvchili uzoqlashuvchi qatorlarni shartli ravishda quyidagi uch turga ajratish mumkin:

1. O'zgarmas o'ramli uzoqlashuvchi qatorlar:  $\sum_{n=1}^{\infty} l \cdot (-1)^{n+1} \quad (l = \text{const});$

2. Chegaralangan o'ramli uzoqlashuvchi qatorlar:  $\sum_{n=1}^{\infty} a_n \cdot (-1)^{n+1}, \quad \lim_{n \rightarrow \infty} a_n = l, \quad (l = \text{const});$

**1-misol:**  $\sum_{n=1}^{\infty} \frac{n}{n+1} \cdot (-1)^{n+1} = \ln 2 - \frac{1}{2}.$

3. Cheksiz o'ramli uzoqlashuvchi qatorlar:  $\sum_{n=1}^{\infty} a_n \cdot (-1)^{n+1}, \quad \lim_{n \rightarrow \infty} a_n = \infty.$

**2-misol:**  $\sum_{n=1}^{\infty} n \cdot (-1)^{n+1}.$

1-holda qator yig'indisi  $\frac{l}{2}$  ga tengligini ko'rsatish qiyin emas:

$$S = \sum_{n=1}^{\infty} l \cdot (-1)^{n+1} = l - l + l - l + \dots = l - (l - l + l - \dots) = l - S, \quad 2S = l, \quad S = \frac{l}{2}.$$

Biz quyida amaliyotda kerakli bo'lgan uzoqlashuvchi qatorni maxsus takroriy qatorlar yordamida yig'ish formulalari bilan tanishamiz:

$$\sum_{n=1}^{\infty} (an^2 + bn) \cdot a_n = a \cdot \sum_{n=1}^{\infty} (2n-1) \left( \sum_{k=n}^{\infty} a_k \right) + b \cdot \sum_{n=1}^{\infty} \left( \sum_{k=n}^{\infty} a_k \right) \quad (5)$$

**Isbot:**

Tenglik o'ng tomonidan chap tomonini keltirib chiqaramiz:



$$\begin{aligned}
 & a \cdot \sum_{n=1}^{\infty} (2n-1) \left( \sum_{k=n}^{\infty} a_k \right) + b \cdot \sum_{n=1}^{\infty} \left( \sum_{k=n}^{\infty} a_k \right) = a \cdot ((a_1 + a_2 + a_3 + \dots + a_k + \dots) + 3 \cdot (a_2 + a_3 + \dots + a_k + \dots) + \dots + \\
 & + (2k-1)(a_k + a_{k+1} + \dots)) + b \cdot ((a_1 + a_2 + a_3 + \dots + a_k + \dots) + (a_2 + a_3 + \dots + a_k + \dots) + \dots + (a_k + a_{k+1} + \dots)) \\
 & = a \cdot (a_1 + 4a_2 + 9a_3 + \dots + k^2 a_k + \dots) + b \cdot (a_1 + 2a_2 + 3a_3 + \dots + k \cdot a_k + \dots) = \\
 & = a \cdot \sum_{n=1}^{\infty} a_n \cdot n^2 + b \cdot \sum_{n=1}^{\infty} a_n \cdot n = \sum_{n=1}^{\infty} (an^2 + bn) \cdot a_n
 \end{aligned}$$

Xususan,  $a=1$  va  $b=0$  hamda  $a=0$  va  $b=1$  bo'lganda [2] da (5) formula isbotlangan:

$$\sum_{n=1}^{\infty} n^2 \cdot a_n = \sum_{n=1}^{\infty} (2n-1) \left( \sum_{k=n}^{\infty} a_k \right), \quad \sum_{n=1}^{\infty} n \cdot a_n = \sum_{n=1}^{\infty} \left( \sum_{k=n}^{\infty} a_k \right).$$

**3- misol.** Quyidagi yig'indini hisoblang:

$$\sum_{n=1}^{\infty} \frac{2n^2 + 3n}{\alpha^n} \quad (\alpha \geq 0)$$

**Yechimi:**

(5) formulaga ko'ra:

$$\begin{aligned}
 \sum_{n=1}^{\infty} \frac{2n^2 + 3n}{\alpha^n} &= 2 \cdot \sum_{n=1}^{\infty} (2n-1) \left( \sum_{k=n}^{\infty} \frac{1}{\alpha^k} \right) + 3 \sum_{n=1}^{\infty} \left( \sum_{k=n}^{\infty} \frac{1}{\alpha^k} \right) = 2 \cdot \left[ \left( \frac{1}{\alpha} + \frac{1}{\alpha^2} + \dots + \frac{1}{\alpha^k} + \dots \right) + \right. \\
 & + 3 \cdot \left( \frac{1}{\alpha^2} + \dots + \frac{1}{\alpha^{k+1}} + \dots \right) + \dots + (2k-1) \left( \frac{1}{\alpha^k} + \frac{1}{\alpha^{k+1}} + \dots \right) + \dots \left. \right] + \left[ \left( \frac{1}{\alpha} + \frac{1}{\alpha^2} + \dots + \frac{1}{\alpha^k} + \dots \right) + \right. \\
 & + \left( \frac{1}{\alpha^2} + \dots + \frac{1}{\alpha^{k+1}} + \dots \right) + \dots + \left( \frac{1}{\alpha^k} + \frac{1}{\alpha^{k+1}} + \dots \right) + \dots \left. \right] = \frac{2}{\alpha-1} \cdot \left[ 1 + \frac{3}{\alpha} + \frac{5}{\alpha^2} + \dots + \frac{2k-1}{\alpha^{k-1}} \right] + \\
 & + \frac{3}{\alpha-1} \left[ 1 + \frac{1}{\alpha} + \frac{1}{\alpha^2} + \dots + \frac{1}{\alpha^{k-1}} + \dots \right] = \frac{2}{\alpha-1} \cdot \sum_{n=0}^{\infty} \frac{2n+1}{\alpha^n} + \frac{3\alpha}{(\alpha-1)^2}.
 \end{aligned}$$

Yana bir marta (6) ni qo'llaymiz:

$$\sum_{n=0}^{\infty} \frac{2n+1}{\alpha^n} = 2 \cdot \sum_{n=0}^{\infty} \left( \sum_{k=n}^{\infty} \frac{1}{\alpha^k} \right) + \sum_{n=0}^{\infty} \frac{1}{\alpha^n} = \frac{2\alpha}{(\alpha-1)^2} + \frac{\alpha}{\alpha-1} = \frac{\alpha^2 + \alpha}{(\alpha-1)^2}.$$

Natijada,

$$\sum_{n=1}^{\infty} \frac{2n^2 + 3n}{\alpha^n} = \frac{2}{\alpha-1} \cdot \frac{\alpha^2 + \alpha}{(\alpha-1)^2} + \frac{3\alpha}{(\alpha-1)^2} = \frac{\alpha \cdot (5\alpha - 1)}{(\alpha-1)^3}.$$

Endi [2] da isbotlangan quyidagi formulalardan foydalanib, uzoqlashuvchi qatorlarni jamlashga doir misollar keltiramiz:

$$\sum_{n=1}^{\infty} a_{n+1} \cdot b_n = \sum_{n=1}^{\infty} [\Delta(a_n) \sum_{k=n}^{\infty} b_k] + a_1 \cdot \sum_{n=1}^{\infty} b_n \quad (6)$$

bunda  $\Delta$ -ayirma operator,  $\Delta(a_n) = a_{n+1} - a_n$ .

$\sum_{n=1}^{\infty} b_n$ -qator esa yaqinlashuvchi; umumlashgan yig'indiga ega bo'lishi mumkin.

$$\sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} \cdot a_{n+1} = \frac{1}{2} \cdot a_1 + \frac{1}{2} \cdot \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} \cdot \Delta(a_n) \quad (7)$$

Ushbu tasdiqning isboti (6) formulada  $b_n = (-1)^{n+1}$  deb olish orqali ko'rsatiladi.

**4-misol.** Quyidagi qatorni jamlang:

$$\sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} (an^2 + bn + c).$$

**Yechimi:**

$$\sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} (an^2 + bn + c) = a \cdot \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} \cdot n^2 + b \cdot \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} \cdot n + \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} \cdot c$$

(7) formulaga ko'ra:

$$\begin{aligned} a \cdot \frac{1}{2} \cdot \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} (2n-1) + b \cdot \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} \cdot n + \frac{c}{2} &= \frac{a+b}{2} \cdot \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} - \frac{a}{2} \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} + \frac{c}{2} = \\ &= \frac{a+b}{4} - \frac{a}{4} + \frac{c}{2} = \frac{b+2c}{4} \end{aligned}$$

Bunda, natija a ga bog'liq emas.

**5-misol.** Quyidagi qatorni jamlang:

$$\sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} \cdot \alpha^n \quad (\alpha \geq 0).$$

**Yechimi:**

$$(7) \text{ formulaga ko'ra, } \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} \cdot \alpha^{n+1} = \frac{1}{2} \alpha + \frac{1}{2} \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} (\alpha - 1) \alpha^n.$$

Tenglik o'ng va chap tomonlarini quyidagicha yozamiz:

$$\alpha \cdot \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} \cdot \alpha^n = \frac{1}{2} \alpha + \frac{1}{2} (\alpha - 1) \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} \cdot \alpha^n.$$

$$\text{Bundan yig'indini topsak, } \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} \cdot \alpha^n = \frac{\alpha}{\alpha + 1}.$$

**6-misol.** Quyidagi qatorni jamlang:

$$\sum_{n=1}^{\infty} n \cdot (-1)^{n+1} \cdot \alpha^n \quad (\alpha \geq 0).$$

**Yechimi:** (7) formulaga ko'ra:

$$\begin{aligned} \sum_{n=1}^{\infty} (n+1) \cdot (-1)^{n+1} \cdot \alpha^{n+1} &= \frac{1}{2} \alpha + \frac{1}{2} \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} \cdot [(n+1) \cdot \alpha^{n+1} - n \cdot \alpha^n] \\ \alpha \cdot \sum_{n=1}^{\infty} n \cdot (-1)^{n+1} \cdot \alpha^n + \alpha \cdot \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} \cdot \alpha^n &= \frac{1}{2} \alpha + \frac{1}{2} \alpha \cdot \sum_{n=1}^{\infty} n \cdot (-1)^{n+1} \cdot \alpha^n \\ + \frac{1}{2} \alpha \cdot \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} \cdot \alpha^n - \frac{1}{2} \alpha \cdot \sum_{n=1}^{\infty} n \cdot (-1)^{n+1} \cdot \alpha^n & \end{aligned}$$

Ushbu ifodani soddalashtirsak, tenglikka kelamiz.

$$\frac{\alpha + 1}{2} \cdot \sum_{n=1}^{\infty} n \cdot \alpha^n \cdot (-1)^{n+1} = \frac{1}{2} \alpha - \frac{1}{2} \alpha \cdot \sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} \cdot \alpha^n$$

Yuqoridagi 5-misolda topilgan yig'indiga asosan(  
 $\sum_{n=1}^{\infty} (-1)^{n+1} \cdot \alpha^n = \frac{\alpha}{\alpha + 1}$ ):

$$\frac{\alpha + 1}{2} \cdot \sum_{n=1}^{\infty} n \cdot \alpha^n \cdot (-1)^{n+1} = \frac{1}{2} \alpha - \frac{1}{2} \cdot \frac{\alpha^2}{\alpha + 1}, \quad \sum_{n=1}^{\infty} n \cdot \alpha^n \cdot (-1)^{n+1} = \frac{\alpha}{(\alpha + 1)^2}.$$

### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Alimov Sh.O. Ashurov R.R. Matematik tahlil. (1-qism). Toshkent. "Kamolot-press", 2012. 616-b.
2. Пономаренко А.Н. Метод суммирования расходящихся рядов путем сведения к повторному ряду // Молодой учёный. №12. 2013 г.
3. Фихтенгольц Г.М. Курс дифференциального и интегрального исчисления. Т.2 - М: Наука, 1966 г.

## **ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИИ НА УРОКАХ ФИЗИКИ**

**канд. физ. - мат. наук, доцент Кадириимбетова<sup>1</sup> Г.Р.**

<sup>1</sup>Докторант Нукусского Государственного педагогического института им. Ажинияза. Республика Каракалпакстан,  
г. Нукус, ул. П.Сейитова б/н.  
Тел.: +(99861)229-40-75, E-mail: nkspi\_info@edu.uz

На сегодняшний день имеется широкий спектр возможностей для более глубокого освоения изучаемых тем и проблем. Это, в первую очередь, информационно-коммуникационный аспект. Главным преимуществом внедрения в образовательную систему информационных технологии является тот факт, что ученик получает возможность визуального ознакомления с изучаемым предметом. Общеизвестно, что яркие и ассоциативные образы рефлексивно, на подсознательном уровне закрепляются в памяти, и, отталкиваясь от этого тезиса, можно сделать вывод о некоем преимуществе онлайн-слайдов над зачитыванием сухих фактов. В конце - концов, наша с вами цель - повышение знаний учащихся любыми доступными и допустимыми средствами.

Можно выделить три основные цели, которые необходимо решить для успешного проведения урока с компьютерной поддержкой:

- дидактическая (под дидактическим обеспечением понимаются учебные материалы урока, конкретная обучающая программа и аппаратура);
- методическая (определение методов использования компьютера в преподавании темы, анализ учебных результатов урока и постановка следующей учебной цели);
- организационная (эта задача состоит в том, чтобы выработать и закрепить у учащихся навыки работы с учебной программой, организовать работу, избегая перегрузки учащихся и нерациональной траты времени).

На наш взгляд, работа на уроке с использованием ИКТ позволяет установить связь между учащимися и преподавателем, что естественно является ценным для преподавателя, т.к. ведет к

раскрытию потенциала учеников. Использование ИКТ повышает мотивацию к обучению, с большей степенью раскрывает практическую значимость изучаемого материала, развивается логическое мышление и интеллектуальные ресурсы учащихся, что в свою очередь формирует творческое мышление, которое помогает принимать неординарные правильные решения по жизни. Интеграция информационных технологий в процесс обучения формирует элементы информационной культуры и способствует повышению аналитических навыков, позволяет проявить оригинальность, создавая положительное отношение к учёбу.

В процессе преподавания физики следует широко использовать новые информационные технологии, при этом компьютер становится рабочим инструментом как для обучающихся, так и для преподавателя. Компьютерные модели легко вписываются в традиционный урок и позволяют учителю организовывать новые виды учебной деятельности, например: урок закрепления знаний – решение задач с последующей компьютерной проверкой ответов; урок обобщения и систематизации знаний – исследование; компьютерная лабораторная работа.

Задания творческого и исследовательского характера существенно повышают заинтересованность учащихся в изучении физики и являются дополнительным мотивирующим фактором. Компьютерные модели позволяют учащимся изменять начальные условия экспериментов и самостоятельно ставить различные виртуальные опыты. Такая интерактивность открывает перед ними огромные познавательные возможности, делая обучающихся не только наблюдателями, но и активными участниками экспериментов.

В то же время любой опытный учитель подтвердит, что на фоне достаточно частого положительного эффекта от внедрения информационных технологий, во многих случаях использование средств информатизации никак не сказывается на повышении эффективности обучения, а в некоторых случаях такое использование имеет негативный эффект. Очевидно, что решение проблем уместной и оправданной информатизации обучения должно осуществляться комплексно и повсеместно. Обучение корректному, оправданному и уместному использованию средств

информационных и коммуникационных технологий должно войти в содержание подготовки педагогов в области информатизации образования.

В настоящее время актуальной проблемой образования является творческое усвоение знаний школьниками. Именно оно может обеспечить развитие и саморазвитие личности ученика исходя из его индивидуальных особенностей. Основная задача педагога при этом заключается в том, чтобы сделать приобретаемые знания личностно значимыми для учащегося. Это можно достичь формированием у школьников положительного отношения к учению, организацией обучения таким образом, чтобы оно максимально способствовало развитию у них активности, самостоятельного творческого мышления, но для этого необходимо сделать акцент в организации учебного процесса на увеличение самостоятельной работы учащихся.

#### **Библиография:**

1. Дьячук П.П., Лариков Е.В. Применение компьютерных технологий обучения в средней школе. Красноярск: Изд-во КГПУ, 1996.
2. Игнатова И.Г., Н.Ю. Соколова. Информационные коммуникационные технологии в образовании// Информатика и образование - М.: 2003-№3.
3. Львовский М.Б., Львовская Г. Ф. Преподавание физики с использованием компьютера. // Информатика и образование – М.1999, № 5.
4. Подласый И. П., Педагогика. Новый курс: Учебник для студентов пед. вузов: В 2 кн.-М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2000-Кн. 2.: Процесс воспитания.

## 2MASS\_00210190+5856508 YULDUZINI TADQIQ ETISH

A.Sh. Kulmurodov<sup>1</sup>, F.B. Xamrakulov<sup>2</sup>, H. Sh. Rashidov<sup>3</sup>

SamDU Astronomiya yo'nalishi doktoranti<sup>1</sup>.  
SamDU Yadro fizikasi va astronomiya kafedrası assistenti<sup>2</sup>  
SamDU Astronomiya yo'nalishi magistranti<sup>2</sup>.

*Annotatsiya.* Ushbu ishda 2MASS\_00210190+5856508 o'zgaruvchan yulduzini kuzatuv natijalari asosida tadqiq etilgan. Bu ob'yektning o'zgarish davri aniqlangan.

Tabiatda uchraydigan aksariyat yulduzlar o'z yorqinligini u yoki bu sabab bilan o'zgartirib turadi. O'zgaruvchan miqdorlarga ega bo'lgan yulduzlar o'zgaruvchan yulduzlar deb ataladi. Yulduzlar yorqinligidagi o'zgarishlar birinchi bo'lib 16 - asr oxirida, o'ta yangi yulduzi chaqnaganda (1572 yilda Tixo Brage kuzatgan) yorqinligining davriy o'zgarishi kuzatilganda qayd etilgan. Kuzatishlar aniqligi rivojlanishi bilan o'zgaruvchan yulduzlar soni doimiy ravishda ortib bordi. Hozirgi zamonaviy o'zgaruvchan yulduzlar kataloglarida ularning soni 40 000 dan ortib ketdi. Dastlab yulduzlar yorqinligi vizual ravishda uni yaqinidagi boshqa yulduz bilan taqqoslab aniqlangan. Keyinroq, taqqoslashlar fotografik plastinkalarda bajarildi. Hozirda eng aniq kuzatishlar fotoelektrik ravishda yoki CCD kameradan foydalanib bajarilmoqda. Qiymat o'zgarishini vaqtning funksiyasi sifatida berilishi yulduzning yorqinlik grafigi deyiladi. Undan qiymat o'zgarishining amplitudasini va agar u davriy bo'lsa uning davrini aniqlash mumkin.


O'zgaruvchanlar odatda uchta asosiy tipga bo'linadi: pulsatsiyalanuvchi (*pulsating*), eruptiv (*eruptive*) va tutiluvchi (*eclipsing*) o'zgaruvchanlar. Tutiluvchi o'zgaruvchanlar qo'shaloq sistemalar bo'lib, komponentlar davriy ravishda bir-birining oldidan kesib o'tadi. Bu o'zgaruvchanlarda yorug'lik o'zgarishlari yulduzlardagi hech qanday fizikaviy o'zgarishlarga mos kelmaydi. Pulsatsiyalanuvchi o'zgaruvchanlarda o'zgarishlar tashqi qatlamlarning kengayishi va qisilishi bilan bog'liq. Bu o'zgaruvchanlar gigantlar va supergigantlar bo'lib ular evolyutsiyasida noturg'un etapga yetib borgan. Eruptiv o'zgaruvchanlar odatda massasini tarqatuvchi kuchsiz yulduzlar hisoblanadi.

Eruptiv o'zgaruvchanlarda regulyar pulsatsiyalar mavjud emas. To'satdan bo'ladigan portlashlardan tashqari ulardan material fazoga

chiqarilib turiladi. Hozirgi vaqtda bunday yulduzlar ikki asosiy kategoriyaga bo'linadi, eruptive va kataklizmik o'zgaruvchan yulduzlar. Bu guruh yangi yulduzlarni va yangi yulduzga o'zshash yulduzlarni, mitti yangi yulduzlar va o'tayangi yulduzlarni o'zichiga iladi [1].

Bu ushbu ishda 2MASS\_00210190+5856508 ob'yekt tadqiqoti bo'yicha ma'lumotlar berildi. Kuzatuvlar davom etmoqda. Natijalar olinib tahlil qilinmoqda.


Kuzatuvlar 2020 yil sentyabr oyida Samarqand davlat universiteti astronomiya o'quv-ilmiy observatoriyasida (uzunlamasi  $39^{\circ}40'27''$  va kenglamadasi  $66^{\circ}57'51''$  785 metr dengiz sathidan balandlik) ko'zgusining diametri 480 mm, fokus masofasi 9450 mm, reflektor bo'lgan Cassegrain sistemasida ishlaydigan "Grubb Parsons" teleskopida olib borildi.



**Bu AAVSO saytidan olingan yulduzning xaritada ko'rinishi va joylashishi**

Kuzatuvda: Quantum Scientific Imaging (QSI) 683ws markali, Zaryad Aloqa Qurilma (ZAQ) dan foydalanildi. Kuzatuvlarning barchasida ZAQ shovqin xatoligini kamaytirish maqsadida  $-25^{\circ}\text{C}$  haroratda, R (red) va filtsiz 300 sekundlik ekspozitsiya vaqti tasvirga olindi.






**Bu tasvir Samarqand o'quv-ilmiy markazidagi ko'zglasining diametri 48 sm bo'lgan Grapp Parsons teleskopida olingan.**

Kuzatuv materiallari 2018 yil Rossiya federatsiyasi Krasnoyarsk shahridagi Sibir davlat fan va texnologiyalar universiteti observatoriyasida va 2020 yil avgust sentyabr oylarida Samarqand davlat universiteti o'quv-ilmiy observatoriyasida olingan. Kuzatuv natijalari VAST dasturi yordamida fotometriya qilinib, yorqinlik yorqinlik egri chiziqlari vaqtga bog'liq grafigi va o'zgarish davri Lafler-Kingman metodi yordamida WinEff hamda L-K period dasturlari orqali aniqlanib taqqoslandi.

2MASS\_00210190+5856508 obyektining kuztuvlar va fotometrik tahlillar natijasida o'zgaruvchanlik davri va tipi Sibir davlat fan va texnologiyalar universiteti xodimi Ye.G.Lapuxin tomonidan aniqlangan. O'zgaruvchanlik davri 1.79049 sutka ekanligi aniqlangan va UV tipga tegishli o'zgaruvchan yulduz ekanligi aniqlangan [2].

Yevgeniy Gennadiyevich Lapuxinga o'z minnatdorchiligimizni bildiramiz.



**Bu rasmda 2MASS\_00210190+5856508 ob'yektining yorqinlik grafigi ko'rsatilgan.**

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki bu yulduzning o'zgarish davri va tipi aniqlangan. Rang ko'rsatgichlari va boshqa fizik parametrlari ma'lum emas. Demak ayrim parametrlarini imkon qadar kuzatuvlar orqali aniqlash mumkin. Kuzatuvlar davom etmoqda.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Hannu Carttunen, Pekka Kroger, Heikki Oja, Markku Pautanen, Kar Johan Donner. Fundamental astronomy. Springer-Verlag Berlin Heidelberg 2017. 299-308 pages.
2. <http://www.sai.msu.su/gcvs/vartype.htm>.

## MAGNIT SUYUQLIKLAR MAGNITLANISHINI O'LCHASH TAJRIBA QURILMASI

O.Q.Quvondiqov<sup>1</sup> (professor), R.M.Rajabov<sup>2</sup> (dotsent), U.E.Nurimov<sup>3</sup>  
(assistent), X.A.Qayumov<sup>4</sup> (doktorant), Sh.Qushoqov<sup>5</sup>(magistr)

Samarqand davlat universiteti, 140104, O`zbekiston, Samarqand shahri,  
Universitet xiyoboni, 15-uy. Tel.: +(99866)239-11-40. Email: devonxona@samdu.uz

*Annotatsiya:* Magnitli suyuqliklar magnitlanishini magnit maydon induksiyasining  $\pm 1500$  mT o'zgarish oralig'ida o'lchaydigan tebranishli magnetometr tajriba qurilmasi yig'ildi. Magnit maydon FL – 1 rusumli elektromagnit yordamida hosil qilindi. Tajriba qurilmasining o'lchash xatoligi, xona temperaturasida to'yinish magnitlanishi 54 emu/g va 152 emu/g bo'lgan, nikel va kobaltga nisbatan solishtirib topildi.


### I. Ganiev

So'ngi yillarda tarkibida 3d – metallari (Ni, Co, Fe) bo'lgan nanozarralar va ular asosidagi magnit suyuqliklar olish texnologiyasi jadal sur'atlarda rivojlanib bormoqda. Bunday materiallar o'zining mexanik, issiqlik, elektr, magnit va boshqa xossalari ko'ra, fanning turli sohalarida keng qo'llanilib kelinmoqda [1, 2, 3]. Shuning uchun, ko'pgina ferromagnetik materiallar, xususan magnitli suyuqliklarning magnit xossalari, tashqi ta'sirlar (elektr maydon, magnit maydon, temperatura, bosim, konsentratsiyasi va hokazo) o'zgarishiga bog'liqligini o'rganish dolzarb muammo hisoblanadi. Bunday bog'liqliklarni o'rganish uchun, bizga o'lchash xatoligi yuqori bo'lgan tajriba qurilmalarini yaratish talab etiladi. Hozirda moddalarning magnit xossalari o'rganishning ko'pgina usullari mavjud [4]. Tebranishli magnetometr usuli, o'lchash aniqligi yuqoriligi, qurilmani yig'ish tan narxi arzonligi va tajriba o'tkazish jarayoni soddaligi bilan boshqa usullardan farq qiladi[5]. Shu sababli, mazkur ishda, 3d – metallari asosidagi magnit suyuqliklar magnitlanishining tashqi magnit maydonga bog'liqligini o'lchaydigan tebranishli magnetometr qurilmasini yig'ish va uning o'lchash xatoligini topish maqsad qilib qo'yilgan.

Qurilma bir – biriga bog'liq bo'lmagan uchta asosiy qismdan tashkil topgan bo'lib, birinchisi bir jinsli magnit maydon hosil qiladigan magnit qismi. Ikkinchisi, namunani magnit maydonda ma'lum bir chastota va amplituda bilan tebrantiradigan mexanik qismi, uchinchisi esa, namuna tebranishi natijasida, uning magnit momentiga

proporsional ravishda, hosil qiladigan induksion EYUKni o'lchaydigan elektr qismi. Quyida, qurilmaning har bir qismi uchun, ularning texnik tavsiflari aytib o'tilgan.

Tajriba qurilmasining magnit qismi, FL - 1 rusumli elektromagnit(1), 96 V ishchi kuchlanishiga va 150 A tok kuchiga mo'ljallangan, elektromagnitni tok bilan ta'minlash manbai(2) va uning chiqish kuchlanishini o'zgarmas qilish uchun unga ketma - ket ulangan D 161 - 250 rusumli diodlardan tashkil topgan ko'pri(3) va 450 V ishchi kuchlanishiga mo'ljallangan, 10000 mkF sig'imli 4 ta kondensatordan(4) iborat. Elektromagnitdagi tokning yo'nalishini o'zgaritish uchun zanjirga ketma - ket qilib, 100 A tok kuchiga mo'ljallangan kommutator(5) ulangan(1 - rasm). Elektromagnit to'rtta g'altakdan tashkil topgan va bu g'altaklarning har biri 4,2 Om elektr qarshilikka ega hamda, ko'ndalang kesimi 2,44x2,44 mm<sup>2</sup> ga teng bo'lgan mis o'tkazgich sim bilan o'ralgan. Barcha g'altaklarning o'ramlari soni 5400 ta. Bu g'altaklar o'zaro parallel ulangan bo'lib, marakzidan temir o'zak(6) o'tgan hamda, uning uchiga 8 sm diametrli magnit maydon konsentartori (MMK) mahkamlangan. Elektromagnitning umumiy og'irligi 1000 kg [6].



**1 - rasm.** Magnitlanishni o'lchovchi tebranuvchi magnetometr qurilmasining umumiy sxemasi. 1 - elektromagnit, 2 - elektromagnitni tok bilan ta'minlash manbai, 3 - diodlar ko'prigi, 4 - kondensatorlar blogi, 5 - kommutator, 6 - temir o'zak, 7 - tovush generatori, 8 - tebratgich, 9 - kvars sterjen, 10 - ampula, 11 - induktiv g'altak, 12 - kuchaytigh, 13 - Xoll datchigi, 14 - Anolig - raqamli konvertor(ARK), 15 - kompyuter.

Tajriba qurilmasining mexanik qismi tebranish amplitudasi 0 dan 5 voltgacha bo'lgan GZ - 36 rusumli tovush generatori(7), tebratgich(8) va


unga mahkamlangan kvarts sterjen(9) hamda namuna joylashadigan ampuladan(10) tashkil topgan.

Qurilmaning elektr qismi esa, magnit maydon konsentratorining sirtiga mahkamlangan to'rtta induktiv g'altak (11), U2 - 6 rusumli kuchaytirgich(12), I - 7017 rusumli anolig - raqamli konvertor (ARK)(13) hamda kompyuterdan(14) tashkil topgan. Har bir induktiv g'altakning karkasi, kesimi 16x26 mm<sup>2</sup> va balandligi 5 mm bo'lgan organik steklodan tayyorlangan bo'lib (2a-rasm), unga diametri 0,025 mm bo'lgan PEV - 1 rusumli mis simdan 1500 ta o'ralgan. Induktiv g'altaklar o'zaro juft - juft qilib, ketma - ket ulangan (2b-rasm). Yonma -yon joylashgan g'altaklar markazlari orasidagi masofa 20 mm.

Agar namuna bir jinsli magnit maydonda  $\omega$  chastota bilan tebransa, u holda uning magnit momentiga proporsional bo'lgan induksion EYUK hosil bo'ladi:

$$U = n \cdot k \cdot M \cdot A \cdot \omega \cdot \cos(\omega t) \quad (1)$$

bu yerda  $k$  va  $n$  - induktiv g'altakning geometrik o'lchamlariga bog'liq bo'lgan koeffitsient, va  $o'$ ramlar soni,  $M$  - namunaning magnit momenti,  $A$  - tebranish amplitudasi,  $\omega$  - tebranish chastotasi.



**2 - rasm.** Namuna tebranishidan hosil bo'ladigan induksion EYUKni o'lchaydigan induktiv g'altaklar sistemasi. a) - g'altaklarning joylashishi, b) g'altaklarni ulashning elektr sxemasi

Hosil bo'lgan EYUKni U2 - 6 rusumli kuchaytirgich bilan kuchaytiriladi va to'g'irlagich orqali ARK ning 2 - kanaliga ulanadi. Shu ARK ning 1 - kanaliga Xoll datchigidan kelayotgan magnit maydon induksiyasiga proporsional bo'lgan Xoll kuchlanishi signali ulanadi. ARK ning chiqishi USB port orqali kompyuterga ulanadi va C# dasturlash tilida tuzilgan maxsus dastur yordamida, magnitlanishga proporsional EYUKning, Xoll kuchlanishiga bog'lanish grafigi hosil qilinadi. Dastur ARKning 1 - kanaldagi signalni X o'qida, 2 - kanalidagi signalni esa, Y o'qida yozib boradi. Dastlab tajriba xona temperaturasida etalon sifatida olingan

nikelda, so'ngra namunada o'tkaziladi hamda quyidagi formuladan foydalanib namunaning solishtirma magnitlanishi hisoblab topiladi:

$$\sigma_x = \sigma_{Ni} \frac{U_x}{U_{Ni}} \cdot \frac{m_{Ni}}{m_x} \quad (2)$$

bu yerda  $\sigma_x$  va  $\sigma_0$  - mos ravishda namuna va etaloning solishtirma magnitlanishi,  $U_x$  va  $U_{Ni}$  -namuna va etalon hosil qilgan induksion EYuKning amplituda qiymati,  $m_x$  va  $m_0$  - namuna va etaloning massasi.

Qurilmaning o'lchash xatoligi, xona temperaturasida to'yinish magnitlanishi ma'lum bo'lgan nikel va kobaltga nisbatan solishtirib aniqlandi. Tajriba natijalari 1 - jadvalda keltirilgan.

**1 - jadval**

	Adabiyotlarda keltirilgan qiymatlar	Tajriba natijalari	O'lchash xatoligi
Modda	$\sigma_T$ (A·m <sup>2</sup> /kg)	$\sigma_T$ (A·m <sup>2</sup> /kg)	%
Nikel	54.6	56	2.7
Cobalt	152	156.2	2.8

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ibrahim Sharifi, H. Shokrollahi , S. Amiri. Ferrite-based magnetic nanofluids used in hyperthermia applications. Journal of Magnetism and Magnetic Materials 324 (2012) 903–915.


2. Kebede K. Kefeni , Titus A.M. Msagati, Bhekie B. Mamba. Ferrite nanoparticles: Synthesis, characterisation and applications in electronic device. Materials Science and Engineering B 215 (2017) 37–55.

3. Ladislau Vekas, Doina Bica, Mikhail V. Avdeev. Magnetic nanoparticles and concentrated magnetic nanofluids: Synthesis, properties and some applications. China Particuology 5 (2007) 43–49

4. Д. А. Великанов. Высокочувствительные методы исследования магнитных свойств кристаллических и плёночных магнитных систем. Вестник СибГАУ. № 1(53). 2014 147 – 154.

5. Simon Foner. Versatile and sensitive vibrating-sample magnetometer. The review of scientific instruments. № 7(30) 1959 548 – 557.

6. В. И. Чечерников. Магнитные измерения. Издательство московского университета – 1969, 18 – 19.



*Section 2*  
*Chemical Sciences*

УДК: 674.816.3

## КРЕМНИЙОРГАНИК БИРИКМАЛАР БИЛАН МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН СМОЛАЛАР ОЛИШ

таянч докторант Эшмуродов<sup>1</sup> Х.Э., к.ф.д., проф. Тўраев<sup>2</sup> Х.Х.,  
к.ф.д., акад. \*Джалилов<sup>3</sup> А.Т., таянч докторант Гелдиев<sup>4</sup> Ю.А.

<sup>1, 2, 4</sup> Термиз давлат университети, 190111, Ўзбекистон,  
Термиз ш., "Баркамол авлод" кўчаси, 43-уй.  
Тел.: (0376)223-13-11. E-mail: termizdu@umail.uz

<sup>3</sup>Тошкент кимё технология илмий-тадқиқот институти,  
111116, Ўзбекистон, Тошкент вилояти,  
Зангиота тумани, Шўро-бозор.  
Тел.: (0371)199-22-43, E-mail: gup\_tniixt@mail.ru

### **Аннотация:**

Ушбу ишда кремнийорганик бирикмалар билан модификацияланган карбамид-формалдегид смола олиш, олинган елим ва майдаланган қамиш асосида композит плиталар тайёрлаш ҳамда тайёрланган елим асосида олинган плиталарнинг физик-механик хоссалари аниқлаш келтирилган.

### **Аннотация:**

В данной работе представлено получения модифицированной карбамидоформальдегидной смолы кремнийорганическими соединениями, изготовление композитных плиты на основе полученного клея и измельченного тростника, а также определение физико-механических свойств плиты, полученных на основе приготовленного клея.

### **Annotation:**

In this work presents the preparation of a modified urea-formaldehyde resin with organosilicon compounds, the manufacture of composite boards based on the obtained glue and crushed cane, as well as the determination of the physical and mechanical properties of the board obtained on the basis of the prepared glue.

### **Кириш**

Жаҳонда ёғоч ва унинг муқобил турларига бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ушбу маҳсулотларнинг тури ва ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кенгаймоқда. Бу борада ёғоч қириндили плиталарнинг мустаҳкам, сувга чидамли, зарарсиз турларини ишлаб чиқиш бўйича ҳозиргача изланишлар давом этмоқда. Анъанавий елим таркибларини янгилаш, янги композит материаллар олиш, турли модификаторлардан фойдаланиб маҳсулот сифатини ошириш, айниқса фойдаланиш даврида эркин формальдегид



ажралиб чиқишини олидини олиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Мамлакатимизда маҳаллий хомашёлар асосида ғўзапоя, қамиш, сомон ва бошқа ўсимлик пояларидан формальдегидсиз ёғоч-қириндили плиталар ишлаб чиқаришнинг инновацион технологиясини ишлаб чиқиш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ёғоч-қириндили плиталар олишда маҳаллий хомашёлар – ғўзапоя, қамиш, сомон ва бошқа ўсимлик пояларининг қириндиларини олиш, йирик ва майда ўлчамли фракцияларга ажратиш, елим билан аралаштириш ҳамда бирикиш жараёнларини ўрганилди. Елим тайёрлаш учун маҳаллий хомашёлар асосида арзон, инсон соғлиги ва атроф муҳитга зарар етказмайдиган таркиблар танланди.

Карбамид-формалдегид ва фенол-формальдегид смолалар захарлилиги, ёнувчанлиги, гидрофиллигига қарамай ёғоч қириндили, минерал толали плиталар ва шу каби қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Формалдегиднинг арзонлиги ва ўринбосарининг йўқлиги сўнгги ярим асрга яқин вақт давомида фойдаланиш ҳажмининг ортишига сабаб бўлмоқда [1-2].

Ёғочнинг муқобил тури бўлган ёғоч қириндили плита (ДСП), ёғоч толали плита (ДВП), ўрта зичликдаги ёғоч толали плита – МДФ (MDF-Medium Density Fibreboard), ламинатланган ўрта зичликдаги ёғоч толали плита – ЛМДФ (LMDF-Laminated Medium Density Fibreboard) кабилар ишлаб чиқаришда асосан фенол-формальдегид ёки карбамид-формальдегид смолалар ишлатилади. Ушбу смолалардан ишлаб чиқариш жараёнида ва елим сифатида ишлатилганда реакцияга киришмай қолган ҳамда қисман парчаланиш натижасида ҳосил бўладиган формальдегид ажралиб туради. Ҳавода формальдегиднинг миқдори  $0,5 \text{ мг/м}^3$  бўлганда кўз, бурун, нафас олиш тизимига жиддий зарар етказиши, тери касалликларини келтириб чиқариши маълум [3-5].

Мазкур тадқиқотда карбамид-формальдегид смолани силикатларнинг ишқорий эритмалари, органик мономерлар, кремнийорганик бирикмалар билан модификация қилиб олинган елим асосида плиталар тайёрланган. Уларнинг физик-механик хусусиятлари ўрганилган.

### **Тажрибавий қисм**

Тажрибани амалга ошириш учун колбага 205 гр 36,9% ли (рН=3,6) формалин ва 8,4 гр 26,9% ли аммиак эритмаси солинди. Аралаштириб турган ҳолда 10 минутдан сўнг 120 гр карбамид солинди ва яна 20 дақиқа давомида аралаштирилди, карбамид тўлиқ эриб кетди (рН=9,1). Эритма аралаштириб турган ҳолда яна 1,5 соат давомида 80-90°C ҳароратда қиздирилгандан кейин зичлиги силикат модули 1,08 ( $\rho=1,474 \text{ г/см}^3$ ) бўлган натрий силикатининг 5 гр сувли эритмаси қўшилди. Реакцион аралашма (рН=8,2) аралаштириб турган ҳолда 70°C ҳароратгача совутилди. Сўнгга 18 гр модификатор ва яна 24 гр карбамид солинди ҳамда аралашма 60-65°C ҳароратда 40 дақиқа давомида ушлаб турилди. Кейин 30°C ҳароратгача совутилди.

Модификатор сувли дисперс ҳолатда бўлиб, унинг таркибида метил метакрилат, акрил кислота, тетраэтоксисилан, тетрафурфурилсилан ва полиакриламид мавжуд. Тайёр модификатор (рН=8,0) қовушқоқлиги 4 мм диаметри ВЗ-246 вискометрида ўлчанганда 48 с га тенг [7].

Тайёр елим ва майдаланган қашишдан 100x100 мм ўлчамли, қалинлиги 16 мм бўлган плита тайёрланди ва синовдан ўтказилди. Плита тайёрлашда қотирувчи сифатида елим массасига нисбатан 0,1% n-толуолсульфокислота ишлатилди. Плита термопрессда 8 дақиқа давомида 2 МПа босимда, 180°C да тайёрланди. Тайёрланган плитанинг зичлиги 850 кг/м<sup>3</sup>.

Олинган плитанинг физик-механик хусусиятлари ГОСТ 10634-78, ГОСТ 10635-78, ГОСТ 10636-78 лар бўйича аниқланди. Оловбардошлик “Оловли қувур” усулида ёнишдаги масса йўқотиши асосида, сув ютувчанлиги ва бўкувчанлиги қалинлигига нисбатан % ҳисобида аниқланди [8-9].

Намуналарнинг мустаҳкамлигини аниқлаш учун 24 соат давомида совуқ сувда намланганидан сўнг перпендикуляр кучланишга чидамлилиги синаб кўрилди.

### **Натижалар таҳлили**

Модификация қилинган елимнинг асосий технологик хусусиятларини ўрганиш натижалари 1-жадвалда берилган.

1-жадвалдан кўринадики, олинадиган елимнинг технологик хусусиятлари модификаторнинг миқдорига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

## 1-жадвал

**Модификация қилинган елимнинг асосий технологик  
хусусиятлари**

Модификаторнинг улуши, %	Елимнинг сирт таранглиги, мН/м	Ҳўлланиш бурчаги, град	4 мм ли ВЗ-246 маркали вискозиметр бўйича қовушқоқлиги, с	рН	Желатинланиш вақти, 150°С, с
0	66	68	74	7,93	60
1	57	64	77	7,59	57
2	55	61	80	7,48	53
3	53	58	85	7,39	50
4	52	55	91	7,31	47
5	51	54	98	7,25	45
6	50	55	105	7,20	44

Модификация қилинган елим асосида олинган плиталарнинг физик-механик хусусиятлари 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

**Олинган плиталарнинг физик-механик хусусиятлари**

Елим таркибидаги модификаторнинг улуши, %	Статик эзилишга чидамлилиги, МПа	Перпендикуляр кучланишга чидамлилиги, МПа	Қалинлик бўйича бўкиши, %	Ҳажмий бўкиши, %	Сув ютувчанлиги, %.
0	10,5	0,22	32,6	32,49	78,6
1	12,3	0,29	28,2	26,42	72,4
2	13,5	0,34	25,3	25,63	64,7
3	15,1	0,39	22,0	24,88	58,3
4	16,8	0,43	19,9	23,56	52,8
5	18,0	0,48	16,7	22,91	49,0
6	18,5	0,50	16,1	21,96	48,1

2-жадвалдан кўринадики, модификаторнинг миқдори елим массасига нисбатан 5% бўлганда унинг физик-механик хоссалари энг оптимал бўлади.

**Хулоса**

Тадқиқот нарижалари шуни кўрсатадики, натрий силикат ва кремнийорганик бирикмалар билан модификация қилинган янги

турдаги елим кўп жиҳатдан фенол-формалдегид ва карбамид-формалдегид смолалар асосида олинадига елимдан қолишмайди. Ушбу елим асосида олинган ёғоч плиталар ёнишга ва намга чидамли бўлиб, мустаҳкамлиги бошқа шу турдаги плиталардан кам эмас.

Модификатор миқдори ортиши билан олинган плитанинг сувга чидамлилиги ва мустаҳкамлиги ортади. Елимнинг умумий массасига нисбатан 5% модификатор энг мақбул миқдор бўлиб, фоиз ундан юқори бўлганида олинган маҳсулотнинг мустаҳкамлиги ва сувга чидамлилиги кам ўзгаргани аниқланди.

Тадқиқот натижаларига асосланиб шуни айтиш мумкинки, экологик хавфсиз ёғоч қириндили плиталар ишлаб чиқариш учун кремнийорганик бирикмалар асосида модификация қилинган елимлардан фойдаланиш, соҳада катта ўзгариш бўлишига олиб келади. Бу билан ёғоч қириндили плиталар ишлаб чиқаришда захарли моддалардан фойдаланишни камайтириш мумкин бўлади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Кондратьев, В.П. Синтетические клеи для древесных материалов / В.П. Кондратьев, В.И. Кондращенко. – М.: Научный мир, 2004. – 520 с.

2. Азаров, В. И. Химия древесины и синтетических полимеров: учебник / В.И. Азаров, А.В. Буров, А.В. Оболенская. - СПб.: Лань, 2010. - 624 с.

3. Соколова Е.Г. “Модификация фенолоформальдегидной смолы меламино-карбамидоформальдегидной смолой для склеивания фанеры” Системы Методы Технологии 2018 № 2 (38) с. 111-115

4. Угрюмов, С.А. “Модифицирование карбамидоформальдегидной смолы для производства кстроплит” / С.А. Угрюмов, В.Е. Цветков // Деревообрабатывающая промышленность. – 2008. – № 3. – С. 16-18.

5. Доронин Ю.Г., Мирошниченко С.Н., Свиткина М.М. Синтетические смолы в деревообработке. М.: Лесная промышленность, 1987, С.159.

6. Федотов, А.А. Исследование свойств древесно-стружечных плит на основе синтетических смол с различной долей добавки фурановой смолы // А.А. Федотов, С.А. Угрюмов // Клеи. Герметики. Технологии. – 2012. – № 12. – С. 16-19.

7. Угрюмов С.А., Осетров А.В. “Анализ химического состава и свойств древесных плит на основе модифицированных клеевых композиций” Лесной вестник 4/2016, С.40-43

8. Патент РФ №2059663 С1, С 08 G 12/12.

9. Патент РФ №2114870 С1, С 08 G 12/40, С 08 J 9/06.

## РУХ (II) СУКЦИНАТИНИНГ АЦЕТАМИД БИЛАН КООРДИНАЦИОН БИРИКМАСИНИНГ ИК-СПЕКТРИ ВА КВАНТ-КИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТИ

к.ф.н, доцент Мукимова<sup>1</sup> Г.Ж., Тоштемиров<sup>2</sup> А.Э.

<sup>1,2</sup>Термиз давлат университети

Ўзбекистон, Термиз ш., “Баркамол авлод” кўчаси, 43-уй.

Тел.: (0376)223-13-11; E-mail: Termizdu@umail.uz

### *Аннотация.*

*Ишда координацион бирикмаларнинг халқ хужалигидаги ахамияти ҳосил бўлиши, реакцион қобилияти, бу бирикмаларнинг ишлатилиши сохалари ва рух (II) сукцинатининг ацетамид билан координацион бирикмасининг ИҚ-спектри натижалари ва квант –кимёвий тадқиқотлари келтирилган.*

Қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва саноатда муҳим ўрин тутадиган янги кимёвий бирикмалар ва моддаларни яратиш замонавий кимёнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ўзига хос хусусиятга эга бўлган металлларнинг координацион бирикмалари халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг қўлланилмоқда. Координацион бирикмаларнинг хоссалари кўпинча комплекс ҳосил қилувчиларнинг табиатига, ацидолигандларнинг стереокимёвий, кинематик ва термодинамик хусусиятларга қараб белгиланади. Ҳозирги вақтда органик кислота амидларининг анионлари кўплаб каталитик, биологик жараёнларда қатнашади ва улардан селектив комплекс ҳосил қилувчи сифатида фойдаланилади [1].

Адабиётларда р-, d- ва f-металларнинг кислота амидлари билан координацион бирикмалари кўп ўрганилган. Лекин, координацион бирикмалардаги аралаш амидли координацион боғланишида уларнинг тузилиши, жойлашиши ҳақида маълумотлар жуда кам берилган. Шунингдек, амидлар координациясида марказий атом атрофида лигандларнинг рақобатлашиш сабаблари кўрсатилмаган. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида комплекс ҳосил қилувчи сифатида рух (II) сукцинати танланди. Органик лиганд сифатида ацетамиддан фойдаланилди. Рух (II) сукцинатининг ацетамид билан амидли комплексининг синтез шароити ўрганилди. Олинган координацион бирикманинг таркиби, индивидуаллиги, тузилиши ва физик-кимёвий хоссалари тадқиқ қилинди [2].

Эркин ацетамид ва унинг ўрганилаётган комплекс бирикмасининг ИҚ – спектрлари шуни кўрсатадики, NH боғининг валент тебранишлар частотаси юқори частотали соҳада аралашиб кетади. Бу вақтда C=O боғининг валент тебранишлар частотаси 5–10 см<sup>-1</sup> га пасаяди. Бундай ҳолат  $\nu(\text{C}=\text{O})$  да M←O координацион боғи борлигидан далолат беради. Ўз навбатида CN боғида ҳам ўзгариш бўлиб  $\nu(\text{CN})$  боғининг валент тебранишлар частотаси кўтарилади. Ҳақиқатан ҳам  $\nu(\text{CN})$  боғи полосасида ётган спектр эркин ацетамидда 1385см<sup>-1</sup> частотада кузатилади, комплексларда бу ҳолат 5-7 см<sup>-1</sup> юқори частотали соҳага сурилади.

Координацион бирикманинг ҳосил бўлишида органик лигандларнинг координацияланиш қобилиятини баҳолаш ИҚ-спектроскопик усул ёрдамида ўрганилди. Эркин ацетамид ва унинг ИҚ-спектрларининг ютилиш частоталари, полосалари таққосланганда  $\nu(\text{CO})$  боғининг валент тебранишлар частотаси 5–11 см<sup>-1</sup> га пасайиши, бу вақтда  $\nu(\text{CN})$  боғининг валент тебранишлар частотаси эса 5–8 см<sup>-1</sup> га кўтарилганлиги аниқланди. Адабиётлардан маълумки бундай ҳолат амид молекулаларининг карбонил гуруҳидаги кислород атоми орқали координация кетганлигидан далолат беради. Рух сукцинатининг координацион бирикмасида тўртта координацион боғ M–O тенг кучли бўлмайди ва ацетамиднинг тўрттадан иккита атоми марказий ион билан қолган иккитаси нисбатан кучсиз боғланган. Кислороднинг бундай тенг кучли бўлмаган боғи  $\nu(\text{C}=\text{O})$  ва  $\nu(\text{CN})$  соҳасида иккита ютилиш полосалари чиқишига олиб келади.  $\text{MCl}_2 \cdot 2\text{AA}$  таркибли комплекслар учун бу полосаларнинг парчаланиши кузатилмайди (1-жадвал).

1-жадвал.

**Ацетамид ва унинг рух (II) сукцинати билан ҳосил қилган комплекси ИҚ – спектрининг асосий тебраниш частоталари**

$\text{CH}_3\text{CONH}_2$	$\text{Zn}(\text{OOC})_2(\text{CH}_2)_2 \cdot 2\text{AA} \cdot \text{H}_2\text{O}$	Характерли боғлар	$\text{CH}_3\text{CONH}_2$	$\text{Zn}(\text{OOC})_2(\text{CH}_2)_2 \cdot 2\text{AA} \cdot \text{H}_2\text{O}$	Характерли боғлар
	3530	$\nu_{\text{as}}(\text{NH}_2)^+$ $\nu_{\text{as}}(\text{OH})$	1350	1320	$\delta(\text{NH}_3)$
3360	3430	$\nu_{\text{s}}(\text{NH}_2)^+$ $\nu_{\text{s}}(\text{OH})$	1032	1055	$\rho(\text{NH}_2)$
1660	1655	$\nu(\text{C}=\text{O})$	990	1018	$\rho(\text{CH}_3)$
1620	1622	$\delta(\text{HOH})+\nu(\text{CO})^+$ $\delta(\text{NH}_2)$	865	855	$\nu(\text{C}-\text{C})$
	1530	$\nu_{\text{as}}(\text{OOC})$		655	$\delta(\text{OOC})$
	1435	$\nu_{\text{as}}(\text{OOC})^+$ $\delta(\text{NH}_2)$	570	572, 550	$\delta(\text{NCO})$
1385	1392	$\nu(\text{CN})$	460	475	$\delta(\text{CC})$

Рух сукцинатининг ацетамидли координацион бирикмасининг учун октаэдрик кўриниш хос бўлиб, марказий атом тетраэдратли кўприк орқали сукцинат аниони ва акциал координацион ацетамид молекулалари билан қуршаб олинган.

Ацетамиднинг комплекс ҳосил қилиш хоссасини аниқлаш мақсадида эркин ва координацияланган ацетамид молекулалари квант-кимёвий усулда тадқиқ этилди.


Эркин ва координацияланган ацетамид молекуласининг боғ узунлигини ва валент бурчакларининг квант-кимёвий анализ натижалари 2-жадвалда келтирилган.

**2-жадвал. Эркин ва координацияланган АА молекуласининг боғ узунлиги ва валент боғларининг қийматлари.**

Эркин ва координацияланган амидлар	Боғ	Боғ узунлиги		Боғ	Валент бурчак, град.	
		Эркин	Коорд.		Эркин	Коорд.
АА	C(2)-H(1)	1,1089	1,0796			
	C(3)-C(2)	1,5239	1,5982	C(3)C(2)H(1)	111,08	110,08
	N(4)-C(3)	1,3930	1,4303	N(4)C(3)C(2)	117,17	117,50
	H(5)-N(4)	0,9921	1,0064	H(5)N(4)C(3)	122,35	122,60
	H(6)-N(4)	0,9949	1,0095	H(6)N(4)C(3)	122,16	122,54
	O(7)-C(3)	1,2319	1,2298	O(7)C(3)C(7)	124,50	124,63
	H(9)-C(2)	1,1091	1,1102	H(9)C(2)C(3)	110,91	110,95
	Zn(10)-O(7)	-	2,0000	Zn(10)O(7)C(3)	-	120,01

Боғ узунлиги анализнинг кўрсатишига эркин молекулаларидан координацияланган молекулага ўтишида масофанинг ортиши  $C(3)-C(2)$ ,  $N(4)-C(3)$ ,  $O(2)-C(3)$  боғларида кузатилади. Шунингдек,  $C(3)C(2)H(1)$ ,  $N(4)C(3)C(2)$ ,  $H(5)N(4)C(3)$ ,  $H(6)N(4)C(3)$  ва  $O(7)C(3)$  боғлар валент бурчаклари ҳам ўзгаради. Эркин молекулалардан координацияланган молекулаларга ўтишида ацетамидда атомлардаги зарядлар тақсимланишининг ўзгариши қуйидаги схема бўйича тасвирланади.





**1-расм. Ацетамид молекуласи атомларидаги зарядлар тақсимланиши.**

I – АА эркин молекуласи;

II – АА координацияланган молекуласи.

Шуни таъкидлаш лозимки, ацетамид молекуласи металл атомга карбонил гуруҳининг кислород атоми орқали координацияланганда атомларда зарядлар қайта тақсимланади. Жумладан, электрон зичликнинг қопланиши N(4)дан H(6), H(5) ва C(3) га, C(2) дан H(3), H(8) ва H(3) га, H(1) дан C(2) га, C(3) дан C(7) га ва O(7) дан Mg(10) га ўтади. Mg атоми ва координацияланган кислород атомлари орасидаги масофа  $2,00 \text{ \AA}$  га тенг.

Келтирилган эркин ва координацияланган ацетамид молекулаларининг квант-кимёвий анализи геометрик ва энергетик характеристикаларини аниқлаш имконини беради. Бу эса бирикмаларнинг реакция қобилиятини белгилашга ёрдам беради.

Спектрнинг мураккаблиги боис  $\text{COO}^-$  боғининг валент тебранишларини аниқлаш қийин. Бироқ металлларнинг координацион силжишини ҳисобга олиб ва диффузион акс электрон спектрларини қўллаб, марказий ионнинг геометрик кофигурациясини аниқлаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, рух сукцинатининг ацетамидли координацион бирикмасининг таркиби, тузилиши ва индивидуаллиги ИҚ-спектроскопик усул ёрдамида ўрганилди. Координацион бирикманинг тузилиши ва хоссалари марказий атом ва лиганд табиатига боғлиқлиги квант-кимёвий усул ёрдамида аниқланди.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Мукимова Г.Ж., Каримов А.Д., Зарипова Р.Ш. Синтез и свойства координационные соединения **Cu (II) Ni (II) Co (II)** ацетамида. UNIVERSUM: технические науки: науч.журн. Москва 2019. № 6(60)

2. Мукимова Г.Ж., Тураев Х.Х., Эшкараев С.Ч., Мирзаев И.Ж. Координационные соединения сукцинатами меди и цинка с ацетамидом / Тезисы докладов XXIII Международной Чугаевской конференция по координационной химии. г.Одесса, 4-7 сентября 2007 г. С. 543-544.

## МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН АДСОРБЕНТЛАРИНИНГ ХЎЛЛАНИШ ИССИҚЛИГИ ВА ФИЛЛИК ХОССАЛАРИ

т.ф.н., доцент Хандамов<sup>1</sup> Д.А., Бекмирзаев<sup>2</sup> А.Ш.,  
Дониёров<sup>3</sup> С.А., Хамдамова<sup>4</sup> Д.К.

<sup>1,4</sup> Тошкент кимё-технология институти  
100011, Ўзбекистон, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 32-уй.  
Тел.: (0371)244-79-20, (+99897 345-04-82, E-mail: info@tcti.uz, dxandamov@mail.ru

<sup>2,3</sup> Қарши муҳандислик- иқтисодиёт институти  
180100, Ўзбекистон, Қарши ш., Мустақиллик кўчаси, 225.  
Тел.: (0375)221-09-23, E-mail: atm@qmii.uz

Бентонитлар ҳозирги вақтда бурғулаш эритмаларнинг реалогик хоссаларини яхшилаш [1], кўмир брикетларда боғловчи ва қаттиқлигини оширувчи қўшимча [2] турли микроорганизмларни ютувчи адсорбент [3], оғир металллар ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланган сувларни тозалашда [4], пардозлаш фабрикалари оқава сувлардан бўёқ моддаларни тутиб қолишда [5], техник олтингугуртдан тозаланган олтингугурт олишда [6] ва бошқа мақсадларда кенг қўлланилмоқда. Бундай мақсадларда қўлланиладиган адсорбентларни сирт фаол моддалар билан фаоллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур тадқиқот ишида, махсус усуллар ёрдамида Навбахор ишқорий бентонитининг натрийли формаси, натрий бентонит – NaБ га махсус усуллар билан катион сирт фаол моддалар таъсир эттирилган ҳолда, метиламмоний бентонит - МАБ, этиламмоний бентонит - ЭАБ, тетраметиламмоний бентонит - ТМАБ, пиридиний бентонит - РуБ ва полигидроксиалюминий бентонит - ПГАБ каби модификацияланган намуналар олинди.

Адсорбентларнинг муҳим хоссаларидан бири бу уларнинг сирт юзаси ҳисобланади. Шу мақсадда, адсорбентларнинг сирт юзаси филлик хусусиятларини Шоттки микрокалориметри ёрдамида суюқлик сифатида сув ва бензол ёрдамида аниқланди [7]. Бунда, дастлаб адсорбент намуналари яхшилаб, шарикли майдалагич ёрдамида майдаланади. Сўнг ўлчами  $25 \cdot 10^{-5}$  м бўлган элакдан ўтказилди ва аналитик торозида 1 гр тортиб олинади.

Адсорбент намуналари 423К да қиздирилиб, Мак-Беннинг вакуумли қурилмасида системада қолдиқ босим  $1 \cdot 10^{-3}$  Па бўлгунча 6-

8 соат давомида вакуумланиб термик ишлов берилди. Бунда модификацияланган адсорбентлар таркибидаги физик адсорбцияланган сув ва бошқа газ молекулалари чиқиб кетади. Сўнг модификацияланган адсорбентлар солинган ампулалар навбат билан Шоттки калориметр ичидаги суюқлик муҳитида синдирилди ҳамда уларнинг хўлланиш иссиқлиги 293К да аниқланади. Шоттки калориметрида хўлланиш иссиқлигининг аниқлик даражаси адсорбент массаси  $10^{-3}$  кг бўлганда  $\pm 0.5$  кЖ/кг га тенг.

Хўлланиш иссиқлик қиймати адсорбентларнинг гидрофиллик хоссаларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Хўлланиш жараёнида адсорбент сирт юзаси ва суюқлик молекулалари ўзаро таъсирлашиб, молекуляр қатлам ва водород боғлар ҳосил бўлиши орқали боғланади. Шу боисдан адсорбент суюқлик билан таъсирланишидан хўлланиш иссиқлиги  $q$ , ажралиб чиқади. Адсорбент юзасининг тўлиқ энергиясини қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$Q=S(E_1-E_2)$$

Бу ерда: S- адсорбентнинг солиштирма юзаси;  $E_1$ -адсорбент-ҳаво чегарасининг тўлиқ энергияси;  $E_2$ -адсорбент-суюқлик чегарасининг тўлиқ энергияси. Адсорбент-ҳаво чегараси энергияси ( $E_1$ ) доимо адсорбент-суюқлик чегараси энергияси ( $E_2$ ) дан катта бўлади, яъни  $E_1 > E_2$  ёки  $Q > 0$ .

Хўлланиш иссиқлиги қиймати адсорбент ва суюқлик молекулалари таъсирланиш кучига боғлиқ. Адсорбентлар қутбли молекулалар билан таъсирлашганда хўлланиш иссиқлик эффекти юқори, қутбсиз молекулалар билан ўзаро таъсирлашганда хўлланиш иссиқлик эффекти аксинча бўлади.

Қуйидаги жадвалда модификацияланган адсорбентларнинг сув ва бензолда хўлланиш иссиқлиги ва гидрофиллик хоссалари келтирилган.

Ноорганик катионли бентонитлар (NaБ ва ПГАБ) нинг сув билан хўлланиш иссиқлик қиймати органик катионли бентонитларнинг (МАБ, ЭАБ, ТМАБ, РуБ) сув билан хўлланиш иссиқлигига нисбатан 2-3 маротаба юқори бўлди. Бу биринчидан, қаватлар орасидаги алмашинувчи натрий катионларнинг органик катионларга катионларга тўлиқ алмашинганлигидан, яъни органик катионларнинг сув молекулалари билан гидратланишдаги ўзига хослигидан, иккинчидан томондан, органик катионлар билан

модификацияланган бентонитларнинг орғанофил хусусиятлари билан боғлиқ дейиш мумкин.

Жадвал

**Модификацияланган гил адсорбентларининг гидрофиллик хоссалари**

Адсорбентлар	Хўлланиш иссиқлиги, кЖ/кг		Филлик коэффициенти, $\beta$
	Сув	Бензол	
НаБ	95,20	26,44	3,60
МАБ	22,42	28,01	0,81
ЭАБ	24,64	25,64	0,96
ТМАБ	22,75	47,40	0,48
РуБ	40,20	73,09	0,55
ПГАБ	97,37	59,74	1,63

Органик катионли адсорбентлар орғанофил сирт юзасига эга бўлганлиги сабабли бензол билан хўлланиш иссиқлиги юқори бўлиши аниқланди. Масалан пиридиний бентонитнинг сувда хўлланиш иссиқлиги 40,20 кЖ/кг га бензолда эса 73,09 кЖ/кг га тенг бўлгани ҳолда филлик коэффициенти  $\beta$  0.55 га тенг эканлигини кўриш мумкин. Адабиётларда  $\beta > 1$  катта бўлса гидрофил  $\beta < 1$  кичик бўлса лиофил деб қабул қилинган. Шунга кўра, модификацияланган адсорбентларнинг лиофиллик хоссалари бўйича қуйидигича қаторда жойлаштириш мумкинлиги аниқланди:

$$\text{ЭАБ} > \text{МАБ} > \text{РуБ} > \text{ТМАБ}$$

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бентонит - ОСС (модифицированный орғанобентонит) [https://npdp.ru/catalog/bentonit\\_dlya\\_bureniya/bentonite\\_oss\\_modifitsirovannyy\\_organobentonit.html](https://npdp.ru/catalog/bentonit_dlya_bureniya/bentonite_oss_modifitsirovannyy_organobentonit.html) (дата обращения: 26.12.2018).

2. Бродский Ю.А, Файнштейн И.З., Будаев С.С. Применение орғано-бентонита при брикетировании углей // Ж. Уголь. – 2010. – № 7. – С. 45-49.

3. Тихомирова Е.И., Заматырина В.А., Бойченко Е.А., Кошелев А.В. Экологическое обоснование получения и применения


биологически активных органобентонитов // Фундаментальные исследования. – 2013. – № 4-3. – С. 660-662.

4. Заматырина В. А. Метод очистки сточных вод от тяжелых металлов и нефтепродуктов с использованием модифицированного органобентонита: Автореф. дис. ... канд. техн. наук. – Пенза. СГТУ, 2015. – 19 с.

5. Нуриддинова Ф.М. Пардозлаш фабрикаларидаги оқава сувлар таркибидан актив бўёвчи моддаларни адсорбциялаш // Ученый XXI века. Международный научный журнал. – 2016. – № 2-1. – С. 11-15.

6. Шарипов А. Маҳаллий хомашёлар асосидаги олтингугурт сақловчи дори воситаларни ишлаб чиқиш ва стандартлаш: Автореф. дисс.... докт. фармац. наук – Т.: ТФИ, 2016. – 28 с.

7. Мищенко К.П., Поронина Н.З., Сухотина А.М. Простой микрокалориметр для изучения неводных растворов // Журн. прикл.хим.1954.Т.27. N:29. С.100.



### *Section 3*

## *Biological Sciences*



## *Section 4*

### *Geological and mineralogical Sciences*





## КОНСТРУКЦИЯ ЗЕМЛЯНОГО ПОЛОТНА С УЧЕТОМ СЕЙСМИЧНОСТИ РАЙОНА И СКОРОСТНОГО ДВИЖЕНИЯ ПОЕЗДОВ

д.т.н., проф. Абдужабаров<sup>1</sup> А.Х., докторант – Бегматов<sup>2</sup> П.А.

<sup>1,2</sup>Ташкентский Государственный транспортный университет, 100001,  
Ташкент, Узбекистан, ул. Адылходжаева 1.

Тел.: (+99871) 299-00-01. E-mail: tashiit\_rektorat@mail.ru

### **Аннотация:**

*В статье исследована работа земляного полотна железной дороги при движении скоростном движении поездов. Были даны рекомендации усиления земляного полотна с учетом реального состояния основания дороги.*

### **Ключевые слова:**

*земляное полотна, скоростное движение, укрепление земляного полотна, основание дороги.*

Земляное полотно является инженерным сооружением и должно нормально функционировать при любых погодных условиях и дополнительной нагрузке от подвижного состава при скоростном движении и возможном сейсмическом воздействия. Известно, что скоростное движение поездов создает амплитудно-частотные колебания в земляном полотне [2, 3].

Состояние земляного полотна во многом зависит от подвижного состава и технической скорости движения поездов. Надежность работы железной дороги обеспечивается конструкцией земляного полотна, ее основаниям и уровням грунтовых вод.

Земляное полотно дорог довольно редко проектируется на скальном участке основания и эти участки имеют небольшую протяженность. Однако сложность такого основания в сейсмическом отношении заключается в противоречивости его характеристик. Несомненно, скальное основание предпочтительно по ряду причин: большая длина сейсмической волны, меньшая амплитуда колебаний, оно практически не дает просадки и др. Однако спектр колебаний основания имеет высокие частоты (8-10 Гц), очень близкие к колебаниям земляного полотна, что может дать при землетрясении

на таком основании явление резонанса. Кроме того, сейсмическая нагрузка по ШНК 2.01.20-16 зависит от коэффициента динамичности и периода свободных колебаний сооружения, а максимальные значения сейсмических нагрузок на земляное полотно составляют при периодах колебаний от 0,1 до 0,2 с.

При нескальных, но прочных грунтах оснований периоды колебаний увеличиваются до 0,5 с, а периоды свободных колебаний земляного полотна насыпи – до 0,3 с, т.е. явления резонанса не предвидится, а максимальные значения коэффициента динамичности принимают по ШНК 2.01.20-16 для периодов свободных колебаний до 0,6 с. На песчаных основаниях большой мощности периоды их колебаний достигают 1 с и более.

Сильно деформирующиеся основания из слабых грунтов способствуют возникновению растягивающих напряжений в грунте земляного полотна, вследствие чего могут возникнуть трещины, о чем свидетельствуют последствия землетрясений. Кроме того, деформативность основания приводит к увеличению периодов собственных колебаний земляного полотна по сравнению с их значениями, определенными для условий недеформируемого основания.

На участках тектонических разломов обеспечить сейсмостойкость земляного полотна очень сложно, т.к. остаточные деформации основания вдоль таких разломов при сильных землетрясениях могут достигать нескольких метров. Поэтому при проектировании дорог на этих опасных участках нужно избегать дорогостоящих искусственных сооружений.

Проектирование, строительство эксплуатация железных дорог на сейсмоопасных и на скоростных участках является очень сложной задачей, вместе с тем для строительства земляного полотна и балластной призмы нужно использовать материалы высокого качества, а также транспортировка их значительно увеличивает стоимость строительства.

Поведение земляного полотна при сейсмическом воздействии и скоростном движении поездов зависит от его протяженности, т.е. когда  $Z_{з.п} / H \geq 12$  (где  $Z_{з.п}$  – длина выемки). Для протяженного земляного полотна характерна работа по схеме плоской системы, т.е. в расчетах возможно рассматривать не сооружение в целом, а одно его центральное сечение. Протяженность земляного полотна определяется наличием моста, оврага или русла и других элементов,

прерывающих земляное полотно. В руслах рек, оврагов земляное полотно имеет более высокие частоты свободных колебаний, на подходах к мостам – меньше, чем протяженное земляное полотно и разница колеблется от 20 до 60 %. Это подтверждают и последствия сильных землетрясений: на подходах к мостам, трубам больших сечений земляное полотно получает наибольшие повреждения, на протяженных участках – значительно меньше повреждений, а в руслах оврагов и наибольших рек с малой поймой и прочным основанием – наименьшие повреждения.

На динамическую жесткость земляного полотна влияет также топография трассы дороги. Резкое изменение глубины выемки, высоты насыпи, косогорности основания, смена уклонов местности, наличие вертикальных уступов, впадин разделяют земляное полотно на отдельные части, которые колеблются при землетрясении и скоростном движении поездов с различными динамическими параметрами, что и приводит к различным по величине трещинам на этих участках.

Виды грунтов являются основным фактором, от которого зависит сейсмостойкость земляного полотна, как и всего инженерного сооружения, выполненного из грунта. Как на статическую, так и на динамическую устойчивость земляного полотна влияют и расположение, и характеристики грунта в сейсмическом отношении важны не только прочностные характеристики грунта (угол внутреннего трения, плотность, сцепление), но и так называемая акустическая жесткость  $\rho v_s$ , где  $\rho$  – плотность;  $v_s$  – скорость распространения поперечных волн в грунте. Если грунты различаются по акустической жесткости в 2 раза, то это приводит к различию в значениях модуля сдвига в 4 раза, что соответствует соотношению между гравелисто-галечниковыми смесями и мелкозернистыми песками [3]. Сейсмостойкость земляного полотна существенно зависит от размера и формы частиц грунта: рваный камень из-за своей высокой прочности и формы способствует зацеплению отдельных камней друг за друга даже при высокой сейсмичности, что обеспечивает устойчивость откоса и сооружения в целом. Достаточно высокой сейсмичностью обладает земляное полотно дорог при связных грунтах, но при условии соблюдения технологии уплотнения. Технология производства земляных работ должна гарантировать не только высокое уплотнение грунта, но и равномерное как по протяженности

сооружения, так и по его высоте. Опасно недостаточное и неравномерное уплотнение грунта. Наибольшим повреждениям подвержены земляные сооружения с уровнем грунтовых вод близким к основанию, том числе и земляное полотно дорог, что объясняется, различной степенью увлажнения грунта [1].

При совпадении трассы дороги с направлением сейсмической волны отдельные точки в одни и те же моменты времени смещаются в противоположных направлениях, т.е. имеют сейсмическое ускорение различных знаков. Это создает растягивающие напряжения, что и приводит к большим поперечным трещинам, что наблюдается и при скоростном движении поездов.

Армирование грунта земляного полотна является наиболее эффективным конструктивным мероприятием для обеспечения устойчивости при скоростном движении и его сейсмостойкости, т.к. позволяет грунту сопротивляться растягивающим напряжениям, которые возникают при колебательных процессах. Арматурой в грунте могут служить материалы, обладающие достаточной прочностью на растяжение и имеющие необходимое значение коэффициента трения с грунтом при его различной влажности. Непременным условием арматуры является устойчивость против коррозии и определенная эластичность арматуры (при этом материалом могут служить металл, дерево, пластики и отходы синтетики [2]). Арматура превращает сыпучий грунт в связный грунт, что экономически оправдывает себя в том случае, когда коэффициент трения между трением грунтом и арматурой составляет не менее 0,35.

Для этого необходимо разрабатывать системные и технологические решения для обеспечения надежной работы железных дорог при проектировании и строительстве в пустынных районах со слабым грунтовым основанием, которые может привести к большим деформациям земляного полотна при скоростном движении поездов.

## Библиография

1. Переселенков Г.С., Песов А.И., Целиков Ф. И., Абдужаббаров А.Х. Материалы и инженерные решения сейсмологических армогрунтовых конструкций земляного полотна // Транспортное строительство. – 1990. №4. С. 6-8. г. Москва.

2. Абдужабаров А.Х. Влияние скоростного движения поездов на лавинозащитные сооружения. Материалы первой Международной научно-практической конференции. КАЗ АТК. Алматы. 2000. С. 96-100.

3. Абдужабаров А.Х., Бегматов П.А., Мехмонов М.Х. Движение поездов как источник сейсмических волн воздействия на верхнее строение пути и земляное полотно железных дорог. Ташкент. Вестник. №2. 2019. С. 105-109.

## МОБИЛЬНЫЕ КАМНЕЗАЩИТНЫЕ СООРУЖЕНИЯ НА ЖЕЛЕЗНЫХ ДОРОГАХ

д.т.н., проф. Абдужабаров<sup>1</sup> А.Х., Мехмонов<sup>2</sup> М.Х.

<sup>1,2</sup>Ташкентский Государственный транспортный университет, 100001,  
Ташкент, Узбекистан, ул. Адылходжаева 1.  
Тел.: (+99871) 299-00-01. E-mail: tashiit\_rektorat@mail.ru

### *Аннотация:*

*В статье разработаны конструкции защитных сооружений от камнепада, отличающиеся возможностью их перемещения и усиления при изменении параметров дороги.*

### *Ключевые слова:*

*сваи, железобетонные ограждения, укрепительный слой, полотно, каменные наброски.*

Для обеспечения скоростного движения железных дорог, увеличиваются радиусы вертикальных и горизонтальных кривых, что часто приводит к изменению расположения полотна дороги. Смещение расположения полотна дороги приводит к удалению или сближению с защитными инженерными сооружениями. Ими чаще всего бывают подпорные массивные стенки или ограждающие стенки, которые не могут выполнять свои функции при изменившихся ситуациях расположения дороги.

Предлагаемые мобильные ограждающие сооружения должны обладать следующими свойствами:

1. Быть более дешевыми по сравнению с существующими.
2. Иметь возможность недорогого наращивания мощности из-за меняющейся ситуации на дороге.
3. Технология эксплуатации и переноса этих сооружений должна быть технологически проста с наименьшей затратой ручного труда.

Сближение полотна дороги с подпорной стеной приводит к необходимости наращивания высоты стены, что невозможно, т.к. активное давление грунта возрастет, а фундамент увеличить практически невозможно. Удаление полотна дороги приводит к ненужности существующей подпорной стены, что также экономически неприемлемо [1].

При строительстве дорог происходит изменение крутизны косогора, что приводит к активизации схода камней особенно в начальный период. Учитывая, активность камнепада для защиты будущей дороги, проектируются соответствующие камнезащитные сооружения, чаще всего мощные монолитные подпорные стенки. В процессе эксплуатации, в начальный период, эти сооружения полностью соответствуют сложившейся ситуации - построенная дорога в полной безопасности. Проходит время и активность камнепада на этом участке снижается и дорогостоящее сооружение бездействует, перемести его нецелесообразно экономически. Иногда мы видим обратную картину – склон с камнепадом постепенно активизируется. Путьцы и дорожники вынуждены строить новые защитные сооружения [2].

В горной местности защита железной дороги осуществляется в основном железобетонными подпорными или ограждающими стенками, что является очень дорогим сооружением, стоимость которого возрастает с увеличением отметки сооружения над уровнем моря и сложностью рельефа местности. Поэтому нетрудно сделать вывод, что это сооружение должно быть по возможности сборными, обладать малым весом и легко подвергаться ремонту с небольшими затратами.

Отдельные каменные наброски из щебня (рис.1) и усиленные железобетонными сваями служат надежной защитой железной дороги, являясь недорогим инженерным сооружением и легко переносимым мобильным сооружением [3].


При необходимости возможно усиление конструкции по высоте и ширине укрепительного слоя с забивкой более длинных свай и частотой забивки (рис. 2).

Целесообразно сваи забивать под углом  $\alpha$  ( $\alpha=20\div 30^\circ$ ), что позволяет увеличить сопротивление ударным нагрузкам от падающих камней.


При возможном большом камнепаде возможна деформация части насыпи и изменение профиля защитной насыпной части, что нетрудно восстановить при небольших затратах, но будет обеспечена безопасная работа полотна железной дороги.

Недорогим, но достаточно эффективным методом защиты полотна дороги, являются “ежевые” укрепления также с наброской камня и щебня (рис. 3).






**Рис 1. Применение железобетонных коробок с наброской камней**  
1-железобетонные коробки, 2-каменная наброска, 3-дорога.



**Рис 2. Укрепительный слой с забивкой свай**  
1-железобетонные сваи, 2-укрепление камнем и щебнем, 3-полотно железной дороги.



**Рис 3. “Ежевые” укрепления с наброской камня.  
1- железобетонные “ежи”, 2- укрепление камнем и щебнем,  
3- полотно железной дороги, 4-яма для сбора камней.**

### **Библиография:**

1. Абдужабаров А.Х., Мехмонов М.Х. Вибрационные воздействия от движущегося транспорта на береговую опору моста. Проблемы механики. Ташкент, 4/2019.с 94-98.
2. Абдужабаров А.Х., Бегматов П.А., Мамадалиев А.Ю. Укрепление земляного полотна при скоростном движении поездов. Вестник КаздорНИИ. №1-2 (60-62) 2019.с 408-411.
3. Абдужабаров А.Х. Сейсмостойкость автомобильных и железных дорог. КАСИ. Бишкек, 1996. с 226.

## МАРКАЗЛАР ВА ТЕРМИНАЛЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

I. Ganiev

т.ф.н., доцент Адилов<sup>1</sup> О.К., Ўразалев<sup>2</sup> Ф.Б.

<sup>1,2</sup> Жиззах политехника институти, 130100, Жиззах шаҳри,  
Ўзбекистон, Ислон Каримов проспекти, 4. Тел.: (0372)226-46-05. E-  
mail: dgpi\_info@edu.uz

Транспорт тизими интеграцияси ва инновациясига нисбатан модуль ёндашув, юкларни манзилга етказишнинг мураккаб жараёнларини типиклашувига асосланган бўлиб, индустриал технологияларни рўёбга чиқаришга имкон беради. Чет эллик таҳлилчиларнинг баҳолашларича, ташишга йўлдош бўлган жараёнларнинг кенг унификацияси ва модуллиги ҳисобига ташиш таннархини 30-35% га камайтириш мумкин экан.

Юқори даражада рақобатдош бўлган халқаро автомобил юк ташишларида самарадорликни таъминлаш учун транспорт компанияларига катта юк айланмаси зарур бўлади. Транспорт операцияларини юқори интензивлик билан амалга ошириш мураккаб ташкилий тузилмага эга компанияларда мумкин бўлади. Транспорт хизматлари бозоридаги замонавий тузилмавий логистик концепциялар мултиагентлик, масалан, франчайзинг ва корпоратив бошқарув тамойилларига асосан барпо этиладиган тизимларга босқичма-босқич ўтиш билан боғлиқ.

Транспорт соҳасининг давлат томонидан тартибга солиш даражасини пасайганлиги туфайли, мазкур тармоқ корхоналари хизмат кўрсатиш таклифлари борасида эркинликга эга бўлди. Бу эса, ўз навбатида, транспорт ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш орқали мижозлар айланма маблағларининг бир қисмини бўшатилишига эришилади. Шу муносабат билан товарларни етказиб бериш сифатига бўлган талаблар янада катъий тус олди, транспорт турини танлашдаги мезонларнинг муҳимлиги даражаси ҳам ўзгаришларга дуч келди. Буларнинг барчаси логистик занжирдаги алоқаларнинг ўзгаришига, ташишлар тузилмасидаги силжишларга, умуман олганда транспортга бўлган янги қарашга ва транспорт сиёсатининг қайта кўриб чиқишига олиб келади.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар кўпчилик логистик функциялардан ўзини озод этиш ва харажатларни пасайтириш,

ҳамда фаолиятдаги эгилувчанликни ошириш мақсадида бутун эътиборни асосий фаолиятга қаратишдан манфаатдор бўлади. Таҳлилларнинг кўрсатишича, бундай сиёсат қатор ижобий томонларга эга: буюртмани қайта ишлаш цикли қисқаради, товар-моддий бойликларни сақлаш ўрнига эса транспорт оқимлари майдонга келади.

Ўз навбатида транспорт корхоналари ўз фаолиятининг кенгайтирилган диверсификациясини мамнуният билан қарши олади. Бу эса мижозларни жалб қилиш салоҳиятини оширади, фойдани кўпайтиради, энг янги транспорт технологияларини жорий қилинишини тезлаштиради, транспорт хизматлари бозоридаги ҳолатини мустаҳкамлайди.


Транспорт жараёнини мажмуавий амалга оширишга йўналтирилган барча қарорлар ва ҳатти-ҳаракатлар тақдим этилаётган хизматлар сиёсатига тегишли бўлади. Масалан, АҚШнинг турли корхоналари 70%и ташиш ишларини бажариш ва ҳисоб-китобларни расмийлаштириш функцияларини транспорт корхоналари зиммасига юклаганлар, корхоналарнинг 20-22% эса ташиш нархини белгилаш, омборхона операциялари ва етказиб беришнинг оптимал йўналишини танлаш билан боғлиқ ишлардан транспорт корхоналари фойдасига воз кечганлар. Шунингдек, ташувчи корхоналар йўлдаги юкларни кузатиш функциясини ҳам ўз зиммасига олишни фойдали деб топганлар. Бундан ташқари улар логистик жараённинг барча иштирокчилари ўртасида электрон ахборот алмашинувини ташкил этиш ва ахборотни сақлаш билан ҳам шуғуллана бошладилар. Натижада, ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 12-15% бу функциялардан ўзини озод этди. Ва ниҳоят, корхоналарнинг 7-11% товар-моддий захираларни назорат қилиш, буюртмаларни бажариш ва транспорт воситалари паркинги эксплуатация қилиш функцияларини ташувчиларга топширганлар.

Юқорида айтилганларнинг барчаси товарларнинг логистик тизимда ҳаракатланишида транспорт муҳим рол ўйнаши ва товар рақобатдошлигини белгилашидан далолат беради. Шундай қилиб, юқорида тилга олинган омиллар ҳисобига, ташувчини танлаш масаласи логистик тизим фаолияти самарасини кучайтириши ёки пасайтириши тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Товар айланмасининг кўпайиши ва ҳўжалик алоқаларининг кенгайиши шароитларида, Ўзбекистонда терминал тўғрисида,

юкни қайта ишлаш ва юкларни йиғиш билан боғлиқ минимум функцияларга эга омбор сифатида, шакланган анъанавий тасаввур ўзгариб бормоқда. Унинг ўрнига кенг спектрдаги хизматларни кўрсатадиган ва замонавий технологик ускуналарга эга бўлган, муҳандислик-техник қурилмалар мажмуасидан иборат йирик транспорт-тақсимот логистик маркази бўлмиш кўп функционал терминал мажмуаси тушунчаси кириб келмоқда.

Намунавий универсал юк терминали чизмаси расмда келтирилган.



Расм. Намунавий универсал юк терминалининг схемаси

Модул тизими Жиззах шаҳрида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий ҳудуд, Жиззах вилоятида ташкил этилган юк терминали ва ҳудудларда ташкил этилган пахта терминаллари имкониятларидан халқаро йўналишларда экспорт-импорт юкларни ташишни оптималлаштириш, ушбу терминаллар имкониятларидан “қуруқ порт” сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш, ЖЭИИХ ва юк терминаллар салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳамда логистик харажатларни камайтиришга имконият яратади. Интермодал марказлар фаолиятини

такомиллаштириш бўйича чуқур тадқиқотларни давом эттириш тақозо этилиши аниқланди.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Солиев Э.А., Назаров К.М., Адилов О.К. Транспорт логистика асослари. Т. Райхона Хондамир. 2014 й. 138 - б.
2. Топалиди В.А. и др. «Международные автомобильные грузовые перевозки». Ташкент - 2007 г.

## **ВОЛЬФРАМ КАРБИДИ КУКУНЛАРИНИНГ ХОССАЛАРИГА КАРБИДЛАШ ЖАРАЁНИ ҲАРОРАТИНИ ТАЪСИРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**Алланазаров<sup>1</sup> А.А.**

**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети  
докторанти,**

**100095, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй.  
E-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz); Тел.: +(99871)246-46-00; +(99890)335-00-99**

*Мақолада вольфрам карбири кукунларининг карбидлаш жараёнидаги ҳарорат вольфрам карбири кукунларининг донадорлиги ҳамда структура – фазалар таркибига таъсири келтирилган. Ҳар бир намуналар устида олиб борилган ренгеноструктура таҳлили натижасида олинган рентгенограмманинг штрих-диаграммаси келтирилган.*

Вольфрам карбири (WC) кукунларининг асосий хоссаларига: структура-фазалар таркиби, донадорлиги, заррача ўлчами ва шакли ҳамда таркибидаги боғланган ва эркин углерод миқдори киради. Карбидлаш жараёнининг ҳароратини WC хоссаларига таъсирини тадқиқ қилишда донадорлиги 5..6 мкм вольфрам кукунлари тўлиқ WC фазадан ташкил топиши 1800 °C ҳароратда бўлиб ўтганлиги келтирилган [1, 3]. Шунга асосланган ҳолда донадорлиги 8,5...10,5 мкм бўлган вольфрам кукунини карбидлаш ҳароратини 1900, 2000, 2100, 2200 °C гача белгилаб олинди.

Карбидлаш жараёнининг вақт давомийлиги асосан вольфрам кукунининг донадорлигига ва печьга ортилган миқдорига кўра белгиланади [2].

Унга кўра массаси 1 кг, донадорлиги 4..6 мкм бўлган вольфрам кукунларининг карбидлаш жараёнининг ўртача давомийлик вақти 1,0...1,5 соат ташкил этган. Шунга асосланган ҳолда донадорлиги 8,5...10,5 вольфрам кукунини карбидлаш жараёнининг вақт давомийлигини ўртача 2 соат деб белгилаб олинди.

Карбидлаш жараёнини олиб бориш учун водород муҳити танланди. Чунки у нафақат вольфрамани карбидланиш жараёнига балки карбидлашчи печьни ишлаш муддатига ижобий таъсир кўрсатади [1, 2].

Вольфрам карбидининг структур-фазалар таркибига карбидлаш ҳароратини таъсирини тадқиқ қилиш - вольфрам карбиди кукуннинг сифати асосан WC - фазаси ва уни углерод билан тўйинганлиги ҳамда таркибидаги эркин углерод миқдори билан аниқланди. Шунинг учун биз экспериментал тадқиқотда, карбидлаш жараёни ҳароратини WC - структура-фазалар таркибига ва ундаги боғланган ҳамда эркин углерод миқдорини аниқлаш орқали амалга ошириб борилди.


Карбидлаш жараёнини ҳароратини WC кукунини структура-фазалар таркибига таъсирини тадқиқ қилиш: 1900, 2000, 2100, 2200 °C ҳароратлар орасида олиб борилди. Бунда жараёнини вақт давомийлиги барча ҳароратлар учун бир хил 2 соат деб белгилаб олинди.

Турли ҳароратларда ва бир хил вақт давомида карбидлаш жараёнидан ўтган намуналарни структура-фазалар таркибининг таҳлили Ultima IV - рентгенли дифрактометрида (XRD) амалга оширилди. Бунда ҳар бир ҳароратда олинган намуналарнинг таркибидаги мавжуд бўлган фазалари аниқлаб борилди. Ҳар бир намуналар устида олиб борилган рентгеноструктура таҳлили натижасида олинган рентгенограмманинг штрих-диаграммаси 1 - расмда келтирилган.

Турли ҳарорат ва бир хил вақт давомида карбидлаш жараёнидан ўтган намуналарнинг сифати рентгеноструктура таҳлили натижаларига кўра 1900 °C ҳароратда 2 соат давом этган карбидлаш жараёни натижасида (1,а- расм) намуна W - карбидланишга улгурмаган вольфрам фазаси, W<sub>2</sub>C - қуйи вольфрам карбидининг фазаси ва WC - юқори вольфрам карбидининг фазаларидан ташкил топган. 2000 ва 2100 °C ҳарорат ва 2 соат вақт довом этган карбидлаш жараёни натижасида намуналар W<sub>2</sub>C ва WC фазаларидан ташкил топган бўлиб, бу намунада W - фаза аниқланмади (1, б, в - расмлар).

Аммо улар бир биридан W<sub>2</sub>C ва WC - фазаларини интенсивлик бўйича фарқ қилди. 2200 °C ҳароратда 2 соат давомида карбидланган намуна тўлиқ WC - юқори вольфрам карбиди фазасидан ташкил топган.





**1 – расм. Турли хароратларда ва 2 соат давомида карбидланган намуналарнинг дифрактограмманинг штрих-диаграммаси:**  
 а – 1900 °С; б – 2000 °С; в – 2100 °С; д – 2200 °С

Олинган натижаларга кўра жараён давомида вольфрам кукунинг карбидланиш тезлиги асосан углеродни вольфрам кукуни заррачаларининг юзасида тез хосил бўлган WC қатлаидан заррачанинг ичкарасига диффузияланиш тезлигига боғлиқ холда бўлиб ўтган (1, а – расм.). Чунки жараёнининг ҳарорати 2000 °С ошиши билан углеродни WC – фаза қатлаидан заррача ичкарасига диффузияланиш тезлиги ошган, буни натижасида углерод, заррачалар марказигача етиб борган, шунинг учун штрих-диаграммада W – фаза йўқ. Бу ҳолат намуналарда W<sub>2</sub>C – қуйи вольфрам карбид фазасининг миқдорини WC – фазасига нисбатан ортишидан ҳам тасдиқлашимиз мумкин (1, б – расм.). Ҳароратни 2100 °С ортиши W<sub>2</sub>C – фазани углеродга тўйиниш тездиги ортган, буни натижасида намунада WC – фазанинг миқдори орта бошлаган (1, в – расм.). Ҳарорат янада 2200 °С ошиши заррачалар марказидаги W<sub>2</sub>C – фазани углеродга тўйинишини таъминлаган, аммо WC – фазасини углерод билан тайинишига жараён вақтининг давомийлиги етмаган шунинг учун WC – фазасида углероднинг миқдори 5,64% ташкил эган.

### **Хулоса.**

Ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари, йирик донали вольфрам кукун заррачалари тўлиқ карбидланиши нафақат жараён ҳароратга боғлиқ балки жараён вақтига ҳам боғлиқ эканлигини кўрсатди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бабич Б.Н., Вершинина Е.В., Глебов В.А. и др. Металлические порошки и порошковые материалы: справочник/ под ред. Ю.В. Левинского. – М.: ЭКОНОМЕТ, 2005. – 520 с.

2. С.А. Краснов, Е.И. Геллер, Т.А. Рокач, Т.Б. Горбачев. Взаимосвязь свойств порошков вольфрама, карбида вольфрама и технологии их получения. Современные проблемы порошковой металлокерамики и композиционных материалов. ИПМ. Украина, 2000 с. 9-13.

3. ГОСТ 22662. Порошки вольфрам карбида. Определение гранулометрического состава. -М.: Издательство стандартов, 2010.

4. A.X. Rasulov, S.D. Nurmurodov A.A. Allanazarov Influence of structural -textural features of turbo - alloy products using tungsten treatment on their strength properties. TECHNICAL SCIENCE AND INNOVATION, Tashkent, №1/2020 pp 178-186.

## ҚИЙИН ЭРИЙДИГАН МЕТАЛЛАРНИНГ КУКУНЛАРИНИ ҚУРИТИШ, АРАЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАРТИБИНИ ТАНЛАШ ВА НАМУНАЛАР ОЛИШ

докторант Алланазаров<sup>1</sup> А.А.. доцент Расулов<sup>2</sup> А.Х.

Тошкент давлат техника университети,  
100097, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй.  
Тел.: +(99871)246-46-00; +(99890)335-00-99; +(99894)921-02-50.  
E-mail:tstu\_info@tdtu.uz;

*Мақолада қийин эрийдиган металллардан бири бўлган вольфрамнинг кукунларини қуритиш, аралаштириш жараёнларининг тартиблари ва вольфрам карбиди кукунлари намуналарини олиш келтирилган. Кукунларни қуритиш бўйича ўтказилган таҳлил натижаларини инобатга олган ҳолда қуритиш ҳарорати ва ҳимоя муҳити танланган. Кукунларни бир-бири билан сифатли аралаштириш учун махсус СКТ-1/100 русумли лаборатория аралаштиригичидан фойдаланилган.*

Вольфрам ва сажа (углерод) кукунини қуритиш жарёни ҳароартини, ҳимоя муҳитини ва вақт давомийлигини танлаш учун вольфрам кукунини карбидлаш технологиясига бағишланган адабиётлар таҳлили ўтказилди[1-3].

Уларда келтирилган маълумотларга кўра вольфрам кукунини 750...850 °С ҳароратда ва Н<sub>2</sub> муҳитида қуритиш: ундаги намлик, заррачалар юзасидаги (О<sub>2</sub>, N<sub>2</sub>, СО<sub>2</sub>) газларнинг тўлиқ хайдалиши ҳамда оксид пардалар қайта тикланишига олиб келган. Вольфрам кукунларини 750... 800 °С вакуум муҳитида қуритиш унинг таркибидаги намликни тўлиқ хайдалишидан ташқари яна хом ашёда учрайдиган Sn, Mg, Mn, Al, Cu, Ni, Fe каби қўшимча элементлар миқдорини 30%, Si ва С миқдорини 35% гача камайтирган. Бу эса WC кукунини сифатига ижобий таъсир кўрсатган.

Сажа(С) кукунини 250...300 °С ҳароратларда ва СО<sub>2</sub> муҳитида, махсус герметик ёплувчи шкафларидан амалга ошириш натижасида ундаги намлик тўлиқ ҳайдалган. Қуритиш муҳити сифатида Н<sub>2</sub> газини қўллаш сажани 8..8,5% газ оқимида сарфланишига олиб келган, бунда қуритиш жараёни давомлиги 1 кг сажа учун 10...15 дақиқани ташкил этган.

Кукунларни қуритиш бўйича ўтказилган таҳлил натижалари инобатга олган ҳолда тадқиқотлар учун вольфрам кукунини

қуришти 850 °С, химоялави муҳит сифатида водород танланди. Чунки вакуум муҳити асосан таркибида кўшимчалар миқдори кўп бўлган кукунларни қуриштига мўлжалланган. Сажани қуришти учун ишлаб чиқарувчиларнинг кўрсатмасига кўра ҳароратни 300°С, қуришти муҳити сифатида СО<sub>2</sub> танладик.

Таdqиқот намуналарини тайёрлаш учун жами массаси 65 кг бўлган вольфрам кукунларини қуришти жараёни 850 ±5 °С ҳароратда, водородни 0,1 м<sup>3</sup>/соат миқдорда узатиш орқали 3 соат давомида СТН-2.35 русумли печьда «Олиалиқ КМК» АЖга қарашли нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича “Илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси”нинг лабораториясида амалга оширилди.

Сажа кукунини қуришти жараёни 300±10 °С ҳароратда, СО<sub>2</sub> газни СНОЛ-3,5/3,5-И1 русумли қуришти шкафига 0,1 м<sup>3</sup>/соат миқдорда узатиш орқали амалга оширилди. Бунда СО<sub>2</sub> газни шкафга узатиш, олдин 500 °С гача қиздириб қўйилган қувирлар орқали амалга оширилди. Жами 3 соат давом этган жараёнда 5 кг сажа кукунини қуриштиб олинди.

Вольфрам ва сажа кукунларини бир-бири билан сифатли аралаштириш учун махсус аралаштурувчи қурилмалардан фойдаланилди. Бунинг учун WC кимёвий реакция тенгламасига муофик вольфрам ва сажа кукунларининг аралаштириш миқдорини ҳисоблаб чиқилди.

$$W + C = WC, \quad (1)$$

бунда W – вольфрам, моляр массаси 183,84 г/мол ;

C– сажа (углерод), моляр массаси 12,0107 г/мол;

WC – вольфрам монокристалли, моляр массаси 195, 8507 г/мол.

1-чи кимёвий реакцияга муофик ҳосил бўлган WC қотишмадаги углероднинг миқдори қуйидагича ҳисобланди:

$$C_{\%} = \frac{M_2}{M_2} = \frac{12,0107}{195,8507} = 6,1325\% , \quad (2)$$

бунда M<sub>1</sub>– вольфрам карбидининг моляр массаси;

M<sub>2</sub> – углероднинг моляр массаси.

Кўпчилик манбаларида келтирилган маълумотларга кўра WC кукунларини ишлаб чиқариш миқёсида вольфрам кукунини билан аралаштириш зарур бўлган сажа кукунининг миқдори 6,10...6,13% деб қабул қилинган[1-3]. Бу эса ҳисоблаб топилган миқдорга мос келади. Шунинг учун аралашмадаги сажа кукунининг миқдорини 6,13%, вольфрам кукун миқдорини 93,87% деб белгиланди.


Куқунларни аралаштириш учун 100 л ҳажмли конуссимон идишга эга бўлган СКТ-1/100 русумли лаборатория аралаштиригичида амалга оширди. Бунда аралаштиригич идишига кетма-кет жами 65,0 кг вольфрам куқуни ва 4,25 кг сажа куқуни киритилди. Идишининг айланишлар тезлиги 50 айл/дақ ва хар 2 соатда уни тўхтатиб куқунлар аралаштириш даражасини юқорида келтирилган тартибда эркин углерод миқдорига текшириб борилди.

Аралаштириш жараёнининг 2-чи соатида олинган аралашма намунасида сажа(углерод) миқдори 1,5% ташкил этди, аралаштиришни 4-чи соатда эса у ўртача 3,2% миқдорни ташкил этди. Кейинги 6-чи ва 8-чи соатларида углероднинг ўртача миқдори 3,3% дан бошқа ўзгармади. Куқунларни аралаштириш жараёнини жадалаштириш мақсадида аралаштиригич идишига 1 л АИ80 бензин киритилди. Бензин киритилгандан кейин аралаштириш жараёнининг хар 2 соатдан яна намунадаги эркин углерод текшириб борилди. Аралашмага бензин киритилиши натижасида 2 соатда углерод миқдори 5,7%, 4 соатда эса 6,13% углерод вольфрам куқуни билан тўлиқ аралашганини кўрсатди.

Вольфрам куқунларини сажа билан карбидлаш жараён вақт давомийлигига WC куқунининг донадорлигига, структур-фазалар таркибига ва эркин углерод миқдорига таъсирини экспериментал аниқлаш учун ПТТ-60/2 русумли графит найли лаборатория печи танланди(1 – расм).

Печ ҳимоялавчи ёки инерт муҳитларда ишлаши мумкин бўлиб унинг узоқ муддат ишлаш ҳарорати 2500 °C ташкил этади. Печга электр энергияси махсус трансформаторлар орқали 10...20 В кучланишда узатилди.

Печни ишга туширишдан олдин унинг ишчи ҳажми водород билан тўлиқ тўлгунча қувур орқали 0,1 м<sup>3</sup>/соат миқдорда водород жўнатилади, кейин печдан чиққан водороддан намуна олиб унда кислород йўқлигига ишонч ҳосил қилгач водород факели ёқиб кейин печни қиздиришга қўйилади. Печни зарур ҳароратгача қизиши ва шу ҳароратда ушлаб туриш печнинг бошқарув пультаида белгиланган тартибда автоматик бошқарилди. Печнинг зарур ҳароратгача қизиганлиги оптик пирометр ёрдамида ±10 °C аниқликда текшириб борилди. Печга аралашма 1 кг дан графит қайикчаларда киритилди.



1 - расм. Графит найли ПГТ-60/2 русумли печ:

- 1 - совитиш системаси; 2 - тўсиқ; 3 - электр узатиш симлари; 4 - контакт каллақлар; 5 - графит най; 6 - кукун аралашма; 7 - исқлик изоляцияси; 8 - маҳсулот киритиш жойи; 9 - тайёр маҳсулотни совитиб олиш жойи; 10 - қопқоқлар

### Хулоса

Ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари кукунларни аралаштириш жараёнини жадалаштириш мақсадида аралаштиргич идишига 1 л АИ80 бензин киритилганлиги 2 соатда углерод микдори 5,7%, 4 соатда эса 6,13% углерод вольфрам кукунни билан тўлик аралашганини кўрсатди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бабич Б.Н., Вершинина Е.В., Глебов В.А. и др. Металлические порошки и порошковые материалы: справочник/ под ред. Ю.В. Левинского. - М.: ЭКОНОМЕТ, 2005. - 520 с.
2. С.А. Краснов, Е.И. Геллер, Т.А. Рокач, Т.Б. Горбачев. Взаимосвязь свойств порошков вольфрама, карбида вольфрама и технологии их получения. Современные проблемы порошковой металллокерамики и композиционных материалов. ИПМ. Украина, 2000 с. 9-13.
3. ГОСТ 22662. Порошки вольфрам карбида. Определение гранулометрического состава. -М.: Издательство стандартов, 2010.
При растормаживании необходимо вывести защелку из зацепления с сектором и перевести рычаг 1 в исходное положение.

Торможение стояночным тормозом должно происходить при перемещении рычага 1 на величины его максимального хода. Величина хода регулируется измерением длины троса 2 [8].



**Рис. 1. Принцип работы стояночного тормоза прицепа:**  
1 - рычаг; 2 - трос; 3- ролик; 4-клиновья вилка; 5-корпус зажимной цанги; 6, 7 - привод рычаг; 8 -тормозная камера; 9- задняя ось; 10-рычаг; 11-сектор; 12- защелка; 13 - пружина; 14- рукоятка.

Испытания стояночной тормозной системы были проведены на стенде ГУАР-15Н(С) (рис. 2).

Техническая характеристика стенда изложена в таблице 1.

Принципиальная схема работы стенда приведены на рис. 2.

### Техническая характеристика стенда ГУАР-15Н(С)

Таблица 1

Наименование параметра	Значение
Тип	стационарный
Габаритные размеры платформы, mm	
- длина	5800
- ширина	2800
Максимальная угол подъема, °	45
Грузоподъемность, kg, не более	15000

### Порядок проведения испытаний

При проведении испытаний и работоспособности стояночных тормозов тракторов прицепов соблюдать нижеследующую последовательность действий.

1. Загнать на площадку стенда трактор или прицеп, при этом колесо прицепа должны отстоять от края платформы на расстоянии не менее 250 мм.

- заглушить двигатель трактора;
- затормозить прицеп стояночным тормозом (затянуть рукоятку рычага стояночного тормоза);
- закрепить прицеп страховочными цепями минимум в двух точках (страховочные цепи не должны иметь натяжение).

2. Убедившись в надежности крепления, дать знак испытателю, находящему с пульта управления, начать подъем платформы. Испытателю, фиксирующему угол подъема, при достижении угла 5 ° наличие (отсутствие) сползания (прицепа).





Рис.2. Принципиальная схема стенда ГУАР-15Н (С)  
1-платформа; 2-гидроцилиндр; 3-бак; 4-электромотор; 5-насос; 6-муфта; 7-гидрораспределитель; 8-фильтр; 9-трубопровод; 10-компрессор; 11-рессивер;

### Определение показателей эффективности стояночного тормоза тракторного прицепа ТТЗ 8526.

Место проведения испытаний АО «Ташкентский завод сельскохозяйственных машин» (АО «ТЗСХТ»), «Центр по сертификации и испытанию сельскохозяйственной техники и технологии» (ЦИТТ).

Средства измерения и испытательное оборудование.

- ГУАР-№5 НСС 1.
- Прибор для измерений усилий.
- Весы платформенные РС30Ц 13 №689/3144.
- Угломер маятниковый – ЗУРИ – М(0-360) °.
- Динамометрическая рукоятка №535215.

#### Характеристика объекта испытаний

Обозначение шин колес – 9,00-16, Я-324А

Масса, проходящая на колесе, kg:

Нагрузка на переднее колесо, kg – 1000

Нагрузка на заднее колесо kg – 9000

Давление воздуха на шинах, МПа – 0,12

### Результаты измерения

Таблица 2.

Наименование параметра	Фактическая значение	Допустимое значение ГОСТ 12.2.002.3-91, O'z DSt 35.13:2010 (Правила ЕЭК ООН- №13)
Удержание прицепа на уклоне % (град)		
- на уклон	18 % (10,2 °)	18 % (10,2 °)
- под уклон	18 % (10,2 °)	18 % (10,2 °)
Усилие на рукоятке стояночного тормоза, N	52	60

При достижении угла 20 °, сделать 5 минутную выдержку и опустить форму в исходное положение, отсоединить страховочные цепи, снять прицеп с платформы.

### **Выводы**

Приведены результаты лабораторных испытаний опытного образца тракторного прицепа ТТЗ 8526 с применением стационарного стенда ГУАР-15Н(С) с регулируемым углом уклона платформы испытания проводились на основании методов и норм показателей, заложенных в нормативных документах, характеризующие оценка эффективности стояночной тормозной системы с учетом принципа работы пневматического привода.

На основании проведенных испытаний были определены фактические значения следующих показателей стояночного тормоза:

- Угол уклона для удержания прицепа, 18 % (10,2°).
- Усилие, прилагаемое на рукоятку стояночной тормозной системы прицепа, 52 N.

Полученные значения показателей находится в допустимых пределах.

### **Библиография:**

1. Постановления Президента Республики Узбекистан № ПП-3459 от 4 января 2018 года «О дополнительных мерах по дальнейшему повышению технической оснащенности сельского хозяйства» и Постановления Президента Республики Узбекистан № ПП 3712 от 10 мая 2018 года. «О мерах по дальнейшему совершенствованию механизмов своевременного оснащения сельского хозяйства сельскохозяйственной техникой».

2. Отчет НИР по теме: Создание высокоэффективного и экономического универсального шасси тракторного прицепа для использования с различными сменными кузовами в условиях эксплуатации высоко профильных фермерских хозяйствах. УП «СКБ-Трактор», Ташкент 2018, стр. 61.

3. ГОСТ 10000-75. Межгосударственный стандарт. Прицепы и полуприцепы тракторные. Общие технические требования. Издание официальное. Москва. Издательство стандартов. 1975, стр. 14.

4. ГОСТ 22895-77. Государственный стандарт. Тормозные системы. Тормозные свойства автотранспортных средств. Нормативы неэффективности. Технические требования. Издание официальное. Государственный комитет по стандарту. Москва. 1977, стр.19.

5. ГОСТ 12.2.002-91. Государственный стандарт союза ССР. Техника сельскохозяйственная. Методы оценки безопасности. Издание официальное. Комитет стандартизации и метрологии СССР. Москва. 1991, стр. 60.

6. ГОСТ 12.2.002.3-91. Государственный стандарт союза ССР. Сельскохозяйственные и лесные транспортные средства. Определение тормозных характеристик. Издание официальное. Комитет стандартизации и метрологии. СССР. Москва. 1991, стр. 18.

7. O'z DSt 35.13:2010 Государственный стандарт Узбекистан (Правила ЕЭК ООН №13) «Единообразные подписания касающийся официального утверждения транспортных средств категорий М, Ни О в отношении торможения в отношении торможения». Издание официальное. Узбекское агентство стандартизации, метрологии и сертификации. Ташкент 2010, стр. 211.

8. Прицепы тракторные 2 ПТС-4793А-03/04. Техническое описание и инструкция по эксплуатации (793D-0000010ТО). Ташкент-2017, стр. 52.

УЎТ: 631.52. 633.16

## **АРПАНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ “БАҲОРИКОР” НАВИ**

**к.х.ф.ф.д. ХОЛДОРОВ<sup>1</sup> А., к.х.ф.н., МАМАТҚУЛОВ<sup>2</sup> Т.,  
к.х.ф.ф.д., Усаров<sup>3</sup> З.**

**Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси, Ғаллаорол ш. Жиззах вилояти, Ўзбекистон  
Тел.: (+99894)196-80-89**

*Annotation.*

*The article presents the results of the effect on the economically valuable traits of the “Bahorikor” variety of barley, sowing time, seeding rate and mineral nutrition.*

Бугунги кунда лалмикор ҳудудларда арпа майдонларини янада кенгайтириш, яратилган янги арпа навларини жорий қилиш ҳисобига дон ҳосилдорлигини ошириш ва чорвачилик соҳасини ривожлантириш унинг мустақкам озика базасини яратиш ҳисобига таъминлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги лалмикор ерларда экилаётган арпа навлари маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига мослашган бўлишига қарамасдан, кейинги йилларда кузатилаётган иқлим ўзгаришлари натижасида навларнинг қурғоқчиликка, иссиқликка, қишлашга ва касалликларга етарлича бардошли эмаслиги кузатилмоқда.

Шунинг учун лалмикор майдонларда экишга мўлжалланган арпанинг ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига чидамли, дон сифат кўрсаткичлари юқори бўлган бошланғич манбаларини танлаб олиш, улардан дурагайлаш ишларида фойдаланиб қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган, ҳар бир ҳудуднинг тупроқ иқлим шароитига мос келадиган юқори ҳосилли янги арпа навларини яратиш бугунги кунда жуда муҳимдир.

Арпанинг янги Баҳорикор нави “Суғориладиган ва лалми ерлар учун арпанинг касалликлар ва зараркунандалар ҳамда юқори абиотик табиий шароитларга чидамли серҳосил, дони сифатли арпанинг ем-хашак ва озик-овқат учун мўлжалланган янги навларини яратиш” амалий илмий-техник тадқиқотлар дастури доирасида илмий изланишлар олиб борилди ва лойиҳа якуни билан Давлат нав синовига топширилди ва 2019 йилдан Тошкент, Навоий, Сурхондарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича

лалмикор ерларда кузги муддатларда экиш учун Қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилди [1].

Баҳорикор нави арпанинг *Hordeum vulgare* L. авлодига Subsp *distichum* турига A Trof Nutans Schub (нутанс) тур ҳилига мансуб. Нав Лалмикор/Байшепек навларини чапиштириб, олинган дурагай авлодидан яққа танлаш йўли билан яратилган.

Дала ва лаборатория тажрибалари “Методика



Государственного сортоиспытание сельскохозяйственных культур” [3], Ҳалқаро классификатор СЭВ рода *Hordeum* L. [4] услублар ва қўлламалар асосида олиб борилди. Дала тажрибалари Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясида ишлаб чиқилган агротавсия [2] асосида олиб борилди.

**Баҳорикор навининг морфологик белгилари:** ўсиш тури ярим тўғри ўсувчи, пастки барг япроғи қини тукланган, ён баргларининг эгилганлиги ўртача, барг ён қулоқчаларининг антоциан ранги мавжуд, антоциан ранг жадаллиги ўртача, барг япроғи қинининг мумсимонлиги ўртача, бошоқлаш муддати ўрта, қилтиқ учи антоциан ранги мавжуд, антоциан ранг жадаллиги кучсиз, бошоқнинг мумсимонлиги кучсиз, бошоқ ҳолати ярим тўғри ўсувчи, бошоқ шакли пирамидасимон, бошоқ зичлиги жуда юмшоқ, қилтиғи бошоққа нисбатан узун, бошоқ биринчи бўғин узунлиги қисқа, бошоқ биринчи бўғин эгилганлиги ўрта, бўғиндаги дўнгчалари кучсиз, бошоқча жойлашиши параллелдан бироз оғган, бошоқча гул косачабаргининг узунлиги қисқа, бошоқча учининг шакли бироз учли, ўрта бошоқча бошоқ косачабаргининг узунлиги ва қилтиғининг донга боғлиқлиги қисқароқ, дон асоси туксимон ўсимталарининг тукланиш тури қисқа, дон ташқи косачабарги сиртидаги антоциан ранги кучсиз, дон ташқи гулкосачабарги ички ён сиртининг тишсимонлиги кучли, дон арикчасининг туксимонлиги мавжуд, ривожланиш тури факультатив, кузги ва баҳорги муддатларда экишга мўлжалланган.

Ўсимлик бўйи 71,0-87,6 см, пояси мустаҳкам, ичи бўш, барг узунлиги ўртача 18,2 см, барг эни кенг ўртача 1,6 см.



### **Навнинг биологик хусусятлари.**

Баҳорикор навининг ўсув даври қиш ойларида униб чиққанда ўртача 134 кун, кузда униб чиққанда ўртача 174 кун, қишга чидамлилиги 87,1-89,6%, ётиб қолишга чидамлилиги 7-9 балл, тўкилишга чидамлилиги 7 балл, гельминтоспориоз, ун-шудринг, ринхоспориоз касалликлари билан 5-20% атрофида касалланади, қаттиқ ва чанг қорақуя касалликларига чидамли.

### **Навнинг хўжалик белгилари.**



Маҳсулдор тушланиш 2,6-3,6 дона, бошқоқдаги дон сони 20-21 дона, дони ярим чўзинчок шаклда, сарик, 1000 дона дон вазни 59,7-59,8 г, ҳосилдорлик имконияти юқори 32,8 ц/га. Тадқиқот йилларида Лалмикор навига нисбатан 3,0 ц/га юқори ҳосилдорликка эришди.

### **Экиш меъёри.**

Текислик минтақада гектарига 2,5 млн. дона, қир-адирлик минтақада 3,0 млн. дона, тоғ олди ва тоғли минтақаларда эса 3,5 млн. дона унувчан уруғ экиш тавсия этилади. Баҳорги муддатларда экиш меъёри ҳудудлар учун белгиланган меъёрлардан 15% камайтирилади.

### **Экиш муддати.**

Қир-адир минтақада октябр ойининг 2-чи ярми, тоғ олди ва тоғли минтақада эса октябр ойининг биринчи ўн кунлиги мақбул ҳисобланади. Баҳорги муддатда экиш ишлари об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, қир-адирлик минтақасида феврал ойидан март ойи биринчи ўн кунлигигача, тоғ олди ва тоғли минтақаларда март ойи охиригача экиш мумкин.

### **Озиқлантириш.**

Кузда соф ҳолда шудгорлашдан олдидан фосфор қир-адир минтақада 40 кг/га, тоғ олди ва тоғли минтақаларда 40-60 кг/га тавсия этилади. Баҳорги озиқлантириш март ёки апрел ойи азот соф ҳолда қир-адир минтақада 40 кг/га, тоғ олди ҳамда тоғли минтақаларда 60 га/кгдан май ойи бошида озиқлантириш мақсадга мувофиқ.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестри. - Тошкент, 2019. - 11 бет.
2. Донли экинлар селекцияси ва бошланғич уруғчилиги бўйича қўлланма // Тошкент. 2004 й, 31 бет
3. “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” Вып. 2. «Зерновые, крупянные, зернобобовые, кукурузе и кормовых культур» М., 1989.
4. Ҳалқаро классификатор СЭВ рода *Hordeum* L. ВНИИР, Н.И.Вавилова (ВИР). Ленинград. 1983. - 54 б.

## ХОРАЗМ ШАРОИТИДА ШЎРЛАНГАН ЕРЛАРИДА ЭКИЛАДИГАН ПАСТ БЎЙЛИ ПАЙВАНДТАГ КЎЧАТЛАР ЕТИШТИРИШ

қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
Юсупова<sup>1</sup> М.С., Холматов<sup>2</sup> С.Х.

<sup>1</sup>Тошкент давлат аграр университети,  
Университет кўчаси, 2 уй. Тошкент, 100020, Ўзбекистон  
Тел.: (+99871)260-48-00, +(99899)824-35-05  
E-mail: [tuag\\_info@edu.uz](mailto:tuag_info@edu.uz), [maloh1984@mail.ru](mailto:maloh1984@mail.ru) тел

<sup>2</sup>Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали,  
170600, Ўзбекистон, Андижон тумани, Куйганёр шаҳарчаси, Олийгоҳ  
кўчаси, 1.  
Тел.: 0(374)373-13-63, +(99891)191-30-91.  
E-mail: [admission@tdauaf.uz](mailto:admission@tdauaf.uz), [kholmatov1976@list.ru](mailto:kholmatov1976@list.ru)

*Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитларида олма ва нок кўчатларини паст бўйли пайвандтагларда етиштиришни илмий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда етиштириладиган мева навларининг биологик хусусиятларини, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, боғларни парваришлашда ўтказиладиган агротехник тадбирлар мажмуасини амалга ошириш ўрганилган, уларнинг натижалари бўйича олма ва нок кўчатларини паст бўйли пайвандтагларда етиштиришга доир тавсиялар келтирилган.*

### **Кириш.**

Республикамизнинг шимолий худудларида жумладан, Хоразм вилояти шароитида олма ва нок кўчатларини паст бўйли пайвандтагларда етиштириш технологиясини илмий асосларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар олиб бориш ҳамда республикамизнинг шимолий худудларида олма ва нок паст бўйли пайвандтаглари худудлари тупроқ-иқлим шароитида пакана пайвандтагларга уланган кўчатларнинг турлари ва навларига қараб, кўчат етиштириш технологиясини илмий асосларини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

### **Тадқиқот натижалари.**

Олиб борилган тадқиқотлар натижалари ва кузатилган ҳамда аниқланган маълумотлар асосида тажриба ер майдонлари тупроқ ва

иклим шароитларида вегетатив усулда кўпайтириладиган пакана пайвандтагларнинг кўпроқ илдиз олиши, уларга стандарт олма ва нок навларини улаб кўчат етиштириш мақсадида Хоразм вилояти шароитида етиштириладиган районлашган олма навларини ичидан юқорида яхши кўрсаткичларга эга бўлган ММ-102 ва ММ-106 пайвандтагларига кўпроқ ёзги ва қишқи навларини таққослаш усулида Қизил олма ва Қишқи Хазорасп навларини, нок навлари учун эса “Беҳи А” ва “Беҳи ВА-29” пайвандтагларига кўпроқ “Юрт нашватиси” ва “Хон нашфатиси” пайванд қилинган навлар билан уйғунлиги яхши ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари таҳлил этилган, олинган маълумотлар сифатида шунини кўрсатиш мумкинки, олмани интенсив навларини янги паст бўйли ММ102 пайвандтагларида етиштирилганда уларни биометрик кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

## 1-жадвал

**Олма навларини ММ102 пайвандтагларида етиштирилган кўчатларни биометрик кўрсаткичлари**

Олмани кечки навлари	Штамбини, диаметри, см	Кўчатни баландлиги см	Кўчатдаги навлаларни сони, дона	Кўчатдаги навлаларни умумий узунлиги, см	Кўчатдаги илдизларни сони, дона	Назорат навиға нисбаган, %
Ренет Симиренко (назорат)	0,82	101,6	3	27,4	17,0	100
Барораб	0,87	97,5	4	29,7	18,2	107,0
Ёзги Хазорасп	0,90	102,1	5	32,5	20,3	119,4
Қизил олма	0,85	110,5	6	30,4	21,5	126,4
Карвак	0,92	98,4	6	28,4	16,4	96,4
Қишқи Хазорасп	0,95	107,4	5	32,8	22,5	132,3

## 2-жадвал

**Нок навини “Беҳи А” пайвандтагида етиштирилган  
кўчатларини биометрик кўрсаткичлари**

Олмани кечки навлари	Штамбини, диаметри, см	Кўчатни баландлиги см	Кўчатдаги навдаларни сони, дона	Кўчатдаги илдизларни сони, дона	Назорат навиға нисбатан, %
“Юрт нашватиси” (назорат)	0,52	38,6	4	19	100
“Хон нашватиси”	0,49	35,0	5	18	94,7
“Алмурт”	0,41	32,1	4	13	68,4
“Шакар мурт”	0,38	30,5	3	15	63,1

## 3-жадвал

**Нок навини “Беҳи ВА29” пайвандтагида етиштирилган  
кўчатларини биометрик кўрсаткичлари**

Олмани кечки навлари	Штамбини, диаметри, см	Кўчатни баландлиги см	Кўчатдаги навдаларни сони, дона	Кўчатдаги илдизларни сони, дона	Назорат навиға нисбатан, %
“Юрт нашватиси” (назорат)	0,48	43,6	4	24	100
“Хон нашватиси”	0,47	42,0	4	22	91,5
“Алмурт”	0,43	39,1	3	19	79,1
“Шакар мурт”	0,44	40,5	3	20	83,3

2- ва 3-жадваллардан кўриниб турибдики, кўчатларни биометрик кўрсаткичлари бўйича “Беҳи А” ва “Беҳи ВА-29” пайвандтагиларда нокни навларидан “Юрт нашватиси” ва “Хон нашватиси” навида илдизлар сони 19 ва 18 дона, умумий

назоратдагига нисбатан 94,7%, “Хон нашфатиси” навида эса илдизлар сони 22,0 донга ташкил этган бўлса умумий назоратдаги навга нисбатан 91,5% ташкил қилган. Кузатувлар натижаларига асосан “Юрт нашватиси” ва “Хон нашфатиси” навларини кўчатларини кўпайтириш ижобий натижа бериши аниқланди [1].

#### **Хулоса, таклиф ва тавсиялар.**

Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитларида олма ва нок кўчатларини паст бўйли пайвандтагларда етиштириш технологиясини илмий асосларини ишлаб чиқиш учун:

1. Хоразм вилояти тажриба олиб борилган ер майдонлари далаларида агротехник тадбирлари, жумладан кўчат экиш майдонларини тайёрлаш, тупроқ агрохимик вий хоссаларини илмий асосланган усулларда олиб бориш, уларнинг натижалари бўйича олма ва нок кўчатларини паст бўйли пайвандтагларда етиштириш тизими таҳлил қилинди.

2. Шўр ювиш ва тузлар тўпланиши жараёнида тупроқнинг мавжуд шўрланиш даражаси ва динамикасини баҳолаб харита яратиш мақсадида замонавий мониторинг ва моделлаш усулларини бирлаштириш ва самарали шўр ювиш ва тупроқда тузлар тўпланишини бошқариш бўйича тегишли кўринишларни танлаш зарур бўлади.

3. Кўчатларни етиштириш учун пайванд турларини танлашда асосан Т-симон (қалқонсимон) куртак пайванд ва оддий қаламча пайванд қилиш ишлари худуд шароитига мос келиши туфайли, қуйидаги шарт ва талабларга риоя қилиниши зарур: Пайвандтаг ўзининг айни кучга кирган ҳолатда бўлиши, пайванддуст учун сифатли бир йиллик новддан қаламча олиш ва вазиятдан келиб чиқиб, пайванднинг энг муносиб усулини қўллаш; Пайванд қилиш учун иссиқ иқлим даври 1 августдан 1 сентябрга қадар қўлланилиши, куртаклар яхши пишган, пайвандтагларнинг пўстлоғи яхши кўчадаган, камбиал активлик юқори бўлган даврида бажарилишидан иборат.

4. Мевачилик соҳасида, боғларни ташкил этиш ва уларга кўчат навларини экишда, ер ости агрессивлик хусусиятга эга бўлган сув-грунт муҳитини экиладиган кўчат навларининг илдизларига, қолаверса навларни тутиб кетишига асосан грунт сувларининг минерализациясининг ҳамда грунтлардаги сувда эрувчан тузларнинг миқдори катта таъсир этишини ва боғликлик хоссалари ўрганиб чиқиш зарур бўлади.

Интенсив боғ барпо қилишда бундай тажрибалар М.Мирзаев номли ЎзБув ИТИ Самарқанд илмий тажриба станцияси томонидан 2014-2016 йиллари станциянинг суғориладиган бўз тупроқлари шароитида ҳам тажрибалар олиб борилган. Натижада станциянинг 47 га кўчатзорида 1230 минга яқин мевали дарахт кўчатлари тайёрланган [2].

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. М.С.Юсупова., Б.Гулямов. Анализ слаброслых клоновых подвоев, повышающих продуктивность плодоводства. //Ж. Агро илм. №2, 2013, с.41-42.
2. Ў.Мирзохидов., Э.Ҳамдамова., Л.Холмирзаева., З.Тожибаева. Интенсив боғ барпо қилишда олма кўчатларининг сифат кўрсаткичлари. // Ж. Агро илм. №1, 2017, б. 43-44.



*Section 7*  
*Historical Sciences*



## XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ УРБАНИЗАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

**Нурметов<sup>1</sup> Исмоил Алимбаевич**

Урганч давлат университети Тарих кафедраси таянч докторанти.

Тел.: +(99891)913-48-81; +(99897)513-48-81.

E-mail: ismoil\_nur84@mail.ru

*Аннотация:*

*Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида урбанизацион ўзгаришлар - асосан шаҳар аҳолисининг сезиларли даражада кўпайиши, шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва муҳандислик-коммунал ва ижтимоий инфратузилмаларнинг ёритилган.*

Марказий Осиёда шаҳарларнинг пайдо бўлиши тарихи минг йилликларга бориб тақалади. Буюк Ипак йўлининг ривожланиши давомида Тошкент, Ўш, Хўжанд, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Марв ва бошқа шаҳарлар қитъалараро савдо марказлари, дунё цивилизацияларининг ўзаро таъсирини уйғунлаштирувчи марказларига айланди.

Ҳозирги босқичда тарихий шароитлар, иқтисодий, маданий ва ижтимоий муҳитдаги ўзгаришлар минтақадаги шаҳарларнинг тузилиши ва аҳамиятига таъсир кўрсатди. Собиқ Иттифоқ даврида Марказий Осиёдаги республикаларда асосан, иттифоқ иқтисодий комплексининг умумий эҳтиёжини қондириш учун янги шаҳарлар пайдо бўлди.

Собиқ Иттифоқ давридаги урбанизацион ўзгаришлар - асосан шаҳар аҳолисининг сезиларли даражада кўпайиши, шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва муҳандислик-коммунал ва ижтимоий инфратузилмаларнинг кенгайиши, шунингдек, минтақа иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ва қазиб олиш саноатининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда кечди.

Жумладан, бу даврда Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари уруш ва урушдан кейинги йилларда ҳам асосан, саноатлаштириш ҳамда собиқ иттифоқнинг бошқа минтақаларидан аҳолини оммавий кўчирилиши ҳисобига кучайди. Республикада 1966-1970 йилларда шаҳарларда (айниқса, Тошкент шаҳрида) РСФСР, Украина ва бошқа иттифоқдош республикалардан аҳолининг кўчиб келиш ҳисобига

кўпайиш кузатилди. Аммо, XX асрнинг 70-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб, ташқи миграцияда салбий сальдо кузатилиб, маҳаллий аҳоли бўлмаганларнинг республикадан чиқиб кетиши натижасида бу жараёнлар нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларида ҳам кузатилади.

1926-1989 йилларда Ўзбекистон аҳолиси 4,3 бараварга, яъни 4,6 миллиондан 19,9 миллионгача кўпайди. Республикада шаҳар аҳолисининг улуши деярли икки баравар кўпайиб, 22 фоиздан 41 фоизга етди. Бундан ташқари, республика шаҳарлари аҳолиси ушбу йиллар давомида янада ўсиб, 1 миллиондан 8,2 миллионга етди. Урушдан олдинги даврда аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,5% ни ташкил этган бўлса, 1959-1970 йилларда бу кўрсаткич - 4,1% га етди. Аммо, 1970-1990 йилларда ўртача йиллик ўсиш суръати 3,15% га тушди. Ўсишнинг асосан қишлоқ аҳолисида кўпроқ кузатилиб, 1990 йилда 1959 йилга нисбатан 2,2 марта кўпайди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқлар аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантириш, уй-жой ва ижтимоий-маиший қурилишни жадал ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини реконструкция қилиш ҳамда янгилаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шаҳар аҳолисининг салмоғи 1991 йилдаги 40,3 фоиз ўрнига 2018 йилга келиб 50,6 фоизга ўсди. Бундай ўсиш суръатларига асосан маъмурий ўзгаришлар, яъни 2009 йилда мингга яқин қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳар посёлкаларига айлантирилиши ҳисобига эришилди.

Кейинги йилларда амалга оширилган ишлар Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Қўқон, Урганч, Қарши, Шаҳрисабз шаҳарларининг архитектура қиёфасини ўзгартириб юборди. Тасдиқланган бош режалар бўйича Гулистон, Термиз ва Жиззах шаҳарларини реконструкция қилиш юқори суръатлар билан олиб борилмоқда.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши дастурини амалга ошириш натижасида қишлоқ аҳоли пунктларининг қиёфаси тубдан яхшиланиб бормоқда, ижтимоий-бозор инфратузилмасининг ривожланган тармоғи яратилди.

Ўзбекистонда бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида жаҳон амалиётини

ҳисобга олган ҳолда мамлакатда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи янги инструментлар ва механизмлар янада кенгроқ қўлланилмоқда. Улар қаторига фаол давлат урбанизация сиёсатига ўтишни киритиш мумкин.

Олиб борилаётган таркибий ислохотлар доирасида йирик стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан бир қаторда шаҳарлар аҳолиси фаровонлигининг ўсиши ва барқарор ривожланишига етакловчи омил сифатида урбанизация жараёни тегишли даражада ҳисобга олинмаган. Натижада сўнгги йилларда урбанизация даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда, шаҳар аҳоли пунктлари сони эса атиги 1065 дан 1071 гача кўпайган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда урбанизация даражаси 50,5% ва БМТ халқаро рейтингига кўра, республика дунёда 155-ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, урбанизация даражаси Наманган (64,6%), Фарғона (56,5%) ва Андижон (53,3%) вилоятларидаги ўртача даражадан юқоридир.

Ўзбекистонда 119 та шаҳар, 1071 та шаҳарча ва 11 мингдан ортиқ қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. Шаҳар тармоғининг асосини кичик ва ўрта шаҳарлар ташкил этади, уларнинг улуши умумий шаҳарларнинг 85 фоизини ташкил этади.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйҳати:**

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 10 января 2019 года № УП-5623// Национальная база данных законодательства, 11.01.2019 г., № 06/19/5623/2461
2. Ахмедов Т. Урбанизация – важный фактор устойчивого развития экономики и повышения благосостояния населения. 22.01.2019. // [www.mineconomy.uz/ru/info/2459](http://www.mineconomy.uz/ru/info/2459)
3. Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Ташкент: Университет, 1998.
4. Муртазаева Р.Х., Одилов А.А. Межнациональное согласие в Узбекистане и толерантность: взгляд сквозь призму веков. Монография. – Ташкент: Turon iqbol, 2018.
5. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ва табиий ресурслардан фойдаланинг ҳолати тўғрисида миллий маъруза (1988-2007). Тошкент. 2008.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ЎРТАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ СОҲАСИДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Рахматов<sup>1</sup> Илғор Эркинович

<sup>1</sup>Самарқанд давлат университети магистранти  
Ўзбекистон, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй.  
Тел: +(99891)532-15-25. E-mail: longway06@mail.ru)

### **Аннотация.**

Мазкур мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги иқтисодий алоқалар, ўзаро инвестицион муносабатлар ёритиб берилган. Бунда икки мамлакатнинг ўзаро инвестиция алмашуви, ўтган йиллар давомида амалга оширилган лойиҳалар, эришилган натижалар ва истиқболлар таҳлил қилинган.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

инвестиция, инвестицион муҳит, экспорт, импорт, савдо айланмаси, тенг шериклик, қўшма корхона, инвестициялар бўйича давлат қўмитаси.

### **Аннотация.**

В статье рассматриваются экономические отношения и взаимные инвестиционные отношения между Узбекистаном и США в годы независимости. Анализируется взаимный инвестиционный обмен между двумя странами, проекты, реализованные за последние годы, достигнутые результаты и перспективы.

### **Ключевые слова:**

инвестиции, инвестиционная среда, экспорт, импорт, торговый оборот, равноправное партнерство, совместное предприятие, государственный комитет по инвестициям.

### **Abstract.**

In this article examines economic relations and mutual investment relations between Uzbekistan and the United States in the years of independence. Mutual investment exchange between the two countries, projects implemented in recent years, achieved results and prospects are analyzed.

### **Key words:**

investments, investment environment, export, import, trade turnover, equal partnership, joint venture, state investment committee.

Мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистон ўз мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган Америка Қўшма Штатлари билан икки томонлама ва кўп томонлама муносабатлар тизимида изчил ва истикболли алоқаларни йўлга қўйди. Ўтган давр мобайнида ҳамкорлик турли соҳаларда ривожланиб борди ва бир қатор ижобий натижаларга эришилди. АҚШ билан иқтисодий соҳадаги ҳамкорликда Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб этишга алоҳида аҳамият берилади. Чунки, мамлакатимиз иқтисодиётига катта миқдорда инвестиция оқими зарур ва ўз навбатида АҚШ компанияларида бу имкониятлар мавжуд. Бу борада энг аввало давлатимиз томонидан инвестицион муҳитни яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар, яратилган имкониятлар ҳақида маълумот бериб ўтиш зарур.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 31 мартда қабул қилинган ПФ-4996-сонли фармон билан мамлакатимизда Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ташкил этилган ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июн санасидаги 415-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлар ҳақидаги” қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича давлат қўмитаси мамлакатимизда ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишни мувофиқлаштирувчи, ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун масъул ваколатли давлат органи ҳисобланади [1].

“Ташқи иқтисодий соҳада ҳали ишга солилмаган катта имконият ва захиралар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Бу борада биз Марказий Осиё мамлакатлари ва йирик шерикларимиз – Хитой, Россия, Жанубий Корея, АҚШ, Туркия, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришни давом эттирамиз”- деб таъкидлаган эди президентимиз Ш.Мирзиёев ўзининг 2017 йилда Олий Мажлисга қилган мурожатида [2].

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида ўзаро иқтисодий муносабатларда инвестициялар масаласи 1992 йил 28 сентябрдаги битим имзоланиши билан унинг ҳуқуқий асоси яратилган ва бу борада амалий ишлар бошланган эди. Шу билан бирга 1994 йил 16 декабрда Иқтисодиётга сармояларни кўпроқ жалб этиш мақсадида АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида сармояларни кучайтириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида битим имзоланди. Мазкур битим

иктисодиётларни қонун йўли билан таъминлашга, тенг шериклик муносабатларини ўрнатишга қаратилган эди. Айни шу битимга асосан АҚШ Ўзбекистонга Шимолий Америка битими иштирокчи мамлакатларига қараганда эркинроқ савдо қилиш ва инвестиция алмашиш имкониятини тақдим этди [3].

Республикада Америка капитали асосида фаолият юритаётган кўшма корхоналар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда АҚШ сармояси иштирокида ташкил этилган корхоналар ва АҚШ компанияларининг аккредитациядан ўтган ваколатхоналари Статистика бўйича Давлат Қўмитаси маълумотлар базасига кўра, Ўзбекистон Республикасида АҚШ инвесторлари иштирокида 240 дан ортиқ корхона рўйхатга олинган бўлиб, улардан 61 таси 100 фоиз хорижий (АҚШ) сармоя асосида ташкил этган [4].

«Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида етакчи давлат ҳисобланади, – дейди Америка-Ўзбек савдо палатаси раиси Керолин Лемм ҳамда давлат иқтисодиётида амалга оширилаётган изчил ва кенг кўламли ислохотлар натижасида хатто 2008 йилги молиявий инқироз шароитида ялпи ички маҳсулот кўрсаткичларини юқори даражада сақлаб қолишга эришилди. Ўзбекистонда хорижий сармояни жалб этиш бўйича жуда самарали механизм шакллантирилганини таъкидлади [5].

Мавжуд маълумотлар таҳлили Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасидаги савдо айланмаси ортиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Қуйидаги жадвалдан икки давлат ўртасидаги савдо айланмасининг миқдори тўғрисида янада тўлиқроқ маълумот олиш мумкин.

**Жадвал**

**Икки давлат ўртасидаги савдо айланмасининг миқдори тўғрисида маълумот**

АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо алоқалари (1992-2016 йй.) (млн. долларда)			
Йиллар	Экспорт	Импорт	Баланс
1992	50.7	0.8	49.9
1993	73.1	7.2	65.9
1994	89.5	3.0	86.5
1995	63.4	18.8	44.6
1996	351.8	159.0	192.8

АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо алоқалари (1992-2016 йй.) (млн. долларда)			
1997	234.0	39.1	195.0
1998	147.3	34.1	113.2
1999	339.1	25.4	313.7
2000	157.2	41.2	116.0
2001	144.8	53.6	91.2
2002	138.5	77.1	61.4
2003	256.1	83.6	172.5
2004	192.0	88.0	14.0
2005	73.8	95.6	-21.8
2006	53.9	151.5	-97.6
2007	88.8	164.5	-75.8
2008	300.7	292.2	8.5
2009	97.5	89.5	8.0
2010	101.1	68.1	33.0
2011	12.6	51.2	51.4
2012	284.6	25.9	258.7
2013	356.4	26.4	330.0
2014	212.9	14.4	198.5
2015	138.0	9.7	128.3
2016 (октябрь)	161.4	26.6	134.8

Экспорт таркибини ноорганик кимё маҳсулотлари (56,1%), хизматлар (39,3%), импорт эса хизматлар (26,1%), механик ускуналар (18,0%), фармацевтика маҳсулотлари (16,0%), транспорт воситалари (12,4%), оптик аппаратлар (7,5%), электр (4,6%), каучук ва резина жихозлар (2,4%) ташкил етмоқда.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида инвестиция соҳасидаги муносабатлар бўйича хулоса қиладиган бўлсак турли хил иқтисодий тараққиёт даражасида турган икки давлат муносабатларида АҚШ компаниялари етакчи мавқеиغا эга ва уларнинг иқтисодий имкониятлари ҳозирда эришилган натижалардан кўра кўпроқ натижалар бера олади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда тўб иқтисодий ислохотлар натижасида АҚШ компанияларининг мамлакатимиз иқтисодийтига сармоя киритиш борасидаги қизиқишлари ортиб бормоқда. Ўз навбатида Ўзбекистонлик тадбиркор ва фермерлар, ишлаб чиқариш компаниялари, ҳунармандларнинг АҚШ бозорига қизиқиши ортиб бормоқда. Бу жараён мамлакатимиз иқтисодини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. 2017 йил 31 март йил

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>

3. Шукурзода Мавлон. АҚШ-Ўзбекистон ҳамкорлиги факт ва рақамларда. 1992-2016. -Тошкент, 2016. Б.99

4. <https://stat.uz/uz/>

5. Пресс-релиз Ассоциация «Туркистан-Америка» (США). 2009 г.





*Section 8*  
*Economic Sciences*

## КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Боронов<sup>1</sup> Б.Ф.

<sup>1</sup>Самарқанд иқтисодий ва сервис институти таянч докторанти,

Самарқанд ш. Амир Темур кўчаси 9-уй.

Тел.: (+99890)270-98-54. E-mail: sies\_info@edu.uz

**Аннотация:** Мақолада молиявий активлар ҳисобининг долзарб масалалари, активларнинг корхона ресурслари сифатидаги роли, молиявий активларга доир ахборотларни халқаро стандартларга мувофиқ равишда молиявий ҳисоботларда акс эттириши масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** молиявий активлар, молиявий инструментлар, корхона ресурслари, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари.

**Аннотация:** В статье рассматриваются актуальные вопросы учета финансовых активов, роль активов как ресурсов предприятия, представление информации о финансовых активах в финансовой отчетности в соответствии с международными стандартами.

**Ключевые слова:** финансовые активы, финансовые инструменты, ресурсы предприятия, финансовая отчетность, международные стандарты финансовой отчетности, национальные стандарты бухгалтерского учета.

**Annotation:** The article covers current issues of accounting for financial assets, the role of assets as enterprise resources, the presentation of information on financial assets in the financial statements in accordance with international standards.

**Key words:** financial assets, financial instruments, enterprise resources, financial reporting, international financial reporting standards, national accounting standards.

Бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар ўтказилмоқда, иқтисодий соҳасига бозор меҳназимлари ва молиявий ресурслари жорий этилмоқда. Бухгалтерия ҳисоби соҳасида Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари (МҲХС) жорий қилинмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори [1] тасдиқланди. Шу сабабли, МҲХСларни тан олиш, уларни жорий қилиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Амалдаги бухгалтерия балансида молиявий активлар тушунчаси киритилмаган. Уларни тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш методологияси ишлаб чиқилмаган. Бу эса, соҳада молиявий

активлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича тадқиқот олиб боришни тақозо этади.

“Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС) га мувофиқ “активлар – бу субъект назорат қиладиган, келгусида улардан даромад олиш мақсадида аввалги фаолият натижасида олинган иқтисодий ресурслардир (38.1-банд); активлар – бу хўжалик субъектининг қиймат баҳосига эга бўлган моддий, шу жумладан, пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари ва номоддий мулкдир (39-банд)” [2].

Демак, молиявий активлар корхона фаолиятида қатнашадиган ҳамда самара келтирадиган асосий ресурслардан ҳисобланади. Ҳозирги даврга келиб Республикамизда молиявий активларнинг корхона ресурслари сифатидаги аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Корхоналарда мавжуд бўлган ресурсларнинг ҳажми ва таркиби унинг иқтисодий самарадорлигига таъсир этади. Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёни қанчалик юқори бўлса, унда қатнашадиган ресурслар таркиби ҳам шунчалик кўп бўлади.


Активлар корхонанинг асосий ресурсларидан ҳисобланиб, уларнинг корхона фаолиятидаги таъсирини турли иқтисодий жараёнларда кўриш мумкин. Корхона активларини муддати, ресурс турлари ва моддийлигига кўра ажратадиган бўлсак, уларни ўз навбатида 1-расм орқали ифодалашимиз мумкин бўлади. Демак, активлар корхонанинг ресурсларидаги таркиби бўйича қуйидагича бўлинади:

- муддатига кўра – узоқ ва қисқа муддатли ресурслар;
- ресурс турларига кўра – меҳнат ва иқтисодий ресурслар;
- моддийлигига кўра – моддий ва номоддий ресурслар.

Ушбу расмдан кўриш мумкинки, активлар корхоналарнинг хўжалик фаолиятида иштирок этадиган асосий ресурсларидан ҳисобланиб, улар иқтисодий жараёнларнинг турли босқичида қатнашади.

Ҳозирги иқтисодиётнинг изчил ривожланиш даврида, корхоналар фаолиятидаги асосий ишлаб чиқариш омилларидан бирига айланиб бўлган корхона ресурсларининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган активлар таркибида молиявий активлар пайдо бўла бошлади. Ушбу активлар бошқа активлар каби корхона фаолиятида узоқ ва қисқа муддатда айланишда бўлганлиги билан ўхшайди, аммо молиявий натижаларга таъсир кўрсатиши

билан фарқ қилади, чунки улар корхона фаолиятида доим айланишда бўлиб, даромад олишга сабабчи бўлади ва корхона молиявий барқарорлигини таъминлайди.



1-расм. Корхона активларининг ресурслар таркибидаги катнашиш жараёни<sup>1</sup>.

Тадқиқот натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда молиявий активларни тан олиш, уларни молиявий ҳисоботларда акс эттиришга оид стандартлар ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд бўлиб, мамлакатимиз томонидан қабул қилинаётган қатор ислохотлар дастурларида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда молиявий активлар ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

- ривожланган мамлакатлар тажрибасидан андоза олган ҳолда молиявий активлар ҳисобининг назарий ва концептуал асосларини такомиллаштириш;

- БҲМСларида халқаро стандартларда қўлланиладиган молиявий инструментларга оид стандартларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш;

<sup>1</sup>Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

- МҲХСлари талабларидан келиб чиққан ҳолда молиявий активларни тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришнинг янги методологиясини тузиш;

- хорижий инвесторларни зарур ахборотлар билан таъминлаш мақсадида корхоналар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартлар бўйича ташкил этишлари учун бухгалтерия ҳисоби хизмати билан шуғулланувчи кадрларнинг малакасини ошириб бориш.

Юқоридаги таклиф ва тавсиялар молиявий активлар таркибини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мослаштиришга ёрдам беради ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таҳлил қилишда кўмаклашади. Молиявий активларнинг назарий ҳамда концептуал асосларини такомиллаштириш ҳисоб ва ҳисоботда мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш имкониятини яратади ва ахборот фойдаланувчилар учун корхоналарни молиявий ҳолатини таҳлил қилиш самарадорлигини оширади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ-4611.

2. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтказилган. 475-сон. <http://lex.uz/docs/828557>.

3. 39-сон БҲХС “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш” стандарти. <https://www.ifrs.org.ua/mezhdunarodny-e-standarty-finansovoj-otchyotnosti/>; [www.ifrs.org/issued-standards/list-of-standards/](http://www.ifrs.org/issued-standards/list-of-standards/).

4. 9-сон МҲХС “Молиявий инструментлар” стандарти. [https://nrm.uz/contentf?doc=470852\\_\(ifrs\)\\_9\\_finansovye\\_instrumenty](https://nrm.uz/contentf?doc=470852_(ifrs)_9_finansovye_instrumenty).

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЛОЙИХАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ЭКСПОРТ ИМКОНИАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШДАГИ РОЛИ

и.ф.н., доцент Базарова<sup>1</sup> Г.Г., Тургунов<sup>2</sup> Х.Л.

<sup>1,2</sup>Андижон машинасозлик институти, тел.:+(99890)217-38-37

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси глобал пандемия таъсири остида кескин ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун иқтисодиётнинг барча соҳаларига замонавий бозор механизмларини жорий этиш ва бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантиришга мутлақо янги талаб ёндашувни талаб қилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил этиш ва уларни жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган ҳолатда маҳсулотни ишлаб чиқариш етиштириш ва экспорт қилиш иқтисодиётдаги маркази масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Кейинги йилларда Президентимиз томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қабул қилинган фармон ва қарорлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ўз фаолиятини янада кенгайтириш ва ишлаб чиқариш, қайта ишлашни самарали ташкил этиш йўлида кенг имкониятлар очиб бермоқда. Натижада, хусусий тадбиркорлар ўз меҳнати билан мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга, унинг экспорт салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшаётганлар.

Давлатимизда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4803-сонли қарори билан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг кластер модели жорий этилди, натижада охирги йилларда пахта экин майдонларининг 125 минг гектари ёки 12 фоизида кооперациялар, 908 минг гектари ёки 88 фоизида кластерлар фаолият юритмоқда.

Қишлоқ хўжалигида қулай агробизнес муҳитини ва юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, соҳага жаҳон тажрибаси асосида қишлоқ хўжалигида билим, инновациялар ва агрохизматлар тизимини кенг жорий этиш, шунингдек, соҳада хизмат турларини такомиллаштириш, кооперация муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва Жаҳон банки билан ҳамкорликни янада кенгайтириш асосий мақсад қилиб белгиланди.

Лойиҳа доирасида молиялаштиришнинг устувор йўналишлари:

-қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган самарали тизимини яратиш;

-қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли ва шаффоф усулларини жорий этиш;

-озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда “Даладан истеъмолгача” тамойили асосида сифат назоратини кучайтириш, агрологистика, йўл ва бошқа зарур инфратузилмани яратиш;

-экспортни рағбатлантириш, халқаро бозорларда рақобатбардош, экспортбоп юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

-қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини диверсификациялаш, соҳада давлат иштирокини камайтириш, кооперация тизимини ривожлантириш ҳамда соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш;

-ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланиш;

-соҳага бошқарувнинг замонавий тизимларини жорий этиш, хизмат кўрсатиш сервисини такомиллаштириш.

Бу лойиҳани амалга оширишда:

-10 йиллик имтиёзли давр билан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан 181 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз ажратилиши;

-10 йиллик имтиёзли давр билан Халқаро тараққиёт уюшмасининг 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредити ажратилиши;

-5 йиллик имтиёзли давр билан Халқаро тараққиёт уюшмасининг 219 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредити ажратилиши маъқулланганлиги.

Лойиҳанинг умумий қиймати 659,3 миллион АҚШ долларига тенг эканлиги, улардан Ўзбекистон Республикасининг улуши – 159,3 миллион АҚШ долларини ташкил этилиши ҳақида маълумот берилди [1].

Юқоридаги лойиҳани амалга оширишидаги асосий қадамлардан бири 2020 йил 11 июлда Ўзбекистон Республикасига Жаҳон банки ўртасида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси бўйича 500 миллион АҚШ доллари миқдоридаги битимнинг рақамли имзоланиши бўлди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, лойиҳанинг асосий натижалари соҳани кенг миқёсда рақамлаштириш, илмий-тадқиқот институтларини ва умуман, Agricultural Knowledge and Innovation System (AKIS) халқаро тизимга асосланадиган умумий билимлар тизимини ислоҳ қилиш бўлади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқаришда янги инклюзив механизмларни жорий этиш натижаси бўлади. Шу билан бирга, тўғридан-тўғри кредит линияси асосида фермер ва кооперативларни лойиҳа доирасида молиявий қўллаб-қувватлаш, жойларда консултация хизматларини жорий этиш, бевосита бозорга олиб кириш йўли билан фермерлар ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш, прогнозларга кўра, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат ва рақобатбардошлигини яхшилашга, Ўзбекистоннинг экспорт муваффақиятларини кўпайтиришга, қолаверса, мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигининг аъло кўрсаткичларига олиб келади.



Бу лойиҳа амалга оширилиши Жаҳон банкини Ўзбекистон Қишлоқ хўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш Стратегиясини амалга ошириш ва имплементация қилишдага катта ёрдам бўлади, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида пандемия шароитида ишлашга мослашган даврда амалга оширишни режалаштирган аниқ чора-тадбирлар борасида кўмаклашади, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги агро-фанлар, таълим ва ахборот-консултация хизматларини ривожлантиришни фаол қўллаб-қувватлайди [2].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 6 август куни Жаҳон банки иштирокида «Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга оширишга бағишланган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Жаҳон банки қишлоқ хўжалигини модернизация қилишга ажратган 500 млн доллардан 87 млн долларини агросекторда илм-фан ва технологияларни ривожлантириш, 70 млн долларини эса фитосанитария ва сертификатлаш хизматларини кўрсатувчи агромарказларга йўналтиради. Яна 200 млн доллар ҳудудлар ўртасида таксимланиб, кооперативлар ва кластерларни ривожлантиришга сарфланишини айтиб ўтди.

Президент кўрсатмасига мувофиқ, лойиҳаларни ишлаб чиқишда фанни ривожлантиришга, илғор технологияларни жорий этишга устувор аҳамият қаратилган. Хусусан, жалб қилинаётган маблағнинг 87 миллион доллари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги 10 та илмий-тадқиқот муассасаси, 4 та ихтисослашган марказ фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини яхшилашга ажратилади.

Шунингдек, 70 миллион доллар кўчатлар етказиб бериш, фитосанитария, геоахборот ва сертификатлаш хизматларини кўрсатадиган агрохизмат марказларини ташкил этишга йўналтирилади. Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш учун берилаётган 10 миллион доллар ҳисобига ерларнинг ҳосилдорлиги, тупроқ таркиби таҳлили, зарур минерал ўғитлар тури ва миқдори, солиқ, транспорт-логистика ва маҳсулотлар бозорлари ҳақида маълумотлар олиш имкони яратилади.

«Қишлоқ хўжалигини илм билан қилмасак, харажатларимиз натижа бермайди. Ҳар бир лойиҳа манфаатдорликни таъминлаш, рентабелликни оширишга хизмат қилиши керак. Пировард

маррамиз — экспорт. Илмий асосланган, стандартларга мос маҳсулот чиқарилса, бозор топилади», — деди Шавкат Мирзиёев.

Кооперативлар ва кластерларни ривожлантиришга мўлжалланган 200 миллион доллар ҳудудлар ўртасида тақсимланган. Бундан ташқари, халқаро молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан Фарғона водийси учун қўшимча 54 миллион доллар ҳамда Хоразм вилоятига 100 миллион доллар маблағ ажратилган.

Президент ажратиётган ҳар бир долларни уч долларга айлантириш, имтиёзли кредитларни қайтариш бўйича аниқ ҳисоб-китоб асосида ишлаш зарурлигини таъкидлади.

Интенсив боғ майдонларини кенгайтиришга 65 миллион доллар йўналтириш белгиланган. Хусусан, бунинг ҳисобидан Тошкент вилоятида 500 гектар, Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона ва Самарқандда 300 гектардан, Жиззахда 250 гектар, Қашқадарё ҳамда Сурхондарёда 200 гектардан, Қорақалпоғистонда 100 гектар майдонда янги усулдаги интенсив боғлар яратилиши режалаштирилган [3].

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш натижасида соҳада тадбиркорликни кенг кўламда ривожлантириш ва бу соҳада давлатимиз раҳбари яратиб бераётган имкониятлар ҳар бир фуқарога мамлакат иқтисодиёти ривожланишига ҳисса қўшишга шароит яратади. Натижада, келажакда ҳар бир вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланиб уларни ишлаб чиқарган маҳсулотини экспорт қилиш жаҳон бозорларида бизнинг миллий маҳсулотларимиз юқори даражада ўз ўрнини топади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4803-сонли қарори.
2. <http://agro.uz/uz/news/agro/zha-on-banki-va-zbekiston>
3. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/08/06/agro>.

## **ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ АГРОСЕРВИС КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ**

**Дустова<sup>1</sup> М.Х.**


**Қарши муҳ андислик иқтисодий институти  
180100, Ўзбекистон, Қарши ш., Мустақиллик кўчаси, 225-уй.  
Тел.: (0375)221-09-23, +(99890)608-82-28. Email : atm@qmii.uz**

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад – хўжалик юриштиринг барча шакллари учун тенг иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, хусусий мулкдорлар мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда барча мулк шакллари эркин ва мустақил фаолият юриштириш учун зарур бўлган ташкилий, иқтисодий асосларни таъминлаб боришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “...айрим фермер хўжаликлари етарлича айланма маблағлар, зарур техника ва бошқа моддий-техник ресурсларга эга эмас. Бу қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигига, шартнома мажбуриятлари бажарилишига ва фермер хўжаликларининг рентабеллигига салбий таъсир кўрсатмоқда; ... фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш. Охириги 10 йил мобайнида минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва уруғлик нархининг ўсиши билан пахта хомашёси ва ғаллани харид қилиш нархлари ўсиши ўртасида кескин фарқ борлиги кузатилмоқда” [1].

Ўзбекистон Республикаси аграр тармоғини барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, ҳажмларини кўпайтириб бориш, биринчи навбатда аҳоли жон бошига қишлоқда етиштирилаётган маҳсулотларнинг истеъмол қилиниш даражасини тиббий меъёрлар талабларига яқинлаштириш ва қайта ишлаш саноати корхоналарини мунтазам хом ашё билан таъминлаш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Аммо шу билан биргаликда иқтисодий эркинлаштириш шароитида фермер хўжаликлари ва уларга агросервис хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг самарали ва рентабелли фаолият юриштириши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бермасдан туриб юқорида кўрсатилган вазифаларга эришиб бўлмайди. Сабаби, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисмини деҳқон ва фермер хўжаликлари етиштиради (расм).



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида.

### Расм. Хўжалик шакллари бўйича ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг тақсимланиши, %

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўринадики, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ишлаб чиқарилиши ҳажмининг катта қисми 2016 ва 2017 йилларда 32,9 ва 34,7 % билан фермер хўжаликларига, 2018 ва 2019 йилларда эса 70% ва 70,1% билан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари зиммасига тўғри келмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, жумладан чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларининг улуши охириги йилларда ошган. 2019 йилда фермер хўжаликлари ҳисобига гўшт (тирик вазнда) 113%, сут 115,1%, тухум 98,7%, ўсишни ташкил этади (жадвал).

Фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ривожланиши учун яратилаётган имкониятлар ва олиб борилаётган чора-тадбирлар самарасини сўнги йилларда тармоқ ривожланишини тавсифловчи иқтисодий кўрсаткичлар орқали кўриш мумкин. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларининг улуши 2019 йилда донли

экинлар етиштириш бўйича 81,4 % ни, ўсиш суръати эа 113,4 % ни, сабзаёт етиштириш 28,1% ни, ўсиш суръати 106,1% ни, Ўсиш суръатининг катта қисми гўшт етиштириш ҳисобига тўғри келиб, 113% ни ташкил этган (жадвал).

## Жадвал

**Айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларининг улуши (2019 йил)**

Кўрсаткилар	Минг тонна	Ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида	Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Донли экинлар	5848,6	81,4	113,4
Картошка	443,4	15,0	107,7
Сабзаётлар	2797,4	28,1	106,1
Полиз экинлари	754,3	39,2	112,0
Мева ва резаворлар	1033,8	37,7	99,7
Узум	665,7	41,7	96,2
Гўшт (тирик вазнда)	123,7	5,0	113,0
Сут	457,4	4,3	115,1
Тухум, млн. дона	1065,7	13,7	98,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида.

Фермер хўжаликларини ривожлантиришда ва улар асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда агросервис корхоналарининг ўрни беқиёсдир. Шу сабабли фермер хўжаликларини экин майдонларини экишга тайёрлаш, экиш, экинларга вегетация даврида ишлов бериш, ҳашорат ва зараркунандаларга қарши курашишдан то ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган жараёнларда агросервис корхоналари шаклланди ва ривожлантирилди. Буни бир қанча тадқиқотчилар ўзларининг илмий изланишларида ҳам эътироф этган.

Фикримизча, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи агросервис корхоналарини туркумлашга қараб чиқилган ёндашувларда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналар қишлоқ инфратузилма субъектлари таркибига киритиш асосида

туркумлаб чиқилган. Бундан ташқари корхоналар кўрсатиладиган хизмат турлари ва унинг хусусиятларидан келиб чиқиб туркумланган. Бу хизмат кўрсатиш корхоналарини туркумлашга технологик ёндашув дейилса ҳам тўғри бўлади. Фақат мазкур туркумлашда бандлик хизмати идоралари ва меҳнат биржалари ҳеч бир гуруҳга киритилмаган

Шундай қилиб, ҳар қандай шароитда қишлоқ хўжалигининг мавжуд тизими тармоқ маҳсулотини етиштирувчи турли хўжалик юритиш шакллари ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналардан иборат бўлади. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш фақат мазкур корхоналар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар мазмуни ва кўламида муайян ўзгаришлар бўлишига олиб келади.

Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалигининг тезкор ривожланиши ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва агросервис хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида фермер хўжаликларининг ер майдонларини оптималлаштириш ва уларга агросервис хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатларнинг ўзгаришига олиб келади. Айни вақтда агросервис хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятдан фойдаланувчи фермер хўжаликлари сонининг ўзгаришига қарамадан, улар ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Фермер хўжаликлари ва агросервис корхоналари ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатларини ривожлантиришда қуйидаги жиҳатларга амал қилиш лозим:

- ҳар бир ҳудуд шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда тегишли фермер хўжаликлари сонини шакллантириш;
- фермер хўжаликлари ва агросервис корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;
- фермер хўжаликларига ва агросервис корхоналари инвестицияларни ва инновацион технологияларни жорий этиш ва б.
- фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш жараёнида фермер хўжаликларига турли агросервис

хизматлар кўрсатиш сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш ва бошқалар.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М.. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 16 январь.

2. Хушматов Х.С. Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида қишлоқ инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Т.: ЎзБИИТИ - 2007 й. 9-10.

3. <https://stat.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

## РЕСТОРАН ХИЗМАТЛАРИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ

Ибодов<sup>1</sup> Камолиддин Маматқулович, таянч докторант

<sup>1</sup>Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,  
тел.: +(99893)348-80-92)

### *Аннотация.*

*Ушбу мақолада ресторан хизматларини бошқариш самарадорлигини оширишнинг инновацион усуллари келтирилган халқаро амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган кўрсаткичларнинг баланслашган тизими усули, муваффақиятнинг асосий кўрсаткичлари ва SWOT-таҳлили матрицасидан фойдаланиш амалиёти ёритиб берилган.*

*Калит сўзлар:* ресторан хизматлари, кўрсаткичларнинг баланслашган тизими, муваффақиятнинг асосий кўрсаткичлари, SWOT-таҳлили.

Ресторан хизматларининг рақобатбардошлиги ва инновацион бошқариш самарадорлиги нафақат молиявий кўрсаткичларга, балки, миқозлар билан ишлаш, хизмат кўрсатувчи персонал, инновацион хизмат кўрсатиш жараёнлари, замонавий ахборот технологияларининг татбиқ этилишига ҳам боғлиқ. Фикримизча мазкур кўрсаткичларни яхлит тизим сифатида олиб қараш ҳамда *Balanced ScoreCard (BSC)* – кўрсаткичларнинг баланслашган тизими сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

*Balanced ScoreCard (BSC)* – кўрсаткичларнинг баланслашган тизими истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини максимал қондиришга қаратилган бизнес жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлиб, рестораннинг барча ходимларининг сафарбар этилишини таъминлайди. Мазкур усулнинг асосий ғояси асосий кўрсаткичларни шартли равишда тўрт гуруҳга ажратиб ўрганишдан иборат: биринчи гуруҳ – молиявий кўрсаткичлардан иборат. Иккинчи гуруҳ ресторан хизматлари билан боғлиқ ташқи муҳит омиллари ва миқозлар билан ўзаро муносабатларни ўзида акс эттиради. Учини гуруҳ ресторан хизматлари билан боғлиқ бизнес жараёнлар (инновацион фаолият, товарни яратиш, ишлаб чиқариш, таъминот тизими, тайёрлаш, сотиш, сотувдан кейинги хизматлар) дан иборат. Тўртинчи гуруҳ ресторанларнинг



ходимларни ўқитиш ва хизмат ва касб мартабасини бошқариш билан боғлиқ[1].

Ушбу кўрсаткичлар тизими жараёнга айлантирилган тақдирда малакали ходимлар томонидан *муваффақиятнинг асосий кўрсаткичлари* – *Key Performance Indicators(KPI)*га айлантирилади.


*Муваффақиятнинг асосий кўрсаткичлари (KPI)*– рестораннынг стратегик ва тактик мақсадларга эришиш имкониятини баҳолаш тизими бўлиб, рестораннынг жорий ҳолати ва мақсадга эришганлик даражасини баҳолашга хизмат қилади. KPI тизими ресторан бизнесининг мақсадларини шакллантириш; ходимлар фаолиятини баҳолаш, ходимларни мотивация қилиш имконини беради.

BSC жорий этиш тўрт босқич (BSC ишлаб чиқишга тайёргарлик кўриш; BSC ишлаб чиқиш, поғоналаштириш; стратегиянинг амалга оширилишини тайёрлаш)дан иборат. Мазкур босқичнинг муҳим вазифаларидан бири ресторан бизнеси субъектларининг стратегик позициясини аниқлаш, ривожланиш йўналишини танлаш ҳисобланади. Ресторан бизнеси субъектларининг стратегик инновацион позицияси уларнинг инновацион потенциали ва муҳитини таҳлил қилиш асосида аниқланади.


Фикримизча, ресторан хизматлари бозорининг инновацион маъқеини таҳлил қилишда SWOT-таҳлилидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, мазкур бозор субъектларини инновацион бошқаришнинг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Яқунловчи босқичда BSC ишлаб чиқилади. Бунда стратегик мақсадларга аниқлик киритиш, стратегик харитани тузиш, кўрсаткичларни танлаш ва уларнинг мақсадли қийматларини белгилаш, кўрсаткичларнинг бизнес жараёнлар билан боғлиқлигини аниқлаш ва стратегик тадбирларни ишлаб чиқиш амалга оширилади.

Ресторан хизматларини инновацион бошқариш модели ресторан хизматлари бозорида сегментлаш амалиётининг мақсадга мувофиқ амалга оширилганлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради (2-расм).



**1-расм. BSC, KPI ва рестораннинг асосий фаолият кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги**





**2-расм. Ресторан хизматларини бошқаришнинг инновацион тизимини шакллантириш**

Ресторан хизматлари ривожланишининг стратегик йўналишларини аниқлашда тадқиқот жараёнида SWOT-таҳлили ўтказилиб, Самарқанд шаҳридаги 41 та ресторан фаолияти “фойданинг барқарор ўсиш суратига эришиш; mijozlar sodiqligiga эришиш; нарх ва ассортимент сиёсатини узлуксиз такомиллаштириш; хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш; бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва ходимларни рағбатлантириш каби йўналишлари ўрганилди [2].



**3-расм. Ресторан хизматлари бозорининг SWOT-таҳлили матрицаси**





**4-расм. Ресторан хизматлари бозорининг кенгайтирилган SWOT-таҳлили матрицаси**

Стратегик мақсадларни BSC стратегик харитасида акс эттириш танлаб олинган мақсадлар ва истикболдаги вазифаларнинг уйғунлигини таъминлаб беради. Ҳар бир қўйилган мақсад учун самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари - KPI белгилаб берилади (1-жадвал).

Муваффақиятнинг муҳим омиллари аниқлангач уларни поғоналаштириш талаб этилади. Шундан сўнг KPI харитасини ишлаб чиқилади ва бу босқич ҳар бир субъект учун индивидуал хусусиятга эга бўлади. Муваффақиятнинг муҳим омиллари ишлаб чиқиш келгусида ресторан бизнеси субъектларини бошқариш тизимини таакомиллаштириш имконини беради.

## 1-жадвал

## Ресторан бизнесининг стратегик мақсадлар ва самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари

Стратегик мақсадлар		КРІ кўрсаткичлари	Амалга ошириладиган ишлар
Молиявий мақсад	Барқарор фойда даражасига эришиш	<b>Фойданинг ўсиш сурати</b> $\Delta F = \frac{F_i}{F_{i-1}}$ бу ерда $F_i$ - жорий давр фойдаси; $F_{i-1}$ - ўтган давр фойдаси	
	Сотув ҳажми ва бозор улушини ошириш	<b>Бозор улуши динамикаси</b> $\Delta S = S_i - S_{i-1}$ $S_i$ - бозорнинг жорий даврдаги улуши; $S_{i-1}$ - бозорнинг ўтган даврдаги улуши: $\Delta S = \frac{N_{ji}}{N_{ui}}$ бу ерда $S_i$ - рестораннынг бозор улуши; $N_{ci}$ - рестораннынг товар айланмаси, $N_{ri}$ - ресторан хизматлари бозорининг товар айланмаси	
Мижозлар базасини шакллантириш	Энг мақбул ассортимент ва нархни шакллантириш	<b>Меню ва хизматлар таркиби</b> <i>Таом ва хизматларнинг сони, тури</i>	Ассортимент ва нарх сиёсатини шакллантириш
	Мижозлар сонини ошириш	Мавсум ёки кун давомида мијозлар сонининг ўзгариши. <i>Мижозлар сони</i>	Ташриф жараёнини мунтазам кузатиш
	Мижозлар содиқлигига эришиш	<b>Доимий мијозлар улуши</b> $K = \frac{M_{\partial}}{M_{\text{ум}}} * 100\%$	Мижозлар содиқлигини таҳлил қилиш
	Мақсадли мијозларни жалб қилиш	Янги мијозлар улуши $K = \frac{M_{\partial}}{M_{\text{ум}}} * 100\%$	
Бизнес жараёнлар	Хизмат кўрсатиш сифатини аниқлаш	Мамнун мијозлар сонининг ташриф буюрган барча мијозлар сонига нисбати <i>Анкета сўров асосида</i>	
	Бошқарув ва ҳисоб тизимига замонавий АТ жорий этиш	Мижозлар буюртмасини тайёрлаш вақти <i>Буюртмага сарфланадиган вақт, мин.</i>	1С: ресторан, 1С:Управление ва бошқа замонавий АТ қўллаш
	Нарх ва ассортимент сиёсатини такомиллаштириш	<b>Меню самарадорлиги</b> (алоҳида ассортимент бўйича ёки меню бўйича аниқланиши мумкин) $S = \frac{Q}{X} * 100\%$ бу ерда $Q$ - сотишдан тушган тушум; $F$ -меню харажатлари	
Персонал	Ходимлар малакасини ошириш	<b>Малакали ходимлар улуши</b> $K = \frac{R_{\text{мал}}}{R_{\text{ум}}} * 100\%$ $R_{\text{мал}}$ -малакали ходимлар, $R_{\text{ум}}$ -жами ходимлар	Турли мастер класс ва тренинглар ташкил этиш, хорихда малака ошириш
	Ходимларнинг мамнунлик даражасини ошириш	<b>Ходимнинг мамнунлик индекси, %</b> <i>Анкета сўров асосида</i>	Рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш[2]
	Муносабатлар маркетингини яхшилаш	Меҳнат самарадорлиги $C = \frac{MX}{X}$ бу ерда $MX$ - вақт бирлигида бажарилган иш ҳажми; $X$ - ходимлар сони.	Самарали ишчи гуруҳни ташкил этиш

Ресторан хизматларини самарали бошқаришда ходимларнинг турли тренинг ва мастер класслар ўтказиш орқали касбий тайёргарлигини ошириш муҳим ҳисобланади. Улар хизмат

кўрсатиш сифатини ошириш, ижодий ёндашувни ривожлантириш, ходимларнинг хизмат кўрсатиш муҳитининг энг муҳим элементларидан бирига айланишини таъминлайди.

Навбатдаги энг муҳим масалалардан бири ресторанларни бошқариш ва ҳисобини юритишда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ҳисобланади. Масалан, “1С: ресторан, 1С:Управление” тизимларининг жорий этилиши ресторанда таомлар рецептурасини сақлаб қолиш, мижозлар содиқлигини ошириш, турли промо-акция ва дисконт дастурларини жорий этиш имконини беради[3].

Ресторан хизматларини бошқариш самарадорлигини оширишда инновацион тизимни шакллантириш билан боғлиқ айрим муаммолар ҳам мавжуд. Булар жумласига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- ресторан хўжалигини бошқариш ва юритиш анъаналарининг етрали даражада ривожланмаганлиги;

- ресторан хизматлари соҳасининг нисбатан янги индустрия эканлиги ҳамда аксарият хизматларнинг тўлдирувчи элемент сифатида қаралаётганлиги;

- ресторан хизматлари соҳасини қўллаб-қувватлаш тизимининг тўлақонли амал қилмаслиги.

1. *Ресторан хизматлари бозорини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш:*

- ресторан хизматлари соҳасини бошқариш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бозор тенденцияси ва субъектлар фаолиятини мунтазам равишда баҳолаш асосида такомиллаштириш;

- ресторан хизматлари бозор субъектлари фаолияти билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ва солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш;

- ресторан хизматларини ташкил этиш ва кўрсатиш билан боғлиқ янги техника ва технологик жиҳозлар харид қилиш, шу жумладан бу борада кичик бизнес ва тадбирколик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- айрим ресторан хизмат турларини кўрсатиш бўйича техник шарт ва стандартлар ишлаб чиқиш;

2. *Ресторан хизматларини инновацион ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш инфратузилмасини шакллантириш[4]:*

- Ўзбекистонда ресторан хизматларининг ҳолати ва ривожланиш муаммолари” мавзусида таҳлилий маъруза тайёрлаш;  
- ресторан хизматларини бошқаришнинг шакл ва усулларини такомиллаштириш;

- ресторан хизматлар соҳасини ташкилий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва консалтинг хизматлари кўрсатиш бўйича шарт-шароитлар яратиш.

- ресторан хизматлари соҳасида маркетинг тадқиқотлари ва ижтимоий тармоқлар маркетингини ривожлантириш[5].

Фикримизча, ушбу чора-тадбир ва дастурларни амалга ошириш ресторан хизматларини инновацион бошқариш самарадорлигини оширишда муҳим дастурамал бўлиб хизмат қилади.

### Адабиётлар:

1. И.А.Усманов, Х.И.Турдибеков. Маъмурий менежмент.:– Т.: “Фан ва технологиялар” нашриёти, 2009. – 256 бет.: 231 бет

2. Самарқанд вилояти ҳудудий ресторан хизматлари бозори рақобатбардошлигини баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштириш масалалари //“Сервис” илмий-амалий журнали 2020 йил 1-сон.

3. Б.Х.Тўраев, Х. И. Турдибеков, В.Бердиқулов, Ш.М.Исломов, К.М.Ибодов. Меҳмонхона хўжалигида хизматлар сифатини бошқариш. Ўқув қўлланма. Т.:- “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2020 йил. – 382 бет.

4. К.М.Ибодов. Ресторан хизматлари бозори рақобатбардошлигини баҳолаш ва моделлаштиришни такомиллаштириш масалалари //ECLSS international Online Conference Economics & Social Sciences June 28-29, 2020 Istanbul, Turkey.

5. К.М. Ibodov. Turizmدا marketing. – O’quv qo’llanma. Toshkent., Т.: “Fan va texnologiya” nashriyoti, 2019 yil.- 356 bet.

## AXBOROTLASHGAN IQTISODIYOT TUSHUNCHASI VA UNING MAMLAKAT IQTISODIYOTIDA TUTGAN O'RNINI

t.f.n., dotsent Jomonqulova<sup>1</sup> E. F., Tojiyev<sup>2</sup> N. Sh., Nizomov<sup>3</sup> M. Q.

Samarqand iqtisodiyot va servis instituti,  
O'zbekiston, Samarqand sh. Amir Temur ko'chasi 9-uy.  
Тел.: (+99893)336-66-95, E-mail: fazilat\_72@mail.ru

*Annotatsiya:* Ushbu maqolada axborotlashgan iqtisodiyot tushunchalari, uning rivojlanishi va mamlakatimiz iqtisodiyotining taraqqiy etishida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining roli ta'kidlab o'tilgan.

*Kalit so'zlar:* Axborotlashgan iqtisodiyot, axborotlashgan jamiyat, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari.

*Аннотация:* В данной статье освещаются понятия информированной экономики, значение информационных и коммуникационных технологий в развитии и развитии национальной экономики.

*Ключевые слова:* информационная экономика, информационное общество, информационно-коммуникационные технологии.

*Annotation:* This article highlights the notions of an informed economy, the importance of information and communication technologies in the development and development of the national economy.

*Keywords:* Information economy, information society, information and communication technologies.

Hozirgi kunda jamiyatimizda axborotlashgan iqtisodiyot tushunchasi keng tarqalmoqda. Shu o'rinda, axborotlashgan iqtisodiyot tushunchasi nima? degan savol tug'ilishi mumkin. Keng ma'noda axborotlashgan iqtisodiyot ilmiy adabiyotlarda axborotlashgan iqtisodiy qarorlarga axborotning ta'sirini o'rganuvchi iqtisodiy bir yo'nalish sifatida qaraladi. M.A.Nikitenkivanning "Axborot tuzilishi" asarida ushbu atamaga quyidagicha ta'rif berilgan: "Axborotlashgan iqtisodiyot – bu ishlab chiqarish kuchlarining rivojlanish bosqichi bo'lib, unga jamiyat hayotidagi bilimlar va axborotning roli, insonlarning o'zaro samarali axborot almashishi, ularga jahon axborot resurslardan foydalanishga imkon beradigan hamda ularning ijtimoiy va shaxsiy ehtiyojlarini qondirishni ta'minlab beruvchi global axborot maydonining yaratilishidir".

Har qanday mamlakatga xos blganidek, O'zbekistonda ham axborotlashgan iqtisodiyotni shakllantirish darajasini oshirish, zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish, rivojlantirish va yalpi ichki mahsulotda xizmat ko'rsatish sohasining



ulushi bilan belgilab berish mumkin. Mamlakatimizda axborot kommunikatsiya texnologiyalarining rivojlanishi 2013-2020-yillarga mo'ljallangan O'zbekiston Respublikasi Milliy axborot-kommunikatsiya tizimini rivojlantirish dasturi asosida amalga oshiriladi. Ushbu dastur O'zbekiston Respublikasining birinchi prezidenti I.A.Karimovning 2012-yil "Zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish va yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-1730-sonli qarori tasdiqlangan. Mamlakatimizda axborot kommunikatsiya texnologiyalarini yanada rivojlantirishdan ko'zlangan asosiy maqsad, axborot kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish bo'yicha davlat dasturlarini muvaffaqiyatli amalga oshirish va unda axborotlashgan iqtisodiyotni samarali shakllantirishdir. Axborotlashgan iqtisodiyotning mamlakatlar kesimida qiyosiy tahlili quyidagi tendensiyalarning rivojlanishi bilan bog'liq holda amalga oshiriladi:

- an'anaviy va axborotlashgan iqtisodiyotning farqlanishi;
- axborotlashgan iqtisodiyot va sanoat davri iqtisodiyoti sohalari o'rtasida ma'lum ziddiyatlarning shakllanishi;
- globallashgan iqtisodiyotga tobora kirib boorish;

M.Kastels, M.Konnorz, U.Martin, A.Norman kabi olimlar axborotlashgan iqtisodiyot mazmunining tahlilini ilmiy ishlarida aks ettirishgan. Lekin, axborotlashgan iqtisodiyot kategoriyasining o'zi esa fanga 1976-yilda amerikalik iqtisodchi M.Porat tomonidan kiritilgan. Shuningdek, ispan-amerikalik iqtisodchi M.Kastelsning ta'kidlashicha, "Axborotlashgan jamiyat" atamasi mukammal tushuncha emas, u yangi tizimning barcga o'ziga xos xususiyatlarini aks ettirmaydi. Aksincha, "Axborotlashgan iqtisodiyot" tushunchasi aniqroq ta'rifga ega bo'lib, u iqtisodiy mehnat va axborot boyliklar ustuvor bo'lgan sivilizatsiyaning rivojlanish bosqichidir. Bundan tashqari ushbu atamaga nazariy jihatdan ham ta'rif berish mumkin. Axborotlashgan iqtisodiyot – postindustrial jamiyatning asosi bo'lib, axborot asosiy ishlab chiqarish resursi bo'lgan hamda ish bilan bandlar tuzilmasida asosiy o'rinlarni aqliy mehnat bilan shug'ullanuvchilar egallagan iqtisodiyotning o'ziga xos turini belgilovchi falsafiy-iqtisodiy atama hisoblanadi. Jumladan, M.Kastelning 1996-1668-yillarda chop etilgan "Axborot davri: iqtisodiyot, jamiyat va madaniyat" nomli monografiyasi axborotlashgan iqtisodiyot tushunchasining jamiyatda keng tarqalishiga sabab bo'ldi. Vaqt me'zoni bo'yicha axborotlashgan iqtisodiyotning shakllanishini 3 davrga ajratish mumkin:

1. Axborotlashgan iqtisodiyot paydo bo'lishi va yangi hodisalarning rivojlanish tendensiyalarini aniqlash (1960-1970-yillar).

2. Ilg'or mamlakatlarda axborotlashgan iqtisodiyotning shiddat bilan rivojlanishi (1980-1990-yillar).

3. Axborotlashgan iqtisodiyot nazariyasini bilimlar iqtisodiyoti bilan bog'liqlikda o'rganish (2000-yildan)

Umuman olganda, iqtisodiyot nazariyasida axborotlashgan iqtisodiyotning yagona tushunchasi yoki ta'rifi mavjud bo'lmay, ilmiy adabiyotlarda unga turli yondashuvlar mavjud. Shunga qaramay, olib borilgan ko'pgina tadqiqotlarda axborotlashgan iqtisodiyotga xos bo'lgan uchta asosiy me'zonlar guruhiga ajratiladi. Birinchi guruhga iqtisodiy me'zonlar kiritilgan bo'lib, ular jamiyatning axborot sohasida yaratilgan yalpi milliy mahsulot (YaMM) ulushini tavsiflaydi. mazkur yondashuvning asosiy muammosi mamlakatning yalpi milliy mahsulot ishlab chiqarishida axborot sektorining qo'shgan hissasini aniqlashda ma'lum qiyinchiliklarga duch kelganligi hisoblanadi. Ikkinchi guruhga ijtimoiy me'zonlar kiradi. Ular axborot mahsulotlarini, axborotlashtirish vositalarini ishlab chiqarish hamda axborot xizmatlar ko'rsatish sohasida band bo'lgan aholi ulushini belgilaydi. Uchinchi guruhga axborotlashgan iqtisodiyotni belgilab beradigan, ya'ni jamiyatda axborot texnologiyalari (AT)ning tarqalishi nuqtai nazaridan ta'rif beruvchi texnologik me'zonlar kiradi.

Ayni damda yangi texnologiyalarning axborot-kommunikatsiya texnologiyalari taraqqiyoti bilan birgalikdagi rivoji masofa va vaqt oralig'iga qaramay, axborot, pul va boshqa resurslarni tez yetkazish va almashish uchun imkoniyat yaratmoqda. Shu bilan birgalikda axborotlashgan iqtisodiyotga o'tish bilan bog'liq sodir bo'layotgan tub o'zgarishlar bir qator muammo va ziddiyatlarga sabab bo'lmoqda. Misol uchun, bunday muammolarga jamiyatdagi turli sohalarga oid globallashtirish va axborotlashtirish tufayli paydo bo'lgan hamda har tomonlama o'rganish va yechimi kompleks yondashuvni talab etuvchi, iqtisodiy hayotning o'zgaruvchanligi va beqarorligini kiritish mumkin. Bulardan, axborot kommunikatsiya texnologiyalari, ta'lim, ilmiy va innovatsion faoliyat turlarining jamiyat, davlat va iqtisodiyotga bo'lgan ta'sirining kuchayishi hamda ular faoliyatining sifat jihatdan yangi xususiyatlarga ega bo'lishini alohida ta'kidlab o'tish darkor. Shuning uchun axborotlashgan iqtisodiyot jamiyat hayotidagi ziddiyatlarga qanday ta'rif berishi va uning nazariy jihatdan mazmun mohiyati jahon iqtisodiyotining hozirgi zamon bosqichida o'z aksini topayotganligi

axborotlashgan iqtisodiyotning o'ziga xos xususiyatlarini ko'rsatib berish, ayni damda muhim masalalardan biriga aylanmoqda. Shuni ham aytish kerakki, axborot kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirishning barcha yo'nalishlarini o'z ichiga olgan va amalga oshirilayotgan Milliy axborot kommunikatsiya tizimini rivojlantirish strategiyasi faol ijobiy o'sish tendensiyasini namoyon qilmoqda. Bu esa axborotlashgan iqtisodiyotning ulushi umumiy holda iqtisodiyotga sezilarli darajada ta'sir ko'rsatayotganligini bildiradi.

**Xulosa qilib aytganda**, axborot kommunikatsiya texnologiyalarini keng va faol joriy etish mehnat bozorida tarkibiy nomutanosibliklarga, axborot rolining transformatsiyasiga, bir sohaning faoliyati boshqalarga bog'liq holda amalga oshirilishining o'sishiga, iqtisodiyotning ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish sohalarida ilmiy izlanishlar sonining oshishiga olib keladi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 27-fevral kuni tadbirkorlikni rivojlantirish orqali kambag'allikni qisqartirishga qaratilgan chora-tadbirlar bo'yicha videosektor yig'ilishida: "Men bu haqda birinchi marta Oliy Majlisga Murojaatnomamda gapirdim, ya'ni bizda kambag'allikning ko'pligi to'g'risida.

Ta'bir joiz bo'lsa, shu vaqtgacha biz odamlarimizga baliq berdik. Bu tajriba o'zini mutlaqo oqlamaydi. Xalqimizga baliq tutishni o'rgatishimiz lozim" - deya ta'kidlab o'tdi.

Buni inobatga olgan holda, axborotlashgan iqtisodiyot ta'sirini hal qilish, O'zbekistonda keng miqyosda axborotlashgan iqtisodiyotni shakllantirish va rivojlantirish bo'yicha ilmiy tadqiqotlar o'tkazish muhim say-harakatlardan biri ekanligini bildiradi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. <https://kun.uz/> "Xalqimizga baliq emas, qarmoq berishimiz kerak" - Prezident.

2. Porat V. The Information Economy Definition and Measurement. Washington DC: US Dept of Commerce, 1977. P.240.;

3. Тагаров Б. Ж. Современный подходы к определению критериев информационной экономики. // Baikal research journal. - Иркутск, 2012. - №4.С.3.[Электронный ресурс]. URL.:<http://elibrary.ru/download/30837991.pdf>.

## ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ИНСТИТУЦИОНАЛ ЁНДОШУВ

Кувандиков<sup>1</sup> Ш.О.

<sup>1</sup>Самарқанд иқтисодий ва сервис институти докторанти,  
Ўзбекистон, Самарқанд ш., Амир Темури кўчаси, 9-уй.  
Тел.: +998(66)233-38-73, E-mail: sies\_info@edu.uz

*Аннотация.* Ушбу тадқиқот ишида оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг институционал ёндошувлари ўрганилган. Бунда оилага алоҳида институт сифатида қаралиб, унинг ўзига хос нормалар тизимига эгаллиги асослантирилди. Шу асосда оилавий тадбиркорликни ривожланишидаги институционал характердаги муаммолар танқидий таҳлил этилди

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини яратишнинг фақат бозор механизми етарли эмас экан. Бу борада институционал муҳит ҳамда унинг омилларини ислохотларнинг янги босқичига мослаштириш зарурати мавжуд деб ўйлаймиз. Бошқача айтганда бу жараёнлар институционал ёндошувларни зарурат этмоқда. Чунки, давлат, бозор ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракати улкан синергетик самарани<sup>1</sup> таъминлаб бериши мумкин [1].

Шу боис, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини тўлатўкис рўёбга чиқаришга қаратилган, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Бироқ, бу борадаги ислохотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи айрим камчиликларнинг сақланиб қолаётганлик ҳолатлари ҳам мавжуд [2].

Ҳозирги кунда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда институтларни ролини ошириш ва шу асосда қулай институционал муҳитни яратиш халқаро амалиётда кенг қўлланилмоқда. Иқтисодий адабиётларда бу борада турли хил ёндошувлар мавжуд [3]. Жумладан, янги институционал иқтисодийнинг асосий шиори шуки, "институтлар муҳим ва

таҳлилга мойилдир" [4, 5]. Норднинг фикрича "институтлар - бу ўйин қоидалари". Уларга жамият амал қилишининг муҳим қонун ва нормалари, ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари киради [6].

Институтлар мамлакат ёки иқтисодий тизим даражасидаги ўзгаришларни бошқариш учун зарур бўлган қоидалар, чекловлар ва имтиёзларни таъминлайди. Институционал назариялардан оилавий тадбиркорликни тадқиқ этишда ҳам фойдаланилган. Жумладан, ўтиш даври иқтисодиётида оилавий фирмаларнинг афзалликлари, корпоратив бошқарув ва тадбиркорликнинг ривожланишига институционал ёндошув нуқтаи назаридан, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган бир қатор тадқиқотлар мавжуд [7, 8].

Агар юқоридаги тадқиқотларга асослансак, оила - алоҳида институт. Демак, унга икки хил ёндошув хос. Биринчи ёндошувга кўра, у алоҳида институт (ташкilot, муассаса) ҳисобланиб, ўзига хос қонунлар, қоидалар, хаттиҳаракатлар, урф-одатлар ва анаъналар ҳамда расмий ва норасмий нормаларга эга бўлиб, шулар таъсирида ривожланади. Бунда оилага формал (ташқи муҳит билан боғланмаган) институт сифатида қаралади. Иккинчи ёндошувга кўра, унинг ривожланиши институционал муҳит билан боғлиқ бўлиб, сиёсий (давлат), бозор ва фуқаролик жамияти институтларининг таъсири баҳоланади.

Биринчи ёндошувга кўра, оилавий тадбиркорликнинг институционал ёндошувини таснифласак, оилавий тадбиркорлик – оиланинг муҳим функцияси бўлиб [9], унинг ҳам ривожланиши айнан шу нормалар таъсирида бўлиши керак. Бу эса, оила даражасидаги маълум одат, тартиб ва удумларни, уларни расмий тан олиниб қонун ёки муасасалар шаклида мустаҳкамланишини назарда тутаяди. Иккинчи ёндошувга кўра, оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши институционал муҳит ва инфратузилмалар билан боғлиқ кечади.

Оилавий тадбиркорликни қўллаб - қувватлашда улар манфаатини ҳимоя қилувчи жамоат ва нодавлат институтларининг роли муҳим аҳамиятга эга. Оилавий корхоналар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ассоциацияларга бирлашиши уларга бирмунча авзаллик ва қулайликларни яратади. Улардан бири, Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатасидир. Палатагага аъзолик энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан 20 бароваригача белгиланган. Бундай қатъий чекловлар тадбиркорларни кўнгилли асосда бирлаштириш ва уларнинг ҳуқуқ

ва манфаатларини ҳимоя қилиш имконини бермайди. Шу боис палатага аъзо бўлган оилавий корхоналар сони жуда кам. Бу борадаги маълумотларга кўра, 2012-2019 йиллар давомида Самарқанд вилояти бўйича савдо-саноат палатасига аъзо бўлган оилавий тадбиркорлик субъектлари сони 114 тани ташкил этган [10]. Ёки бошқача айтганда бу кўрсаткич вилоятда фаолият юритаётган (2018 йил 1 январ ҳолатига 1620 та) оилавий корхоналарнинг атиги 7 фоизини ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики оилавий тадбиркорлик субъектларининг 93 фоизи биронта ҳам уюшмага аъзо эмас.

Юқорида келтирилган оилавий тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муаммолар институционал характерда бўлиб, уларнинг ривожланишида маълум бир таъсирга эга. Ушбу муаммоларни ҳал этиш улар фаолиятининг самарали институционал муҳитини яратишни таққозо этади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Kuvandikov Sh.O. The support of family business by using of synergistic methods. Journal of Management Value & Ethics. July-Sept. 19, Vol. 9 No 3, p. 47-53.

2.<https://regulation.gov.uz/uz/document/3048>

3.Zenger, T.R., Lazzarini, S.G. and Poppo, L. (2000), "Informal and formal organization in new institutional economics", Ingram, P. and Silverman, B.S. (Ed.) *The New Institutionalism in Strategic Management (Advances in Strategic Management, Vol. 19)*, Emerald Group Publishing Limited, Bingley, pp. 277-305. [https://doi.org/10.1016/S0742-3322\(02\)19009-7](https://doi.org/10.1016/S0742-3322(02)19009-7) ;

4.Matthews R. C. O., 1986, "The economics of institutions and the sources of economic growth", *Economic Journal*, 96, p. 903.;

5.Williamson O. E., 1996, *The mechanisms of governance*, New York: Oxford University Press.

6.North D. C., 1990, *Institutions, institutional change and economic performance*, Cambridge: Cambridge University Press.

7.Banalieva E. R., Eddleston K. A., Zellweger T. M. When do family firms have an advantage in transitioning economies? Toward a dynamic institution-based view // *Strategic Management Journal*. – 2015. – Т. 36. – №. 9. – С. 1358-1377.;

8. Steier L. P. Familial capitalism in global institutional contexts: Implications for corporate governance and entrepreneurship in East Asia // Asia Pacific Journal of Management. – 2009. – Т. 26. – №. 3. – С. 513.

9. Кувандиков Ш.О. Оилавий тадбиркорликнинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги функциялари. “Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш: муаммолар, таҳлиллار ва натижалар” мавзусидаги илмий-амалий онлайн конференция тўплами. 2020 йил 30 апрель, Тошкент, 383-388 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси маълумотлари.

## **КУНЛИК МЕХНАТ БОЗОРИДА “ИШ МАРКАЗИНИ” ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ (социологик сўров натижаларидан)**

**Баходир Бахронович Мардонов<sup>1</sup>  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

<sup>1</sup>Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Тел.: +(99893)994-89-75

### *Аннотация*

*Ушбу мақолада аҳоли бандлигини таъминлаш муаммолари ва уларни ечимлари келтирилган. Шунингдек, кунлик меҳнат бозорини ҳолати таҳлил этилган. Кунлик меҳнат бозорини ташкил этиш йўллари ҳам кўрсатиб ўтилган.*

Мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда меҳнат ресурслари бошқа ишлаб чиқариш омилларига нисбатан кўпроқ самара берадиган ва белгиланган мақсад ва марраларга тезроқ эришиш имконини яратадиган бош омил ҳисобланади. Инсон омили имкониятларидан унумли фойдаланган дунёнинг бир қатор ривожланган мамлакатлари - АҚШ, Франция, Япония, Канада иқтисодий тараққиётининг энг юқори суръатларига эришди.

Ўзбекистон ҳам улкан меҳнат ресурсларига бой мамлакат ҳисобланади. Ўзбекистон мустақиллик йилларидан бошлаб меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишни устувор вазифалар қаторига киритди. Ҳар йили минглаб янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлиги таъминланаяпти Шу сабабли ҳам республикамизда охирги ўн йил ичида бандлик даражаси 67,0 фоиздан юқори. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва фаровонлигини таъминлашдек долзарб вазифа белгиланган. Ушбу вазифани амалга оширишда аҳоли бандлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш азалдан ижтимоий муаммо бўлган. У гўёки булоқ сувиги ўхшайди. Булоқдан сув олинганда булоқда сув камайгандай бўлади-ю, маълум муддат ўтгандан сўнг у яна тўлиб тошади. Шунинг учун ҳар бир мамлакат бандлик



муаммосини турли иқтисодий усуллар орқали ҳал этади. Масалан, АҚШ кредит бериш орқали аҳолини доимий иш билан банд этади. Ёки айтайлик оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ишсизларни камайтиради. Ўзбекистон ҳам тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизларни қайта касбга ўқитиш ва уларни тайёрлаш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминламоқда. Бироқ, хориж мамлакатлари ишсизлик муаммосига тўлиқ ечим топмагандек, Ўзбекистонда ҳам ишсизларни доимий иш билан таъминлашнинг имкони бўлмаётти. Бунга қуйидаги сабабларни келтирмоқчимиз:


**Биринчидан**, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар тўлиқ бозор талаби даражасида ишламаётганлиги сабабли ишсизларни доимий иш билан таъминлай олмаяпти;

**Иккинчидан**, ташкил этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг аксарияти мавсумий фаолият билан шуғулланаяпти. Бу эса аҳолини доимий иш билан таъминлай олмаслигидан даоалат беради;

**Учинчидан**, хусусий тадбиркорлар ишчиларга иш натижаларига қараб иш ҳақи бермаётганлиги сабаб ишчилар доимий ишлаши учун хошиш билдирмаяпти;

**Тўртинчидан**, кунлик меҳнат бозоридаги даромад доимий ишдан топаётган даромаддан юқори;


Модомики, меҳнат бозоридаги ишчи кучларини доимий иш билан таъминлашнинг имкони бўлмаса, уларни кунлик иш билан таъминлаш йўлларини кўришимиз керак. Бизнинг ҳисобимиз бўйича ҳар бир вилоятда кунлик меҳнат бозорига чиқаётган ишчи кучлари қарийб минг кишини ташкил этади. Кунлик меҳнат бозорига чиқувчилар кунлик даромад топиш билан рўзгорини тебратаяпти. Иш берувчининг талабини қондираяпти. Қайсидир жихатдан миллий маҳсулот ва хизмат кўрсатишда иштирок этаяпти. Демакки, кунлик меҳнат бозори ҳам мамлакат тараққиёти учун муҳим рол ўйнайди. Социологик тадқиқотлар кунлик меҳнат бозорига нафақат ишсизлар балки, ҳафтасига тўлиқ иш билан банд бўлмаганлар, ўқувчи талабалар, ҳатто ёши улғайган пенсионерлар чиқаётганлигини ҳам аниқлади.



**1-расм. Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг таркиби, фоизда**

Шунингдек, улар орасида аёллар 32 фоизни ташкил этади. Сўровларимизда ёлланма ишчиларнинг 66 фоизи кунлик меҳнат бозорида ўзларини ноқулай хис этмаётганлигини билдиришди. Демакки, кунлик ёлланма ишчиларнинг бундай ҳолатлари уларни доимо кунлик меҳнат бозорида фаол иштирок этишига ундайди. Шунингдек, ёлланма ишчиларнинг 83 фоизи кунлик меҳнат бозорининг ўзига хос қулайлик томонларини эътироф этишган. Масалан, келишилган иш жойига бориш ва овқатланиш харажатлари иш берувчи томонидан қопланиши, кунлик даромадга эга бўлиш, белгиланган ишни муддатидан олдин бажариш ва бошқалар. Ҳатто, “Кунлик меҳнат бозорида ишингизни қонуний расмийлаштиришни хоҳлайсизми?” –деган савол билан мурожаат қилинганда 74 фоиз ёлланма ишчилар “Ҳа” жавобини беришган.

Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг 17 фоизи олий маълумотли, 50 фоизи ўрта махсус маълумотли, қолган 33 фоизи эса тўлиқсиз ўрта маълумотлилардир. Умуман олганда кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг асосан кўпчилиги маълум маълумотга ва касб-ҳунарга эга бўлган кишилардан иборат (2-расм).



2-расм. Сўралганларнинг маълумоти бўйича таркиби,фоизда

Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларга “Иш маркази” ташкил этилса унга муурожаат қилармидингиз ва у билан шартнома асосида ишлашни истайсизми деган саволлар берилганда 68 фоиз ёлланма ишчилар “Ҳа” деган жавобларни маъқуллашган.

Аммо кунлик меҳнат бозорида иш берувчи ва кунлик ишловчи ўртасида муносабатларни тартибга соладиган мукамал қонун-қоидалар йўқлиги учун баъзи муаммолар келиб чиқяпти. Масалан, кунлик меҳнат бозоридан ёлланган ишчилар иш жараёнида бахтсиз ҳодиса оқибатида жароҳат кўрса-да, ҳуқуқий ва моддий ёрдам кўрсатилмаслиги сабабли жабр кўраяпти. Ёки айтайлик, иш берувчи ҳам кунлик ишловчининг меҳнатидан қониқмаётганлиги сабабли унга нисбатан аниқ чора кўра олмаяпти. Бундай ҳолат кунлик меҳнатга чиқувчилар ва иш бурувчилар ўртасида турли низоларни келтиряпти. Шунинг учун кунлик меҳнат бозорини тартибга солиш ундаги ишчи кучлари меҳнатидан мамлакат равнақи йўлида унумли фойдаланиш мақсадида кунлик меҳнат бозорларида «Иш маркази» ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Кунлик меҳнат бозорида «Иш маркази» аввало, ёлланма ишчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилади, меҳнат хавфсизлигини иш берувчининг зиммасига юклайди. Шунингдек, яна бир қанча муҳим вазифаларни бажаради. Кунлик меҳнат бозорларида “Иш марказларини” ташкил этиш учун қуйидаги механизмларни амалга ошириш таклиф этилади:

**Биринчиси,** кунлик меҳнат бозорида давлат хусусий шерикчилиги асосида “Иш марказини” ташкил этиш ва унда ёлланма ишчиларни жалб этиш лозим. Шу мақсадларда кунлик ёлланма ишчиларни фақат “Иш маркази” орқали иш излашларини ва унга муурожаат қилишларини, шунингдек иш беруви ҳам “Иш

маркази” орқали ишчиларни жалб этишга ўргатиш бўйича, масалан, “Иш марказига” мурожаат қилинг!, “Иш маркази” сиз учун ташкил этилган!, “Иш маркази” ҳақида нималарни биласиз? каби мавзуларда илмий оммавий рисола, оммавий ахборот воситалар орқали уни тарғибот ва ташвиқот қилиш, ушбу масала юзасидан давра суҳбатларини ўтқизиш орқали кунлик даромад топиш истагида бўлганларни “Иш маркази” га жалб этиш мумкин;

**Иккинчиси,** кунлик меҳнат бозоридаги давлат хусусий шерикчилиги асосида ташкил этилган “Иш маркази” фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш. Бу борада “Иш маркази фаолияти” тўғрисида қонун ишлаб чиқиш. Ушбу қонун кунлик ёлланма ишчилар ва иш берувчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилади, мажбуриятларини белгилаб беради. Шунингдек, иш жараёнида иш берувчи ва кунлик ишловчи ўртасида юзага келадиган турли хил низоли ҳолатларни, келишмовчиликларни адолатли ҳал этишда хизмат қилади.

**Учинчиси,** кунлик ёлланма ишчиларни “Иш марказига” жалб этишнинг рағбатлантириш механизминини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш. Бунинг учун “Иш маркази” орқали кунлик ишга жойлашиб даромад топаётган ишчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш. Масалан, истеъмол кредитини олишда “Иш маркази” кафолат бериши, ёки айтайлик, соғлиғини тиклаш учун ўзи истеъқомат қилаётган оилавий поликлиникаларда бепул даволанишига йўлланмалар бериш, фарзандларини ёзги дам олиш масканларига жойлаштиришга ёрдамлашиш каби ишлар амалга оширилса кунлик меҳнат бозорига чиқувчилар фақатгина “Иш маркази” орқали иш топишга интилади ва бу катта самара беради.

**Тўртинчиси,** кунлик ишчиларни кунлик топаётган даромадларидан мажбурий солиқ ундириш эмас балки, уларнинг ўз ихтиёрига қўйиб, кунлик топаётган даромадидан келгусида масалан айтайлик, ишга яроқсиз бўлган вақтларда ундан фойдаланиш учун пенсия жамғармасига ўзи истаган миқдорда маблағ қўйишини таъминлаш лозим. Бу эса кунлик ишловчиларни келгусида кимгадир боқиманда бўлмаслигига, ёки мажбурий тўловларни, жумладан коммунал тўловларини мунтазам тўланишига эришилади ва бу жамиятга, ўзига ҳам катта фойда беради.

## THE MAJOR ISSUES OF TRADE SERVICES IN RURAL POPULATION

candidate of economic Sciences, associate Professor Musaeva<sup>1</sup> Sh. A.,

PhD Usmonova<sup>2</sup> D. I., Usmanov<sup>3</sup> F.Sh.

Samarkand economy and service institute, Uzbekistan, Samarkand city, Amir Temur street 9. Tel.: (+998 66)233- 38-73. E-mail: sies\_info@edu.uz

**Abstract.** This article explores ways to improve trade services in rural areas. On the basis of a critical analysis of the categories "trade services", "trade services for the population", the authors propose a mechanism for the development of trade services in the regions.

**Key words:** trade services, trade turnover, trade services for the population.

**Аннотация.** Мазкур мақолада қишлоқ жойларида савдо хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш йўллари тадқиқ қилинган. Муаллифлар "савдо хизматлари", "аҳолига савдо хизматларини кўрсатиш" категорияларининг танқидий тахлили асосида худудларда савдо хизматларини ривожлантириш механизмини таклиф қилганлар.

**Таянч сўз ва иборалар:** савдо хизматлари, товар айланмаси, аҳолига савдо хизматларини кўрсатиш.

**Аннотация.** В данной статье исследованы пути совершенствования торгового обслуживания в сельской местности. На основе критического анализа категорий "торговые услуги", "торговое обслуживание населения" авторы предлагают механизм развития торгового обслуживания в регионах.

**Ключевые слова:** торговые услуги, товарооборот, торговое обслуживание населения.

The issue of improving the living standards of the population is one of the key issues in the implementation of socio-economic reforms in the Republic of Uzbekistan. As the President of our country Shavkat Mirziyoyev noted, "No matter what reforms, changes, new projects we are implementing today, they are all aimed at a single, great goal. And it is to please our hard-working, hard-working, noble people, to justify the trust of our compatriots, who are courageously overcoming all the trials of life, to lighten the burden" [1].

An important aspect of this issue is to fully meet the needs of the population in consumer goods. In this case, the provision of trade services is of great importance. The development of retail services, which are especially active in meeting the needs of the rural population, is one of the current theoretical and practical problems. Research shows that there are

some methodological ambiguities in the term “trade services”. This will be the basis for in-depth scientific research in the development of trade services and finding solutions to the problem.

A number of years of scientific and practical research conducted at the Samarkand Institute of Economics and Service have allowed to obtain a number of results on the specifics of providing trade services to the rural population and improving their efficiency.

First of all, we would like to draw attention to the scientific approaches to the provision of trade services to the rural population. If we pay attention to a broad description of the content of the field of commercial services to the population, we can cite a number of terms based on its many features.

- it is a complex system that identifies the daily and long-term needs of the population in goods, brings them into certain forms and organizes them in the most convenient way;

- a complex system that identifies the daily and long-term needs of the population in goods, brings them into certain forms and organizes them in the most convenient way;

- infrastructure that creates conditions for the most efficient use of large amounts of public funds;

- a system that creates equal living conditions and equal opportunities for everyone to ensure health independently;

- a self-governing mechanism that creates equal conditions for consumption in society, regardless of social origin, income and occupation. Based on these features, we will be able to scientifically substantiate the problem of improving the level of service to the population. As for the scientific aspects of this problem, it is necessary to analyze in depth its potential, which is one of the indicators of the development of trade, the provision of trade services to the population. First of all, it is necessary to define the category of "provision of trade services to the population", because in terms of market relations, its content has not yet been agreed by scientists. In general, the provision of trade services to the population includes two closely related terms of two different economic natures: the provision of trade services directly to the population and the provision of trade services to the population.

The Russian terms “торговое обслуживание” and “торговое обслуживание населения” combine these two features and require a comprehensive study. However, there is a need for a scientific approach

to the problem and a separate study of the provision and provision of commercial services to solve it.

The provision of trade services to the population means the process of meeting the needs of the population in material resources in the most convenient and efficient way, as it ensures that goods and services are delivered to consumers in the shortest and most efficient way and prepared for final consumption. The provision of commercial services serves to ensure the satisfaction of needs by simplifying the transfer of goods and services to the buyer.

The provision of trade services to the population means the potential or capabilities of trading systems to provide trade services. This reflects the content of the subjects of trade services, not the process of delivery of goods and services. Therefore, the provision of trade services to the population means understanding their composition and capacity in accordance with the volume and composition of needs and distinguishing them from the process of providing trade services.

**Table-1.**

**Distinctive features of trade services and sales services**

Feature (distinctive character)	Content	
	Ensuring trade services	Provision trade services
According to the main purpose	Fast and cheap delivery of goods and services.	Convenient placement of the trading system to the population
According to the main task	- ensuring the range of goods; - Improving the sales process; - adjusting the volume of goods to the volume of demand; - sales promotion.	- provision of trade services in a convenient place for the population; - ensuring the availability of all types of trade services in the settlements.
According to the main criteria	retail turnover; the level of satisfaction of needs; buyers have a choice; quality of service.	the number and composition of sales outlets to meet the needs; time and material costs of customers; trade and consumer culture.

The above features require a separate focus on two areas in the process of improving the efficiency of trade services, as the provision of trade services to the population can be done with the involvement of all market participants.

Many positive changes currently taking place in the field of trade services are mainly aimed at improving the provision of trade services to the population. Numerous scientific studies on economic relations between manufacturing and commercial enterprises have been conducted and put into practice. Measures taken in recent years to provide trade services to the rural population have led to a reduction in the gap in the level of trade services in urban and rural areas. The table below shows the development of trade services in Samarkand region.

**Table-2.**  
**The main indicators of trade services in Samarkand region in 2015-2019**

<b>№</b>	<b>Indicators</b>	<b>2015</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>
1	Retail trade turnover (billion soums), incl:	3846,7	4890,1	6078,2	11147.0	13767.2
	In urban areas	1264,4	1619,4	1965,5	3429.8	4714.8
	In rural areas	2582,3	3270,7	4112,7	7717.2	9052.4
	The share of rural areas in trade turnover, %	67,1	66,7	67,7	69.2	65.7
2	Retail turnover per capital (thousand soums), including:	1151,3	1400,9	1698,3	2965.1	3586.6
	In urban areas	2398,4	3114,1	3717,8	7023.5	8089.8
	In rural areas	928,9	1129,5	1376,6	3023.1	4025.3
3	The difference in retail turnover per capital in urban and rural areas	<b>2,6:1</b>	<b>2,7:1</b>	<b>2,7:1</b>	<b>2.3:1</b>	<b>2.1:1</b>
4	Number of retail enterprises, by the end of the year, thousand	9522	9494	1025	1300.2	1486.1
5	The share of trade services in the total volume of services, %	30,57	32,7	31,68	30.5	29.0
6	Retail trade turnover of trade enterprises, bln. sum	1453,4	1743,5	2010,2	2825.3	3025.1
7	Retail trade turnover of farmers' markets and shopping malls, bln. sum	2338,7	3072,5	3984,5	3800.2	4052.3

*Note: The table is compiled by the author on the basis of data of the Samarkand regional department of statistics [www.samstat.uz](http://www.samstat.uz) for the corresponding years.*

The table above shows that over the past five years, the share of retail trade turnover in rural areas in Samarkand region has increased from 67.1% to 65.7%, which means that the rural population meets their



needs through purchases in residential areas. In urban and rural areas, the difference in per capita retail trade turnover has also been significantly reduced. These changes are due to decreasing in the share of trade services in total services, which decreased from 30.5% to 29.0%. We can also see the importance of farmers' markets and shopping malls in the provision of trade services, which means that today the majority of retail trade turnover falls on these forms of trade.

At the same time, we believe that it is necessary to pay more attention to solving the problem of providing the population with commercial services. To this end, it is expedient to create a scientific and methodological mechanism that will ensure that the activities of market participants are focused in this direction.

The initiative to improve the market system is on the part of local governments. Efforts in this direction are aimed at improving the culture of trade in farmers' and commodity markets, improving trade conditions and ensuring the availability of all types of trade services in populated areas.

It should be noted that at present, the use of regulatory and marketing approaches to increase the level of commercial services in rural areas. The normative approach to the provision of commercial services to the population is used in centralized and orderly trading systems, because it is effective in densely populated urban areas. At the same time, depending on the type of trade enterprises, the norms of providing the population with trade areas will be developed, and the development of the trading system will be subject to the implementation of these norms. The main drawback of the normative approach is the recognition of the existence of moderate demand and the attempt to standardize needs. The application of this approach in stable trade networks in rural areas in the context of market relations may lead to a slowdown in the transaction process and an increase in inventories.

The marketing approach in providing commercial services to the population is one of the most widely used approaches today and is suitable for our socio-economic conditions. At the heart of this approach are the following principles: the consumer is interested in meeting the need in the most convenient way; the choice of method and location of trade services is a personal choice of the consumer, trade information plays a key role in the provision of trade services. Based on these principles, there is no need to build specialized shops in all settlements to

provide trade services, but to take measures to expand the forms and methods of providing trade services.

The research was the basis for the development of the following proposals for the development of commercial services in rural areas.

- Increasing the role of local governments in the development of retail trade and trade services. This direction is carried out in the formation of programs for the development of the service sector in the district on the basis of proposals submitted by communities.

- expanding the participation of diversified farms in the activities of farmers' markets. The application of such a system, along with the saturation of the market with agricultural products, will lead to the improvement of procurement activities in farmers' markets.

- Establishment of supermarkets specializing in the development of wholesale and retail trade in district centers, thereby developing the supply of small formal and informal shops in all settlements.

The creation of such a mechanism will not only protect the economic interests of market participants, but also achieve great socio-economic benefits for the local population.

### References:

1. Mirziyoyev Sh.M. Together we will build a free, democratic and prosperous state of Uzbekistan. - Tashkent: "Uzbekiston", 2016. - 56p.

2. Mirziyoyev Sh.M. Critical review, tough discipline and personal accountability should become a daily routine for every leader. - Tashkent: "Uzbekiston", 2017. - 104 p.

3. Mirziyoyev Sh.M. Together with our multinational hardworking people, we are together a free, democratic and prosperous state. - Tashkent: "Uzbekiston", 2017. - 488 p.

4. Usmonova D.I. Ways to improve the socio-economic efficiency of trade services for the rural population. Monograph. - T.: Publishing house "Navruz" GUP, 2014. - 160 p.

## МАМЛАКАТИМИЗДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ТУРЛИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

**и.ф.н. Олтаев<sup>1</sup> Ш.С.**

<sup>1</sup>Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,  
Самарқанд ш. Амир Темур кўчаси 9-уй.  
Тел.: (+99890)270-98-54; +(99897)399-40-98. E-mail: sies\_info@edu.uz

### **Аннотация:**

Мазкур мақолада турли ривожланган давлатларда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ва инфратузилмалари таҳлил қилинади ҳамда олинган натижалар асосида мамлакатимизда ҳозирги кунда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича бир қанча учраб турган муаммолар ва уларнинг ечимлари ўрганилади.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

Рақамли иқтисодиёт, рақамли пуллар, рақамли платформалар, экотизим, омниканаллик, булутли технологиялар, краудсорсинг, краудфундинг.

### **Аннотация:**

В статье анализируется развитие и инфраструктура цифровой экономики в разных развитых странах, и на основе полученных результатов исследуется ряд проблем и пути их решения для развития цифровой экономики в нашей стране сегодня.

### **Ключевые слова:**

Цифровая экономика, цифровые деньги, цифровые платформы, экосистема, омниканальность, облачные технологии, краудсорсинг, краудфандинг.

## **КИРИШ**

Айни пайтда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Худди шунинг учун ҳам давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида республикамиз раҳбарияти бир қанча муҳим қарорларни қабул қилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24-январдаги 2020 йил учун энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бўйича қуйидагиларни айтиб ўтди:

“Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгиланишини кўзда тутадиган “Рақамли иқтисодиёт миллий контцепцияси”ни ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга тадбиқ этишимиз зарур”. Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради. Нуфузли ҳалқаро ташкилотлар ўтказган таҳлиллар ҳам буни тасдиқламоқда. Шунинг учун Ҳукуматга икки ой муддатда рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш топширилади. Бу борада ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур” [1]. Шунинг учун ҳам уни қандай ривожлантириш масалалари жамият ва халқ олдида кўндаланг бўлиб турибди. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш стратегиясининг баъзи бир йўналишлари муаллиф нуқтаи-назаридан муҳокама қилинади.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Авваламбор шуни айтиш керакки, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, бозор муносабатларининг такомиллашиши, ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бориши, рақамли иқтисодиётни амалга ошириш шароитида ҳар бир иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда [2]. Рақамли иқтисодиётда рақамли кўринишдаги маълумотлар барча ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ишлаб чиқаришнинг асосий элементи ҳисобланади ва бундай иқтисодиёт тизимига босқичма-босқич ўтиш мамлакатимизнинг глобал миқёсдаги рақобатбардошлилиги ошиб, фуқароларнинг ҳаёт сифатини янада оширади, янги иш жойларини яратади, жадал иқтисодий ўсишга имкон яратади ва миллий мустақилликни ҳам таъминлаб беради [3]. Ушбу рақамли иқтисодиётни ривожлантириш дастури қуйидаги мақсадларни амалга ошириш учун хизмат қилиши керак [4]: биринчидан, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг экотизимини яратиш; иккинчидан, мамлакат рақамли иқтисодиёт тизимининг институтлари ва инфратузилмасини яратиш; учинчидан, Республикаимизнинг барча тармоқларини қамраб олувчи инфорацион жамият ташкил қилиш учун керакли бўлган барча чора-тадбирларни амалга ошириш; тўртинчидан, глобал миқёсда ва глобал бозорларга республикаимизнинг рақобатбардошлилигини ошириш.

Ҳозирги даврда жаҳондаги бир қанча ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Хитой, Япония, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Россия ва бошқалар), жаҳон иқтисодиётида рўй бериши бошланган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиётнинг кўпчилиқ тармоқларини рақамлаштириш бўйича жадал ҳаракатни бошламоқдалар. Лекин, бу маълумотларни назарда тутган ҳолда шуни қайд этишга мажбурмизки, биронта, жумладан, етакчи мамлакатларда ҳам рақамли иқтисодиёт ўзи нима эканлиги ва у келажакда қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида тўлақонли фалсафий тушуниш йўқ. Кўриниб турибдики, рақамли иқтисодиёт деганда, кўплаб мамлакатлар иқтисодий муносабатлар ва бошқарувнинг янги шаклларини эмас, балки, истеъмолчилар билан коммуникация қилиш ва тўловларнинг янги электрон рақамли шаклларини тушунади холос. Бизнингча, кўпчилиқ мамлакатлар рақамли иқтисодиётни онгли равишда ташкил этмайдилар, балки мавжуд иқтисодий муносабатларни рақамлаштириш жараёни билан шуғулланади холос. Иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнининг баъзи етакчи мамлакатлари эса қарама-қарши ёндашувлар танлаб олишган [5]. Агар бу соҳадаги АҚШ нинг тажрибасини кўриб чиқадиган бўлсак, рақамли иқтисодиётни ташкил қилиш жараёнини тўрт асосий блокка ажратиш мумкинлиги маълум бўлиб қолади: биринчидан, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун керакли бўлган шарт-шароитларини яратиш; иккинчидан, рақамли трансформация қилинишга энг тайёр бўлган иқтисодиёт субъектларида рақамли иқтисодиёт платформаларининг вужудга келиши ва глобал миқёсда ишга тушуши; учинчидан, рақамли иқтисодиёт платформаларининг ўзаро рақобат кураши ва уларнинг аста-секинлик билан интеграциялашуви амалга ошиши; тўртинчидан, рақамли иқтисодиёт соҳасидаги энг перспектив ечимларни бутун иқтисодиётга жорий қилиш.

Биз ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг АҚШ ва Хитой мамлакатларида синовдан ўтган ҳудди шундай стратегиясини танлаганимиз мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### **Таклиф ва ҳулосалар**

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси учун ҳам унинг дунё миқёсидаги рақобатбардошлигини белгилаб берадиган стратегик аҳамиятга

молик масалалардан бири ҳисобланади. Фикримизча, рақамли иқтисодиёт платформаларини тузишда асосий эътиборни қуйидаги йўналишларга қаратиш зарур: телекоммуникациялар, энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, солиқ ва солиққа тортиш, доридармонлар логистикаси, маълумотларни қайта ишлаш, туризм, ташқи иқтисодий фаолият, кўчмас мулк савдоси ва ишлаб чиқариш. Айнан шу соҳаларнинг ривожланиши керакли инфратузилма ва мос технологик базис яратишга имкон беради. Сўнгра уларни иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига кўчирган ҳолда Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни максимал даражада тез шакллантириш мумкин бўлади.

Барча замонавий технологиялар учун, айниқса, рақамли бошқарув тизими нуқтаи-назаридан омма учун шундай кўринишдаги «ижтимоий стресс-тест» зарурдир. Юқорида айтиб ўтилган фикрлар ва ғоялар туфайли, ушбу ижтимоий йўналишларнинг ижтимоий муҳит учун муҳимлиги тушунарли бўлгандир. Лекин уларнинг рақамли иқтисодиёт республика дастурида қандай ўринга эга бўлиши лозимлиги ноаниқ бўлиб қолаверади. Республикада рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг илк палласида, моддий, маънавий, дастурий, техник ва ижтимоий захиралар чекланганлиги сабабли, саъй-ҳаракатларни қайси йўналишга қаратиш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилиш зарур бўлиши эҳтимоли жуда катта, яъни, олдимизда икки йўл турибди: уларнинг бири технологияларни ижтимоий мослаштириш билан шуғулланиш, иккинчиси эса маҳаллий технологик асосларни рақамли иқтисодиёт воситасида ривожлантириш йўли.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24-январдаги 2020 йил учун энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24-январь. <https://www.norma.uz/>.

2. Пардаев О.М., Мамаюнусова М.О. Макроиқтисодий таҳлилнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ўрни ва унга рақамли иқтисодиётни киритиш масалалари. СамИСИ. “Сервис” илмий амалий журнал. №1, 2020 й. 37-41 бетлар.

3. Гулямов С.С. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн

технологиялари. Т.: “Иқтисод Молия” нашриёти, 2019. 396 бет.

4. Аюпов Р.Х., Балтабаева Г.Р. Рақамли валюталар бозори: инновациялар ва ривожланиш истикболлари. -Т: “Фан ва технология” нашриёти, 2018, 172 бет.

5. Лapidус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. -М.: ИНФРА-М, 2017. -281 с.

6. <https://ru.wikipedia.org/wiki/> - Википедиадаги саҳифа

## САВДО КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ҲОЗИР ЗАМОН ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Пўлатов<sup>1</sup> Х.

<sup>1</sup>Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Тел.: +(99893)727-95-55

**Аннотация:** мақолада савдо корхоналарининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг асосий механизми ҳамда ҳозирги замон талаблари асосида методологиясини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий манфаатларини ҳам аниқлаш йўллари аниқ формулалар орқали кўрсатиб берилган.

### Кириш.

Ҳозирги пайтда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ислоҳ қилиниши аҳамияти ортиб бормоқда. Чунки мамлакатни модернизациялаш ва жаҳон молиявий инқирозининг иқтисодиётимизга таъсири шароитларида корхоналарда ҳисобининг юритилиши аудитининг ташкил этилишига нисбатан янги талаблар қўйилмоқда. Рақобат муҳити мустаҳкамланиши ва кенгайиб бориши, бир томондан, корхона учун молиявий ресурсларни қўлга киритиш имкониятларини оширади, иккинчи томондан эса бу ресурсларнинг самарали ишлатилиши учун масъулиятни кескин кучайтиради. Шу жумладан, савдо корхоналарида ресурслардан самарали фойдаланмаслик пировард натижада корхонанинг хонавайрон бўлишига олиб келади, мулкдорлик тадбиркорлик фаолияти асос бўлиб хизмат қилаётган молмулкни бой берадилар. Бунга йўл қўймаслик учун ишлаб чиқариш ҳамда савдо жараёнларининг бухгалтерия ҳисоби соғлом равишда ташкил этилиши ҳамда олиб борилиши лозим. Молиявий нуқтаи назардан савдо жараёни корхона иқтисодий ресурсларининг сарфланиши жараёнидир. У корхона товар-моддий захираларининг, пул маблағларининг, меҳнат ресурсларининг сарфланиши бўлиб ифодаланади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> <http://alternatus.uz/>



### Таҳлил ва натижалар.

Савдо фаолиятини турли белгилари бўйича гуруҳлаш мумкин. Амал қилиш ҳудудига кўра савдо фаолияти ички ва ташқи савдога бўлинади.

Ички савдо – бу бир мамлакат ҳудуди чегарасида амалга ошириладиган савдо фаолияти.

Ташқи савдо – бу мамлакат ичида ишлаб чиқарилган маҳаллий товарларни бошқа мамлакатларга сотиш фаолияти. Ташқи савдо фаолияти, бошқачасига, экспорт деб ҳам аталади.

Товарларни савдо-сотиғини амалга ошириш ва унда қўлланиладиган ҳисоб-китобларнинг шаклига кўра савдо улгуржи, майда улгуржи ва чакана савдо турларига бўлинади. Юридик шахслар томонидан олиб бориладиган савдо фаолияти деганда юридик шахс сифатида маҳаллий ҳокимиятдан рўйхатдан ўтган ва савдо фаолиятини юритиш ҳуқуқига эга бўлган корхоналар томонидан амалга ошириладиган савдо тушунилади. Бундай корхоналар савдо фаолиятини ўзларининг савдо дўконлари, шаҳобчалари, базалари, омборлари ёки буюм бозорларида ажратилган савдо тармоқлари орқали амалга оширадилар. Юридик шахслар савдонинг барча турларини олиб борадилар.

Савдо фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат ва аралаш мулкдаги корхоналар бўлиб республикамизда акциядорлик жамиятлари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, маъсулияти чекланган жамиятлар ва бошқа мақомдаги хусусий корхоналар ҳисобланади.

Савдо корхоналарининг бухгалтерия ҳисобининг вазифаларига қуйидагилар киради:

- товар айланмасининг миқдорини ҳужжатли асосга эга бўлишлигини таъминлаш, уни ҳисоб регистрлари ва ҳисоботларда тўғри акс эттириш;

- тузилган шартномаларни бажарилаётганлигини, товарларни кирим ва чиқимига тегишли бўлган бошланғич ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминлаш;

- товарларнинг сотиш баҳоларини тўғри шаклланганлигини назорат қилиш;

- товарларни харидорларга етказишгача бажарилган транспортировка, сақлаш, ўраш, қадоқлаш, саралаш ва шу каби қўшимча жараёнлар мажмуасини ҳужжатларда ўз вақтида ва тўғри

аск эттириш, уларга сарфланган маблағларни аниқ суммасини ифодалаш;

- савдо корхоналарида юз берадиган товар-пул операцияларини ўз вақтида, тўғри хужжатлаштириш, гуруҳлаш ва жамланишини таъминлаш;

- амалга оширилган товар операцияларининг қонунийлиги ва товар-моддий бойликлар бутлигини таъминлаш;

- товар-моддий бойликларнинг сақланиш жойларида омбор ҳисобини белгиланган усул ва шаклларда, шунингдек ҳисоб регистрлари ҳисобланган китоб, карточка ёки қайдномаларни ўз вақтида ва тўғри юритилишини таъминлаш;

- барча моддий жавобгар шахслар фаолияти устидан қатъий назоратни олиб бориш, моддий-жавобгар шахслар билан тузилган моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномалар шартларига тўлиқ амал қилинаётганлиги тўғрисида раҳбариятга ҳаққоний ахборотларни бериб бориш;

- товар - моддий бойликлар бўйича баҳо сиёсатини тўғри шакллантириш ва ушбу сиёсатни тўғри амалга оширилиши устидан доимий назоратни олиб бориш;

- савдо шаҳобчалари ва омборлардаги товар-моддий бойликларни реал ҳолатини белгиланган муддатларда инвентаризациясини ўтказиб туриш.

Хулоса қилиб айтганимизда савдо корхоналари солиқ тизими аниқ бир механизмда тушмаган ҳали ўрганилиш жиҳатидан долзарб муҳокамаларга сабаб бўладиган, ҳали тармоқлар бўйича замон талаб даражасидан келиб чиққан ҳолда ривожланаётган фаолият тури ҳисобланади. Савдо корхоналарида бухгалтерия тизимини ташкил этиш ҳамда унинг олиб борилишини самарали ташкил этиш маълум миқдорда меҳнат ҳамда илмий изланишни талаб этади. Асосида савдо фаолиятининг тўғри олиб борилишига ҳамда солиқ солиш объектининг тўғри ташкил этилишига сабаб бўлади дея айта оламиз. Мени таклифим -Улгуржи савдо корхоналари товарларни омборхонага кирим қилиб узининг чакана савдо дуконларига ҳамда харидорларга чиқим қилишни ташкил этиш керак. Чунки умумбелгиланган солиқ тури билан ёки айланмадан солиқ туламайдиган корхоналарнинг ҚҚС ва фойда солигини ҳисоблашда хато ва камчиликларга йўл қўйилмаслиги таъминланади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтқазиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 407- сон қарори билан тасдиқланган.
2. «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо Қоидалари». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75- сон қарори билан тасдиқланган
3. Абдукаримов Б.А. Корхона иқтисодиёти. Дарслик.// -Т.: Фан, 2005. -288 б.
4. Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. // Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2014. -384 б.;
5. Уразов К.Б. “Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари” фани бўйича дарслик -Тошкент 2019 .

## ХЎЖАЛИК ЖАРАЁНЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Равшанов<sup>1</sup> А.Б.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти,  
Тел.: +(99890)863-71-81; E-mail: alisher7105@gmail.com

У ёки бу соҳада тадбиркорлик билан шуғулланиш, тадбиркордан ишбилармонлик билан бирга иқтисодий-ҳуқуқий билимга эга бўлишликни ҳам талаб қилади.

Тадбиркорга ҳуқуқий билим ўз фаолиятини ташкил этиш ва мулкни ҳимоя қилиши учун зарур бўлса, иқтисодий билим тадбиркорга танлаган хўжалик фаолият соҳасини йўлга қўйиш ва уни янада ривожлантириш истиқболларини белгилаб беради.

Ташкилий ҳуқуқий мақомига ва мулкчилик шаклига кўра, тадбиркорлик субъектларининг бугунги кундаги кенг тарқалгани тури, бу хусусий мулкчиликка асосланган хусусий корхоналар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Хусусий корхона тўғрисида”ги 558-II-сон Қонунига асосан, “Мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади” [1].

Бухгалтерия ҳисобининг субъекти сифатида хусусий корхоналарда ҳам ҳисоб объектлари: корxonанинг хўжалик жараёнлари, уларда содир бўладиган хўжалик муомалалари ва муомалалар натижаси ҳисобланади.

Хўжалик жараёнлари турли ўқув ва илмий адабиётларда турлича ёритиб берилган бўлиб, кўпгина иқтисодий адабиётларда улар асосан бир-бирларининг ўрнини эгалайдиган учта босқичдан: таъминот, ишлаб чиқариш ва реализациядан иборат эканлиги таъкидланган [2]. Хўжалик жараёнларининг бундай босқичларда талқин қилиниши олий таълим муассасаларида ўрганиладиган бухгалтерия ҳисоби фанлари мавзулари кетма-кетлигида ҳам ўз аксини топган бўлиб, фанларда ўрганиладиган мавзулар дастлаб таъминот жараёнини ўрганишдан бошланади. Бу эса талабаларга фанни чуқур ўрганишда бир оз тушунмовчилик ва қийинчиликларни юзага келтиради.

Бизнинг фикримизча, хўжалик жараёнлари хўжалик юритувчи субъектнинг бутун хўжалик фаолияти босқичларини ўз ичига оладиган жараёнлар ҳисобланиб, булар: молиялаштириш, таъминот, ишлаб чиқариш, реализация ва бошқариш жараёнларини мужассамлаштиради.

Хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисобининг объекти сифатида қисқача қилиб қуйидаги жадвал кўринишида тавсифлаш мумкин (жадвал).

Жадвал.

**Хўжалик жараёнининг босқичлари тавсифланиши**

<b>Хўжалик жараёнлари</b>	Молиялаштириш	Ўз маблағи	Устав, қўшилган, захира капиталлари, фойдасини шакллантириш. Мақсадли тушумларни жалб қилиш ва б.
		Қарз маблағлари	Банк кредити ва бошқа қарзлар маблағларини жалб этиш. Лизинг компанияларини жалб этиш.
	Таъминот	Ишлаб чиқариш воситалари таъминоти	Ер, бино, асбоб-ускуна ва б. шартнома асосида қўлай нархларда сотиб олиш. Лизинг ва бошқа инвестицияларни жалб этиш.
		Ишлаб чиқариш захиралари таъминоти	Хом-ашё ва бошқа материалларни шартнома асосида қўлай нархларда сотиб олиш.
		Ишчи кучи таъминоти	Малакали ишчи ва ходимларни жалб қилиш ва улар билан меҳнат шартномаларини тузиш.
	Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш)	Маҳсулот ишлаб чиқариш	Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
			Ноозиқ-овқат маҳсулотларни ишлаб чиқариш.
		Хизмат кўрсатиш	Савдо ва умумий оўқатланиш хизматини кўрсатиш
			Коммунал хизматларни кўрсатиш
			Маиший ва б. хизматларни кўрсатиш
	Ишларни бажариш	Юк ташиш ва йўловчи ташиш ишларини бажариш	
		Қуриш, таъмирлаш ва б. ишларни бажариш	
	Сотиш	Тайёр маҳсулотни сотиш	Юридик ва жисмоний шахслар турли шаклларда сотиш
		Товарни ва бошқа хизматларни сотиш	Юридик ва жисмоний шахслар турли шаклларда сотиш
		Бажарилган ишларни сотиш	Юридик ва жисмоний шахслар турли шаклларда сотиш

	Бошқариш	Фаолиятни ташкил этиш ёки такрор ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш	Фаолият турини белгилаш, зарур пул маблағни топиш ва мавжуд маблағлардан самарали фойдаланишни
		Таъминот жараёнини бошқариш	Замонавий асосий воситалар, арзон ва сифатли хом-ашё ва материалларни аниқлаш, танлаш ва қулай баҳоларда шартнома асосида сотиб олиш.
		Ишлаб чиқариш жараёни бошқариш	Харажатларни нормаллаштириш ва назорат қилиш
		Сотиш жараёнини бошқариш	Бозорни ўрганиш ва шартномалар тузиш
		Фаолият натижаларини бошқариш	Фойдани шакллантириш ва солиқларни тўловларини ҳисоб-китоб қилиш
		Ишчи ва ходимларни бошқариш	Ишчи ва ходимларни танлаш, меҳнат шартномаси асосида уларни рағбатлантириш ва улар учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корxonани, фаолият турини ташкил этишда зарур хом-ашё ресурслари ҳажми, етарли даражадаги инфратузилма объектлари билан бир қаторда, энг аввало етарли маблағга эга бўлишликни талаб этади. Бу маблағ корхона мулкдорининг шахсий маблағи, банк кредити ёки бошқа қарз маблағлари, мақсадли тушумлар ҳисобидан шакллантирилади. Шу сабабли ҳам хўжалик жарёнининг бу босқичи молиялаштириш жараёни деб юритилади.

Корхона ўз фаолиятини бошлаш учун етарли маблағга эга бўлгач, бу маблағларга хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш, ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари, хом-ашё ва материалларини сотиб олиш ҳамда ишчи кучини ёллаш талаб этилади. Бу жараён таъминот жараёни деб юритилади.

Зарур ишлаб чиқариш воситалари, хом-ашё ва материаллар ҳамда ёлланган ишчи кучига эга бўлгач, кейинги босқич ишлаб чиқариш жараёни деб юритилиб, бу босқичда ишлаб чиқариш воситалари, хом-ашё ва материаллар ҳамда ёлланган ишчи кучининг ўзаро таъсири натижасида қўшимча қийматга ва ўз харидорларига эга бўлган, тайёр маҳсулотлар яратилади ҳамда иш ва хизматлар таклиф қилинади.

Реализация жараёнида яратилган тайёр маҳсулотлар, иш ва хизматлар харидорларга улар учун мақбул баҳоларда таклиф

қилинади. Уларни сотилиши натижасида пул маблағлари вужудга келади. Сотилж жараёни корхонанинг молиявий ҳолатига катта таъсир этиб, корхонанинг кейинги истиқболини белгилаб беради.

Бизнинг фикримизча, иктисодиёти ривожланган ва ривожланаётган давлатларда ишлаб чиқарувчилар бу жараёнга энг муҳим жараёнлардан бири сифатида қараб, бу мамлакатларда ишлаб чиқарувчилар тайёр маҳсулотини юқори даражадаги фойда олиш мақсадида сотилшдан кўра, кам фойда эвазига маҳсулотини сотилш ҳажмини оширишни афзал кўришмоқда. Ўз маҳсулотларини сотилшнинг турли шаклларини ўйлаб топишмоқда. Янги инновацион бошқариш усули эса бозор иктисодиёти шароитида инновацион мулк сифатида бухгалтерия ҳисобининг объекти ҳисобланади ва бошқа рақобатчи корхоналардан сир тутилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганимизда, хўжалик жараёнларини тўғри таснифлаш ва унинг моҳиятини тўғри тушуниш тадбиркорлик субъектлари фаолияти самарадорлигини таъминловчи асосий омилдир. Чунки, хўжалик жараёнларини тўғри таснифлаш, моҳиятини тўғри англаш хўжалик фаолиятни тўғри йўлга қўйишни ва унинг давомийлигини таъминлаб беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддаси.
2. Б. Ҳошимов. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. –Тошкент. Янги аср авлоди, 2004. – 41 б.

## ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИКНИ ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ

Рузметов<sup>1</sup> Д.И.

<sup>1</sup>Урганч давлат университети, Ўзбекистон  
Тел.: +(99890)323-99-23. E-mail: ejournal\_urdu@gmail.com

### **Аннотация:**

Ҳозирги кунга келиб, жаҳондаги ривожланаётган мамлакатлар иқтисодийнинг турли тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, хом ашё ресурслари экспортдан тайёр маҳсулот экспортига ўтиш масалалари асосий вазифа ҳисобланади. Ушбу устувор вазифани бажаришда мамлакатлар олдида ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ички ҳамда ташқи бозорларда мижозларни кўпайтириш, улар олдидаги имижини кўтариш ҳамда натижада олинган фойдани янада кўпайтиришга имкон берувчи инновацион жараёнларни юксалтириш ҳамда у билан шуғулланиш зарурати туғилди. Юкоридагилардан келиб чиққан ҳолда ушбу мақолада инновацион тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан таклифлар берилган.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

Инновация, инновацион тадбиркорлик, давлат сиёсати, соҳаларда инновация, кичик корхона, инфратузилма.

Бугунги кунда дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар иқтисодийда уларнинг асосий даромадлари ва статистик кўрсаткичлари инновацион жараёнларнинг тўғри ташкиллаштирилганлиги ҳамда доимий равишда такомиллаштириб борилаётгани маълум бўлиб қолмоқда. Бироқ, республикамизда минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш ҳамда аҳоли ҳаёт даражаси ва фаровонлигининг барқарор ўсишига имкон берувчи фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш ҳамда фан ва инновацион фаолият жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бевосита инновацион фаолият асосида ташкил қилинадиган инновацион тадбиркорликни шакллантириш ва самарали ривожлантиришга имкон беради [1].



Давлатнинг инновацион фаолиятга оид сиёсати келажакка қаратилган бўлиб, унга илмий, технологик, инфратизим, минтақавий ва таълимга оид сиёсатнинг ягона тизимида тадбиркорлик фаолиятини ҳам киритиш зарур бўлади. Инновациялар тадбиркорлик фаолиятининг барча шаклларида дахлдор бўлади. Бу саноат корхоналари учун банклар, суғурта фирмалари ёки туристлик фирмалари ва бошқа ташкилотлар учун муҳим фаолият саналади. Тадбиркорлик фаолият ва жараён сифатида иқтисодий асосий ўринни эгаллайди.

Аввало, тадбиркорлик жараёни ташкилий фаолият йўналишларининг йиғиндиси бўлиб, унда аниқ бир илк унсурлар истеъмолчини жалб қилувчи ва унинг талабларини қондирувчи белгиланган кўрсаткичларга эга маҳсулотга айланади. Ҳамда инновацион фаолият таснифий белгилари бўйича, яъни инновацияларни қўллаш соҳалари юзасидан бошқарув, ташкилий, тадбиркорлик, ижтимоий, саноат ва бошқа гуруҳларга ажратилади.

Шунингдек, инновацион фаолият кичик корхона босқараётган тадбиркор учун ўз мақомини кўтариш ва каттароқ ташкилот яратиш учун ягона имкониятдир. Ресурсларнинг барча турларининг чекланганлиги сабабли кичик бизнес янги технологияларни жадал ривожлантириш ва улардан фойдаланиш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва йирик корхоналар томонидан фойдаланиш учун тижорат асосида ўтказиладиган янгиликларни саноат дизайни босқичига олиб чиқишга қизиқади [2].

Инновацион тадбиркорлик кўп қиррали иқтисодий фаолият тури бўлиб, унинг инновацион маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш цикли билан боғлиқ ташаббускорлик фаолиятининг қуйидаги турларини амалга оширадиган жисмоний ва юридик шахслар тадбиркор сифатида қатнашадилар:

- инновацион маҳсулотни яратиш;
- воситачилик функцияларини бажариш;
- молиявий инновацияларни таъминлаш.

Нисбатан мустақил бўлган ҳолда инновацион соҳадаги ушбу турдаги тадбиркорлик фаолияти бир-бирини тўлдиради. Ҳамда улар ташкилий-ҳуқуқий шакли, операциялари мазмуни ва уларни амалга ошириш усуллари жиҳатидан сезиларли бир-биридан фарқ қилади. Бундай ҳолларда инновацион корхона шаклини танлаш фаолият соҳаси, маблағ мавжудлиги, муассисларнинг таркиби ва

инновацион бизнесни юритишнинг бошқа шартларига боғлиқ бўлади.

Бошқа таснифлардан ташқари, қонунчиликка мувофиқ кичик, ўрта ва йирик каби инновацион корхоналар шакллари мавжуддир. Инновацион соҳадаги кичик бизнес оммавий равишда биринчи ва энг динамик тузилмадир. Шунга асосан, инновацион тадбиркорликнинг асосини аниқ кичик инновацион фирмалар, яъни иқтисодиётнинг ривожланаётган тармоқларидаги технологик бошқариш, янги бозор сегментларини очиш, янги саноат тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг билим интенсивлиги ва рақобатбардошлигини ошириш ва шу билан янги технологик тузилмаларни шакллантиришга ҳисса қўшиш ташкил этади. Ҳамда кичик инновацион корхоналарнинг кучли томонлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- инновацион циклнинг давомийлигини қисқартиришга имкон берадиган бошқарув қарорларини тезкор қабул қилиш;
- улар билан бевосита ва шахсий алоқалар туфайли қўшимча харажатларнинг паст даражаси;
- корхоналарда минимал бошқарув иерархиясини ҳисобга олган ҳолда ташкилотда бюрократик процедураларнинг етишмаслиги.

Кичик инновацион корхоналар асосчилари тижорат хавфи шароитида унинг муваффақияти учун шахсий жавобгарлигига қарамай, тадбиркорлик фаолиятига юқори туртки билан ажралиб туради. Бироқ, инновацион тадбиркорлик мотивлари ҳам мавжуд бўлиб, қуйидагилар унсурларни ўз ичига олади.

- ижодий лойиҳаларни амалга ошириш қобилияти;
- қарор қабул қилишда юқори даражадаги мустақиллик ва эркинлик;
- юқори имижни тасдиқлаш, инновацион соҳадаги ютуқларни ижодий эътироф етиш ва бошқалар.

Кўпчилик кишилар инновацион тадбиркорликни инновацион фаолиятни хавfli бизнес орқали тарғиб қилиш қобилияти билан боғлашади. Инновацион тадбиркорликнинг асосий субъектларига тижорат жозибадор янгиликларни амалга оширишга қодир бўлган кичик таваккалчиликка асосланган фирмалар киради. Шу билан бирга, инновацион тадбиркорликнинг кичик шаклларида ташқари инновацион тадбиркорликнинг ўрта ва йирик ташкилий шакллари ҳам мавжуд бўлади [3].

Инновацион корхоналарнинг кичик ва ўрта шакллари қуйидаги ташкилотлар томонидан намоиш этилади:

- қўшма корхоналарни тарғиб қилувчи, кичик бизнесга менежмент ва хизматларни кўрсатадиган бизнес марказлари ёки бизнес-инкубаторлар;

- илмий-техник янгиликлар ва инновацион объектларни жорий этиш, патентлаш ва лицензиялаш, бозорга олиб чиқиш, ихтироларни тижорат мақсадларида фойдаланиш ва сотиш лицензияларини ишлаб чиқаришга жорий этишга ихтисослашган амалга оширувчи компаниялар.

Мазкур инновацион тадбиркорлик шаклларида фарқли ўлароқ, венчур, яъни таваккалчиликка мойил фирмалар маълум бир якуний инновацион маҳсулотни олиш учун яратилган вақтинчалик тузилма бўлиб ҳисобланади. Кичик инновацион корхоналарни йирик субъектлар билан таққослаганда тадбиркорлик фойдасини олиш қуйидаги юқори имкониятларига эга бўлади:

- кичик товар бозорларига йўналтирилган стратегиядан фойдаланиш;

- бозорда қаттиқ рақобат ва мураккаб тўсиқларнинг йўқлиги;

- ишлаб чиқариш ва бозорга олиб чиқиш капиталининг паст интенсивлиги;

- илм-фан ва технологиянинг чегара ҳудудларида асосий ва кашшоф илмий-тадқиқот ишларининг натижаларидан фойдаланиш;

- истеъмолчилар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти;

- бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг натижаларидан кўп ўлчовли даражада фойдаланиш ва уларни ҳар хил эҳтиёжларга татбиқ этиш имконияти;

- иқтисодий фаолият шароитларининг нисбий барқарорлиги ва хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар, энергия ва бошқаларга нархларнинг барқарорлиги.

Айнан шундай корхоналарни ривожлантириш зарурати бозорда рақобатни сақлаб туриш сифатида товар ва хизматлар сифатининг яхшиланиши ва шунингдек нархларнинг пасайишига олиб келади. Хусусан, Россия Федерацияси қонунида кичик ва ўрта бизнеснинг бир қатор шартларга жавоб берадиган истеъмол кооперативлари ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ва фермер хўжалиқларининг қуйидаги тижорат ташкилотлари киради:

а) юридик шахслар учун:

- давлат ва муниципалитетлар, хорижий юридик ва жисмоний шахслар, жамоат ва диний бирлашмалар, хайрия ва бошқа маблағларнинг устав капиталидаги иштирокининг умумий улуши 25 фоиздан ошмаслиги керак;

- кичик ёки ўрта бизнес субъектлари бўлмаган бир ёки бир нечта юридик шахсларга тегишли бўлган улушнинг улуши 25% дан ошмаслиги керак;

б) ўтган календарь йил учун ўртача ишчилар сони:

- ўрта корхоналар учун 101 нафардан 250 кишига қадар;

- кичик бизнес учун инклюзив 100 кишига қадар;

- микрофирмалар учун 15 кишига қадар;

с) ўтган календарь йил учун қўшилган қиймат солиғи ёки активларнинг баланс қиймати даромад чегара даражасидан ошмаслиги керак.

Умуман олганда, қонунда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ташкилий шакллари самарали ривожлантириш бўйича қуйидаги бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган:

- махсус солиқ режимлари, солиқни ҳисобга олишнинг соддалаштирилган қоидалари, кичик бизнес учун солиқлар ва йиғимлар бўйича солиқ декларациясининг соддалаштирилган шакллари;

- айрим фаолият турлари билан шуғулланадиган кичик бизнес субъектлари учун бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизими;

- кичик ва ўрта бизнес томонидан статистик ҳисоботларни тузишнинг соддалаштирилган тартиби;

- кичик ва ўрта бизнес томонидан хусусийлаштирилган давлат ва коммунал мулк учун тўловларни тўлашнинг имтиёзли тартиби;

- давлат ва коммунал эҳтиёжлар учун товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш учун буюртмалар бериш учун етказиб берувчилар сифатида кичик бизнес субъектларининг иштирок етиш хусусиятлари;

- давлат назоратини амалга оширишда кичик ва ўрта бизнеснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар;

- кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар;

- кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун инфратузилмани ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар.

Мазкур мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда фаол тадбиркорликни ривожлантириш, инновациялар бозорининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инновацион ишланмаларни иқтисодиётнинг реал секторига илгари суриш учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг давлат-хусусий шериклик шартларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида инновацион лойиҳалар-стартапларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш, инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш ва тижоратлаштиришни амалга оширувчи Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари ташкил этилди [4].

Шу билан бирга, инновацион тадбиркорликни республикада янада кенг ривожлантириш учун электрон тадбиркорликни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу орқали фирмалар ва мақсадли бозорлар билан янада тежамкор алоқа каналларидан фойдаланиш таъминланади, истеъмолчилар учун туристик маҳсулотни харид қилиш осон ва тезроқ булади ва бу айланманинг кўпайишига ҳамда харажатлар ҳажмининг ошишига олиб келади, хизмат кўрсатишнинг янада юқори даражаси ва истеъмолчини сақлаб туриши таъминланади, ички операцияларнинг катта самарадорлиги ва савдо келишувчи жараёнларнинг соддалашуви туфайли харажатлар қисқартирилади.

Шу билан бирга, инновацион тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишига имкон беради:

- мамлакатда фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни янада яхшилаш;

- ҳудудларнинг мавжуд ресурс базаси ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда илғор ва замонавий инновацион ишланмалар, технологик лойиҳалар-стартаплар ва инновациялар бозорини тизимли таҳлил қилиш;

- инновацион лойиҳалар-стартапларга инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасига инновацияларни фаол жорий қилувчи иқтидорли тадбиркорлар фаолиятига кўмаклашиш ва мувофиқлаштириш;

- инновацион ривожланиш соҳасида инновацион ва муваффақиятли технологик лойиҳалар-стартапларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш;

- инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларнинг маълумотлар базасининг янги ресурсларни яратиш ва тажрибани бизнес-тузилмаларга ўтказиш;

- инновацион ишланмалар бозорини қўллаб-қувватлаш механизмлари суст даражада ишлаб чиқилган, инновацион ғоялардан самарали фойдаланишни мувофиқлаштириш;

- инновацион ишланмалар, технологик лойиҳалар-стартаплар соҳасига техника олий таълим муассасалари битирувчилари ва иқтидорли ёшларни жалб этишга, шунингдек, бизнес-инкубаторларни яратиш;

- аҳоли ўртасида инновацион тадбиркорликни оммалаштириш ишлари самарали олиб бориш, инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш.

#### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

[1] Отажонов Ш.И. Совершенствование инфраструктуры инновационной деятельности в Узбекистане. Состояние, проблемы и перспективы социально-экономического развитие государств евразии и других зарубежных стран 161-165

[2] Илкка Тайпале таҳрири. Финляндиянинг 100 та ижтимоий инновацияси. Финляндия қандай қилиб финляндия бўлди: сиёсий, ижтимоий ва маиший инновациялар. - Тошкент: Sharq, 2019. - 207-208 б.

[3] Taraxtiyeva G.K. Innovatsion menejment. -Т.: Fan va texnologiya, 2013, - 9 б.

[4] Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация - иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари. - Т.: Наврўз, 2014. - 39 б.

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ИЧКИ АУДИТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУОММОЛАРИ

Ширинов<sup>1</sup> У.А.

<sup>1</sup>Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,  
Самарқанд ш. Амир Темур кўчаси 9-уй.  
Тел.: (+99890)270-98-54; +(99899)592-04-24. E-mail: sies\_info@edu.uz

*Аннотация. Мақолада телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш муоммолари ва уларни ечишга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилган.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохатлар иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, телекоммуникация соҳаси ҳам бугунги кунда жадал ривожланаётган соҳалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолиятини самарали олиб бориш, улар томонидан ҳисоботларни шаффоф, аниқ ва изчиллик билан тақдим этиш долзарб муоммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу муоммоларни ҳал қилишда телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ўта муҳим омиллардан биридир.

Ички аудит атамасига турли манбаларда турлихил таърифлар келтирилган.

**Ички аудит** – бу ташлилотда (корхоналарда) ўз фаолиятини ўз манфаатлари нуқтаи назаридан текшириш ва баҳолаш бўйича мустақил фаолият туридир [1].

**Ички аудит** - корхона бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишининг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва таомиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий

этилиши бўйича корхона таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолияти [2].

Шундай қилиб, ички аудит бу корхоналар фаолиятини меъёрий хужжатларга мослиги ва корхона келажагини белгиловчи қарорларни қабул қилувчилар учун ишончли, аниқ ва холис ахборотларни тақдим этувчи фаолият туридир.

Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ўзига хос ёндашувни талаб этади. Чунки телекоммуникация хизматлари бу ҳам моддий ҳам номоддий кўринишга эга бўлган хизматларни ўзида жамловчи фаолият туридир.

Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитнинг асосий вазифалари белгилаб қўйилиши лозим.

Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитнинг асосий вазифалари	
кузатувчи кенгашни ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш	ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни баргараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг баргараф этилишини назорат қилиш


*1-расм. Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитнинг асосий вазифалари.*

Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудиттехнологиясини ривожланаётган иқтисодиётга мослаштириб бориши лозим. Ички аудит технологиясини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши – бу текширув ўтказишни ташкил этиш ва уни такомиллаштириш йўллариининг самарадорлигини ошириш ҳамда унинг заиф томонларини аниқлашдир.

Биз тадқиқот натижасида телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудиторлик текшируви ўтказиш моделини ишлаб чиқдик (2-расм).

Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудиторлик текшируви ўтказиш 7 босқични ўз ичига олади. Биринчи босқичда аудитор текширилиши лозим бўлган объектни аниқлайди ва шу аснода ўз олдида мақсад ва вазифалар қўяди.





2-расм. Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудиторлик текшируви ўтказиш модели.<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Муаллиф ишланмаси.

Телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудиторлик текшируви ўтказиш 7 босқични ўз ичига олади. Биринчи босқичда аудитор текширилиши лозим бўлган объектни аниқлайди ва шу аснода ўз олдига мақсад ва вазифалар қўяди. Иккинчи босқичда аудитор текширув объекти бўйича маълумотларни тўплайди ва тизимлаштиради. Учинчи босқичда аудитор аудит муолажаларини амалга оширади, бунда барча тўпланган далиллар ўрганилади. Тўртинчи босқичда аудитор текширув бўйича ҳисобот тайёрлайди. Бешинчи босқичда тайёрланган ҳисобот натижалари корхона раҳбари, бошқарув органи ва бошқа маъсул шахслар билан муҳокама қилади. Олтинчи босқичда молиявий натижалар муҳокама қилинади ва еттинчи босқичда эса текширув натижалари бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Юқоридаги ишлаб чиқилган модел бўйича телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитор аудиторлик текширувларини олиб борса корхона тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланувчилар учун юқори сифатли ахборотларни етказиб беради. Бу эса ўз навбатида қарор қабул қилувчилар учун ўта мухим омил бўлиб ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. <https://ru.wikipedia.org>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарорига 2-илова. "Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида"ги низом.

## РОЛЬ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ В РАЗВИТИИ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Тавбоев<sup>1</sup> И.И., Хурамова<sup>2</sup> Ф.У.

<sup>1,2</sup>Джизакский политехнический институт, 130100, Узбекистан,  
Джизак, проспект Ислама Каримова, 4.  
Тел: (0372)226-45-06, E-mail: info@jizpi.uz

Формирование в Узбекистане инновационной экономики предполагает опережающее развитие образовательной сферы. Решать такую задачу вузам необходимо в самых разных направлениях, что требует структурных изменений и кардинальных перемен в организации образовательного процесса.

Данная статья посвящена рассмотрению функционирования научно-образовательных учреждений в рамках регионального инновационного развития. Существует целый ряд исследований, посвященных проработке теоретических моделей взаимосвязи между вузами и инновационным развитием, определяющих ключевую роль вузов. При этом ощущается недостаток эмпирических, эконометрических и статистических обоснований данной взаимосвязи, тем более на уровне субъектов в Узбекистане. Проведен корреляционный анализ связи между показателями научно-образовательной и инновационной системами региона. На основе метода инструментальных переменных доказано положительное влияние научно-образовательной деятельности на инновационное развитие региона. Проведен обзор накопленных научных результатов по вопросам роли научно-образовательных организаций в региональных инновационных процессах. Установлены наиболее подходящие инструменты эмпирической оценки деятельности вузов, а также характеристики инновационного развития на региональном уровне.

Осуществляется эконометрический анализ влияния деятельности научно-образовательных организаций на региональное инновационное развитие. Нужно отметить, что рост количественных показателей деятельности образовательных учреждений ведет к активизации инновационной деятельности в регионе. Существует множество потенциальных каналов, по

которым высшие учебные заведения могут влиять на инновационное развитие региона [4].

Кроме использования опыта зарубежных вузов, важно разрабатывать и реализовывать собственные стратегии инновационной деятельности, что может принципиально изменить ситуацию на рынке образования и, как следствие, дать необходимые конкурентные преимущества выпускникам наших вузов.

В условиях формирования экономики, основанной на знаниях, первостепенной задачей является интеграция науки и образования на базе высших учебных заведений. Важно заметить, что роль высококвалифицированных специалистов в инновационной экономике очень велика и постоянно будет расти. А вузы как раз и являются «кузницей инновационных кадров».

Очень важно, кроме актуальных теоретических знаний, давать и практические навыки, которые дадут возможность будущим специалистам «протестировать» знания. В этом контексте очень важно открытие в вузах бизнес-инкубаторов.

Подготовка кадров, способных эффективно руководить инновационными процессами, разрабатывать и внедрять инновационные проекты, должна стать приоритетной государственной и региональной программой.

Большинство деятельности в Узбекистане, как и во всех развитых странах, осуществляется с помощью документов, которые одновременно являются источником, результатом и инструментом этой деятельности [2].

Согласно Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития» задействован специальный портал инновационных разработок, направленный на коммерциализацию научных исследований, обеспечение их практической результативности, неразрывность цепочки “заказчик – исследователь – инвестор”.

Главное, намечены механизмы коммерциализации научных исследований и определена заинтересованность в них ученых. Следовательно, во-первых, предоставлены свобода и большие возможности для инновационной деятельности, во-вторых, сделаны

первые исторические шаги на пути формирования стимулирующей среды.

В целях организации и системного упорядочения в стране инновационной экосистемы (также в эту структуру входит и интеграция в науке и производстве) 12 сентября 2018 года был принят Указ Президента “Об утверждении стратегии инновационного развития Республики Узбекистан в 2019-2021 годах”, предусматривающий пять приоритетных направлений развития. В результате в условиях коммерциализации научных разработок налажена основанная на заинтересованности система инновационного предпринимательства и увеличено производство научной продукции.

Результатом указа стала новая система коммерциализации научных разработок при участии тройки “ученый - банк - предприниматель”. В рамках коммерциализации научных разработок подготовлены проекты общей стоимостью 149,5 миллиарда сумов, объем разработанной научной продукции превысил 18 миллиардов сумов.

Таким образом, сегодня высшие учебные заведения должны обеспечить разработку и внедрение инноваций как в процесс подготовки кадров, так и в производственную, социально-культурную сферы.

### **Библиография:**

1. Туропов У. У. и др. Создание группы кафедры «Информационные технологии» в социальной сети «Facebook». – 2019.

2. Хурамова Ф. У. ПРОБЛЕМЫ ВНЕДРЕНИЯ НОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В УЗБЕКСТАНЕ // Матрица научного познания. – 2020. – №. 3. – С. 57-60.

3. Хурамова Ф. У., Жафярова Ф. С. Улучшение взаимодействий с клиентами в условиях сезонности продажи // Современная наука как основа инновационного прогресса. Актуальные проблемы развития современной системы методов научного познания. – 2019. – С. 63-66.

4. Терещенко Д. С., Щербаков В. С. Место и роль вузов в инновационном развитии регионов России // Региональная экономика: теория и практика. – 2016. – №. 12 (435).

## ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТ ЁНДАШУВЛАРИ АСОСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Турсунова<sup>1</sup> З.М.

<sup>1</sup>Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети,  
111700. Ўзбекистон, Тошкент вилояти, Чирчиқ ш., Спортчилар кўчаси, 19.  
Тел.: (370)717-17-76; +(99870)717-17-76; E-mail: info@uzdjtsu.uz

*Аннотация.* Ушбу мақола жисмоний тарбия ва спорт бошқарувини ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг замонавий менежмент ёндашувлари асосида шакллантириш ва илмий асослашга бағишланган.

**Долзарблиги.** Жаҳонда жисмоний тарбия ва спортни ривожланишининг ҳозирги босқичида АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Европанинг иқтисодиёти ривожланган давлатларида жисмоний тарбия ва спортнинг ташкилий ва бошқарув тузилмалари, унинг мақсадли ривожланиш йўналишлари ва мазмунига муҳим аҳамият бериб келинмоқда. Айниқса, замонавий иқтисодиётда ҳар қандай мамлакат умумий бойлигининг 60,0 фоиздан ортиғи инсон капиталига тўғри келиши дунё мамлакатларини жисмоний тарбия ва спортни бошқариш билан боғлиқ жараёнларда замонавий менежмент ҳамда унинг тамойилларига амал қилиш масалаларига катта эътибор қаратишга мажбур этмоқда. Япония ва Германия каби давлатларда миллий бойликнинг 80,0 фоизини инсон капитали ташкил этади<sup>1</sup>. Бошқариш назарияси ривожланишининг ҳар бир босқичида инсон капитали, шахснинг камол топиши, демократик тамойиллар асосида ёш авлодни тарбиялашга ҳар доим олимлар, ва давлат органлари томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс экани барчага маълум. Ўзбекистонда аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратилган, иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва мақсадли

---

<sup>1</sup>Таълим бўйича Бутунжаҳон форуми. Якуний ҳисобот. – Дакар, Сенегал, 2000 йил 26-28 апрель.

тайёрлаш ишларини тизимли ташкил этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, шу билан бирга бугунги кунда аҳолининг барча қатламларини жисмоний-тарбия ва оммавий спорт билан қамраб олиш, барча ҳудудларни жисмоний-тарбиянинг аҳамиятини фаол тарғиб этиш, ёшларга ўз истеъдодларини юзага чиқариш, улар орасидан спорт соҳасида алоҳида иқтидор эгаларини саралаб олиш, мақсадли тайёрлаш ва кўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш масалалари тизимли асосдаги ечимини кутаётгани бир қатор вазифалар мавжуд. Қатор спорт муассасаларининг моддий-техник базаси замон талабларига жавоб берсада, спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда. Ушбу камчиликларни бартараф этиш ва оммавий спорт аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишда мамлакатимиздаги жисмоний тарбия ва спорт бошқавининг долзарб масалаларидан бири.

Мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича кўплаб ислохатлар амалга оширилмоқда хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида қайд қилинган, яъни Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни яна ривожлантириш мақсадларида жами 995,2 млрд сўмдан зиёд маблағ сарфланиши кўзда тутилган бўлиб, шундан 706,2 млрд сўмдан ортиқ қисми ушбу йилларда жами 167та спорт иншоотлари, жумладан, 90та спорт мажмуаси ва 77та сузиш ҳавзасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашга йўналтиради<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 13-февралдаги 118-сонли қарори билан 2019-2023-йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Концепция доирасида мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб жисмоний тарбиянинг инновацион усуллари такомиллаштириш, фуқаролар ўз турар жойларига яқинда жойлашган обектларнинг (таълим, тиббиёт, спорт ва дам олиш муассасалари) жисмоний тарбия-соғломлаштириш иншоотларидан фойдаланишини таъминлаш йўли билан уларнинг жисмоний

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасини Президентининг 2017 йил 7 февралдаги —Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли фармони. //lex.uz.

фаоллиги ошириш каби бир қатор вазифалар белгилаб қўйилган<sup>3</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида жисмоний тарбия ва спортни ташкил этишда қатор тизимли муаммоларни бартараф этиш борасида белгиланган қатор вазифалар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган<sup>4</sup>.

Жисмоний тарбия ва спорт хизматлари бозорини ялпи тадқиқ этиш, ўз имкониятларини ва стратегиясини аниқлаш Ўзбекистон Республикасида спорт мажмуаларини ҳудудий бошқарув тизими ривожига фаолиятини энг мақбул бўлган хизматлар бозорини танлаб олиш имкониятини яратади. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт фаолияти инфраструктураси, бозор муносабатларининг жаҳон тажрибаси асосида бошқариш усуллари ва шакллари такомиллаштиришга зарурят туғдиради ва уни мамлакатимиздаги мавжуд ўзгаришлар билан боғлайди. Спорт фаолиятида бошқариш услубларидан бири инновацион менежментдан самарали фойдаланишдир. Маълумки, менежмент - аввало, янгиликларни доимо киритиш асосида бошқаришдир. Инновациялар - менежментнинг муҳим ташкилий бўлаги бўлиб, иқтисодиётнинг барча соҳаларида мунтазам янгиланиб борадиган жараён ҳисобланади.

Инновация нафақат техник ва технологик ишланмаларни ўз ичига олади, балки ташкилот фаолиятининг барча томонларини яхшилашга имконият яратади. Инновация жараёни ташкилотларнинг ҳар бир таркибий қисмида фаолиятнинг рентабеллигини назорат қилиш билан ташкилот турли соҳа фаолиятининг мувозанатланганлигини ташкиллаштиришдир.

Замонавий менежмент ёндашувлари асосида спорт бошқарувини ривожлантириш зарурати қуйидаги омиллар билан шартланади:

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 13-февралдаги 118-сонли қарори “2019-2023-йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси”.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.



-иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида инновацияларни қўллашга кўмаклашувчи хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини кўтаришда фаннинг муҳим роли ва янги техникани жорий этиш;

-янги технологияларни ўзлаштириш, спорт хизматининг техник даражасини кўтариш, тренер ва мураббийлар ижодини оммавий ривожлантириш зарурати;

-янги техника ва технологияни тезкор татбиқ этишнинг объектив зарурати билан ва ҳ.к.

**Хулоса.** Спорт бошқарувида замонавий менежментнинг қўйидаги усулларга ёндашиш ўз самарасини касб этади:

-ташкилотнинг барча босқичларида ва барча бўлимларида тажриба ўтказувчиларга ҳар томонлама ёрдам бериш, коммуникацияларнинг юқори даражаси ва мунтазам такомиллаштириш, муаммоларга ҳар томонлама хужум килинганда янги ахборот ва бошқаришнинг ҳар бир бўғинида алоқалар комбинациялари вужудга келади, натижада бошқаришнинг ҳар бир босқичида ечим вужудга келади. Шунинг учун инновацион бўлинмалар ва айрим ходимлар ўртасида ахборот айланишини кучайтириш мақсадга мувофиқ.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Қосимова Д. С. “Менежмент назарияси”. Дарслик.-Т: ТДИУ, 2011.

2. Набиуллин Р.Х. “Жисмоний тарбия ва спорт менежменти” Дарслик.-ЎзДЖТИ 2016



*Section 9*  
*Philosophical Sciences*

UDK: 391

## QADIMGI TOJIK VA TURKMAN LIBOSINING FALSAFIY - MADANIY JIHATLARI

Ibaydullayev<sup>1</sup> T.G., Sharipov<sup>2</sup> A.

<sup>1</sup>Jizzax politexnika instituti, Tel.:+99890-296-11-33, E-mail: timur-85@list.ru.

<sup>2</sup>Jizzax viloyati tojik milliy-madaniy markazi raisi

*Annotatsiya:* Maqolada qadimgi tojik va turkman xalqining an'anaviy liboslarining inson va jamiyat hayotidagi o'rni va ahamiyati. Shuningdek, liboslarning mazmun mohiyati, shakl va ko'rinishi, o'zaro aloqadorligi hamda hususiyatlari falsafiy – madaniy tahlil etilgan.

*Kalit so'zlar:* libos, milliy libos, madaniyat, etnik, qadriyat, tojik, turkman.

## ФИЛОСОФСКО-КУЛЬТУРНЫЕ АСПЕКТЫ ДРЕВНЕГО ТАДЖИКСКОГО И ТУРКМЕНСКОГО КОСТЮМА

*Аннотация:* В статье проведено исследование роли и значения древнего традиционного костюма таджикского и туркменского народов в жизни человека и общества. Также, осуществлен философско-культурный анализ содержания, вида и формы, взаимосвязей, а также своеобразных особенностей данной одежды.

*Ключевые слова:* костюм, национальная одежда, культура, этнос, ценность, таджикский, туркменский.

## PHILOSOPHICAL-CULTURAL ASPECTS OF ANCIENT TAJIK AND TURKMEN CLOTHES

*Abstract:* This article discusses the sides of ancient and national costumes of Tajik and Turkmen peoples, the role and importance in life and the individual and society. And also, philosophically analyzed their relationship between form and content.

*Key words:* costume, national clothes, culture, ethnos, value, Tajik, Turkmen.

Millatlararo totuvlik g'oyasi butun insoniyatni har sohada birlashib, o'zaro hamjixatlikda o'zaro aloqalarni yo'lga qo'yishni taqozo etmoqda. Bugungi kunda qardosh millat va elatlarning bir biriga yaqin va uyg'unlashib ketgan an'anaviy libos madaniyatini o'rganish va falsafiy tahlil qilish muhim masalalardan biridir. O'zbek libos madaniyati Markaziy Osiyo libos madaniyatining tarkibiy qismlaridan biridir.

Shunday ekan, Markaziy Osiyo libos madaniyatini o'rganishda qadimiy libos madaniyatiga ega bo'lgan va boshqa madaniyatlarga ta'sir ko'rsatgan qadimgi tojik va turkman davlatlarini tadqiq qilish maqsadga muvofiqdir.

**Qadimgi tojik** xalqining an'anaviy milliy liboslari qadimiyligi, xilma-xilligi, shakl va ko'rinishi jixatidan Markaziy Osiyo xalqlari orasida o'ziga xosdir. Shuningdek, tojik xalqi an'anaviy libos madaniyatining vujudga kelishi va shakllarnishida bir qator omillar, ya'ni tabiiy muhit, yashash tarzi, mehnat faoliyati, urf-odatlar, an'analari, diniy amallar hamda qo'shni xalqlar va elatlarning o'zaro madaniy aloqalari muxim o'rin tutadi. Shu o'rinda qadimgi tojik libosi madaniyatini yanada rivojlanishiga islom dinining kirib kelishi, madaniy yutuqlarini keng tarqalishiga esa Buyuk ipak yo'lining o'rni va ahamiyati juda kattadir.

Ilmiy adabiyotlarda an'anaviy milliy tojik kiyimlari ikki asosiy tarkibda, ya'ni shimoliy va janubiy qismlarga bo'lib o'rganilgan. Ushbu hudud kiyimlari o'zida milliylikni saqlab qolganligidan kelib chiqib, janubiy hududdagi liboslar ko'proq o'rganilgan [1].

Tojik erkaklarning asosiy bosh kiyimi **salla**, do'ppi (to'ppi, qalpoq, kallapo'sh), telpak bo'lib, din vakillari va yoshi kattalar baland yumaloq qalpoq hamda do'ppi ustidan matodan salla o'rashgan. Bosh kiyimlar erkaklarning yoshi va e'tiqodi haqida axborot bergan, xususan, yoshi kattalar sipo, kashtasiz, yoshlar esa rang-barangligi va bezakdorligi bilan farqlangan. Shuningdek, qadimgi tojik erkaklarining an'anaviy ustki liboslari ko'ylak, uzun va keng ishton shalvor, **chopon**, po'stin hamda **chakmonlardan** iborat bo'lgan.

Qadimiy tojik ayollar libosining tarixiy rivojlanish evolyusiyasi ikki bosqichdan iborat bo'lib, birinchi bosqichi arab davlati bosib olgunga qadar bo'lgan davr bo'lsa, ikkinchi bosqich VIII asrdan so'ngi islom jamiyati o'ratilishi va hozirgi kundagi an'anaviy liboslari davri hisoblanadi [2].

Ayollarning an'anaviy bosh kiyimlaridan **ro'mol** (duband yoki chashmband), **pehonabog'** va do'ppini yoshiga qarab turli ko'rinishlarda kiyib, boshini quyosh nuri va sovuqdan, kelinchaklarni esa odatga ko'ra yomon ko'zlardan asrashi hamda boshqa diniy – madaniy yondashuvlarga ko'ra foydalanishi bilan ahamiyatlidir. Shuningdek, ayollarni an'anaviy ustki liboslariga-ko'ylak (kurta), **kamzo'l**, **nimcha**, shalvorlar (poyjoma, lozim, azor, tambon) kiradi. Qadimgi tojik ko'ylagi(kurta)ga solinadigan kulfak matolarining rang barangligi ko'ylak egasi bo'lgan juvon serfarzand bo'lsin, degan qarashlar bilan tayyorlangan [3]. Darhaqiqat, an'anaviy liboslarning asosiy qismi madaniyatimiz va odatlarimiz talablaridan kelib chiqqan holda yaratilgan.

Qadimgi tojik erkaklar va ayollarining an'anaviy poyabzali mahsi, charm kavush, **choriq**, etik kabilardan iborat bo'lgan.

**Qadimgi turkman** an'anaviy liboslari O'rta Osiyodagi madaniyati, urf-odatlarini, qadriyatlarini va ildizi uzoq davrlarga ega davlatlardan biri hisoblanadi. Turkman libos madaniyati ham qozoq, qirg'iz, tojik xalqlari kabi qo'shni davlatlar, etnik guruhlar ta'siri ostida shakllanib rivojlandi. Bu esa turkman xalqining libos madaniyatida qardosh xalqlar madaniyatining shakli va ko'rinishidagi o'xshashlikka olib keldi. Jumladan, tarixan ma'lumki, "mintaqa hududiga ko'chib kelgan har bir etnik guruh mahalliy tub joy aholi bilan etnomadaniy aloqalarga kirishar ekan, shubhasi, o'zlariga xos bo'lgan madaniyatning asosiy jihatlarini saqlab qolishga harakat qilganlar" [4]. Darhaqiqat, migratsion jarayonlar millat va elatlarning libos madaniyatiga ma'lum etnik jihatlarini bir biriga singib ketishiga olib kelsada, ammo asosiy shakl va ko'rinish saqlab qolinadi.

Qadimgi turkman erkaklarining an'anaviy liboslari etnik madaniyatini saqlab qolganligi va ko'pchiligi hozirgi kunga qadar etib kelganligi bilan ahamiyatlidir. Ularning bosh kiyimlari do'ppi-(taxya, borik, kalpak); mo'ynali telpak-(telpek); salla - (selle) kabilardan iborat bo'lib, mo'ynali telpak quyoshning issig'i, qishning sovug'i va boshqa noqulayliklardan himoya qilganligi uchun doim kiyib yurishgan. Bosh kiyimning salla turidan asosan din vakillari va yoshi katta kishilar foydalanishgan bu Markaziy Osiyo xalqlari odatiga mosdir.

Fikr yuritib shuni aytish kerakki, Markaziy Osiyo xalqlari libos madaniyatidagi umumiyliklardan biri bu ustki liboslarning asosiy shakl va ko'rinishi kishining ustida keng, uzun va qulay ishlanganligidan ko'rsa bo'ladi.

Qadimgi turkman erkaklarining an'anaviy ustki libosi ko'ylak (koynek), ishton (balak), to'n (don), ichmek, postun kabi turlardan iborat bo'lgan. Turkmanlarning an'anaviy libos madaniyatining o'ziga xos xususiyatlaridan biri ustki kiyimlarining barchasi tunikasimon va mehnat faoliyatiga halaqit bermaydigan shaklda ishlanganligidadir. Qadimgi turkman erkaklarini an'anaviy oyoq kiyimlari - etik, chokoi (uchi tepaga qayrilgan tumshuqli), kavush, mahsi kabilardan iborat.

Shuningdek, qadimgi turkman ayollarining bosh kiyimlariga do'ppi (taxya, borik), ro'mol, hasaba (nikoh to'yi va marakalarda kiydirilib, to'ng'ich farzandi dunyoga kelgunga qadar kiyishgan) kabilar kirgan. Qadimgi turkman ayollarining an'anaviy ustki liboslarini - ko'ylak (koynek-tunikasimon bichimli va uzunligi to'piqqacha tushadigan),

ishton (balak, dizdan, ishtan - yuqorisi keng pastga tushib torayib boradigan), ichmek (po'stin) kabilar tashkil etgan. Bundan tashqari ayollarning poyabzal kiyim turlari - mahsi (mesi), kavush (kaush) va etiklardan tashkil topgan.

Turkman xalqining an'anaviy liboslarida asosan yorqin ranglar ustunlik qilgan. Bu ranglar tabiatning hayotiy kuchlarini, uning farovonligini, sog'lig'ini, bola tarbiyasini rivojlantirish, insonlarni yomon ko'zlardan asrash hamda tabiat bilan uyg'unlashgan ko'rinishini namoyon etadi [5].

Shu bilan bir qatorda qadimgi turkman xalqining milliy liboslaridagi o'ziga xoslik shundan iboratki, erkaklarning liboslarida go'zal hayvonlar va qushlarning tasvirlari aks etgan bo'lib, unga ko'ra erkaklar kuchli, o'ziga ishongan va mustaqil bo'lishi kerakligini anglatgan. Ayollarning kiyimlaridagi naqshlarda esa asosan "tabiat va o'simlik dunyosi tasvirlanib, unga ko'ra ayollar go'zal, sog'lom, oilalilar esa daraxt kabi tomir otishi hamda hosildor yer kabi unumdor bo'lishi"ni anglatgan [6].

E'tirof etish joizki, qadimgi turkman an'anaviy libos madaniyatining bugungi kunga qadar saqlanib, xalqi tomonidan yuksak e'zozlanib, qadrlanib xar jabxada milliylikni aks ettirib kelayotgani bilan muhimdir. Afsuski, ayrim manbalarda turkman xalqining milliy libos madaniyatini eskilik sarqiti yoki xalqiga majbo'rlab keyintirilayotganligi haqidagi fikrlarni ham uchratish mumkin [7].

Xulosa o'rnida shuni aytish joizki, o'zbek xalqining Markaziy Osiyodagi o'zbek, tojik, turkman xalqlarining hududiy yaqinligi, ular o'rtasidagi qo'shnichilik va savdo-sotiq aloqalari - ularning libosdagi mushtarakligini bosh kiyim, ustki kiyim, poyabzal ko'rinishlari va ularning nomlaridagi o'xshashliklardan ham bilsa bo'ladi. Davrlar silsilasida ularning o'z hududi, madaniyati, tiliga ega bo'lishi bilan, o'zaro farqli jihatlari ham qo'paydi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Умарова Г.А. Традиционный мусульманский костюм таджиков: художественное своеобразие и современные тенденции развития" мавзусида диссертация автореферати. -Москва: 2015. - Б.23.

2. <https://theopenasia.net/ru/post/tadzhikskie-platya-kak-oni-izmenilis-za-tysyachi-let-i-pochemu-zhenshchiny-nosyat-ikh-do-sikh-por>
3. Rahmatullayeva D., Xodjayeva U., Ataxanova F. Libos tarixi. – Toshkent: Sano-standart, 2015. -B.225-226.
4. Abdullayev U. Farg'ona vodiysi etnoslararo jarayonlar (XIX-XX asr boshlari). –Toshkent: Yangi asr avlodi, 2005, -B.99.
5. [https://www.btcic.org/index.php?option=com\\_content&view=article&id=2042:turkmenskii-natzionalyon-i-kostyum&catid=2020&lang=ru&Itemid=1306](https://www.btcic.org/index.php?option=com_content&view=article&id=2042:turkmenskii-natzionalyon-i-kostyum&catid=2020&lang=ru&Itemid=1306)
6. <https://www.advantour.com/rus/turkmenistan/traditions/clothes.htm>
7. Женщины в Туркменистане: граждане второго сорта Подвержены произволу и равноправны только в неправосудии. Доклад, №2. Норвежский Хельсинкский Комитет. 2013. С.19-20.



*Section 10*  
*Philological Sciences*



## ЎХШАШ ВА ТУРФА ТАҚДИРЛАР

Тўйчиев<sup>1</sup> Абдунаби Худойбердиевич

Гулистон давлат университети таянч докторанти

120100, Ўзбекистон, Гулистон ш. 4 мавзе.

Тел.: (0367)225-40-42, +(99894)407-22-40). E-mail: glsu\_info@edu.uz

### **Аннотация:**

*Нурали Қобул асарларида Бахмал тоғлари, шу юртда униб-ўсган одамларнинг қиёфаси, уларнинг орзу-умидлари, дарду ҳасратлари, қувонч ва изтироблари тасвири бор. Мазкур мақолада адибнинг бир қанча асарларида учрайдиган таниш образларга оид кузатишлар ҳақида сўз боради.*

### **Калит сўзлар:**

*Фарғона, деталь, образ, ўқиш, воқеа, бадиий тўқима.*

Атоқли ўзбек адиби Нурали Қобулнинг ижодини кузатган, мунтазам ўқиб борган китобхон ўхшаш ва турфа тақдирларга дуч келади. Бу асарларнинг кўпи автобиографик характерда бўлгани учун ёзувчи умри давомида учратган, билган ёки эшитган воқеа-ҳодисаларни ўрни билан ўз асарига киритади. Адибнинг асарларини ўқир экансиз, воқеа-ҳодисалар, асар иштирокчилари таниш туюлади. Олдинги асаридаги образни яна учратасиз, гўё бу қаҳрамонлар бир-бирини тўлдириб боради. Яхши асар марказида бор бўю-басти билан инсон ва унинг руҳий дунёси, ҳаётининг фаолияти тасвири туради. Умуман олганда ҳам, бадиий асарнинг яратилиш тарихи жуда мураккаб жараён дир. Аввало, ёзувчида асар ёзиш фикри туғилади, яъни асарнинг яратилишига ижодкор учун бирор воқеа туртки бўлади. Асар ёзиш ғояси туғилгач, ёзувчи ўз асари учун материаллар тўплайди. Ҳаёлида асар воқеалари кечадиган жараённи ва қаҳрамонлари хатти – ҳаракатини пишитади, ўйланади.

Бизга ёзувчининг таржимаи ҳолидан маълумки, у “романтик туйғулар” таъсирида “куй ва қўшиқлардаги гўзал Фарғонага” ўқишга боради. Биринчи йил ўқишга киролмаган бўлажак адиб мактабда ишлайди. “Қулон қудуққа қуласа” қиссасида тасвирланишича, бош қаҳрамон Нурмалик янги йилгача чўпонларга ёрдам беради. Биринчи январдан мактабга “пионервожатий штати” берилади ва шу лавозимда саксон етти сўм маош билан иш бошлайди. Биринчи маошини районодагилар “йўл ҳаражати учун” олиб қолишади [1. 170]. “Яшашга кечикма” қиссасида ҳам бош қаҳрамон Нурилла дастлаб пахта йиғим-терим

мавсумида ёрдам беради. Кейин қишлоғидаги саккиз йиллик мактабга “пионервожатий штати” берилгандан кейин мактабга ишга ўтади. У ҳам дастлабки маошини районодагилар “йўл ҳаражати учун” олиб қолишгани учун ойлигини олмайди [2. 75]. (Шуни таъкидлаш керакки, ҳар икки асарда ҳам халқ таълими бўлимидаги бу иллат қаҳрамонлар томонидан кескин қораланади).

Нурали Қобул ижодида муҳим ўрин тутган, адибнинг кўрган-кечирганлари, эшитган-билганлари битилган “Унутилган соҳиллар” романида ҳам шунга яқин тафсилот Нурзод томонидан берилган: *“Бир амаллаб сиртдан ўқишга кирганимда ҳам Раббим аканинг ёнида қўй боқардим... Кўп ўтмай қишлоғимиздаги саккиз йиллик мактабга пионервожатий бўлиб ишга ўтдим ва ўзимни бирдан улғайиб қолгандек ҳис эта бошладим. Шаҳарда интернатда ўзинини битирганим учун болаларнинг кўзига худди катта шаҳарларда институтни битириб келган ўқитувчидек туюлардим, шекилли, унча-мунча муаллимнинг гапига қулоқ солмайдиган ўқувчилар мен билан ҳисоблашарди. Ундан ташқари шу пайтгача мактабга пионервожатий штати берилмаган бўлиб, бу ловозимдаги кишига болалар директор ва илмий бўлим мудури каби алоҳида ҳурмат билан қарашарди”* [3. 63].

Ёзувчининг ўзи бу ҳақида *“Мен ҳам мактабда пионервожатий, ўқитувчи бўлиб ишлаганман”,* - дейди. [4. 4]. *“Дастлаб пионервожатий бўлганман. Сиртдан ўқиганим учун иш фаолиятимни жуда эрта бошлашга тўғри келган. Катта синф ўқувчилари орасида мен билан ёши тенг болалар ҳам бор эди. Сўнгра бошланғич синфларга рус тилидан, ўрта синфларга тарих ва юқори синфларга аорганик ҳамда органик химиядан дарс берардим. Ёш бўлганим туфайли болаларга мени катта ёшли ўқитувчилардек қабул қилинг, дегандек ҳаракат қилишни хаёлга ҳам келтирмас эдим”* [5. 166].

Умуман олганда, Нурмалик, Нурилла, Нурзодларнинг хатти-ҳаракатида ўсмир Нуралининг фаолияти акс этган. Биз юқорида *“Қулон қудуққа қуласа”* қиссасида бош қаҳрамон Нурмалик янги йилгача чўпонларга ёрдам бергани ҳақида ёзгандик. Аслида ҳам ёзувчи ҳаётида шундай бўлган: *“Мен бироз муддат чўпонлик ҳам қилганман. Бироқ ўша пайтда (сиртдан ўқирдим) курсдошларимдан чўпонлик қилаётганлигимни яширардим. Энди билсам, ҳаётимнинг энг покиза даври ўша пайтлар бўлган экан...* [6. 3].

Бу фикримизга *“Тубсиз осмон”* қиссасининг ёзилиш тарихи ҳақида муаллифнинг айтганлари ҳам асос бўла олади: *“Тубсиз осмон” воқеалари қишлоғимиздаги саккиз йиллик мактабга пионервожатий*

штати берилишини кутиб, бир муддат чўпон бўлиб ишлаганимдаги даврдир. Бош чўпон, аммамнинг ўғли Раббим Отабеков ёввойилашиб кетган ўнтача итни, тўқайни бирма-бир кезиб, отиб чиққани ҳамон кўз олдимда. Бу асарда оиламиз бошига тушган фожиа ҳам акс этган” [5. 155]. Шунингдек, яна бир қанча асарларида Раббим чўпон образини (“Қулон қудуққа қулса” [1. 170], “Унутилган соҳиллар” [3. 60], “Дала йўли” [7. 86], “Тубсиз осмон” [8. 202]) учратиш мумкин.

Муаллиф “Умр соҳиллари” ҳикоясида ўз қаҳрамонларини “Қалбимизга яқин одамлар”, - дейди [7. 163]. Ёзувчининг асарларини ўқиётган китобхон олдинги асарида учратган манзаралар, жойлар, воқеа-ҳодисалар ва таниш қиёфаларга яна дуч келади. Ушбу мақолани ёзиш жараёнида муаллиф билан боғланганимизда санаб ўтилган воқеа-ҳодисалар, шахслар ҳаётда ҳақиқатдан бўлганлиги, улар ўрнига асарида бошқа тўқима қаҳрамонларни тасаввур этолмаслиги ва тасвирлай олмаслигини, бу ҳолат кейинчалик ёзган асарларида акс этганини айтди. Адиб асарлари мутолааси жараёнида Шодмонқул аравақаш, Дўм Шодмон ўрис, Уста этикдўз Ҳамза бобо, Тоғвой чўпон, Пардаввой, монтер Абдурасул Раҳматуллаев, Узоқ чўпон, Дўстмурод бобо, Эргаш, Ёмонқул бобо, Исмоил бобо, Нозик момо, Саидмурод ака сингари таниш бўлиб қолган, синашта ва қадрдон инсонларга - образларга яна дуч келамиз.

Адиб асарларида воқеалар тасвири ва баёнидан ташқари яна ёзувчининг ўз қаҳрамонлари ҳақидаги мулоҳазалари, воқеалар ҳақидаги кечинмаларини ҳам учратамиз. Ёзувчи лабораторияси билан танишганимизда, бу асарларни қиёсий ўрганиш орқали улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва мутаносибликни сезишимиз мумкин. Биз қиёслаган бу битиклар ҳар хил жанрларда ва ҳар хил вақтларда, турли манбаларда ёзилган. Назаримиз илғаганича уларни ўзаро таққосладик. Балки, яна баъзи жойлари эътибордан четда қолган бўлиши ҳам мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Нурали Қобул ўзи билган одамларни асарларида кўришни истайди. Унинг адабиётда ўз мавзуси, ўз қаҳрамонлари бор. Ўз қаҳрамонлари қиёфаларини аниқ гавдалантира олган адиб ўзига хос образлар галареясини яратган.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Нурали Қобул. Кечиккан турналар - Т.: "Tafakkur", 2016,- 232 б.
2. Нурали Қобул. Бўри ови -Т.: "IJOD-PRESS", 2017,- 240 б.
3. Нурали Қобул. Унутилган соҳиллар. -Т.: "DIZAYN-PRESS", 2013,- 256 б.
4. Нурали Қобул. Барча умид сиздан болалар! "Ленин учқуни" 1990 йил 23-апрель
5. Хушбоқов Ж. Юрагимнинг сурати. -Т.: Янги аср авлоди нашриёти, 2018. 179 - б.
6. Нурали Қобул. Ватан ва миллат қадрига етган ҳаққа етади... "Жиззах ҳақиқати" 1994 йил 13-август.
7. Нурали Қобул. Маймунлар мамлакати ёхуд ёввойилар орасида. -Т.: "IJOD-PRESS", 2017,- 246 б.
8. Нурали Қобул. Жоҳиллик ва қотиллик -Т.: "IJOD-PRESS", 2017,- 240 б.

## SINTAKTIK PARADIGMATIKA HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR

Mirzayev<sup>1</sup> Bahodir Muzaffar o'g'li

Samarqand davlat chet tillar instituti,

140104, O'zbekiston, Samarqand, Bo'stonsaroy 93. Tel.: +(99866)238-29-37,  
+(99899)576-30-52. E-mail: info@samdchti.uz, bahodirmirzayev11@gmail.com

### Annotatsiya:

Maqolada hozirgi zamonaviy tilshunoslikning so'nggi tadqiqot yangiliklaridan biri bo'lgan "paradigmatika", "sintaktik paradigmatika" tushunchalari, bu tushunchalarni fanga taqdim qilgan tilshunos olimlar fikrlari haqida umumiy va dastlabki ma'lumotlar berilgan.

### Tayanch so'z va iboralar:

paradigma, paradigmatika, sintagmatika, F. de Sossyur, D.S.Wort, paradigmatik munosabatlar, morfologiya, sintaktika, morfema.

Tilshunoslik fani taraqqiyotining keyingi yillarida *sintaktik paradigmatika* deb nom olgan sohaning tadqiq etilishiga alohida e'tibor qaratilmoqda. Zero, «*sintaktik paradigma*» lingvistik yo'nalishlardan o'rin olgan yangi tushunchalardan biridir. Mazkur tushuncha, bizningcha, taniqli tilshunos F. de Sossyur tomonidan asoslangan *assotsiativ va sintagmatik* munosabatlar haqidagi g'oyaning mantiqiy davomi hisoblanadi.

Ravshanki, sintaktik paradigma haqidagi fikrlar amerikalik tilshunos D.S.Wortning (Olimning familiyasi ayrim manbalarda Uort deb ham beriladi) lingvistik konsepsiyasining asosini tashkil etadi. Olim sintaktik qurilmalarning nutqda qo'llanuvchi variantlarini «*sintaktik paradigma*» termini ostida o'rganadi hamda uni *flektiv va derivatsion* paradigmatlarga ajratadi.

D.S.Wortning fikricha, flektiv paradigmatdagi strukturalar o'zaro o'xshash bo'lib, so'z o'zgarishini taqozo etadi: *Dog barks – Dogs bark (It huryapti – Itlar huryapti)*. Derivatsion paradigma esa so'z yasalishi bilan bog'liq bo'ladi: *Students read books – Books are read by students (Talabalar kitoblarni o'qishmoqda – Kitoblar talabalar tomonidan o'qilmoqda)* [1, 21].

Nazarimizda, D.S.Wort sintaktik paradigmatga aloqador bo'lgan sintaktik uzvlarni belgilab keluvchi tushunchalarni ancha tor tushunadi. Zero, sintaksisni tadqiq etish qaysi nuqtadan boshlansa, unga oid bo'lgan barcha hosilalar sintaktik paradigmatdan o'rin olishi

shubhasizdir. Masalan, soʻz yasalişidagi obyekt va subyekt (*ish+chi*), obyekt va harakat (*arra+la*), harakat va undalma (*ur+toʻqmoq*) kabi munosabatlarni, soʻz birikmasi turlari shakllanishini belgilovchi kichik sintaktik aloqalarni ham mazkur paradigmaning oʻrganish obyekti boʻladi deya olamiz. D.S.Wortning derivatsion paradigma deb faqatgina transformatsiya hodisasini nazarda tutishi ham masala tavsifini chegaralab qoʻyadi. Holbuki, derivatsion paradigma kengqamrovli boʻlib, uning oʻzi mikro- va makroparadigmalariga boʻlinadi. Jumladan, gapning bevosita ishtirokchilar metodi asosidagi tahlili, transformatsiyaning turlari, hosiladan hosila voqelanishi kabilar katta uyushmani tashkil etsa, sintaktik birliklarning applikativ modelga tayanib ish koʻrishi kichik uyushmaga ham, katta uyushmaga ham aloqador boʻlishi mumkin. Buning hammasi derivatsion paradigmani hosil qiladi. Shunday boʻlsa-da, D.S.Wort sintaktik paradigmaning mustaqil lingvistik hodisa ekanini asoslab berdi va uning sintaktik paradigma haqida aytgan nazariy fikrlari ushbu hodisaning lingvistik talqini bobida muhim ahamiyat kasb etdi.

Sintaktik paradigmatika haqidagi gʻoyaning keyingi davri rivoji Praga tilshunoslik maktabi vakillari R.Zimek, V.Grabe, P.Adames nomlari bilan bogʻliq. Ular jumlaning modifikatsiyasi (paradigmasi) tizimini ishlab chiqib, gapning tarkibiy asosining, sintaktik paradigmatika birligining, taʼrifini berishdi. Olimlar transformatsion munosabatlar talqiniga tegishli boʻlgan turli masalalarni oʻrganib, transformatsion paradigma tilning nutqdagi faoliyatini aks ettiradi degan xulosaga kelishdi. Natijada, mantiqdan sintaktik transformatsiya qoidasi qabul qilindi va bitta sodda gapni boshqasiga sintaktik oʻzgartirish jarayonida gapning informatsion tomoni doimo oʻzgarib turishi aniqlandi [2, 76].

P.Adamesning fikriga koʻra, soʻz birikmalari sintaktik emas, balki morfologik paradigmalar yigʻindisiga mansubdir. Masalan, *this book, these books* (*bu kitob, bu kitoblar*) kabi soʻz birikmalari kombinatsiyalari soʻz shakllari tizimiga asoslangan [3, 72]. Qiziq, olim sintaktik aloqaga kirishgan yuqoridagi soʻzlarni birikma deb tan olmoqa, lekin negadir ularni morfologik paradigmaga tegishliligini taʼkidlamoqda. Agar ular birikma boʻlsa, demak sintaktik paradigma sathida tekshirilishi kerak. Morfologik paradigmada esa birikma qismlarining olmosh va ot soʻz turkumi uyushmasiga mansubligi oʻrganiladi. Bizningcha, P.Adames soʻz birikmalariga qatʼiy ravishda nominativ birlik sifatida yondashib, shunday xulosaga kelgan boʻlsa kerak. Ammo birikma qismlarining

mikrosintagmatik munosabat og'ushida bo'lishini ham unutmaslik kerak. Shu bois, faqat so'z birikmalarining emas, balki yasama so'z tarkibiy qismlari o'rtasidagi kichik sintaktik aloqalarni ham sintaktik paradigmatikaning o'rganish obyekti bo'ladi deb bema'lol ayta olamiz. Yasama so'z komponentlarining munosabati sintaktik xarakter kasb etsada, ularning bir-biriga dinamik tus bera olmasligini nazarda tutib, asosan, morfologik paradigmada o'rganamiz. Lekin so'z birikmalariga nisbatan bu fikrni ayta olmaymiz, zero, tilda tayyor holdagi so'z birikmasi (turg'un birikmalar bundan mustasno) mavjud emas. Chunki u nutqda gap bilan bir paytning o'zida vujudga keladi [4, 16]. Shuning uchun ham ularni sintaktik paradigma xomashyosi sifatida talqin qilishimizga to'g'ri keladi.

Bugungi davr tilshunosligida sintaksis sohasi kichik va katta sintaksisga bo'lib o'rganilayotgan ekan, o'z navbatida, sintaktik paradigmatika yo'nalishi ham o'z doirasida mikro va makrosintaktik hodisalar talqinini qamrab olishi kerak. Masalan, yuqoridagi yasama so'zlar va so'z birikmasi muchalarining o'zaro munosabati sintaktik paradigmaning kichik uyasidan joy olsa, gap, murakkab sintaktik qurilma, bundan-da kattaroq matnlar shakllanishi paradigmaning, pog'onasiga qarab, kattaroq uyshmasiga birlashadi. Shunday ekan, sintaktik paradigmani nutqni voqelantiruvchi tushunchalar uyushmalari majmuyi deb o'rgansak, maqsadga muvofiq bo'ladi. Ammo tilshunoslikda sintaktik paradigmaning umumiy qabul qilingan ta'rifi yo'q, uning qaysi mezon asosida ish ko'rishi va sintaktik paradigma birliklarini qanaqa munosabatlar tashkil qilishi aniq emas, degan fikrlar ham uchraydi [5]. Bizningcha, bunday mulohaza bilan qo'shilish qiyin. Zero, tilshunoslik fani taraqqiyotining hozirgi davrida nutq lingvistikasining ilmiy asoslanayotgani sintaktik paradigmatika tushunchasining nufuzini yanada oshirmoqda va uni keng ma'noda tushinish lozimligini dalillamoqda [6, 67].

Bunda, albatta, til birliklarining sintagmatik munosabati shakllanishida ularning qo'llanishi obyektidagi o'rnini ham e'tiborga olish lozim bo'ladi. Zotan, X va Y birliklarining o'zaro bog'lanishi nuqsonsiz bo'lsagina sintagmatik munosabat to'g'risida fikr yurita olamiz:

اللّي عايّز الوردّة لازم يتحمل شوك - Kimki atirgul istasa, u tikanlarga chidashi kerak (Arab xalq maqoli).

Mazkur struktura tobe' komponentli murakkab sintaktik qurilma bo'lib, yaxlit holda sintaktik paradigmaning MSQlar assotsiatsiyasidan

joy olmoqda. Uning tasarrufida kelayotgan *olmosh, ot, fe'l* kabi soʻz turkumlariga xos soʻzlarning oʻzaro sintagmatik munosabatga kirishayotgani til birliklarining maʼlum obyektida faollashayotganidan dalolat beradi. Lekin bu bilan sintagmatik munosabat faqat soʻzlar bogʻlanishida aks etadi deb tushunmaslik kerak. Bu jarayonni til birliklarining barchasi misolida kuzatishimiz mumkin. Boshqacha aytganda, tilning barcha sathlari birliklari oʻzaro bogʻlanishda voqelanadi. Masalan, morfema sathida fonemalar, soʻz sathida morfemalarning uzviy aloqasini koʻramiz. Demak, mazkur bogʻlanishni hosil qiluvchi til birliklarining oʻzaro aloqalari ham sintaktik qonuniyatlarga boʻysunadi hamda sintaktik paradigmaning mikroelementlari sifatida faoliyat yuritadi. Chunonchi, N.S.Trubeskoy taʼbiri bilan aytganda, oppozitsiyada nafaqat qarama-qarshi aʼzolarning ajralib turishi xususiyatini, balki har ikkala oppozitsiya muchalari uchun umumiy boʻlgan belgilarni ham kuzatish mumkin. Bu esa taqqoslash mezoni hisoblanadi [8, 75].

Shunday ekan, morfologik paradigma bilan sintaktik paradigma oʻrtasiga «xitoy devori» ni qoʻyib boʻlmaydi. Zero, morfologik paradigma sathida ham gorizontol chiziq boʻylab harakat qiluvchi elementlarning mikrosintagmatik munosabatlarni koʻrishimiz mumkin. Shunday qilib, sintaktik paradigmatika sohasini oʻrganishni tilning eng kichik birligi hisoblanmish fonemalarning applitsit relyatsiyasidan yuzaga keluvchi kichik sintaktik jarayonlardan boshlashga toʻgʻri keladi, chunki ushbu jarayon ham sintaktik paradigmadagi oʻziga xos generator maydonni hosil qiladi.

#### **Adabiyotlar:**

1. Worth D.S. The role of transformations in the definition of syntagmas in Russian and other Slavic Languages. American contributions to the V international Congress of Slavists. The Hague, 1963.
2. Адамец П. К вопросу о синтаксической парадигматике; Грабе В. Общее значение синтаксической конструкции и трансформация; Зимек Р. Семантический аспект синтаксической трансформации // Československá rusistica, XI. 1966, № 2.
3. Адамец П. Трансформационная парадигма предложения и ее соотносительность с актуализационной парадигмой // Вопросы языкознания. 2000, № 1.
4. Turniyozov N.Q. Soʻz birikmasi sintaktik derivatsiyasi / Oʻzbek tili derivatsion sintaksisi. - Toshkent: Navroʻz, 2011.



5. Когнитивные категории в синтаксисе: коллективная монография / под ред. Л. М. Ковалевой (отв. ред.), С. Ю. Богдановой, Т. И. Семеновой. -Иркутск: ИГЛУ, 2009.

6. Turniyozov N.Q. Gapning bevosita ishtirokchilari va transformatsion metodlar asosidagi tahlili / Struktur sintaksis asoslari. - Toshkent: Fan, 2009.

7. Трубецкой Н.С. Основы фонологии. -М.: Аспект Пресс, 2000.

## СЎЗ ТУРКУМИГА ДОИР ТЕРМИНЛАР ҚИЁСИ (ЎЗБЕК ВА ҚОЗОҚ МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИ АСОСИДА)

Қодирова<sup>1</sup> Б.И.

<sup>1</sup>Самарқанд давлат университети,  
140104, Ўзбекистон, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони,  
15-уй. Тел: +99897 9188383. E-mail: kodirova.b86@gmail.com)

### *Аннотация.*

Мазкур илмий мақолада мустақиллик йилларида ўзбек ва қозоқ тилларида нашр этилган “Она тили” ва “Қазақ тілі” дарсликларидаги сўз туркумига доир терминлар қиёсий-типологиялик жиҳатдан ўрганилган. Бунда бир оилага мансуб бўлган икки қардош тилдаги терминларнинг бир-бирига боғлиқлиги, ўхшашлиги ҳамда уларнинг фарқли жиҳатлари таҳлил қилинган.

### *Таянч сўз ва иборалар.*

Қиёслаш, термин, сўз туркумлари, сөз таптары, мустақил сўзлар, ёрдамчи сўзлар, ундов сўзлар, тақлид сўзлар, модал сўзлар, атаушы сөздер (зат есім, сын есім, сан есім, есімдік, үстеу, етістік, еліктеу сөздер), көмекші сөздер (шылау) ва өдағай сөздер.

*Аннотация.* Данная научная статья представляет собой сравнительно-типологическое исследование терминов, относящихся к группе слов в учебниках «Родной язык» и «Казахский язык», изданных на узбекском и казахском языках за годы независимости. Он анализирует взаимосвязь, сходство и различия между терминами двух родственных языков, принадлежащих к одной семье.

**Ключевые слова:** сравнение, терминология, группы слов, независимые слова, вспомогательные слова, восклицательные слова, имитационные слова, модальные слова, атаушы сөздер (зат есім, сын есім, сан есім, есімдік, үстеу, етістік, еліктеу сөздер), көмекші сөздер (шылау) ва өдағай сөздер.

**Abstract.** This scientific article is a comparative typological study of terms related to the group of words in the textbooks "Native language" and "Kazakh language", published in the Uzbek and Kazakh languages during the years of independence. The article analyzes the relationship, similarities, and differences between the terms of two related languages belonging to the same family.

**Key words:** comparison, terminology, word groups, independent words, auxiliary words, exclamation words, imitation words, modal words.

Маълумки, ўзбек ва қозоқ тиллари келиб чиқишига кўра умумий асосга эга бўлиб, хусусий жиҳатидан кўра умумий

томонлари кўп ва ҳозиргача алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Биз ушбу мақоламизда ўзбек тилидаги сўз туркумига оид терминларни қардош қозоқ тили билан қиёслашни лозим деб топдик. Қиёсий-типологик таққослашда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ўзбек ва қозоқ тилларида чоп этилган мактаб дарсликлари тадқиқотнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Сўзларнинг сўроғи ва қандай умумлашган маъно ифодалашига кўра гуруҳларга бўлиниши ўзбек тилида *сўз туркумлари*, қозоқ тилида *сөз таптары* терминлари билан юритилади. Сўзларни туркумларга ажратиш масаласи дарсликларда қисман ифода этилган. “*Ona tili*” ва “Қазақ тілі” мактаб дарсликларининг 5-, 6-, 7-, 10-синф дарсликларида бу ҳақида маълумотлар келтирилган. “*Ona tili*” да сўз туркумларини турларга ажратишда ҳар хилликни кўриш мумкин. Масалан, 6-синф “*Ona tili*” дарслигининг 2013 йилда чоп этилган 3-нашрида сўз туркумлари маъно ва вазифасига кўра беш турга ажратилиб, *мустақил сўзлар*, *ёрдамчи сўзлар*, *ундов сўзлар*, *тақлид сўзлар*, *модал сўзлар* терминлари билан номланган. 2017 йилда нашр этилган 4-нашрида эса уч гуруҳга бўлиниб, *мустақил сўзлар* (*феъл, от, сифат, сон, олмош, равиш*), *ёрдамчи сўзлар* (*кўмакчи, боғловчи, юклама*) ва алоҳида олинган *сўзлар* (*ундов сўзлар, тақлид сўзлар, модал сўзлар*) терминлари билан аталган. 7-синф “*Ona tili*” дарслигининг 2017 йилда чоп этилган 4-нашрида сўзлар маълум сўроққа жавоб бўлиши ёки бўлмаслиги, аташ маъносининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига, гапда маълум гап бўлаги вазифасида келиш-келмаслигига кўра икки турга бўлинган ва *мустақил сўзлар*, *ёрдамчи сўзлар* терминлари билан берилган [1, 2, 3]. Сўз туркумари билан боғлиқ бу каби таснифлар ўқувчиларни чалғитиши, яқдил бир фикрга келмаслигига хизмат қилиши мумкин. Келгусида тузиладиган дарсликларда бу каби ҳолатларни бартараф этиш лозим.

“Қазақ тілі” дарсликларида барча сўзлар семантик ва морфологик хусусиятларига қараб уч катга гуруҳга бўлиниб, *атаушы сөздер* (*зат есім, сын есім, сан есім, есімдік, үстеу, етістік, еліктеу сөздер*), *көмекші сөздер* (*шылау*) ва *өдағай сөздер* терминлари билан номланган [4, 5, 6].

Тиллардаги *мустақил сўзлар* ва *атаушы сөздер*, *ёрдамчи сўзлар* ва *көмекші сөздер* терминларини қиёслаймиз. “*Ona tili*” да: “Аташ маъносига эга бўлган сўзлар ёки улар ўрнида қўлланиб, маълум сўроқларга жавоб бўлувчи ва гапда маълум гап бўлаги вазифасида келувчи сўзлар *мустақил сўзлар* саналади”, “Қазақ тілі” да: “Атауыш

сөздердің қатарына заттар мен құбылыстардың, сапа-белгінің және іс-әрекеттің атаулары жатады. Олардың әрқайсысында толық мағына бар және сөйлемде өздігінен дербес мүше ретінде қызмет атқара алады”; “Аташ маъносига эга бўлмаган, маълум сўроққа жавоб бўлмайдиган, гап бўлаги вазифасида келмайдиган сўзлар *ёрдамчи сўзлар* ҳисобланади” [3], “Лексикалық мағынаның грамматикалық мағынамен ұласып кетуі, сөйлемде дербес мүше бола алмауы көмекші сөздерді сипаттайтын және оларды атауыш сөздерден ажырататын белгілер болып саналады. Көмекші сөздердің қатарына әр түрлі тілдердегі артикльдер, предлогтар, жалғаулықтар, септеуліктер, демеуліктер енеді” [5]. Дарсликларда берилган ушбу изоҳлар қиёси шуни кўрсатадики, *мустақил сўзлар* ва *атаушы сөздер*, *ёрдамчи сўзлар* ва *көмекши сөздер* терминлари умумий характерда бўлиб, хусусиятлари ўзаро мос келади.

Сўз туркумларининг миқдори турли тилларда турли хил. Худди шундай ўзбек ва қозоқ тилларида ҳам сўз туркумлари сони бир хил эмас. Ўзбек тилида сўз туркумлари жами ўн иккита бўлиб, *от, сифат, сон, олмош, равиш, феъл, кўмакчи, боғловчи, юклама, ундов сўзлар, тақлид сўзлар, модал сўзлар* терминлари билан номланган. Қозоқ тилида эса сўз туркумлари жами тўққизта бўлиб, *зат есім, сын есім, сан есім, есімдік, етістік, үстеу, еліктеу сөздер, шылау ва одағайлар* терминлари билан аталган. Мавжуд сўз туркумлари ҳам ўз маънолари ва грамматик шакллари билан ўзаро фарқ қилади. Масалан, *модал сўзлар* термин ўзбек тилида сўз туркумларидан бири сифатида ўрганилади. Қозоқ тилида эса сўз туркумлари таркибида бундай сўзлар кузатилмайди.

Маълумки, синтаксис грамматиканинг бўлимларидан бири бўлиб, сўзларнинг ва гапларнинг ўзаро алоқасини, сўз бирикмалари ва гапларни ташкил этган бўлақларнинг хусусиятларини ўрганади. Бу жиҳатдан синтаксис морфологиядан фарқланади. Морфология сўзларнинг тузилиши, ясалиши, турланиши, тусланишини текширади. Бу шаклий текшириш маъно асосида бўлади. Синтаксис ана шу шаклларнинг динамикасини, уларнинг гапдаги вазифасини, маълум фикрни ифодалашдаги ролини ўрганади [7]. Шу нуқтаи назардан ўзбек тилида *модал сўзлар* алоҳида олинган сўзлар туркуми сифатида морфология бўлимида ҳамда ушбу сўзларнинг синтактик вазифаси жиҳатидан *кириш сўз* вазифасида келиши синтаксис бўлимида ўрганилади. Қозоқ тилидаги дарсликларда эса модал сўзлар морфологияда ўрганилмай, гапда айтилган фикрга сўзловчининг турли хил муносабатини ифодаловчи *қыстырма сөз*

термини сифатида синтаксис бўлимида берилган. *Кириш сўз* ва *қыстырма сөз* каби терминларнинг синтаксис бўлимидаги умумий хусусиятлари ҳар иккала тилда ҳам гап бўлаклари билан алоқага киришмайдиган бўлак сифатида изоҳлаш мумкин. Ўзбек тилидаги *модал сўзлар* каби гапда айтилган фикрга сўзловчининг ҳар хил қарашларини билдирувчи сўзлар “Қазақ тілі”да *қыстырма сөз* термини билан берилган бўлиб, тилшуносликнинг синтаксис бўлимида ўрганилиши ифодаланган [8].

Ўзбек тилида аташ маъносига эга бўлмаган, яқка ҳолда гап бўлаги вазифасини бажара олмайдиган, ҳар доим мустақил сўзлар билан биргаликда келиб, уларни бошқа сўзларга боғлаш ёки гап ва сўзларга қўшимча маъно юклаш вазифасини бажарадиган сўзлар *кўмакчи, боғловчи, юклама* терминлари билан ишлатилади. Қозоқ тилида эса хусусиятлари *кўмакчи, боғловчи, юклама* терминлари билан ўхшаш бўлган *шылау* термини мавжуд бўлиб, “Қазақ тілі”да тўлиқ лексик маънога эга бўлмаган, гап бўлаги бўла олмайдиган, сўз билан сўзни, гап билан гапни боғлаш учун хизмат қиладиган, мустақил сўзларга қўшимча маъно юклайдиган сўз туркуми сифатида изоҳланган. *Шылау* термини маъно ва вазифасига кўра уч турга бўлиниб, *жалғаулық шылау, септеулік шылау, демеулік шылау* терминлари билан номланган. Мазкур терминлар изоҳлари ўрганилганда *жалғаулық шылау боғловчи, септеулік шылау кўмакчи, демеулік шылау юклама* терминларининг эквиваленти эканлиги аниқланди.

Хуллас, таҳлилга тортилган ҳар иккала дарслик ҳам умумий ўрта таълим мактабларининг бешинчи синф ўқувчиларига мўлжалланган бўлса-да, уларда мавзунини қамраб олиш, лисоний ҳодисалар моҳиятини очиқ бериш ва тушунтиришда ўхшаш томонлар қатори фарқли хусусиятлар ҳам мавжуд.

### Адабиётлар рўйхати

1. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D. Ona tili. Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. 3-nashri. – Toshkent: Tasvir, 2013. – 208 b.

2. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D. Ona tili. Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 6-sinfi uchun darslik. Toʻldirilgan 4-nashri. – Toshkent: Tasvir, 2017. – 208 b.

3. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Nabiyeva D., Mirzaahmedov A. Ona tili. Umumtaʼlim maktablarining 7-sinfi uchun darslik. 2-nashri – Toshkent: Maʼnaviyat, 2009. – 128 b.

4. Исабаев Ә., Исаев С., Дәулетбекова Ж., Нишанова Г. Қазақ тілі. 6-сыныпқа арналған оқулық. – Ташкент: O'zbekiston, 2019. – 108 б.

5. Айтбаев Д., Айтбаева Г., Темірбаева М. Қазақ тілі. Жалпы орта білім беретін мектептердің 7-сыныбына арналған оқулық. – Ташкент: Sharq, 2017. – 160 б.

6. Айтбаев Д., Айтбаева Г., Абдураимова Г. Қазақ тілі. 10-сыныбы үшін оқулық. – Ташкент: Чулпан атындағы БПШҮ, 2017. – 112 б.

7. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси (Синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

8. Айтбаев Д.Т., Айтбаева Г.Е., Темірбаева М. Қазақ тілі. жалпы орта білім беретін мектептердің 8-сыныбына арналған оқулық. – Ташкент: O'zbekiston, 2019. – 128 б.

## АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “МАЖОЛИСУН-НАФОИС” АСАРИДА ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ТАЛҚИНИ

Соатова<sup>1</sup> Д.А., филология фанлари номзоди, доцент

<sup>1</sup> Жиззах политехника институти, 130100, Жиззах шаҳри, Ўзбекистон, Ислом Каримов проспекти, 4. Тел.: (0372)226-46-05. E-mail: [dgpi\\_info@edu.uz](mailto:dgpi_info@edu.uz)

### *Аннотация.*

Юксак маданиятга эришган ҳар бир халқнинг шундай буюк фарзандлари бўладики, улар нафақат ўз юрти, балки умумжаҳон тафаккур аҳлининг ҳурмат-эътиборида бўлади. Ана шундай буюк зотлардан бири Алишер Навоийнинг “Мажолисун-нафоис” (“Гўзал мажлислар”) тазкираси ва бунда 459 нафар шоирларнинг зикр этилиши билан алоҳида ўрин тутади. Мақолада шоирнинг “Мажолисун-нафоис” тазкирасида Темурни жуда ижобий баҳолагани, Навоий учун у “Жаҳонни забт этувчи буюк подшоҳ-тахт эгаси Темур курагон”, у ўз юртининг маданий тараққиётига хизмат қилган инсон эканлиги, Темур ва темурийларнинг давлат тепасига келиши Маворауннаҳр ва Хуросонда туркий адабиётнинг кенг ривожига сабаб бўлганлиги илмий талқин этиб берилган.

Алишер Навоий нафақат ўзбек адабиётининг балки жаҳон адабиётининг йирик намояндаларидан биридир. У юқори камолат босқичидаги буюк ақл эгаси-чин маъноси билан улуғ мутафаккир шоирдир. Ўзбек адабиётининг деярлик барча вакиллари Навоий асарларини ўрганиб, улардан илҳомланиб, ижод майдонига кириб келганлар.

Алишер Навоий туғилган йили Амир Темурнинг вафот этганига 35 йил тўлган эди. Бу 35 йилдан аввалги 35 йил ичида (1369-1405 йиллар орасида) эса “Темур давлати” деб аталмиш катта империя ҳам вужудга келиб, ҳам парчаланиб кетган эди. Темурнинг давлат бошқаруви фаолиятида жаҳонгирлик, яъни Марказлашган Давлат учун кураш катта ўрин эгаллади. Жаҳонгирлик билан бир қаторда Темур ўз юртининг иқтисодий ва маданий кўтарилиши учун ҳам кўпгина ишларни амалга оширди. Темур бошқа мамлакатларни забт этар экан, ўз юрти-Мавороуннаҳрни обод этишни ҳам ният қилар эди. Масалан, Темур Шарқ билан Ғарбни боғлаган савдо йўлини Ўрта Осиёга буриб юбориш, бу билан Мавороуннаҳрнинг иқтисодий ривожлантириш мумкинлигини

кўзда тутиб, Хитойга сафар қилмоқчи бўлади. Бу сафар амалга ошмай қолади.

Буюк шоир ва мутаффакир, давлат арбоби Алишер Навоий Темурни жуда ижобий баҳолади. Навоий учун у “Жаҳонни забт этувчи буюк подшоҳ-тахт эгаси Темур курагон” эди. Навоий Темурнинг тарихий фаолиятдан ва қиёфасидан ўз юртининг маданий тараққиётига хизмат қилган хислатларни излади. Унинг фикрича, Темур ва темурийларнинг давлат тепасига келиши Маворауннаҳр ва Хуросонда туркий адабиётнинг кенг ривожига сабаб бўлди. “То мулк араб ва сорт салотинидан турк хонларига интиқол топти (ўтди), Ҳулогухон замонида султони соҳибқирон Темур Курагон замонидан фарзанди халафи Шохруҳ султон замонининг охиригача турк тили била шуаро пайдо бўлдилар. Ва ул ҳазратнинг авлод ва аҳародидин ҳам хуштабъ (талантли шеърӣ истеъдодли) салотине зухурға келди. Шуаро: Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атоий ва Муқумий ва Яқиний ва Амирий ва Гадоийдеклар...”

Шундай қилиб, Навоийнинг фикрича, ўзбек адабиёти тақдирида Темур ва темурийлар даври катта рол ўйнади.

Туркий тилдаги адабий ва маънавий оқимнинг ривожига ҳукмронлардан айрим мартабали шахсларнинг хизматлари ҳам маълум даражада ўз таъсирини кўрсатди. Подшоҳликлар даврида маданий бойликнинг маркази бўлган подшоҳлар саройида шеърӣятнинг тараққий этиши учун кўпроқ имкониятлар мавжуд эди. Бу шароитда подшоҳнинг адабиётга, илм аҳлларига, санъаткорларга муносабати катта аҳамият касб этар эди. Навоийнинг фикрича, Темур ва темурийлар орасида адабиёт ва санъатга эътибор анча кучли бўлган.

Навоийнинг “Мажолисун-нафоис” (“Гўзал мажлислар”) тазкираси ва бунда 459 нафар шоирларнинг зикр этилиши билан алоҳида ўрин тутди. Навоий “Мажолисун-нафоис” тазкирасини 1491 йилда тузди. У, Адабиётшунос олима, Ўзбекистон Қаҳрамони С.Ғаниева таъкидлаганидек, “Мажолисун-нафоис”га жуда кўп янгилик ва қўшимчалар (яна юздан зиёд шоирлар, адабий фактлар, шеърӣй парчалар ва бошқалар) киритиб, 1497-1498 йилларда унинг иккинчи, қайта ишланган нусхасини яратди, айрим биографик ноаниқликларни бартараф қилди “[1]”.

Навоий “Мажолисун-нафоис” асарини саккизта мажлисга бўлган. Еттинчи мажлис том маъноси билан сулолавий белги



остида қурилган. Чунки бу мажлисда тўпланган йигирма бир кишининг ҳаммаси Темурийлар сулоласининг намояндаларидир. “Мажолисун-нафоис” асарида Навоий махсус боб очиб, ўша бобда шеърга майл кўрсатган ва ўзи ҳам баъзан шеърлар ёзган темурий шоҳларнинг қисқача тавсифини беради.

“Мажолисун-нафоис” асаридан “Еттинчи мажлис. Салотини изом ва авлод вожибул-эҳтиромлари зикрила ким, баъзи яхши маҳалларда хўб байт уқуотурларким, филҳақиқат ўзлари айтондек худородур ва баъзи назм латойифиға машғул буллубтурларким, ул дағи матлуб ва марғубдур.

Мулк шажараларининг бўстони ва салотин, яъни-Темур Курагон агарчи назм айтмоққа илтифот айилмандурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўп маҳал ва мавқеъда уқубтурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор...

То олам аҳли билгайларким, султон соҳибқиронгаким (яъни Ҳусайн Бойқарога), мажолисда пайдарпай хўб абёт ва яхши сўзлар дармаҳал воқеъ бўлур, ул дағи маврусимидурким (яъни наслдан наслга кўчувчи одат, ананадирким) нисбатин ул жадди бузургворга (яъни Темурга эргашиб), тузотурким, ул бирининг (Темурнинг) макони равзаи жинон (жаннат боғи) “[1]” Алишер Навоий, Мажолисун-нафоис, Суйима Ғаниева нашрга тайёрлаган танқидий матн, 2-3 саҳифалар ва бу бири (Ҳусайн Бойқаро) жаҳон мулкида жовидон (абодий) бўлсун, омин ё раббул-олабийн”.

Бу парчадан кўриниб турибдики, Темурнинг умри, ҳаёти фақат жангу-жадаллар, курашлар билан ўтган эмас, балки унинг шеър, маънодор сўз ва ҳазилга ишқибозлиги ва хатто ўзи ҳам ажойиб лутфни баъзан яхши шеърини шаклда ифода эта билиши ҳақида айтилган сўзлар Темурни ўз кўзи билан кўрган ёки кўрганларнинг айтганларига асосланган тарихчиларнинг сўзлари тасдиқлайди. Масалан, Ибн Халдун, Ҳофиз Абру, Арабшоҳ, Клавиҳо асарларида Темурнинг илмини, айниқса амалий аҳамиятга эга бўлган илмларни (масалан архитектурани) қадрлагани, мажлис ва зиёфатларда қиссахонлардан ўтмиш ҳақида қисса эшитишни яхши кўргани, “туркий” ва “форсий”ни яхши билгани, ҳар икки тилда бемалол гаплашгани ҳақида фикрлар билдирилади.

Юқорида келтирилган парчада айниқса, Ҳусайин Мирзонинг саройида (яъни Навоий замонида) Темур аналарининг давом эттирилиши ҳақидаги сўзлар жуда муҳимдир. Ҳақиқатдан ҳам санъат ва адабиётга ишқибозлик, шеър машқ қилиш ёки шеърлар

эшитиб, шеърият ҳақида музокаралар олиб бора билиш темурийлар орасида одат тусига кирган эди.

Навоий “Мажолисун-нафоис” асарида темурийлардан бир нечтасини келтириб ўтади. “Ҳақони Саид Шоҳрух Султонким, авлод-аждод орасида соҳибқирон отасининг (Темурнинг) алойиқ мақоми бўлди, ҳам назмга машғуллик қилмас эрди, аммо хуб байт ва яхши сўзлар кўп ул ҳайратдин воқеъ булур эрди”.

“Абобакр Мирзо-набира булур (яъни Темурийнинг набираси), баҳодурлуғи ва қиличи зарби Чифатой улусида машҳурдир. Чун табъида назми чошмиси (шеър айтиш қобилияти) бор эмиш. Ҳамул баҳодурлуғ таврида бу туюқ айдин машҳурдирким:

Эр керак, ўртанса ёнса, ёлина,

Ёраб еб ётса отининг ёлина.

Ит улуми бирла ўлса, яхшироқ,

Эр отониб, душманига ёлина.

Агарчи баъзи алфоза турконароқдир (яъни тили ортиқча соддадир) аммо тажнисини яхши топибдур...”

“Султон Искандар Шерозий ҳам набирадур... Султон Искандарни дерларким, табъи назмга мойил эрди ва бу туюқни андин нақл қилурларким:

Тўлун ойга нисбат этгим ёруми,

Ул хижолатдин кам ўлди ёруми.

Тори муюнгнинг закотин меш берай,

Ё Мисрни, ё Халабни, ё Руми,

Бурунги туюқдан бу турконароқдир...”.

“Улуғбек Мирзо донишманд подшоҳ эрди. Камолоти бағоят кўп эрди... Бовужуд бу камолат гоҳи назмга ҳам майл қилур эрди...”.

Бундан ташқари Навоийнинг бу таскирасида Абдуллатиф Мирзо, Сайид Аҳмад Мирзо, Шоҳ Ғариб Мирзо сингари темурийзодалар ҳақида ҳам сўз юритиладики, биз бундан барча темурийлар авлодининг адабиёт, санъатга ихлосманд кишилар эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Темурхон наслидин Султон Улуғбек,

Ки олам кўрмади Султон анингдек...

Сатрлари Навоий тилида Темур ва темурийлар учун энг катта мақтов эди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch. T.: "Ma'naviyat", 2008.
2. Nayitmetov A. Temuriylar davri o'zbek adabiyoti. T., 1996.
3. Алишер Навоий, Мажолисун-нафоис, Суйима Ғаниева нашрга тайёрлаган танқидий матн. 2-3 саҳифалар.
4. Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами 13 том, Тошкент 2011 й.



*Section 11*  
*Geographical Sciences*



## *Section 12*

### *Pedagogical Sciences*

## Тьюторское сопровождение будущих педагогов

к.п.н., доцент Бекимбетова<sup>1</sup> А.,  
к.п.н., доцент Алламбергенова<sup>2</sup> М.

<sup>1,2</sup>Нукусский государственный педагогический институт им.Ажинияза,  
Узбекистан, Республика Каракалпакстан, г. Нукус, ул. П.Сейитова б/н  
Тел.: +(99861)229-40-75; E-mail: nkspi\_info@edu.uz

*Аннотация.* Статья посвящена чрезвычайно актуальной для современной действительности проблеме, связанной с качественной подготовкой педагогических кадров, теоретического и методологического пространства изучения студенческой молодежи в современных социально-психологических науках, внедрение в учебный процесс тьюторского сопровождения.

*Ключевые слова:* молодежь, студенческая молодежь, возраст, теория общественного воспроизводства, качество, стандарт, современное общество.

*Summary.* The article is devoted to the highly actual for the reality problem, connected with the construction of theoretical and methodological space of study of the student youth in modern native sociology.

*Keywords:* youth, student youth, sociology of youth, theory of public reproduction, risological concept, society.

За последние годы существенно трансформировались образовательные ценности у граждан Республики Узбекистан. Значительно повысился интерес молодежи к учению и продолжению образования, что тесно связано с происходящими в стране социально-экономическими и общественно-политическими процессами. В этих условиях не может оставаться прежней и образовательная инфраструктура. В нашей республике особую актуальность приобретает вопрос подготовки педагогических кадров в соответствии с международными требованиями на основе передовых педагогических технологий. В условиях модернизации образования придание приоритетности принципу «от теории к практике» требует от будущих педагогов овладения навыком креативной деятельности. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены такие важные задачи, как «дальнейшее совершенствование системы непрерывного

образования, повышение возможностей качественных образовательных услуг, подготовка высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда» [1: 70].

Потребность в постоянном самообразовании и саморазвитии становится неотъемлемым качеством современного учителя, способного к быстрой переориентации, самостоятельной творческой деятельности, владеющего умением работать с участниками образовательного процесса любого социально-психологического статуса.

Среди групп профессиональных компетенций, которые формируются в процессе обучения будущих учителей в педагогическом вузе, многие исследователи выделяют рефлексивную компетенцию, понимая под ней группу умений оценивать результаты своей деятельности, проводить самоанализ учебно-методических и профессиональных действий, а также способность к личностному и профессиональному саморазвитию. Среди основных трудовых действий, осуществляемых учителем в соответствии с профессиональным стандартом перечислены в том числе следующие:

- участие в разработке и реализации программы развития образовательной организации;
- систематический анализ эффективности учебных занятий и подходов к обучению;
- разработка и реализация программ учебных дисциплин в рамках основной общеобразовательной программы.

Качественное выполнение перечисленных профессиональных действий, как и высокий уровень сформированности рефлексивной компетенции будущего учителя, невозможны без наличия простейших навыков и мотивов самообразования и саморазвития, получаемых человеком еще в общеобразовательной школе.

Неслучайно в качестве одного из условий формирования профессиональной компетентности будущего учителя мы рассматриваем самообразование студентов. Педагогом А. Я. Айзенбергом понятие самообразования трактуется как «целенаправленная, свободная и самостоятельная познавательная деятельность, управляемая самой личностью и направленная на удовлетворение стремлений, интересов, потребностей человека в разных областях знания, познания окружающего мира, отыскания

смысла собственной жизни» [Айзенберг, 1986, с. 149]. В качестве основных характеристик самообразования А. Я. Айзенберг выделяет свободный круг проблем, самостоятельную работу с источником информации, подвижный объем знаний, ограниченный степенью насыщения интереса к избранному предмету.

Саморегулируемый характер самообразования проявляется в том, что управление деятельностью осуществляется самим субъектом, то есть человеком, осуществляющий самообразовательную деятельность, по отношению к себе выступает одновременно объектом и субъектом управления (организует и анализирует собственные действия). Теоретический анализ проблемы позволил нам определить самообразование будущего учителя как саморегулируемую познавательную деятельность, ориентированную на формирование профессиональной компетентности и личностное развитие.

В основе практической готовности личности к самообразованию лежит комплекс познавательных, интеллектуальных, организационных умений, способности к отбору, приобретению, оцениванию и правильному использованию информации (что определяет общую способность к самообразованию). Определив это, мы переходим к практическому развитию у студентов умений и навыков самообразования.

Студенты указывают ряд причин, в основном объективного характера, препятствующих самообразованию и саморазвитию, среди которых недостаток времени, загруженность домашними заданиями по всем дисциплинам, авторитарность некоторых преподавателей и т. д. Вместе с тем практически никто не связывает характер затруднений с внутренними причинами: отсутствием должной мотивации, несформированностью умений самообразовательной деятельности: почти у половины студентов (45,31 %) уровень сформированности умений самообразования низкий, тогда как только их высокий уровень является условием успешности осуществления самообразовательной деятельности. На основе полученных данных была построена опытно-экспериментальная работа по формированию у студентов умений самообразовательной деятельности на всех этапах овладения ими профессиональной компетентностью в процессе личностно-ориентированного образования в вузе.



Со студентами 1–2-х курсов была организована работа по их обучению умению работать со специальной, научной и методической литературой (находить нужную информацию; конспектировать, выделяя главные мысли; связывать данный материал с уже известным; систематизировать прочитанное в таблицы, графики, схемы); умению планировать учебную деятельность (видеть перспективу своей учебной деятельности; составлять план учебной работы на ближайшее время и четко ему следовать; анализировать, что не выполнено и почему; корректировать план).

Со студентами 3–4-х курсов была организована работа по овладению умениями самообразовательной деятельности при подготовке выступлений и докладов (выделение сути рассматриваемого вопроса; сведение данных из нескольких источников; формулировка тезисов и приведение к ним аргументов; формулировка выводов); при написании рефератов, статей (ориентирование в потоке информации; нахождение необходимой литературы; формулировка тезисов; свертывание информации; создание доказательной базы; приведение логических выводов). Выделенные умения входят в состав профессиональных умений и навыков, а также умений и навыков научно-исследовательской деятельности – показателей сформированности профессиональной компетентности. Кроме того, данные умения способствуют принятию и обоснованию студентами своей деятельности (мотивация), ее анализу и планированию (рефлексия), то есть формированию у них личностных функций. В качестве примера остановимся более подробно на организации самообразовательной деятельности студентов педагогического факультета НГПИ им. Ажинияза в процессе математической подготовки и при изучении спецкурсов «Использование модульно-рейтинговой системы обучения математике в формировании предметной компетентности будущего учителя начальной школы» (1 курс), «Формирование профессиональной компетентности в личностно-ориентированном образовании» (3 курс). Сущность процесса самообразования студентов на данном этапе состояла в следующем. Каждым студентом осуществлялась разработка собственного плана учебной работы по предмету. Такой подход реализовывал идею формирования профессиональной компетентности посредством конструирования студентами перспектив продвижения к более

высокому уровню овладения профессиональными знаниями и умениями под руководством преподавателей вуза. Для того чтобы студенты 1–2-х курсов свободно ориентировались в необходимом материале и находили нужную информацию, на вводной лекции по математике им был предложен перечень учебной литературы и дидактических материалов по предмету, проанализированы структура основных учебников, название тем и логика их построения. Следующим шагом являлось обучение студентов конспектированию необходимого математического материала. Для этого на практических занятиях им в качестве разминки предлагалось выделить главную мысль из прочитанного абзаца в учебнике (на первых порах брался уже знакомый из лекции теоретический материал), то есть из нескольких предложений составить одно, но так, чтобы смысл данного абзаца был передан. Затем прослушивались варианты такого предложения, выбиралось наиболее удачное, анализировались ошибки студентов. С каждым разом такие задания усложнялись: увеличивался объем абзаца; увеличивалось число абзацев. Таким образом, студенты 1–2-х курсов к концу учебного года овладели умениями: находить нужную информацию; конспектировать, выделяя главные мысли; связывать данный материал с уже известным; систематизировать прочитанное в таблицы, графики, схемы; видеть перспективу своей учебной деятельности; составлять план учебной работы на ближайшее время и четко ему следовать; анализировать, что не выполнено и почему; корректировать план.

Со студентами 3–4-х курсов проводилась работа по овладению ими навыков самообразовательной деятельности при подготовке выступлений и докладов. В рамках практических занятий по математике и спецкурса «Формирование профессиональной компетентности в личностно-ориентированном образовании» им предлагались различные задания, способствующие формированию умения выделять суть рассматриваемого вопроса: составлять фразу из ключевых слов и дополнять ее до связного предложения (например, из таких слов: навыки, формирование, устный счет); выделять ключевые слова в фразе и объяснять смысл каждого в отдельности и в словосочетании (например, в фразе «логическая структура математического предложения»); составлять название темы практического занятия по методике преподавания математики

из ключевых слов (например, из слов: младший школьник, обучение, вычитание, сложение, простые задачи).

Наблюдения показали, что студенты 3–4-х курсов к концу учебного года овладели умениями самообразовательной деятельности, способствующими развитию профессиональной компетентности. Сравнивая исходные и конечные результаты эксперимента, заметим, что процент студентов, имеющих высокий уровень сформированности умений самообразования, вырос на 8,6 %; имеющих средний уровень – на 12,5 %; имеющих низкий уровень – уменьшился на 21,09 %. Сформированность у студентов умений самообразовательной деятельности привела к большей самостоятельности в выполнении рефератов, курсовых работ и индивидуальных проектов.

Таким образом, очевидна необходимость формирования умений самообразования у студентов на протяжении всего процесса формирования профессиональной компетентности будущего учителя в вузе.

### Литература:

1. Указ Президента №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»
2. Адольф В. А. Инновационная деятельность педагога в процессе его профессионального становления: монография / В. А. Адольф, Н. Ф. Ильина. – Красноярск: Поликом, 2007. – 190 с.
3. Айзенберг А. Я. Самообразование: история, теория и современные проблемы / А. Я. Айзенберг. – Москва: Высшая школа, 1986. – 126 с.
4. Грызлова Н. В. Неопределенные задачи как средство формирования у будущих учителей математики дидактико-методической компетентности: автореферат ... кандидата педагогических наук / Н. В. Грызлова. – Москва, 2004. – 20 с.
5. Кулюткин Ю. Н. Психология обучения взрослых / Ю. Н. Кулюткин. – Москва: Просвещение, 2005. – 128 с.
6. Майер Р. А. Роль педагогической практики в формировании профессиональной компетентности учителя математики / Р. А. Майер // Современные проблемы школьного и вузовского математического образования. – Москва, Саратов, 2005. – С. 60–63.

7. Мамонтова Т. С. Формирование профессионально-методической компетентности будущего учителя математики в педвузе средствами курса «Теория и методика обучения математике»: диссертация ... кандидата педагогических наук / Т. С. Мамонтова. – Омск: ОмГПУ, 2009. – 220 с.

8. Матюшкин А. М. Концепция творческой одаренности / А. М. Матюшкин // Вопросы психологии. – 1989. – № 6. – С. 23–33.

9. Уразова М.Б. Совершенствование технологии подготовки будущего учителя профессионального образования к проектировочной деятельности: Автореф. дис. ... докт. пед. наук. – Ташкент: ТГПУ, 2015 – 84 с.

10. [www.msuc.org](http://www.msuc.org).

11. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

12. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

## НОВОВВЕДЕНИЕ В ТЕОРИИ И МЕТОДОЛОГИИ ДОО

**Бекманова<sup>1</sup> Ж., Сейтмамбетова<sup>2</sup> Ш.**

<sup>1,2</sup>Нукусский государственный педагогический институт им.Ажинияза,  
Узбекистан, Республика Каракалпакстан, г. Нукус, ул. П.Сейитова б/н  
Тел.: +(99861)229-40-75; E-mail: nkspi\_info@edu.uz

Для хорошего и благополучного воспитания будущего поколения, о развития в государстве хороших ДОО, и конечно же по приказу президента Республики Узбекистана "О мерах совершенствований деятельности ДОО".

В соответствии с постановлением Президента Республики Узбекистана от 30 сентября 2018 года указа ПП-3955 "О мерах по совершенствования системы управления дошкольным образованием, а также в целях дальнейшего совершенствования дошкольного образования, формирования здоровой, активной, полноценной, социально адаптированной личности ребенка. Создания благоприятной среды для обучения, воспитания детей".

Дошкольное образование – это первая ступенька к образовательному процессу. Здесь ребёнка воспитывают, обучают, присматривают за ним и ухаживают. В каждой системе есть свои особенности, плюсы и минусы, нестандартные подходы к воспитанию детей, которую хотелось бы ввести в наши детские сады. Учитывая сложность поставленных перед дошкольным образованием задач, возникает необходимость поиска эффективных технологий и инновационных методов.

А что же такое инновационный метод? Инновация слово (от лат. in- в, novus -новый) означает нововведение, новшество, изменение. Главной целью инновационной технологий является подготовка человека к жизни в постоянно меняющемся мире. В условиях реформирования системы образования большое внимание уделяется инновационным технологиям, открыв новые возможности для обучения способствующих развитию и обучения способствующих развитию инициативы, творческой активности и самостоятельных работ.

По-моему, одним из эффективных и актуальных методов является, метод проектов, применяемый как в школе, так и в ДОО. В ходе осуществления проектной деятельности ребенок ощущает себя

субъектом, поскольку получает возможность экспериментировать, быть активным и самостоятельным, а педагог занимает позицию "рядом" с ребенком, становясь организатором его деятельности.

Метод проектов позволяет развивать познавательный интерес и различным областям знаний, формировать коммуникативные навыки и нравственные качества дошкольников. Этим обуславливается актуальность и необходимость использования метода проектов в современном образовательном процессе. Следует отметить, что осуществление проектной деятельности в ДОО является подготовительной ступенью реализаций метода проектов в школе. Отличительной чертой этого метода является опора на ведущую деятельность дошкольников-игровую. Именно посредством игры вводится проблемная ситуация, а затем осуществляется реализация самого детского проекта.

Успешное образование инновационных педагогических технологий в образовательном процессе возможна при постоянных профессиональных самосовершенствованиях педагогов: повышенного педагогического мастерства, творческого потенциала, умения анализировать и прогнозировать. Неотъемлемой частью в этой работе также является привлечение родителей и укрепление взаимодействия с семьями воспитанников.

Метод проектов возник в начале 20 века в Америке. Он ориентирован на самостоятельную деятельность детей-индивидуальную, парную, групповую, которая выполняется в течение определенного времени. Если говорить о методе проектов как о педагогической технологии, то эта технология предполагает совокупность исследовательских, поисковых, проблемных методов, творческих по самой своей сути.

И можно применять еще один удачный и хороший метод. Это метод деления. То есть в этом методе есть 3 важных сфер:

- 1) охрана здоровья;
- 2) развивающая среда в дошкольных организациях;
- 3) организация игровой деятельности.

Охрана здоровья это один из самых важных и значимых факторов в жизни ребенка. Здоровый ребенок - счастливый ребенок. Главной задачей родителей воспитывать у детей с самых ранних лет жизни уважение к собственному здоровью и беречь его. Например, в Японии в каждом детском саду есть коллектив мед. работников в состав, который входят: доктор, медсестра, стоматолог, фармацевт,

куратор здоровья. Каждый детский сад оснащен бассейном и даже во время каникул дети могут приходить и плавать.

Развивающая среда. Это единство социальных и природных факторов которые могут влиять прямо или косвенно на жизнь; система материальных объектов деятельности ребенка, его духовное и физическое развитие. Необходимо построить окружающее пространство так, чтобы каждый ребенок чувствовал себя в нем комфортно.

Организация игровой деятельности. По мнению Л.С. Выготского "игра – это творческая переработка впечатлений, комбинирование их и построение из них новой действительности, отвечающей запросам и влечениям, а самого ребенка" (Психология развития человека. 200 стр.) Игра -основной вид деятельности на все протяжении дошкольного детства. Например, в Японии распространена свободная игра. Она заключается в том, что ребенок делает что хочет- рисует, строит модели, участвует в сюжетно ролевых играх, в дидактических играх. Это означает что они свободно, от вмешательства взрослого, все возникшие ситуации и конфликты дети решают самостоятельно, учатся найти компромиссы, налаживать отношения между собой.

Применение этих методов будут полезными для отечественного дошкольного образования и способствовать его эффективности. Еще есть очень такая хорошая идея, дошкольное образование внутри высших учебных заведений. То плюсик это и студентам, и педагогам. Ведь педагогам не приходится ездить то в детский сад, то в работу. А студентам учащиеся в дошкольных образованиях вдвое лучше ведь они получают практические навыки именно там, и много времени проводят детьми. Студенты, проводя много свое время в этом садике, практикуются, обучаются и наполняются новыми знаниями который должен иметь каждый будущий педагог и воспитатель.

### **Список использованной литературы:**

- 1.Л.С. Выготский. "Психология развития ребенка".
2. Р.Р Денисова. "Детский сад по-японски". 2003 г.
3. Т.Л.Богина. "Охрана здоровья детей в дошкольных учреждениях". 2006 г.
4. В.А. Зebbеева. "Дошкольное образование за рубежом: история и современность" 2007 г.

## ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИНГ ШАХСИЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Ержанова<sup>1</sup> М. К.

<sup>1</sup>Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти.

Қорақолпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри,

П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй

тел.: +(99861)229-40-75; E-mail: nkspi\_info@edu.uz

*Аннотация.* Ушбу мақолада ёрдамчи мактаб ақли заиф болаларининг қизиқиш ва қобилиятларининг ўзига хослиги, шаклланиш муаммолари ва уларга тўғри психологик-коррекцион ёндашувни амалга ошириш масалалари таъкидлаб ўтилган.

*Калим сўзлар:* ёрдамчи мактаб, ақли заиф бола, қизиқиш, қобилият, шахс, психолог, дефектолог, коррекция/

*Annotation:* This article highlights the specifics of the interests and abilities of children with intellectual disabilities in the secondary school, the problems of formation and the implementation of the right psychological-correctional approach to them.

*Keywords:* auxiliary school, mentally retarded child, interest, ability, personality, psychologist, defectologist, correction/

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини дунёга келтирар экан, соғлом педагогик-психологик муҳитда унинг ҳар томонлама етук, маънавий бой, баркамол шахс бўлиб етишини ҳоҳлайди. Қизиқишлар фақат барча жисмоний ва руҳий ривожланишида меъёрида бўлган болалардагина шаклланади, меъёрида ривожланмаган болаларда бу жараён шаклланмай қолади деган айрим фикрлар мавжуд. Қизиқишлар ҳаттоки имконияти чекланган болаларда мавжуд, сабаби улар психологик жиҳатдан «Мен» нинг таркибида бўлади. Чунки, бу нарса болаларда тўғри шакллантирилса, у қобилият даражасига бориб етади. Имконияти чекланган деганда-руҳий ва жисмоний ривожланишида камчиликка эга бўлган болалар тушунилади. Мен амалиётда шу нарсага амин бўлдимки, инсонлар тафаккурида ақли заиф болалар ҳеч нарса олмайдиган, қизиқишлари йўқ, ҳеч нимага ярамайдиган ҳаётда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган оғир нуқсондаги болалар дея қаралади.



Хурматли инсон, ақли заиф болаларда ҳам қизиқишлар мавжуд... Фақат буни биз диққат билан англай олишимиз шарт. Бунинг учун биринчи ўринда ота-оналар, ёрдамчи мактаб ўқитувчи олигофренопедагоги, дефектологи, махсус муассаса психологи ҳамкорликда бу болалардаги қизиқишларга ёрдам беришлари керак. Айрим ёрдамчи мактабларда касбга йўналтириш ишлари жуда яхши йўлга қўйилган, сабаби шу нарсани яхши биламизки, биз ақли заиф болаларни ижтимоий-маиший ҳаётга ва кундалик фаолиятга тайёрлаймиз, улар эртага ҳаётда қоқилмасдан ўз ўринларини топа олишлари учун ҳунар эгаллашлари ва уй ишлари ҳамда ўз-ўзига хизмат қилишга ёрдам берамиз. Улар таълим жараёнидаги материалларини ўзларига қабул қилишда бироз оқсашини ҳаммамиз жуда яхши биламиз, сабаби бу болаларда бош миянинг органик жароҳатланиши боис уларга берилаётган маълумотларнинг ҳаммасини ҳам ўзлаштира олмайдилар. Шунинг учун ёрдамчи мактабларнинг асосий мақсади ақли заиф болаларга ҳаётий билимларни бериш, ижтимоий кўникмага тайёрлаш ҳисобланади.

Қизиқиш шахсининг муҳим психологик жабҳаларидан бири ҳисобланиб, унда инсоннинг индивидуал хусусияти бевосита мужассамлашади. У шу жиҳатлари билан бошқа шахслардан ажралиб туриши ва ўзининг «мен» ига эга бўлиши мумкин. Шунингдек у инсонларнинг дунёқараши, эътиқодлари, идеаллари, яъни унинг олий мақсадлари, эзгу ниятлари, орзу умидлари билан ҳаётда бевосита муҳим роль ўйнайди ҳамда уларнинг муваффақиятли кечишини таъминлаш учун хизмат қилади.

У билимларни онгли, пухта, барқарор англаган ҳолда ўзлаштиришда, кўникма, малакаларни шакллантиришда, шахс қобилияти, зеҳни, ўқувчанлиги ривожлантиришга, оламни мукамалроқ тушунишга, билим савиясининг кенгайишига ёрдам беради. Қизиқишнинг психологик моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ёндошилганда, қизиқиш, инсонда интилиш, фаоллик, ички туртки, эҳтиёжни руёбга чиқариш манбаи ролини бажаради.

Жаҳон психология фанининг йирик намоёндалари шахсининг қизиқишини унинг яхлит руҳий дунёси билан, бинобарин, одамнинг ақлий фаолияти, билиш жараёнлари, иродаси, характери, темпераменти, ҳиссиёти, қобилияти билан, умуман олганда инсон тузилишининг барча қирралари билан боғлиқ тарзда тушунтиришга ҳаракат қиладилар.

Шахс қизиқиш маҳсулини, унинг оқибатини англаш, тасаввур этиш орқалигина объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларга онгли, танлаб муносабатларда бўлади. Лекин бу воқелик инсонда бирданига содир бўлмайди, балки муайян вақт давомида унда билиш жараёнлари, шахсий фазилатлари, индивидуал - типологик хусусиятлари ривожланиши туфайи юзага келади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, қизиқишнинг психологик моҳияти намоён бўлиши ақлий жараёнлар муҳим роль ўйнаши ҳодисаси қайд қилиниши у фақат интеллектдан ташкил топади, деган маъно аниқлаб бўлмайди. қизиқишнинг психологик моҳиятининг яна бир кўриниши-унинг иродали сифатлари билан ёинки ирода акти билан умумлашган тарзда вужудга келишидир. Иродавий зўр бериш, муайян қарор бўйича интилиш, баъзи қийинчиликларни енгиш, муваққиллик намоён қилиш қизиқишни қарор топтиради, шахсни мақсад сари етаклайди.

Ҳозирги даврда қизиқиш шахснинг индивидуал психологик хусусиятидан иборатдир, деган хулоса одатий нарсага айланиб қолди. Шунга қарамадан, баъзи манбаларда қизиқиш муайян соҳа бўйича тўғри мўлжал олишга, янги омиллар билан танишишга, воқеликни тўла ва чуқур акс эттиришга ёрдам берадиган мотивдир деган таърифга ҳам эга. Ҳар бир ота-она фарзандидаги шахсий психологик хусусиятни шакллантириши учун асосий роҳналарни сабр билан босиб ўтиши зарур.

Фарзандларимиздаги қобилият хусусиятининг шаклланишининг биринчи роҳнаси, бу уларда кўзга кўрина бошлаган илк қизиқишлардир, яъни ҳеч эътибор берганмисиз ҳар қандай бола сизга илк қизиқишларини маълум қилади, кимдир қалам ёки ручка ушлайди, расм чизишга ҳаракат қилади ва ушбу қизиқиш кундан кунга ортиб у энди боғлиқ иштиёққа айланади, шу билан аста-секин мойиллик, ҳоҳиш истаклар бошланади. Шу жойда болани қўллаб-қувватловчи бу ота-оналар эканлигини унутмаслигимиз зарур. Кўпчилик ота-оналар ақли заиф болалар нимжон жуда суст ҳаракат қилишганлиги боис уларни шу ҳолатда ташлаб қўйишади, аммо психологик тадқиқотларда ақли заиф болаларда амалий ишларга бўлган мойиллик кучли бўлади деган фикрлар мавжуд, шу сабаб ҳам улардан дурадгор, қўли гул уста, кулоллар етишиб чиққан. Агарда боладаги мойилликларга ҳоҳиш ва истакларга ота-оналари имкон даражасида тўғри шароит яратиб берсалар улар кейинги роҳна уқув билим ва малака роҳнасига

ўтади. Бу ҳолатда болага албатта устозлар ва ўз ишининг усталари ёрдам беради яъни ота-она фақат яхши устоз қулига болани топшириб ўзлари шароит яратиб берсалар бас. Бу поғонада ҳам фарзандлар туғри қўллаб-қувватланса уқув ва малакалар истеъдод сари кўтарилади. Истеъдод болани туғма имкониятлар деб номланувчи- лаёқат поғонасига етаклайди. Қачонки биз ўзимизни ёки боламизни лаёқатли деб ҳисобласак, биз чўққига яъни қобилиятга эришдик дея айтишимиз мумкин. Лекин, бунинг учун ота-оналар сабр ва чидам билан болалардаги қизиқишни лаёқат поғонасигача етказа олса ушбу босқичга олиб чиқа олса гина улар бемалол фарзандимда қобилиятни шакллантирдим деб таъкидлаши мумкин.

Шундай экан биз имконияти чекланган болалар орасидаги ақли заиф болаларнинг ҳам қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг теварак- атрофдаги ўраб турган соғлом педагогик-психологик муҳит орқали қўлимиздан келганча қўллаб-қувватлашимиз зарур. Шунингдек ҳар бир ота-она айниқса имконияти чекланган фарзанди бор ота-оналар ўз фарзандини ҳеч кимдан кам эмас деб ҳисобламаса, уларни психологик хусусиятлари ва шахсий сифатларига жиддий эътибор берса, таълим берувчи махсус муассаса билан ҳамкорликда ишласа ҳар қандай камчиликни бартараф этиш имкониятига эга бўлишади. Ҳар бир фарзандларимизни келажагига бефарқ бўлмайлик зеро уларни шахсини доимо шакллантириб боришимиз, келажагимиз ва жамиятимизга юксак салоҳиятли ва инсоний хислатларга эга қобилиятли инсонларни тарбиялаб боришимиз ҳаммамизнинг асосий мақсадимиз бўлиши зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Мамедов К.К, ШоумаровБ.Ф. Ақли заиф болалар психологияси-Т.: Ўқитувчи, 1994
- 2.Петрова Г, Белякова И, Психология умственно отсталых школьников-М.: Владос, 2004
3. Mo' minova L, Amirsaidova SH, Z.Djalolova, M.Xamidova, N.Abidova va boshqalar. Maxsus psixologiya. - Т.: O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti, 2013
- 4.[www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
- 5.[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

UDK 3937

## FIZIKA FANINI O'QITISHDA ILG'OR-PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH USULLARI

**f.-m.f.n., dotsent Eshbekova<sup>1</sup> S.O., Ibragimov<sup>2</sup> J.K., Yaxshilikov<sup>3</sup> K.U.**

**<sup>1,2,3</sup> Жиззах политехника институти, 130100, Жиззах шаҳри, Ўзбекистон,  
Ислон Каримов проспекти, 4. Тел.: (0372)226-46-05. E-mail: dgpi\_info@edu.uz**

**Annotatsiya.** Ta'lim jarayonida interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarini o'quv jarayonida qo'llashga bo'lgan qiziqish, e'tibor kuchayib bormoqda. O'qituvchi va talabaning maqsadli natijaga erishishiga qanday texnologiyani tanlashlari va xar ikkala tomonning asosiy maqsadi aniq bo'lib, u natijaga erishishga qaratilgan bo'lishi lozim.

**Tayanch so'z va iboralar:** fizika, metod, innovatsiya, texnologiya, o'qitish uslubi.

Bugungi kunda ta'lim jarayonida interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedogagik va axborot texnologiyalarni o'quv jarayonida qo'llashga bo'lgan qiziqish va e'tibor kundan-kunga kuchayib bormoqda, bunday bo'lishning sabablaridan biri, shu vaqtgacha an'anaviy ta'limda o'quvchi, talabalarga faqat tayyor bilimlar berib kelingan bo'lsa, zamonaviy texnologiyalar ularni egallayotgan bilimlarini o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib, tahlil qilishlariga, xatto xulosalarni o'zlari keltirib chiqarishlariga o'rgatadi. O'qituvchi bu jarayonda shaxsni rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi, shu bilan birgalikda boshqaruvchilik funksiyasini bajaradi [1].

Bunda ta'lim beruvchilarning oldiga qo'yilgan maqsad mustahkam fan asoslarini o'rganishdan tashqari ularni talabalarga etkazish yo'llari, zamonaviy pedagogik texnologiya bilan qurollanishi, o'qitishda fanlarni bog'lash orqali tushuntirish zarur. Shu nuqtai nazardan turli fanlarning o'qitish uslublarini ishlab chiqish va ular bilan o'qituvchilarni qurollantirish, boshqa fanlar haqida to'liq ma'lumotga ega bo'lish zarur omillardan biridir. Fizika o'qituvchisi fan asoslarini o'rganish bilan bir qatorda uni kollej, litsey va turli oliy o'quv yurtlarida o'qitish uslublarini o'rganishlari ham zarur. Shuning uchun xam biz eng avvalo o'qitish uslubini yangi texnologiyalarda qo'llash orqali talabalarga fizika asoslarini o'rganish, olgan bilimlarini amaliyotga qo'llash malakasi va ko'nikmasini hosil qilishga erishishimiz zarurdir.

Fizika fanini o'qitish jarayonida talabalarga, fanning mazmuni, ya'ni fizika asoslari, o'qitish-o'qituvchi faoliyatidan iborat bo'lib, tajriba va texnika vositalari asosida predmetni bayon qilish, o'quvchilarning mustaqil ishlarini boshqarish, ularning bilim va malakalarini sinash, o'qish-o'quvchilarning ko'pqirrali aqliy va jismoniy o'quv faoliyatlari, o'qitish vositalari: darsliklar, asboblar, texnika vositalarining turlari, mazmun mohiyatini singdirishimiz zarur hisoblanadi.

Fizika o'qitish uslubida o'quv-tarbiyaviy jarayonining quyidagi asosiy masalalari ko'rib chiqiladi va hal qilinadi. Avval ilg'or o'qituvchilarning tajribalari, tegishli adabiyotlar, o'quvchilarning bilim olishdagi faoliyatlari o'rganiladi.

Har bir dars, o'quv predmetining o'ziga xos texnologiyasi bor. O'qituvchi va talabaning maqsadi ijobiy natijaga erishish ekan, darsda qanday texnologiyadan foydalanish ular ixtiyorida. O'qituvchining mahoratiga qarab, kompyuter bilan ishlash, film, tarqatma material, plakat, axborot texnologiyasi, turli adabiyotlar, puxta loyihalangan interfaol usullar qo'llash mumkin [2].

Mavzu materialini bayon etish paytida o'quvchilarga savollar berish ham yaxshi samara beradi. Bunda o'qituvchi o'quvchilarning materialni qanday o'zlashtirganliklarini bilib oladi. Shu bilan birga, o'quvchilar o'qituvchining istagan paytda so'rab qolishini bilib, uni diqqat bilan eshitadilar. O'quvchilarni o'qituvchiga savollar berishga odatlantirish o'quv materialining muvaffaqiyatli o'zlashtirilishiga yordam beradi. Shuningdek, o'quvchilarning fikrlash qobiliyatini oshiradi. O'quvchilarni faollashtirish, ularda o'tilayotgan darsga qiziqish uyg'otish ham pedagogga bog'liq.

O'quvchilar savolni butun material yoki uning ayrim qismlari bayon etib bo'linganidan keyin berishlari kerak. Aks holda savollar o'qituvchini asosiy fikrdan chalg'itishi, natijada bu metodik usul foyda o'rniga zarar keltirishi mumkin.

O'quvchilar charchashi oqibatida ko'pincha ularning diqqat-e'tibori va faolligi pasayadi, buni o'quv materialini bayon etishda hisobga olish zarur. Uzoq vaqt e'tiborni jalb etish ham charchatadi, o'quvchi o'qituvchining so'zlarini diqqat bilan eshita olmaydi, chalg'iy boshlaydi. O'quvchilar darsdan charchamasligi, diqqatini darsga jalb qilish usullaridan biri – dars o'tish uslubining xilma-xil bo'lishida. Tajribali o'qituvchilar o'quvchilar o'zlashtirishi qiyin bo'lgan materialni darsning birinchi yarmida, takrorlash, o'quvchilardan so'rash va bilimlarni puxtalashni darsning ikkinchi yarmida o'tkazadilar.

Ta'lim jarayonida interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarini o'quv jarayonida qo'llashga bo'lgan qiziqish, e'tibor kuchayib bormoqda. Shu vaqtgacha an'anaviy ta'limda talabalarni faqat tayyor bilimlarni egallashga o'rgatilgan bo'lsa, zamonaviy texnologiyalar asosida ular egallayotgan bilimlarni o'zlari qidirib topishga, mustaqil o'rganib tahlil qilishga, xulosani o'zlari chiqarishga undalmoqda. Bu jarayonda shaxsning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olish va tarbiyalanishi uchun sharoit yaratiladi.

Qayd etishni istardimki, davlatimiz tomonidan ta'lim sohasida yaratilgan yuksak darajadagi sharoit va samarali himoya mexanizmlari xalqaro miqyosda mustaqil ekspertlar ("INSEAD" tadqiqotlari) tomonidan e'tirof etildi. Tahliliy ma'lumotlarga ko'ra, yurtimizning ta'lim sohasini rivojlantirishi, ushbu sohaga davlat xarajatlari, kapital qurilish va maktablarni yangilash xarajatlari, o'qituvchilar sonining o'quvchilar soni bilan nisbati, aniq fanlar va muhandislik ishi sohasida bitiruvchilar soni, GMAT (biznes maktablarda muvaffaqiyatli o'qish qobiliyatlarini aniqlash uchun standartlashtirilgan test) bo'yicha o'quvchilarning o'rtacha bahosiga doir va boshqa ko'rsatkichlari juda balanddir.

Keng ko'lamli islohotlarning muhim bo'g'ini - innovatsiyalar bugun har bir sohada bo'lgani kabi ta'lim tizimida ham o'zining afzalliklarini namoyish etmoqda. Innovatsiyalar dolzarb, muhim ahamiyatga ega bo'lib, bir tizimda shakllangan yangicha yondashuvlardir.

O'quvchilarda amaliy bilim va ko'nikmalarni shakllantirishda fizika fanidan mashg'ulotlarda muhim o'rin demonstratsion (ko'rgazmali) eksperimentlarga va frontal laboratoriya ishlariga ajratiladi. Fizika darslarida fizik eksperiment o'quvchilarda fizik hodisalar va jarayonlar haqida oldindan to'plangan tasavvurni kengaytiradi, o'quvchilarning qarashlarini to'ldiradi va kegaytiradi. Laboratoriya ishlarini o'quvchilar mustaqil bajarganida eksperiment paytida ular fizik hodisalar qonuniyatlarini tushunib oladilar, ularni o'rganish metodlari bilan ishlashni o'rganadilar, ya'ni amaliyotda mustaqil bilim olishni o'rganadilar [3].

Yangi pedagogik texnologiyalarning afzalligi shundaki, unda mashg'ulotlar muvaffaqiyatli o'tishining 80 foizi ta'lim jarayonini to'g'ri loyihalashtirish, tashkil etish va uni amalga oshirishga bog'liq.

Interfaol usullardan oqilona foydalanish ta'lim jarayoniga jo'shqinlik, izlanuvchanlik kayfiyatini baxsh etadi, o'quvchilarda o'z

imkoniyatlariga ishonch va o'z mehnati natijasidan mamnunlik hissini vujudga keltiradi, bilishga oid qiziqishlarini yanada orttiradi. Bular esa, ta'lim jarayonida o'quvchilar shaxsi barkamollashuvining muhim omillari bo'lib hisoblanishi tabiiydir. O'qituvchi va talabaning maqsadli natijaga erishishiga qanday texnologiyani tanlashlari ularning ixtiyorida chunki xar ikkala tomonining asosiy maqsadi aniq bo'lib, u natijaga erishishga qaratilgan. Bunda talabalarning bilim saviyasi, guruh xarakteri, sharoitga qarab ishlatiladigan texnologiya tanlanadi. Natijaga erishish uchun yoki kompyuter bilan ishlash lozim yoki film, tarqatma material, chizma va plakatlar kerak bo'ladi [4].

O'yinli texnologiyalardan foydalanishda bir qator psixologik xususiyatlar ham namoyon bo'ladiki, buning oqibatida har talaba o'zining shaxsiy imkoniyatlarini namoyish eta oladi, ijtimoiy hayotda o'zi egallagan o'rinni barqarorlashtiradi, o'z-o'zini boshqarish ko'nikmalarini hosil qiladi.

O'yinli texnologiyalar nafaqat nazariy bilimlarni mustahkamlash, ularning amaliy ko'nikma va malakalaraga aylanishini ta'minlabgina qolmay, balki o'quvchilarda muayyan axloqiy, irodaviy sifatlarni ham tarbiyalashga yordam beradi.

Ishlab chiqarish texnologik jarayon ma'lum mahsulot uchun ishlanganidek, xuddi shunday pedagogik texnologiya ham har qaysi fan uchun o'qitish texnologiyasining asosiy elementlarini o'z ichiga olgan umumiy uslubiyot asosida ishlab chiqiladi.

Pedagogik texnologiyaning afzalligi ham, ahamiyati ham shu bilan belgilanadi. Bu ommaviy o'qitish sharoitida, talabalarni to'la o'zlashtirishini ta'minlovchi yagona to'g'ri yo'ldir [5].

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Очилов М. Янги педогогик технологиялар Ўқув кўлланма. – Нафас 2000.
2. Mirzahmedov B. va boshqalar. Fizika o`qitish metodikasi. I qism. Toshkent. 2010 y.
3. Т.П.Ефремова, Электронная лабораторная работа по физике как средство формирования информационной компетентности учащихся, <http://festival.1september.ru/articles/411219/>
4. У.Т.Усаров, М.Н.Бобокулова —Замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига кўллаш. Самарқанд, - 2008 й.
5. Ишматов Қ. Педагогик маҳорат асослари. Наманган, НамМПИ. 2005 й.

## MARIYA MONTESSORI TA'LIM TIZIMINING ASOSIY VA QO'SHIMCHA FAOLIYAT BURCHAKLARI "KLASTER" METODI

Gafurova<sup>1</sup> D.S.

<sup>1</sup>Samarqand Davlat Universiteti 2-kurs magistranti

140104, O'zbekiston, Samarqand shahri, Universitet xiyoboni, 15-uy

Telefon: +998 66 2391140. Email: devonxona@samdu.uz,  
dilnozagaffurova@gmail.com

**Annotatsiya:** Ushbu maqola maktabgacha ta'lim tashkilotida rivojlantiruvchi, ta'limiy va tarbiyaviy ishlarni amalga oshirishda Mariya Montessori ta'limi texnologiyasi haqida.

**Калит сўзлар:** bola, rivojlanish, Mariya Montessori ta'lim tizimi, maktabgacha ta'lim.

**Annotation:** This article is about the Maria Montessori education technology in the implementation of developmental, educational and pedagogical work in the organization of preschool education.

**Keyword:** child, development, Maria Montessori education system, preschool education.

**Аннотация:** В данной статье рассказывается о технологии обучения Марии Монтессори при реализации развивающей, воспитательной и педагогической работы в организации дошкольного образования.

**Ключевые слова:** ребёнок, развитие, Мария Монтессори система образования, дошкольное образование.

Ta'limning insonparvarlashuvi va inson qobiliyatlarining ochilishi hamda uning ta'limga nisbatan bo'lgan turli-tuman ehtiyojlarining qondirilishi, milliy va umumbashariy qadriyatlar ustuvorligining ta'minlanishi, inson, jamiyat va atroq-muhit o'zaro munosabatlarining uyg'unlashuvidir.

Shu bois, bugungi kunda maktabgacha ta'lim pedagogikasini rivojlantirish maqsadida bir qancha ilg'or usullar tatbiq etib kelinmoqda. Shulardan biri Mariya Montessori texnologiyasidir. Bu mohiyatan o'zlashtirilgan "tabiiy" usul bo'lib, bola tarbiyasida o'zining har tomonlama mukammalligi bilan ommalashgan.

Mariya Montessori texnologiyasi aynan shu fikrni olg'a suruvchi usullar majmui bo'lib, ma'nan yetuk, mustaqil fikrlovchi va doim muvaffaqiyatga ergashishga intiluvchi shaxsni tarbiyalashda muhim o'rin tutadi. Maktabgacha yoshdagi bolalarni tarbiyalashda mazkur texnologiyani xalqimizning milliy madaniy va tarixiy merosi hamda



umumbashariy qadriyatlar bilan uyg'unlashtirgandagina ko'zlagan maqsadga erishishimiz mumkin. Bunday tarbiya asoslarini yaratish esa bugungi kundagi asosiy maqsadimiz hisoblanadi. Montessori tizimi har bir bolaga cheksiz tanlov erkinligini beradi. Unga asosan, har bir bola bugun nima bilan shug'ullanishini hal qilishni mustaqil ravishda tanlay oladi. Montessori metodikasining yana bir o'ziga xosligi turli yoshdagi bolalarning bir guruhda ta'lim olishini tashkil etilishida. Turli yoshdagi bolalar bir-birlariga halal berishmaydi, aksincha yordamlashishadi.

Montessori sistemasi bola shaxsi shakllanishi uchun zarur barcha sharoitlarni yaratish imkonini beradi. Montessori sistemasida ta'lim olgan bolalarda o'qishga nisbatan intilish, mas'uliyatlilik, intizomlilik hislatlari oson shakllantiriladi. Bu bolalar mehnatsevarligi, intiluvchanligi, xulqi - atvori ijobiyliги bilan ajralib turadilar. Montessori metodi bolani har tomonlama rivojlantirishga yordam beradi. Mariya Montessorining bolalarga yondashuvi o'ziga xos.

Mariya Montessori Italiyada tug'ilgan bo'lib, u o'z mamlakati tarixida birinchi ayol -doktor bo'lgan. U o'zining ilk faoliyatini ruhiy rivojlanishdan orqada qolayotgan bolalar bilan boshlagan. Mariya ishlayotgan klinikasida har kuni aqliy imkoniyati cheklangan bolalarni ko'rib, o'rganib, shunday hayratlanarli xulosaga kelgan. Aqlan zaif bolalarning muammolari Medikal emas, balki pedagogik muammodir. Ular shifoxonada emas, balki maktabda hal qilinishi kerakligini anglagan. Doktor Montessori "Ortopediya" maktabi tashkil etib, u yerda rivojlanishdan ortda qolgan bolalarni davoladi. Bir yil davomida bunday bolalar o'qish, yozish va sog'lom tengdoshlari bilan birga imtihon topshirishni o'rgandi.


U qo'llagan metodlardan butun dunyo pedagoglari keng foydalanadilar. Bugungi kunda Qo'shma Shtatlarda ham uning sistemasiga nisbatan qiziqish kuchaydi. Ta'limning an'anaviy metodlari pand berib turgan bir paytda, Montessori yo'nalishi bolalar rivojlanishiga o'ziga xos yondashuv nazariyasini ilgari surdi.

Montessori sistemasi uchta asosiy qismlardan tuzilgan: *bola, atrof -muhit va pedagog.*

Ta'lim jarayonida diqqat markazida bola turishi kerak. Mariya Montessori o'z metodikasida bolani tabiiy sharoitlardagi kuzatuvlariga asoslangan. So'ngra doktor Montessori bolaning mustaqil rivojlanishi uchun tabiiy maxsus sharoitlar yaratdi. U ta'limda pedagogning o'rnini o'zgacha talqin etgan. Uning faoliyati ta'lim berish emas, yo'naltirishdan

iborat bo'lishi lozimligini uqtirgan. Shuning uchun "o'qituvchi" so'zi o'rniga "rahbar" iborasini qo'llagan.

Mariya Montessori bola qanday bo'lsa shundayligicha qabul qilishga harakat qilgan. Montessori metodi bolaga bilish, o'rganish faoliyatini oson o'zlashtirishga yordam beradi. Bilimni faoliyat orqali mustaqil olishga o'rgatadi. Montessori metodikasiga asosan bola o'ziga yoqqan, o'ziga qiziqarli bo'lgan mashg'ulotni tanlash erkinligiga ega bo'ladi. O'z-bilim malakalarini takomillashtira borib, bolada mustaqillik va o'ziga ishonch ham rivojlanadi. Montessori metodi bolada ta'lim jarayoniga tabiiy intilishni yuzaga keltiradi. Ta'limning keyingi bosqichiga dadil, ishonch bilan o'tishga zamin tayyorlanadi. Bolaga uni o'rab turgan muhit o'qituvchilik qiladi. Montessori maktabida bola maxsus ishlab chiqilgan materiallarga tayanib bilim oladi. Ular sodda, qiziqarli, bolani mustaqil ishlashga undaydi. Ulardan foydalanganda bola uchun o'z xatolarini o'zi tuzatishiga imkoniyat yaratiladi. Bolaga uning xatolari haqida kattalarning hadeb ta'kidlayverishi bo'lmagach, o'z-o'zidan uning dadilligi, mustaqilligi osha boradi. Montessori mashg'ulotlarida bolalar o'zaro musobaqalashmaydi (1-rasm).



1-rasm.

Montessori sinflarida bolalar faoliyati turlari uchun xilma-xil zonalar bor. Ulardan biri – **amaliy hayot zonasi** bo'lib, u 2,5-3,5 yoshli bolalar uchun qulay. U yerda bolalar o'z-o'ziga xizmat, mustaqil kiyinib-yechinish, narsalarini taxlash, boshqa joyga olib qo'yish, suyuq va sochiluvchan jismlar bilan harakatlar bajarish kabilarni o'rganadilar.

**Sensor taraqqiyot zonasida** bola atrof-tevaragidagi narsalarni o'rganish barobarida o'z tuyg'ularini rivojlantiradi. Balandlik, uzunlik, og'irlik, rang, shovqin, shakl, narsalarning xossalari haqidagi tushunchalarni egallaydi. **Tillar zonasi** – tabiiy, geografik, matematik tasavvurlarni rivojlantirishga tegishli materiallar bilan jixozlaniladi. Harakat mashqlar bolada jismoniy rivojlanish, o'z tanasini va uning imkoniyatlarini his qilishga yordam beradi. Ko'pchilik Montessori maktabining zonalariga yana qo'shimcha; musiqaviy, san'at, raqs, yog'och bilan ishlash, chet tilini o'rganish kabilar uchun ham muhit yaratishgan (2-rasm).

Montessori metodi boshqa metodlarga o'xshamaydi. Unga asosan bola shaxs sifatida shakllanishiga zarur barcha sharoitlar xisobga olingan. Bolalar uchun o'yinlar ixtiro qilish ishiga italyan pedagogi Mariya Montessori katta hissa qo'shgan. XX asr boshida uning metodikasi bo'yicha ishlagan Italiya va Fransiyadagi maktablarda xam u tomonidan ishlab chiqilgan o'nlab o'yinlardan foydalanilgan.

Montessori 5-10 yoshli bolalardan iborat 30-50 kishilik katta guruhlarda ishlagan. Pedagogning roli bolalarning mashg'ulligiga e'tibor berishdan iborat bo'lgan. Shuningdek, og'zaki izohdan juda kam foydalanilgan. O'sha paytda o'ylab topilgan o'yinlardan hozir ham foydalanish mumkin (3-rasm).

Montessori o'yinlaridagi harakatlar va usullar juda ko'p vaqt oldin deyarli 100 yil avval o'ylab topilgan. Tabiiyki, ularning hammasi ham hozirgi bolalarga to'g'ri kelmaydi. Montessori maktabida tarbiyalanuvchilarning ko'pchiligi aqliy rivojlanishi sust, ijtimoiy moslashuvda qiynaladigan bolalar bo'lishgan. Hozirgi zamon bolalari uchun o'yin material, jihozlari o'zgartirib berish kerak. Mariya Montessori metodi bolani tabiiy sharoitlarda kuzatish va u qanday bo'lsa shundayligicha qabul qilishga asoslangan.

**Metodning bosh g'oyasi:** bolani mustaqil rivojlanishiga turtki berishdan iborat. Montessori maktabida bola maxsus yaratilgan muhit yordamida mustaqil ta'lim oladi. Montessori materiallarida bolaning o'z-o'zini nazorat qilish, xatolarini o'zi topib, mustaqil tuzatishga sharoit yaratilgan. Kattalar bolani faqat yo'naltirib, zarur hollarda rag'batlantirib

turishadi. Ularning vazifasi bolalarga ta'lim berish emas, balki ularning mustaqil faoliyatiga rahbarlik qilib turishdan iborat.




2-rasm.

Yu.I.Fausek (2008)<sup>1</sup> "Montessori fikricha, bolalarga o'zimizdagi barcha yaxshi narsalarni berishimiz bizdan-da yaxshi va mukammalroq bo'lishlariga zamin yaratadi. Bolalarga yaratilgan barcha shart-sharoit, narsa-buyum ularning ruhiyatini tinchlantiruvchi bulishi kerak".

Маълумотларга кўра, юртимизда 700 мингдан зиёд ногиронлиги бор шахслар бўлиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳаётга тўлиқ интеграция қилиш борасида йиллар давомида кўпгина ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жорий йилнинг 11 сентябрида Олий Мажлис Сенати аъзолари еттинчи ялпи мажлисда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонуннинг маъқулланиши ҳам бунинг яна бир исботи десак муболаға бўлмайди.

Мажлисда сенат раиси Т.Норбоева “... халқаро мезонлардан келиб чиқиб, мамлакатда ногиронлиги бор шахслар учун “тўсиқсиз муҳит”ни шакллантиришимиз лозим. Бу борада муаммоларимиз етарлича. Кундалик ҳаётимизда – транспорт, овқатланиш шохобчалари, хизмат кўрсатиш объектлари, маданий-кўнгилочар масканларда ногиронлиги бор шахслар учун зарур шароитлар яратилмаганига кўп дуч келамиз. Табиийки, бу уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда”, дея мавжуд муаммоларга тўхталиб ўтди.

“Тўсиқсиз муҳит”ни шакллантириш деганда барчамиз аввало, ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва

ташкilotлар, ижтимоий инфратузилма объектларига (турар жой бинолари, жамоат ва ишлаб чиқариш бинолари, иморатлар ва иншоотлар, соғлиқни сақлаш ва спорт объектлари, маданий-томоша ва бошқа муассасаларга) ҳеч қандай тўсиқларсиз кириши, алоҳида эскалаторлар, ҳожатхоналар, йўлакчалар бўлиши, жамоат транспорт воситаларида уларнинг тўсиқсиз чиқиши, тушиши, ўтириши учун шарт-шароитнинг яратилиши, алоқа ва ахборот воситаларидан тўсиқсиз фойдаланиши, улар учун таълим ва соғлиқни сақлаш борасидаги яратилган шарт-шароитлар ва муҳитни тушинамиз.

Ҳар қандай ёшдаги шахс томонидан ёки бирон бир жисмоний, руҳий, ақлий қобилияти жиҳатидан ногиронлиги бўлган шахслар томонидан тўсиқсиз фойдалана олиш, тушуниш ва ишлатиш учун яратилган маҳсулотлар ва хизматлар “универсал дизайн”да ўз аксини топади.

Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда “универсал дизайн”га қуйидагича таъриф берилган:

**“Универсал дизайн”** – барча одамлар учун мослаштириш ёки махсус дизайнни талаб этмайдиган ҳолда энг юқори имконият даражасида яроқли қилишга даъват этилган буюмлар, муҳит, дастур ва хизматлар дизайнини англатади. “Универсал дизайн” зарурат бўлганда аниқ бир ногиронлар учун ассистив қурилмаларни истисно этмайди. (*Ассист* лотинча “assist” – ёрдам, кўмак” сўзидан – бу ерда ногиронлиги бор шахсларга нарсаларни англашда ёрдам берадиган белгилар ҳақида гап борапти)[1].

Бугунги кунда “Универсал дизайн” маҳсулот ва муҳитлар дизайни барча одамлар фойдаланиши мумкин бўлган даражада, ҳеч қандай мослаштиришларсиз амалга ошириш ва мутахассис томонидан дизайнлаштиришдир. Шунингдек, у энг кенг фойдаланувчилар доираси учун муҳитлар, маҳсулотлар ва коммуникацияларни лойиҳалаштириш ҳаракати сифатида ҳам қаралади.

Универсал дизайн – бу кўп миқдордаги инсонларни фойдаланиши мумкин бўлган маҳсулот, бино ва умуман муҳитларни лойиҳалашни назарда тутувчи тушунчадир. Бошқача қилиб айтганда, маҳсулот, бино ёки муҳит шундай дизайнлаштириш керак-ки, ундан ҳар қандай ёшдаги шахс фойдалана олиши керакдир. Қисқаси, универсал дизайн ҳар ким

фойдаланиши ва кира олиши мумкин бўлган маҳсулот, бино ва муҳитларга эга бўлишга ҳаракат қилади.

Универсал дизайн ногиронлиги бўлган шахслар учун турли хил имтиёзлар беради. Бу имтиёз қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Қулайликни ошириш;
- Осон ҳаракат қилиш;
- Хавфсизликни ошириш.

Турар-жой биноларига универсал дизайнни киритиш турли хил усуллардан иборат: пастки пештахта ва душ каллаклари, шунингдек, эшик ромларини ишлатиш ва турли баландликдаги шкафларни ўрнатиш, иш ва жамоат жойларида ногиронлиги бўлган шахслар аравачасига киришни осонлаштирадиган кенг коридорлар тушунилади. Бундан ташқари, универсал дизайн зиналар орқали чиқиш учун ногиронлиги бўлган шахсларга махсус йўлақларни қуришни кўзлайди.

Универсал дизайн микро ва макро даражада бўлади.

**Микро даражада.** Имкон қадар кўплаб одамлар фойдаланиши учун яратилган яхлит дизайн ёки оддий маҳсулот. Ушбу босқичда дизайнердан аҳолининг 100% эҳтиёжларини қондирадиган битта дизайн ечимини топиш кутилмайди, чунки бунда универсал дизайннинг хусусияти барча учун мос келмайди. Балким, дизайнерлар кўпроқ эътиборга лойиқ бўлган ечимларини ўрганишга даъват этилади, чунки маҳсулотнинг яхлитлиги ёки сифатига зиён етказмасдан имкон қадар дизайнни кенгайтиришдир. Агар дизайннинг бирон-бир хусусияти учун бир нечта варианты мавжуд бўлса, кенгроқ вариантини танлаш мақбул. Мисол учун, эшикка тутқични ўрнатаётганда ҳар доимгидек эшик тутқичидан эмас, балким дастаклигисини танлаш яхшидир, чунки дастагини тирсак ёки қўлнинг мушти билан ҳам очиш мумкин, бу эса қўлида сумкалари бор одамларга ҳам эшикни очишда қийинчилик туғдирмайди [2].

**Макро даражада.** Ушбу даражада ишлаб чиқувчи фойдаланиш мумкин бўлган дизайн хусусиятларини ўзгартириши ёки мослаштирилиши каби бир қанча хусусиятларни бирлаштирган ҳолда ҳамда махсус муаммоларни ечими сифатида қаралади. Маҳсулотга индивидуал ҳолатдан келиб чиққан ҳолда эмас, балким маҳсулот, хизмат кўрсатиш ва муҳит каби омилларини ҳисобга олиш зарур. Дизайнерлар фойдаланувчилар учун бир қанча алтернативларни инобатга олган ҳолда таъминлаши керак.

Универсал дизайн, микродан тортиб то макрогача, ҳар қандай маҳсулот, хизмат ёки муҳитнинг муайян функциясини, шунингдек, ушбу маҳсулотни, хизматини ёки умуман муҳитни лойиҳалаш учун таъсир қилади.

**Фойдали жиҳатлари.** Яшаб турган жамиятни ҳамма учун қулай ва фойдалироқ бўлиш масаласи кўп жабҳаларда мажбурийдир. Универсал дизайн кенг қамровли муҳитни ривожлантиришга ҳамда иложи бориша ундан кўпроқ фойдалана олиш, тушуниш ва қулайликларни яратишни таклиф қилади. Кўп қиррали дизайн нафақат бизнес учун фойдали, балки кўплаб мажбурий ижтимоий-ҳуқуқий омилларга ҳам эгадир.

Универсал дизайн инсонга йўналтирилган ёндошувдир, инсон қадр-қиммати, унинг ҳуқуқлари ва шахсий ҳаётини ҳурмат қилишни қўллаб-қувватлайдиган тизимдир.

Универсал дизайн қуйидаги етти тамойилга асосланади:

- Адолатли фойдаланиш: дизайн фойдали ва уни турли қобилиятли одамлар учун мосдир;
- Фойдаланишда мослашувчанлик: дизайн турли хил шахсий хоҳишлар ва имкониятларга мос келади;
- Оддий ва интуитив: дизайндан фойдаланувчининг тажрибаси, билимлари, тил кўникмалари ёки ҳозирги ҳолатдаги аҳволидан қатъий назар тушуниш осон;
- Осон тушуниладиган маълумотлар: дизайн фойдаланувчининг қобилиятидан қатъий назар, унга керакли маълумотларни самарали етказиб беради;
- Хатоларга нисбатан бағрикенглик: дизайн хавфли ҳодисаларни ва уларнинг салбий оқибатларини камайтиради;
- Кам жисмоний ҳаракат: дизайни минимал ҳатти-ҳаракат билан самарали фойдаланишга имкон беради;
- Ёндашув ва фойдаланиш учун ҳажм ва жой: жисмоний ва ақлий қобилиятларидан қатъий назар, ҳамма учун қулай ва самарали фойдаланишни таъминлаш учун етарли жой ажратади.

Ногиронлиги бор аҳолининг бир қисмининг эҳтиёжларини қондириш учун асосий муҳитдаги ўзгаришлар бошқалар учун муаммолар туғдириши мумкин. Шунингдек, “бир хил даражада заифлашган турли хил инсонлар ҳар хил турар жойларга муҳтождир, чунки ҳар бир инсоннинг эҳтиёжини қондириш талаблари турли хилдир” [3].

Барча ёндашувлар учун ушбу дизайн ижтимоий интеграцияси ва инсоннинг хилма-хиллиги билан боғлиқ. Умумий мақсади жисмоний ва ижтимоий муҳитни яхшилаш ва шунинг учун “махсус” хизматларни ва “ёрдамчи технологиялар”га эга бўлган эҳтиёжни камайтиришдир [4]. Шундай қилиб, дизайн жараёнлари энг кўп фойдаланувчилар учун функционал ва эстетик жиҳатдан мақбул бўлган махсулотлар, алоқа тизимлари, бинолар, коммунал воситалари, қулайликлар ва иншоотлар қандай ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ [5].

Юқорида айтиб ўтилганидек, ногиронлиги бўлган шахслар учун мустақил яшашнинг асосий калитлари тенгдошининг ва ўзларининг шахсий ёрдамларидир. Бошқача қилиб айтганда, барча муваффақиятга фақат инсоннинг муносиб иштироки билан эришиш мумкин.

Универсал дизайн ноодатий дизайн ечимларини яратади ва ҳар қандай даражадаги одамларга мустақил яшашга имкон берадиган қулайликни таъминлайди. Одамларга иложи борича мустақил бўлишига, махсулотлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятини яратилишига хизмат қилади. Универсал дизайн каби мустақил ҳаётни қўллаб-қувватловчи омиллар “тўсиқсиз муҳит” ҳодисани ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси, 2-модда, Бош Ассамблеянинг 2006 йил 13 декабрдаги 61/106- сонли резолюция.
2. Universal design, <http://universaldesign.ie/What-is-Universal-Design/Definition-and-Overview>.
3. Steinfield, E. 2006: Position paper: The future of Universal Design, IDEA Centre, University of Buffalo.
4. Centre for Universal Design. 2011: The New Principles of Universal Design. Centre for Universal Design, College of Design, North Carolina State University. Available at: <http://www.ncsu.edu/project/design-projects/udi/center-for-universaldesign/the-principles-of-universal-design>.
5. Gossett, A., Mizra, M., Barnds, A. K. and Feidt, D. 2009: Beyond Access: A case study on the intersection between, accessibility, sustainability and universal design. Disability and Rehabilitation: Assistive Technology, 4 (6) 439-450.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ГЕОГРАФИК, ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИГА ДОИР КОНЦЕПЦИЯЛАР

Ийманов<sup>1</sup> Ж.С.

<sup>1</sup>Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Марказий Осиё халқларининг интеграцияси орзу ёки келажакка мўлжалланган лойиҳа эмас, бу – бор нарса, бу – мавжуд воқелик бўлиб, фақат ташкилий, ҳуқуқий ва сиёсий шаклларга муҳтождир.

Бу минтақа муайян бир шаклда ҳамма вақт интеграция бўлиб келган. Марказий Осиё халқлари мустақилликка эришганларидан кейин биргаликда куч-ғайрат сарфлаб ўз келажакларини қуришлари зарурлигини яна қайта ҳис этдилар. Тошкентда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон президентлари томонидан Марказий Осиё минтақасининг бу суверен мамлакатлари ўртасида ягона иқтисодий маконни ташкил этиш ҳақидаги Шартноманинг имзоланиши шу йўлдаги амалий қадам бўлди<sup>1</sup>.

Шундай экан, биз тадқиқ қилаётган минтақа тарихи ва унинг Марказий Осиё деб номланишига асосларнинг келиб чиқиши ҳақида бир қатор олимларнинг фикрлари ва қарашларини ўрганиб чиқишимизга тўғри келади. Жумладан, айнан “Марказий Осиё” атамаси биринчи марта таниқли немис олими Александр фон Гумбольдт томонидан 1843 йили Парижда нашр этилган уч жилдли “Марказий Осиё тоғ тизмаларини тадқиқ қилиш ва иқлимларни таққослаш” асарида қўлланилганини эслаш ўринли. Унда олим ички суғориш тизими ва тоғ тизмаларини ўрганиш асосида Марказий Осиёни алоҳида, ўзига хос минтақа сифатида тасвирлайди. Шундан сўнг “Марказий Осиё” тушунчаси бугунги кунга қадар географик атама сифатида қўлланиб келинмоқда.

Марказий Осиё ҳудуди ўрта асрларда Турон, араб манбаларида Мовароуннаҳр, XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида, аниқроғи 1921-1925 йилларда ўтказилган миллий ҳудудий

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. Ўзбекистон, 1997. (326 б.) 320-321 б.



чегараланишигача Туркистон деб номланган, кейинчалик советлар давридан бошлаб эса Ўрта Осиё деб аталадиган бўлди<sup>2</sup>.

1924-1925 йилларда Туркистонда миллий ҳудудий чегараланиш ўтказилиб, “Туркистон” атамаси сунъий равишда муомаладан чиқарилди ва унинг ўрнига расман Ўрта Осиё географик атамаси жорий қилинди<sup>3</sup>.

Ўрта Осиё сиёсий харитасининг кейинги икки аср давомидаги таркиб топишида бир неча босқичларни ажратиш мумкин.

1-босқич – Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босиб олиниши арафасидаги даврни ўз ичига олади. Бу босқичда учта йирик давлат – Қўқон хонлиги, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги мавжуд бўлган;

2-босқич – Мустамлака даврини ўз ичига олади. Бу даврда Ўрта Осиё Россия империясининг Ўрта Осиё генерал губернаторлиги таркибига кирган ва иккита хонликдан (Хива ва Бухоро) ҳамда Қўқон уездидан иборат бўлган.

3-босқич – жуда қисқа даврни (1917-1920/1922) ўз ичига олади. Бу босқичда Ўрта Осиёда учта мустақил давлат пайдо бўлади: Туркистон (Қўқон) мухторияти, Бухоро ва Хоразм республикалари.

4-босқич – 1924-1991 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Ўрта Осиё ҳудудида 5 та иттифоқдош республика ташкил қилинди: Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, ўлканинг жануби Афғонистон ва Эрон давлатлари таркибига киради.

5-босқич – 1991 йилдан бошланади. Бу даврда Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши оқибатида Ўрта Осиё ҳудудидаги иттифоқдош республикалар ўрнида мустақил давлатлар – Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистон ташкил топди<sup>4</sup>.

Ташкил топган мустақил давлатлар ҳудуди “Ўрта Осиё” деб номланганлиги барчамизга маълум. Бирок, мазкур минтақанинг “Марказий Осиё” деб номланишига асос нима эканлигини ўрганиш жараёнида маълум бўлишича, бу беш давлат раҳбарларининг 1993 йил январь ойи бошида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов ташаббуси

<sup>2</sup> Дониёров А.Х, Бўриев.О, Аширов А.А. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи.-Т.:2011. 37 б.

<sup>3</sup> Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология. -Т.: 2007.95 б.

<sup>4</sup> Ғуломов Р., Ваҳобов Н., Баратов Р, Маматқулов М. География 7-синф учун дарслик 4-нашр. -Т.: 2013. 11 -12 б.

билан минтақани номлашда бундан буён “Марказий Осиё” атамасини қўллаш тўғрисида келишиб олинди.

“Январь ойида Тошкентда расм бўла бошлаган "Марказий Осиё давлатлари" тушунчасига келганда шуни айтиш керакки, бу — табиий, ҳаққоний жараён”, деган эди Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов.

Бу минтақадаги республикаларнинг ўхшаш жиҳатлари кўп. Бу ўхшашлик, олдин айтганимдек, маданият, урф-одатлар, анъаналар соҳасида ҳам, энг муҳими эса, иқтисодий салоҳиятда ҳам мавжуддир. Сув, минерал-хом ашё ресурслари шундай салоҳиятни вужудга келтирадики, у мустақам бирлашиб иш олиб боришни талаб қилади. Шу асосда Марказий Осиё минтақаси барпо этилди<sup>5</sup>.

Марказий Осиё минтақасига соф географик нуқтаи назар билан қарайдиган бўлсак, у собиқ Иттифоқ ҳудудидаги Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон, туркменистон давлатларидан ташқари Афғонистон, ХХРнинг Шинжон-Уйғур мухтор тумани. Эрон, Покистон, Муғилистон, Непал, Бутан давлатларининг бир қисмини қамраб олади<sup>6</sup>.

Бугунги кунга келиб, “Марказий Осиё” атамаси барча сиёсий давраларда, илмий оммабоп адабиётларда ва жамоатчилик ўртасида кенг қўлланилиб келинмоқда. Дунёда кечаётган жадал глобаллашув жараёниларида миллий ўзликни англашга интилиш янада кучая бошлаган даврда тарихий қадриятларга бой, асрлар оша “Турон”, “Моварауннаҳр”, “Туркистон”, “Ўрта Осиё” ва ниҳоят “Марказий Осиё” деб номланган ушбу салоҳиятли минтақанинг ривожланиш тарихини янада чуқурроқ ўрганишга, изланишга талаб ошиб бормоқда.

Марказий Осиё минтақаси ўзининг геосиёсий, геоиқтисодий ва геостратегик аҳамиятга кўра дунёнинг муҳим ҳудуди сифатида эътироф этилади. Бунда **икки** омил: **геостратегик шароит** ва **табиий ресурслар** минтақанинг оламшумул геоиқтисодий ва геосиёсий аҳамиятни намоён этади. Жумладан, минтақанинг геостратегик шароити қуйидаги омиллар билан белгиланади:

**Биринчидан.** Марказий Осиё Шимол ва Жануб, Шарқ ва Ғарбни ўта муҳим транспорт-коммуникация йўллари билан

<sup>5</sup> Каримов И. А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг: "Комсомольская правда" саволларига жавоблар. Хорижий мухбирлар билан суҳбат.— Т.:Ўзбекистон, 1993.—34 б.

<sup>6</sup> Шнайдер-Детерса. Безопасность и экономика: необходимость регионального сотрудничества в Центральной Азии // Центральная Азия в XXI веке: сотрудничество, партнерство и диалог: материалы международной конференции (13-15 мая 2003 года). – Т.: Шарк. 2004. – С.19.

боғловчи ҳудуд саналади. Бу ҳудуддан 100 йил илгари Европадан то Хитой ва Ҳиндистон мамлакатларига Буюк Ипак йўли маршрутлари қатнаган бўлса, бугунги кунда мазкур йўналишларни қайта тиклаш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Истиқболда Марказий Осиё дунёнинг икки геосиёсий маркази - Осиё ва Европани боғловчи кўприкка айланади.

**Иккинчидан**, Марказий Осиё ислом ва христиан, шарқ ва ғарб цивилизациялари туташган, ислом, христиан дини ва буддизмнинг кесишган нуқтасида жойлашгани боис, XIX аср ўрталаридаёқ Буюк Британия, Германия, Россия ва Туркия каби давлатларнинг эътиборини ўзига жалб этган. Бу эса минтақанинг жаҳон цивилизациялар тараққиёти ҳамда унинг маданиятидаги тутган ўрни ва аҳамиятни белгилаб беради.

**Учинчидан**, бу минтақа дунёнинг ривожланган давлатлари ҳамда йирик геостратегик кучлари манфаатлари мавжуд ҳудуддир. Марказий Осиё АҚШ ва Россия бошчилигида иштирок этаётган катта давлатлар геосиёсий ўйинларининг “назорат чизиғида” жойлашган.

Кейинги муҳим омил бу - минтақанинг табиий ресурсларидир. Маълумки, минтақа нефть ва газ, олтин, уран ва рангли металлар захираларига бой ҳудуд. Маълумотларга кўра М.О.да нефть захиралари 17 млрд. баррелдан то 33 млрд. баррелни ёки дунё нефть захираларининг 5 фоизини, табиий газ захиралари 230 дан 360 триллион куб. Футни ёки дунё газ захираларининг 5 фоизини, уран захиралари дунё захираларининг 19,7 дан 30 фоизини ташкил этади<sup>7</sup>.

Марказий Осиёнинг географик, иқтисодий ва сиёсий аспектларига доир концепциялари таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, ушбу минтақа тарихий даврларнинг жабрдийдаси ёки бошқа гегемон давлатлар манфаатлари тўқнашган макон сифатида янгилашиб, ривожланиб ва минтақадаги давлатлар қудрати дунё давлатлари ичида тобора ошиб борар экан, ҳеч қачон бир маконда жойлашган тарихи, дини, урф-одатлари, анъаналари бир хил бўлган қўшнилари билан барча соҳаларда муносабатларни абадий дўстлик шартномалар ва стратегик шерикчилик тўғрисидаги келишувларда келтирилгандек давом эттираверади.

---

<sup>7</sup> Саидолимов С.Т. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш муаммолари. Сиёсатшунослик фанлари номзодлиги учун диссертация. Тошкент. 2009. 79 б.

Умумий аҳолиси 70 миллиондан ортиқ бўлган минтақамизнинг келажаги бугунги кунда Марказий Осиёнинг ҳар бир давлати томонидан барпо этилмоқда.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, амалий ҳамкорликка тайёрлик ва унга астойдил интилиш, шунингдек, барча Марказий Осиё мамлакатларининг умумий келажак учун масъулиятни ҳис этиши минтақанинг барқарор ривожланиши ва фаровонлигининг мустаҳкам пойдевори ва кафолатидир<sup>8</sup>.

2018 йилнинг 22 июнида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан биринчи марта қабул қилинган махсус БМТ Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича митақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюцияси ҳеч шубҳасиз, нафақат минтақамиз учун, балки кенг халқаро миқёсда ҳам улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган концепция сифатида қабул қилиш мумкин.

Ушбу ҳужжат минтақа келажаги, ҳозирда бу ҳудудда яшаётган халқлар учун ҳам, ва албатта кейинги авлод учун ҳам барқарор ривожланиш учун кенг ва энг кулай имкониятларни яратади.

Резолюциянинг қабул қилиниши Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Марказий Осиёдаги янги минтақавий сиёсати жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олингани ва мамлакатимизнинг халқаро саҳнадаги нуфузи ошганлигини билдиради.

Марказий Осиё минтақаси ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамиятига кўра жаҳон ҳамжамияти диққат эътибори марказида эканлигини таъкидлаш лозим.

Мазкур аҳамият эса қўйидаги омиллар билан белгиланади:

**биринчидан**, Евроосиёнинг “юраги”да ва муҳим транспорт тармоқлари чораҳасида жойлашган минтақамиз Европа ва Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғловчи кўприк вазифасини бажаради;

**иккинчидан**, минтақамиз табиий ресурсларга бой, бу ерда кўшлаб мамлакатлар ва бутун минтақалар ривожига сезиларли

---

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтганказилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-sama-10-11-2017>

даражада таъсир кўрсатган ноёб маданият ва тараққиёт салоҳияти мавжуд;

**учинчидан,** Марказий Осиё Хитой, Россия, Ҳиндистон ва Покистон каби ядро қуролига эга давлатлар билан чегарадош ягона ҳудуд;

**тўртинчидан,** минтақанинг Афғонистон билан чегарадошлигидир.

Шу нуқтаи назардан минтақада давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш – бу нафақат Марказий Осиё, балки қўшни минтақаларнинг фаровонлиги ва барқарор ривожланишининг кафолатидир.

Марказий Осиё давлатларининг минтақавий ҳамкорлиги ривожланиши тарихига назар солсак, барча ташаббуслар ташқаридан, яъни Марказий Осиё давлатларининг стратегик ҳамкорлари томонидан илгари сурилганини кўришимиз мумкин.

Булар қаторига АҚШ ташаббуси – С5+1, Япония, Жанубий Корея, Европа иттифоқи ва Марказий Осиё ташқи ишлар вазирлари даражасидаги мунтазам равишда учрашувлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Минг таасуфки, кўпинча бундай ташаббуслар амалда кўзланган мақсадларга эриша олмаган. Чунки Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги йиллар давомида ечилмай келаётган муаммолар минтақада ўзаро тушуниш ва ҳамкорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилар эди.

Амалдаги тўсиқларни бартараф қилиш мақсадида, Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг минтақа бўйича янги сиёсати бу ерда мавжуд ва йиғилиб қолган муаммоларни ечишда ўз вақтида ва самарали жавоб бўлди. Бунда минтақавий яқинлик, ишонч ва ўзаро тушуниш, муаммоли масалаларни оқилона муроса ва келишувлар асосида ҳал этиш муҳим роль ўйнамоқда.

Қолаверса, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги янги ташқи сиёсати туфайли минтақада ўзаро ишонч даражаси сезиларли ошди ва янги сиёсий муҳит шакланди. Конструктив ҳамкорлик ўрнатиш ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш учун бақувват замин яратилди.

Ҳозирда Марказий Осиёнинг барча давлатлари минтақа ривожини учун фаол ва яратувчан ёндашувларга тайёрлигини билдирмоқда. Минтақа давлатлари Марказий Осиёнинг бугуни ва келажаги учун масъулиятни елкама-елка туриб зиммасига ола

биладиган, халқаро муносабатлар тизимининг мустақил субъектлари сифатидаги ўз ўрнини кучайтирди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда шуни айтиш мумкинки уз моҳиятига кўра, резолюция Марказий Осиё мамлакатларининг ҳам умумминтақа муаммоларига, ҳам глобаллашув таҳдидларига бир ёқадан бош чиқариб берган жавоби бўлди. Унда Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик ва ривожланиш соҳаларидаги йирик минтақавий ва халқаро ташаббусларини инобатга олинганини кўришимиз мумкин.

Хусусан экологик муамолар ва сувдан фойдаланиш, транспорт коммуникацияси, терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш, Афғонистонда тинчликка эришиш муаммоларини ўз ичига олган.

Мазкур резолюциянинг қабул қилиниши шубҳасиз, Марказий Осиёнинг ягона минтақа сифатида ривожланишида муҳим босқичдир.

Бугун бутун дунёда аксилглобаллашув жараёнлар давом этаётган бир вақтда, Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш мақсадида минтақавий ҳамкорлик ҳар томонлама ривожланмоқда. Бу эса нафақат Ўзбекистонни, балки бутун Марказий Осиёнинг халқаро нуфузи ҳисобланади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2018 йилнинг 15 март куни Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашувида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувини доимий ўтказиш эндиликда анъанага айланиши кераклигини таъкидлаган эди.

БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган резолюцияда алоҳида эътибор Марказий Осиё давлатларининг Афғонистондаги тинчлик музокаралари ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича биргаликда ҳаракат қилишига қаратилган. Зеро, Марказий Осиёнинг барқарор ва изчил тараққиётини таъминлаш қўшни Афғонистонда тинчликка эришиш билан узвий боғлиқдир.

Президентимиз афғон муаммосига таҳдид сифатида эмас, балки минтақавий ҳамкорликни янги бир босқичга олиб чиқиш имконини берувчи стратегик имконият сифатида қараш кераклигини халқаро ташкилотларнинг юқори минбарларидан бир неча бор таъкидлади.

Бу муаммони ҳал этишда тинч музокаралар ўтказишдан бошқа муқобил йўл йўқ эканини эътиборга олиб, Ўзбекистон ва Афғонистон ташаббуси билан 2018 йилнинг 26-27 март кунлари

Тошкентда Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференция ўтказилди.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолуцияда ушбу конференцияга алоҳида эътибор қаратилган эди. Шу сабабли мазкур учрашув дунё мамлакатларининг ривожланган оммавий ахборот воситалари нигоҳида бўлди. Жумладан, Буюк Британиянинг “Reuters” ахборот агентлиги мухбирларнинг фикрича, Ўзбекистон ўз ҳудудини афғон ҳукумати ҳамда “Толибон” ҳаракати ўртасида музокараларни ўтказиш учун майдон сифатида таклиф қилиш билан чекланиб қолмай, толиблар билан ҳам алоқалар ўрнатишга муваффақ бўлди. Бу ниҳоятда катта ютуқ ҳисобланиб, томонлар айнан ўзбек дипломатиясига ишонч билдирганидан далолат беради.

Ҳиндистоннинг “The Eurasian Times” таҳлилий журналининг навбатдаги сонида махсус мақола чоп этилган бўлиб, унда “Шу пайтгача афғон муаммосини ҳал қилиш учун кўплаб саъй-ҳаракатлар амалга оширилган бўлса-да, қуролли можаро субъектларининг барчасини қониқтирадиган “воситачи” давлат йўқ эди. “Аmmo Ўзбекистон мана шундай “оптимал ҳамда холис воситачи” ролини ўйнамоқда”, дейди ҳиндистонлик таҳлилчилар.

Америка Қўшма Штатларининг “US News” ахборот агентлиги ушбу мавзуда чоп этган мақолада “Ўзбекистон - Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ташқи дунёга очилиш ва халқаро ҳамжамият билан алоқаларни мутлақо янги тусда қуришга интилоқда”. Мазкур “янги ҳаёт руҳ” расмий Тошкентнинг Афғонистонга нисбатан сиёсатида ҳам намоён бўлмоқда - дейилади<sup>9</sup>. Бу эса Президентимизнинг Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш борасида Афғонистонга нисбатан олиб бораётган очиқ, холисона ва юқори масъулиятли сиёсатлари натижасидир.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Марказий Осиёнинг географик, иқтисодий ва сиёсий аспектларига доир концепциялар минтақанинг дунё ҳамжамиятида ўзига хос салмоқли аҳамият касб этади. Бу эса, тадқиқ қилинаётган минтақа устида изланишларни олиб боришда замонавий талқинлар ва омиллар асосида биргаликда янги концепция ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

<sup>9</sup> <http://xs.uz/uzkr/post/afgonistonda-tinchlik-ornatilishida-qajsi-davlat-hal-qiluvchi-rol-ojnajdi-shubhasiz-ozbekiston>

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ЯҚИН ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

т.ф.н., доцент Ийманова<sup>1</sup> Д.А., Ийманов Ж.С.

<sup>1</sup>Андижон машинасозлик институти

<sup>2</sup>Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.

Тел: +99893-449-62-71, E-mail: Iymanov81@umail.uz

### **Аннотация:**

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг қўшничилик сиёсидаги устувор жиҳатлари, муҳим аҳамиятлари ва стратегик шерикчиликдан кўзланган мақсадлари далиллар асосида келтирилган. Жумладан, Марказий Осиё мамлакатларининг тарихий ва маънавий илдиэларининг бирлиги, дўстона муносабатларни кенгайтириши ва мустақкамлашга асос яратади.

Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётини таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақкамлаш Ўзбекистоннинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг ён қўшилари: Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Афғонистон билан яқин қўшничилик муносабатларини ривожлантириши орқали Марказий Осиёда хавсизлик ва барқарор муҳитни шакллантиришидаги таиқи сиёсати нафақат таиаббускор давлатнинг, балки қўшни республикаларнинг ҳам манфаатларига хизмат қилиши, ҳамда дунё ҳамжамиятида Марказий Осиё минтақаси деганда яҳлитликда ҳаракат қилувчи минтақани тушунишларига замин яратмоқда.

Ўзбекистон таиқи сиёсатининг Марказий Осиё давлатлари билан барча соҳаларда тенг шерикчилик ва ҳамжиҳатлик асосида олиб борилиши минтақа ривожига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатади.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

Қўшничилик, резолюция, маслаҳат учрашуви, глобаллашув, стратегик ҳамкорлик, митнақавий шерикчилик, абадий дўстлик.

### **Аннотация:**

В данной статье на основе фактических данных представлены приоритетные аспекты деятельности Узбекистана в военной сфере, его важное значение и цели стратегического партнерства. В частности, единство исторических и духовных корней стран Центральной Азии



обеспечивает основу для расширения и укрепления дружественных отношений.

Укрепление регионального и международного сотрудничества для обеспечения мира, стабильности и устойчивого развития в Центрально-Азиатском регионе является главной целью Узбекистана.

Внешняя политика Республики Узбекистан в формировании беззаботной и стабильной обстановки в Центральной Азии путем развития тесных военных связей с Республикой Узбекистан: Таджикистаном, Туркменистаном, Казахстаном, Кыргызстаном и Афганистаном, создает основу для понимания не только интересов иницилирующего государства, но и армии республик, а также мирового сообщества.

Реализация внешней политики Узбекистана на основе равноправного партнерства и солидарности со странами Центральной Азии во всех сферах оказывает существенное влияние на развитие региона.

**Ключевые слова:**

Соседства, резолюция, консультационная встреча, глобализация, стратегическая партнерства, региональное партнерства, вечная дружба.

**Annotation:**

*In this article, the priority aspects of Uzbekistan in the military sphere, its important importance and goals of strategic partnership are presented on the basis of evidence. In particular, the unity of the historical and spiritual roots of the countries of Central Asia provides the basis for the expansion and strengthening of friendly relations.*

*Strengthening regional and international cooperation to ensure peace, stability and sustainable development in the Central Asian region is the main goal of Uzbekistan.*

*The foreign policy of the Republic of Uzbekistan in the formation of a carefree and stable environment in Central Asia through the development of close military relations with the Republic of Uzbekistan: Tajikistan, Turkmenistan, Kazakhstan, Kyrgyzstan and Afghanistan, creates the basis for understanding not only the interests of the initiating state, but also the army of the republics, as well as the world community.*

*The implementation of Uzbekistan's foreign policy on the basis of equal partnership and solidarity with the countries of Central Asia in all spheres has a significant impact on the development of the region.*

**Key words:**

*Neighborhood, resolution, consultation meeting, globalization, strategic partnership, regional partnership, friends forever.*

Ривожланиб бораётган глобаллашув жараёнида қўшни давлатлар билан муносабатни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва дўстона алоқаларни янада кучайтириш давр талаби бўлиб қолмоқда. Бундан эса Марказий Осиё давлатлари ҳам мустасно эмас. Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари ўртасида олиб борилаётган яқин қўшничилик ва дўстона муносабатларни шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббускорлиги ва стратегик мақсадларни кўзлаган ҳолда юқори минбарлардан туриб, ўз таклифларини киритиши, бу таклифларнинг эса инобатга олинаётганлиги Ўзбекистоннинг бу соҳадаги сиёсатини янада илдамлатмоқда. Чунки, Марказий Осиё мамлакатлари билан тарихий ва маънавий илдизларимизнинг бирлиги, дўстона муносабатларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга асос яратади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг бош мақсади - давлат мустақиллиги, суверенитетини, халқаро майдондаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик, аҳил қўшничилик муҳитини шакллантиришдир. Жумладан, Марказий Осиё давлатлари томонидан Ўзбекистоннинг янги минтақавий сиёсати қўллаб-қувватланаётганлиги ҳамкорлик алоқаларининг тизимли тарзда амалга оширилаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, Мамлакатимиз Президентининг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларнинг маслаҳат учрашувларини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси 2018 йилнинг март ойида Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Биринчи маслаҳат учрашуви билан ўз исботини топди.

Шу билан биргаликда, Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йилнинг сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган 72-сессиясида Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратаётгани, қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши ҳамда Марказий Осиё давлатларининг хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида махсус резолюция киритиш таклифи илгари сурилган эди. Мазкур мулоҳазалар инобатга олиниб, 2018 йилнинг 22 июнида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан биринчи марта қабул қилинган махсус "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил

тараққиётини таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" резолюцияси Марказий Осиё давлатлари учун тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеа ҳисобланади.

Мазкур тарихий ҳужжатнинг лойиҳаси айнан Ўзбекистон томонидан Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилганлиги, бундан ташқари, 55 та давлат мазкур резолюциянинг ҳаммуаллифлари бўлишганлиги мамлакатимиз сиёсатининг нақадар тўғри йўлга қўйилганлигини кўрсатади.

Улар орасида Австралия, Австрия, Афғонистон, Беларусь, Германия, Италия, Ҳиндистон, Индонезия, Канада, Нигерия, Норвегия, БАА, Корея Республикаси, Сингапур, Туркия, Швейцария, Эквадор ва бошқа мамлакатлар бор. Ҳужжатни ишлаб чиқиш бўйича маслаҳатлашувларда Марказий Осиёнинг барча етакчи ҳамкор давлатлари, жумладан, Россия, ХХР, АҚШ ва ЕИ мамлакатлари фаол ва конструктив тарзда иштирок этди.

Резолюцияда Марказий Осиё давлатларининг минтақада тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, шунингдек, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги муҳим роли эътироф этилади. Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлик ва тараққиёт соҳаларидаги минтақавий ва халқаро ташаббуслари алоҳида қайд этилади.

Ҳужжатда Бош Ассамблея минтақа мамлакатлари томонидан Марказий Осиёда барқарорлик ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳамда ташаббусларни қўллаб-қувватлаши баён этилади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашувларини мунтазам ташкил қилиш бўйича ташаббуслари минтақа доирасида қўллаб-қувватланаётганини мамнуният билан қайд этган ҳолда, резолюция бундай маслаҳатлашувлар платформасидан минтақанинг долзарб муаммоларини биргаликда ҳал этиш йўлида самарали фойдаланишга даъват этади. Ҳужжатда 2018 йил 15 март куни Остона шаҳрида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг илк саммити ўтказилгани эътироф этилади.

Резолюцияда Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, сув ва энергия манбаларидан унумли ва комплекс фойдаланиш, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик ва ижтимоий-иқтисодий асоратларни юмшатиш, минтақада замонавий транспорт ва транзит тизимини ташкил этиш, маърифат, фан, технологиялар, инновациялар, туризм, маданият, санъат ва спорт соҳаларидаги

алоқаларни чуқурлаштириш йўналишларида икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилади. Масалан, муҳандислик ишлари, транспорт –коммуникация ва геостратегик аҳамиятига кўра ноёб бўлган Туркманистон-Фароб кўприklarининг ишга туширилиши нафақат икки қардош халқ, балки бутун Марказий Осиё минтақасида муҳим воқеа бўлди<sup>1</sup>.

Марказий Осиё давлатларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётга кўмаклашишга қаратилган биргаликдаги саъй-ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу мамлакатда тинчлик ва муроСага эришиш мақсадида 2018 йил 7-10 август кунлари Ўзбекистон расмийлари “Толибон” ҳаракати билан Тошкентда музокара ўтказганлиги, 2019 йил март ойида “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси ҳамда 2019 йил 8 август куни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида “Толибон” ҳаракати сиёсий идораси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлар алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур ташаббуслар, учрашувлар натижаси сифатида 2020 йилнинг 29 февраль куни Қатарнинг Доҳа шаҳрида АҚШ ва “Толибон” ҳаракати ўртасида тинчлик битими имзоланганлигини таъкидлаш лозим

Резолюция халқаро ҳамжамият, хусусан, БМТ тизимидаги ихтисослашган муассасалар, жамғарма ва дастурларни минтақа мамлакатлари томонидан кўзда тутилаётган Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик, интеграция ва барқарор тараққиётнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлашга даъват этади.

Ушбу резолюциянинг БМТда бир овоздан маъқулланиши ва қабул қилиниши Ўзбекистоннинг Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида юритаётган очиқ, оқилона ва конструктив ташқи сиёсати туфайли Марказий Осиёда шаклланган мутлақо янги, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муҳити халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётганидан далолат беради. Халқларини минг йиллик биродарлик ва яхши қўшничилик ришталари, муштарак тарих, дин, маданият ва анъаналар боғлаб турган Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан эканлигини исботлайди.

---

<sup>1</sup> Ш.Мирзиёев, Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: НМИУ, 2018. – 363 бет.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюция Марказий Осиёни ҳамкорликда умумий муаммоларни ҳал қилиш, минтақа тараққиёти ва унинг кўп миллионли аҳолиси фаровонлигини таъминлашга қодир яхлит жипслашган минтақа сифатида шаклланишида муҳим босқич бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз<sup>2</sup>. Мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари 2016 йил сентябрдан 2018 йил сентябр охири оралиғида 6 мартаба учрашиб, бир неча мартаба телефон орқали сўзлашувларни амалга оширган. 2018 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон ва Тожикистон орасида 9 та назорат-ўтказув пунктлари фаолияти қайта тикланди. Шунингдек Ўзбекистон ва Тожикистон фуқаролари учун 30 кунга қадар визасиз тартибда қўшни мамлакатга кириш тартиби ўрнатилганлиги икки давлат ўртасида қўшничилик, биродарлик ва стратегик шерикчиликка асосланган сиёсат эканлигини кўрсатади.

Биргина мулоқот, яъни Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 9-10 март кунлари Тожикистонга давлат ташрифи билан бориб, очиқ, дўстона ва самимий муҳитда ўтган учрашув чоғида икки давлат раҳбарлари барча соҳалардаги кенг қамровли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, дўстлик, аҳил қўшнилик ва ўзаро ҳурматга асосланган кўп асрлик тарихий ва маданий умумийликдан келиб чиқиб, 2000-йил 15 июнда имзоланган Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида абадий дўстлик тўғрисидаги Шартнома қоидаларига таянган ҳолда, анъанавий дўстлик, аҳил қўшнилик ва ҳамкорлик муносабатларини имкон қадар янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга қатъий тайёр эканликларини тасдиқлаб, Абадий дўстлик Шартномасини имзоладилар<sup>3</sup>.

Икки давлат президентлари узоқ муддатли ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш ва ҳамкорликнинг барча йўналишларидаги мавжуд юксак салоҳиятни имкон қадар тўла рўёбга чиқариш мақсадида яқин истиқболда икки давлат ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани ишлаб чиқишга келишиб олдилар. Президентлар икки мамлакатнинг чегараолди ҳудудларида муҳандислик тўсиқлари участкаларини зарарсизлантириш масаласи бўйича Ўзбекистон-Тожикистон қўшма ишчи гуруҳи тузилишини мамнуният билан эътироф этиб, мазкур

<sup>2</sup> <http://www.ut.uz/oz/politika/zbekiston-respublikasi-tashqi-ishlar-vazirligining-bayonoti/>

<sup>3</sup> <http://www.president.uz>

ишларни 2018-2019 йилларда якунлаш лозимлигини қайд этган ва бу масала ижобий якун топди.

Икки мамлакат Президентлари ўзбек тилини Тожикистонда ҳамда тожик тилини Ўзбекистонда ўрганиш ва ўргатишни такомиллаштириш, ўзбек ва тожик тилларида ўқитиладиган умумий таълим ўқув муассасалари тизимини кенгайтириш, ўқув ва бадиий адабиётлар, даврий ва илмий нашрлар билан алмашинув бўйича ҳамкорлик ўрнатиш, икки мамлакатнинг мумтоз адабиёт вакиллари ва замонавий муаллифлари асарларини таржима қилишни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратадилар.

Ташқи сиёсатимизнинг бош устувор йўналиши Марказий Осиё минтақасидир. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги сиёсати минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, минтақавий хавфсизликнинг муҳим муаммоларини ҳал этишга, шу жумладан, Афғонистондаги вазиятни ҳал қилишга кўмаклашишга қаратилган. Ўзбекистон минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақанинг транспорт ва транзит инфратузилмасини ривожлантириш, Марказий Осиё трансчегаравий дарёларининг сув-энергетика ресурсларидан оқилона ва комплекс фойдаланиш ҳамда минтақанинг экологик барқарорлигини таъминлаш, чегараларни делимитация ва демаркация қилиш жараёнини якунига етказиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширади.

Жумладан, Қирғизистон билан чегара ҳудудларида ишонч чоралари бўйича Битим (2017), Туркменистон билан стратегик шериклик тўғрисидаги Шартнома (2017), Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон Республикалари ўртасида уч давлатнинг давлат чегаралари туташган нуқтаси тўғрисидаги Шартнома (2017) имзоланди. Мамлакатимизнинг бундай ташаббуслари минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “икки ва кўп томонлама шакллардаги ташаббусларни, шу жумладан, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари

бўйича ташаббусларни илгари суриш” устивор йўналишлари белгиланди<sup>4</sup>.

Ўзбекистон минтақа давлатлари билан дўстона ва аҳил қўшничилик муносабатларини мустақамлашдан, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришдан, парламентлар, чегара ҳудудлари, жамоат ташкилотлари ва оддий фуқаролар ўртасидаги алоқаларни кучайтиришдан манфаатдор.

Ўзбекистон Афғонистон билан алоқаларни кенгайтиришни, мазкур мамлакатдаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган халқаро саъй-ҳаракатларда фаол иштирок этишни давом эттиради. Ўзбекистон томони Афғонистон иқтисодиётининг қайта тикланишига, унинг транспорт, ишлаб чиқариш, энергетик ва ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантиришга кўмак беришда давом этади. Зеро, барқарор ва равнақ топаётган Афғонистон Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизликнинг кафолатидир.

Ўзбекистон цивилизациялар, турли маданий қатламлар, хилма-хил эътиқод ва дунёқарашлар туташган жойда ўрнашган. Аҳолиси кўпчиликни ташкил этадиган ўзбек халқи минтақа ҳамжиҳат бўлишида қадимдан муҳим рол ўтаб келган. “Бугун Ўзбекистон фақат жуда бой табиий хом ашё захиралари, чексиз бозор ва сармоя сарфланадиган соҳагина эмас. Айни чоғда мамлакатимиз ғоят улкан ақл заковат, маънавий ва маданий имкониятларга эга. Буларнинг барчаси дунёдаги энг сиёсий ва иқтисодий тартиб фаол шаклланиб бораётган бир шароитда, юртимизнинг ноёб жўғрофий ўрни билан фаол қўшилган ҳолда жуда катта жўғрофий-сиёсий ва жўғрофий стратегик қизиқиш уйғотади”<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг ён қўшнилари: Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Афғонистон билан яқин қўшничилик муносабатларини ривожлантириш орқали Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор муҳитни шакллантиришдаги ташқи сиёсати нафақат ташаббускор давлатнинг, балки қўшни республикаларнинг ҳам манфаатларига хизмат қилиши, ҳамда дунё ҳамжамиятида Марказий Осиё минтақасида деганда яҳлитликда

---

<sup>4</sup> О.Сирожов, Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатлари, докторлик диссертацияси, 23.00.02. Тошкент 2018.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ватарақийёт кафолатлари – Тошкент.: Ўзбекистон, 1997.- 8-бет.

ҳаракат қилувчи минтақани тушунишларига замин яратмоқда. Бу эса, ўз навбатида Марказий Осиёнинг ўзига хослиги ва қудратли бўлишига олиб келади.

Қудратли бўлиш учун қўшнилар билан барча йўналишдаги ҳамкорликларни ҳамжиҳатликда амалга оширишнинг янги босқичини бошлаб берган Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “қўшниларимиз билан рақобат эмас, ўзаро манфаатли ҳамкорлик” номли концептуал ғоялари ҳисобланади. Айнан шу ғояни моддий кучга айлантириш учун президентимиз Туркменистонга 6-7 март 2017 йили давлат ташрифи билан бўлди. Шу йили 22-23 март кунлари Қозоғистонга, 5-6 сентябрь кунлари Қирғизистонга давлат ташрифларини амалга ошириб 50 дан ортиқ келишувларга эришилди. Қирғизистон билан 85% делимитацияга эришилганлиги, йил охиригача чегаралар делимитациясини тўлиқ амалга оширишга келишиб олинганлиги, Қозоғистон билан ўзаро савдо айланмаси 1,3 млрд доллардан ошганлиги, йил охиригача 2 млрд доллардан ўтиши ана шундай жонбозликнинг меваси ҳисобланади. 2018 йил 9-10 март кунлари Тожикистонга расмий ташрифи чоғида 27 ҳужжат имзолади. Эришилган тарихий келишувлар нафақат халқларимиз, балки бутун минтақа учун улкан аҳамиятга эга”, деди давлатимиз раҳбари<sup>6</sup>. Умуман бугунги кунгача Ўзбекистон минтақавий ҳамкорликка либерал ёндашиб, тадрижий ривожланиш, умумманфаат устиворлиги тарафдори сифатида прогматик сиёсатни олиб бормоқда. Бу ҳақида Ш.Мирзиёев “Қўшниларимизнинг ютуғи-бу бизнинг ҳам ютуғимиз. Уларнинг тинч ва фаровон ҳаёти-бутун минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг гарови деб биламиз. Мана шу йўлда янги амалий қадамлар қўяётганимиз, жумладан, қўшни давлатлар раҳбарлари билан олиб бораётган музокараларимиз бунинг амалий тасдиғидир”<sup>7</sup>, деган эди.

Марказий Осиё давлатлари барча соҳаларда тенг шерикчилик ва ҳамжиҳатлик асосида олиб борилиши минтақа ривожига таъсир кўрсатади. Зеро, Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев таъкидлаганидек, “фаол товар айирбошлаш, тажриба, ғоялар, фан ва техника ютуқларини

---

<sup>6</sup> <http://www.president.uz>

<sup>7</sup> Ш.Мирзиёев, Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қондаси бўлиши керак. - Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. – 69 –бет.



алмашишга интилишгина марказий Осиё халқларининг жадал ривожланишини таъминлаган<sup>8</sup>”.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё давлатлари орасида ўз ташаббуслари ва самарали қўшничилик алоқаларини ривожлантириш орқали нафақат мамлакатни, балки бутун минтақани ҳам ривожлантириш йўлида ҳаракат қилиб келаётганлигини таъкидлаш лозим. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бизнинг бош мақсадимиз - умумий саъй ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат<sup>9</sup>” дир.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. (2017). Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон.

2. Мирзиёев Ш.М. (2018). Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент: НМИУ.

3. Мирзиёев Ш.М. (2018). Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент: “Ўзбекистон”.

4. Каримов И.А. (1997). Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ватараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон.

5. Сафоев С.С. (2005). Марказий Осиё геосиёсати. Тошкент: ЖИДУ.

6. Сирожов О.О. Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатлари. ScD ҳимояси учун диссертация (23.00.02.). Тошкент. 2018.

7. <http://www.president.uz>

8. <http://www.ut.uz/oz/politika/zbekiston-respublikasi-tashqi-ishlar-vazirligi>

---

<sup>8</sup> С.Сафоев, Марказий Осиё геосиёсати. –Тошкент.: ЖИДУ. 2005. 91-бет.

<sup>9</sup> Ш.Мирзиёев, Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2018 йил. 265-бет.

## МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК - МИЛЛИЙ ЁЗЛИКНИ АНГЛАШНИНГ АСОСИ

**ЖАМАЛОВ<sup>1</sup> Фарход Шахобидинович**

**Чирчиқ Олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти,  
Қуруқликдаги қўшинлар ҳаво ҳужумидан мудофаа кафедраси катта  
ўқитувчиси, подполковник**

Мамлакат доирасида миллий манфаатларини тенг қондириш, улар ривожини таъминлаш жуда мураккаб масала эканини ҳам англамоғимиз даркор. Миллатлараро тотувлик ғояси ана шу масалани тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. Бу ғоя – бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир.

Бу ғоя – ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратади ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади. Миллий ғоя билан боғлиқ омиллар халқни-халқ, миллатни-миллат сифатида яшашга, ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлишга хизмат қиладиган, шунга ундайдиган мақсадлар билан мужассам бўлади.

Бу ватан туйғуси, миллий урф-одат ва анъаналарни эъзозлаш, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, қонун устуворлиги, инсонни олий қадрият сифатида улуғлаш билан боғлиқ инсоният орзу қилиб келган доимо қадрланувчи мақсад-муддаолардир. Мустақиллик йилларида миллатлараро тотувлик ғояси илгари сурилгани ва амалда унга эришилгани Ўзбекистон ривожига қўлга 53 киритилган энг катта ютуқлардан биридир. Мамлакатимиз раҳбарияти миллий масалани оқилона, халқаро тамойилларга мос йўл билан ечиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш чора-тадбирларини кўрди.

Бу ҳолат жамиятда миллатлараро муносабатларни янада яхшилаш, ижтимоий ҳамкорлик ва ўзаро ишонч асосидаги соғлом муҳитнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда Муайян мамлакатга ном берган (титул) миллат билан унда яшайдиган бошқа халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим масалаларидан биридир. Аксинча, бу ғоянинг аҳамиятини

тушуниб етмаслик жамият ҳаётини, тинчлик ва барқарорликни издан чиқариши мумкин.

Шу сабабли, кўпмиллатли ва кўп тилли мамлакатларда ўз давлатига ном берган асосий миллат билан бу мамлакатларда истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу ҳақда профессор Ф. Мусаев тўғри ёзганидек, - “Мамлакатимизда турли миллатлараро тотувлик ва ҳамкорликни ривожлантириш, бағрикенгликни шакллантириш нафақат объектив эҳтиёж, айна пайтда юртимизда яшаётган барча миллатлар ва элатларнинг ҳоҳиш иродаси ва талаби ҳамдир” [1.272-б.].

Миллий ўзликни англаш умумдавлат, умумжамият манфаатларини акс эттирадиган мезондир. Давлат ва жамият тараққиётини юқори даражага кўтариш жараёнида ўзликни англаш умуммиллий зарурий омилга айланади. Шунингдек, миллий тараққиёт давомида вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилишда миллий ўзликни англаш умуммақсад йўлида бирлаштирувчи куч даражасига кўтарилди.

Бизнинг фикримизча, *биринчидан*, бу жараён мамлакатдаги барча миллат ва элат вакиллари ягона мақсад сари бирлаштиришда ҳамда “ягона оила”, “ягона ватан” туйғуларининг шаклланишида;

*Иккинчидан*, миллий ўзликни англаш орқали жамият мафкурасининг асосий мақсадларидан бири Ўзбекистонда яшовчи барча фуқароларнинг иймон ва эътиқодидан қатъий назар мустақилликнинг онгли фидойисига айлантиришда;

*Учинчидан*, дунёдаги барча давлат ва халқлар ичида Ўзбекистоннинг ўрнини англаб етишда ҳамда уни умумтараққиётга олиб чиқишда; Тўртинчидан, миллий ўзликни англаш миллатларни бир-биридан ажратиш эмас, аксинча, улар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда кўринади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни 54 янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдевори” деб номланган маърузасида шундай таъкидлаганидек, - “Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз - фуқаролар, давлат ва жамият ўртасида ўзаро масъулият, ҳуқуқ ва

бурч боғлиқ эканига оид принципти изчил амалга оширишдан иборат. Бу принцип мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифаларни ҳал қилишда давлат ва шахс, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлайдиган конституциявий асосдир. Биз барчамиз- фуқаролар ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам Ватанимиз равнақи учун, мамлакатимизда тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлаш учун, тарихий, маънавий ва маданий меросимизни сақлаш, бойитиш ва келгуси авлодларга безавол етказиш учун бирдек масъулмиз. Юртимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва тотувлик муҳити, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни асраш ва мустаҳкамлаш мақсадида олиб бораётган ишларимизни янада кучайтиришимиз лозим” [2.№-247].

Мустақиллик туфайли мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократлашиши, миллатлараро тотувлик, турли маданиятларнинг яқинлашуви, бойиши ва миллий ўзликни англаш жараёнининг ривожланиши содир бўлмоқда. Ижтимоий ҳаёт соҳаларининг демократлашиши, миллатлараро тотувлик миллий ўзликни англашнинг социал-маданий негизлари ҳамда уни намоён қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилида ўқиши учун кенг имкониятлар яратилгани, олий ўқув юртлари ва мактабларда бунга амал қилинаётгани, кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар олиб борилаётгани ва бошқа ишлар ҳам бу борадаги самарали фаолиятнинг яққол далилидир.

Ҳозирги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, миллатлараро муносабатларнинг эволюцияси, тадрижий ривожланиш босқичлари Ўзбекистонда яхлит миллий-маънавий муҳит шаклланаётганлигидан, миллати ва элатидан қатъий назар ҳар бир фуқаро ана шу муҳитдан манфаатдор бўлаётганидан далолат бермоқда. Манфаатдорлик туйғуси эса ўзаро ҳурмат, юксак маънавият, етуклик ва комилликка интилиш орқали мазмунини бойитиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги Фармони [3.ПФ-5046] га кўра Республика байналмилал маркази ҳамда дўстлик жамиятлари ва хорижий давлатлар билан маданий-маърифий алоқалар кенгаши негизида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ва миллий маданият марказлари (МММ)нинг фаолияти бу ерда яшовчи халқларнинг миллий анъаналари, урф-одатлари ва маросимларини қайта тиклаш, маънавият ва маданиятни янада ривожлантириш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга қаратилган.

Миллий-маданий марказлар фаолиятида халқ ижодини ўрганиш, сақлаб қолиш билан бир қаторда профессионал санъат намуналарини тарғиб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу муҳит бизга ягона оила туйғусини қайта-қайта ҳис этиш «Ўзбекистон-умумий уйимиз» деган ғоя замиридаги чуқур маънони ва ҳар бир халқнинг миллий ўзлигини англаш имконини беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. - Тошкент: Ўзбекистон, 2007. -272 б.

2. Мирзиёев Ш. Конституция - эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил 8 декабрь. №247 (6941).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (19.05.2017-йил ПФ -5046).

## ZAMONAVIY BILIMLARNI O'ZLASHTIRISH, CHINAKAM MA'RIFAT VA YUKSAK MADANIYAT EGASI BO'LISH DAVR TALABI

**SAIDOV<sup>1</sup> Baxtiyor Raufovich**

<sup>1</sup>Chirchiq Oliy tank qo'mondonlik muhandislik bilim yurti, Quruqlikdagi qo'shinlar  
havo hujumidan mudofaa kafedrası  
Katta o'qituvchisi, podpolkovnik

“...Mudofaa tizimida inson omili hal qiluvchi ro'l o'ynaydi. O'z qasamyodiga sodiq, keng bilim va malakaga ega, aql-zakovatli, mard va azmu-shijoatli harbiylar armiyaning qudratli kuchidir. G'alabani ta'minlaydigan ham, shaxsiy tarkibni tarbiyalaydigan va o'z ortidan ergashtiradigan ham shular...”

*Shavkat Mirziyoyev.*

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev rahbarligida ishlab chiqilgan va izchil amalga oshirilayotgan noyob hujjat - 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalish bo'yicha Harakatlar strategiyasining mamlakatimiz taraqqiyotini barcha soha va tarmoqlarda yangi bosqichga ko'tarish borasidagi o'rni va ahamiyati atroflicha yoritib berilgan, biz uchun eng oliy qadriyat bo'lgan inson huquq va manfaatlarini to'liq ta'minlangan, erkin va farovon jamiyat barpo etish yuzasidan amalga oshirilayotgan keng ko'lamlı ishlar tahlil etilgan.

Mamlakatimiz iqtisodiyotining bozor munosabatlariga o'tilishi kadrlarni boshqarish sohasida tub o'zgarishlar qilinishini talab qiladi va korxonalar, tashkilotlarning samarali ishlashini unda mavjud bo'lgan xodimlarni ta'minlaydi.

Shu jihatdan hozirgi vaqtda malakali xodimlarni shakllantirishga erishish muhim ijtimoiy - iqtisodiy ahamiyat kasb etadi.

Davlatimiz rahbariyati mamlakatimiz ijtimoiy va iqtisodiy hayotining barcha jabhalarini yuksak darajada boshqarishni tashkil etilishiga katta e'tibor qaratadi, rahbar kadrlardan boshqaruv nazariyasini chuqur o'rganishni, zamonaviy ish usullarini egallashni, ishga ijodiy yondashishni va tashabbuskor bo'lishni talab qiladi [4, 3].

Zamonaviy boshqaruv xodimi o'z ishining mohir ustasi bo'lib, tashkilotchilik, yuqori madaniyatlilik, keng qamrovli fikrlash,

yangiliklarni tez o'zlashtirish va ularni amaliyotda qo'llash kabi xususiyatlarga ega bo'lishi lozim.

Bu talablar Qurolli Kuchlarning har bir boshliq va komandirlariga to'laligicha taalluqlidir. Har bir harbiy boshliq bilimdonlik, yangiliklarni teran his etish, murakkab masalalarni hal qilishda javobgarlikni o'z zimmasiga ola bilish, tashabbuskorlikni o'z vaqtida qullab-quvvatlash, shaxsiy tarkib imkoniyatlarini safarbar qila olish kabi sifatlarga ega bo'lishi kerak. Qo'shnlarni boshqarish tizimi har bir harbiy rahbarga qisqa vaqt ichida, axloqiy-ruhiy va jismoniy og'ir vaziyatlarda teran fikrlash va harakat qila olish qobiliyatini yuklaydi.

Boshqaruvning ruhiy qonuniyatlaridan to'laroq foydalanish, qo'l ostidagi xizmatchilar tashabbusini rivojlantirish va undan foydalanish, qo'yilgan vazifalarga ijodiy yondashish bu faoliyatning samaradorligini oshirish imkoniyatlaridan biridir. Bu imkoniyatlarni bilish, o'z amaliy faoliyatida ulardan foydalanish haqida o'ylash, ruhiy asoslangan usullarni o'z faoliyatiga tatbiq etish qism, bo'linmalar shaxsiy tarkibini Vatanimizni himoya qilishga tayyorlash vazifasini hal qilishning muhim shartidir.

Har bir ofiser, Qurolli Kuchlarda qanday lavozimni egallashidan qat'iy nazar, tinchlik davrida ham, jangovar vaziyatda ham, boshqaruv faoliyati bilan doimo bog'liqdir. Faoliyatning bu turi jamiyat boshqaruvining bir qismi bo'lib, o'z xususiyatlariga ega va boshqaruv vazifalarini bajarishda ofiserlardan nafaqat oliy ma'lumotga, balki yetarli darajadagi maxsus bilimlarga, nazariy tayyorgarlikka, ma'lum tajribaga ega bo'lishni talab etadi [3].

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev Oliy Majlisga Murojaatnomasida - Xalqimiz shuni yaxshi bilishi kerak: oldimizda uzoq va mashaqqatli yo'l turibdi. Barchamiz jiplashib, tinimsiz o'qib-o'rgansak, ishimizni mukammal va unumli bajarsak, zamonaviy bilimlarni egallab, o'zimizni ayamadan oldinga intilsak, albatta, hayotimiz va jamiyatimiz o'zgaradi. Amalga oshirayotgan islohotlarimiz jahon hamjamiyati tomonidan munosib baholanmoqda. Xususan, dunyodagi nufuzli nashrlardan biri - "Ekonomist" jurnali O'zbekistonni 2019 yilda islohotlarni eng jadal amalga oshirgan davlat - "Yil mamlakati" deb e'tirof etdi - deb ta'kidladilar. O'zbekistonni rivojlangan mamlakatga aylantirishni maqsad qilib qo'ygan ekanmiz, bunga faqat jadal islohotlar, ilm-ma'rifat va innovatsiya bilan erisha olamiz.

Buning uchun, avvalambor, tashabbuskor islohotchi bo'lib maydonga chiqadigan, strategik fikr yuritadigan, bilimli va malakali yangi avlod kadrlarini tarbiyalashimiz zarur. Shuning uchun ham bog'chadan boshlab oliy o'quv yurtigacha - ta'limning barcha bo'g'inlarida chuqur va keng ko'lamli islohatlar olib borilmoqda. Sharq donishmandlari aytganidek, "Eng katta boylik - bu aql-zakovat va ilm, eng katta meros - bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik - bu bilimsizlikdir!" Shu sababli hammamiz uchun zamonaviy bilimlarni o'zlashtirish, chinakam ma'rifat va yuksak madaniyat egasi bo'lish uzluksiz hayotiy ehtiyojga aylanishi kerak.

Taraqqiyotga erishish uchun raqamlibilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalarini egallashimiz zarur va shart. Bu bizga yuksalishning eng qisqa yo'lidan borish imkoniyatini beradi. Zero, bugun dunyoda barcha sohalarga axborot texnologiyalari chuqur kirib bormoqda [1, 2]. Mamlakatimizda ilm-fanni yanada ravnaq toptirish, yoshlarimizni chuqur bilim, yuksak ma'naviyat va madaniyat egasi etib tarbiyalash, raqobatbardosh iqtisodiyotni shakllantirish borasida boshlagan ishlarimizni jadal davom ettirish zarurdir.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020 yil 25-yanvardagi O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga murojaati. //Vatanparvar//, 2020.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017 yil 7- fevraldagi «O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida» gi Farmoni.
3. Sharifxo'jayev M., Abdullayev Yo. Menejment. T., Mehnat.2000.
4. Rahimova D. N. Zamonaviy Menejment: Nazariya va amaliyot. - T.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. 2009.



## МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА КОНФЛЕКТГА ҚАРШИ ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

**ХАЙДАРОВ<sup>1</sup> Зафар Абдихакимович**

**Чирчиқ Олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти,  
Куруқликдаги қўшинлар ҳаво ҳужумидан муҳофаа кафедраси бошлиғи,  
подполковник**

Конфликтларни англашга бўлган уринишлар узоқ тарихга бориб тақалишини ҳисобга оладиган бўлсак, Қадимги дунё файласуфлари конфликт ёмон ҳам, яхши ҳам эмас, улар кишиларнинг фикридан қатъий назар, ҳар жойда мавжуд бўлади деб ҳисоблаганлар. Бутун дунё қарама-қаршиликлар билан тўла, улар билан табиат, инсон ва ҳаттоки маъбудлар ҳаёти ҳам боғлиқ. Тўғри, улар «конфликт» атамасини ҳали ишлатмаганлар, аммо конфликт бутун ҳаётни қамраб олмасдан, унинг бир қисми эканлигини кўра билганлар.

Қарама-қаршилик, кураш ва конфликтлар ролини тушуниш юзасидан ҳозирги кунгача файласуфлар ўртасида яқдиллик йўқ. Қадимги файласуфларнинг баъзилари томонидан ҳар қандай қарама-қаршилик ва конфликтлар бартараф этиладиган жамиятни яратиш ҳақидаги утопик ғоялар илгари сурилган. Масалан, қадимги юнон файласуфи Эпикур (эр.ав. 341-270 й) поёни йўқ урушлар билан боғлиқ қашшоқлик охир-оқибат кишиларнинг мустақкам тотувлик ҳолатида яшашга мажбур қилади деб ҳисоблаган.

Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври деб ном олган IX-XII асрларда фаолият кўрсатган мутафаккирларнинг дунёвий маърифатга интилиши ва бу йўлда ўтмиш давлатларнинг маданияти ютуқларидан кенг фойдаланиш, инсонни улуғлаш, унинг маънавий фазилатларини асослаш борасидаги фикр-мулоҳазалари жамиятдаги конфликтлар ҳақидаги тарихий - тадрижий баҳсларда ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Абу Наср Форобий (873-950 й.) биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши ва давлатни қандай бошқариш кераклиги ҳақидаги илмий назарий билимлар тизимини ишлаб чиқди.

Форобийнинг жамият ҳақидаги мулоҳазаларида «зўравонлик ва мажбурлаш таълимоти» қораланади. Чунки ҳар қандай давлат ва жамиятда «зўравонлик ва мажбурлаш таълимоти»нинг амалиётда акс этиши, ўша давлат ва жамиятдаги конфликтлар

шаклланишининг асосидир. Форобий «зўравонлик ва мажбурлаш таълимоти»га қарама-қарши ўлароқ «*табиий эҳтиёж назарияси*»ни илгари суради.

Ўрта Осиёдаги илк Уйғониш даври вакилларида бири Абу Али Ибн Сино (980-1037й.) жамиятдаги конфликтлар ҳақида ўзининг «Рисолату тадбири манзил», «Иншорат ва Танбихат» каби асарларида фикрлар билдириб, «Рисолату тадбири манзил» асарида шундай ёзади: «...одамларнинг мулкий тенгсизлиги, вазифасининг бир хил эмаслиги, ўзаро фарқлари, инсон ижтимоий фаолиятининг асосий сабабидир». Бизнингча, бундай тарихий ижтимоий борлиқ илк маротаба «ақл-идрокли одамлар» даврида шаклланган. Бу фикрларга асосланган ҳолда, конфликт аввало ижтимоий ҳодиса эканлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Илк Уйғониш даври намоёндаларидан яна бири Абу Райҳон Беруний (973-1048) - “Пул - бу жамиятда меҳнат тақсимотининг шаклланиши натижаси, пулнинг иккита хусусияти бор: биринчиси, товар айирбошлаш бўлса, иккинчиси, «бегона куч» ёллаш-«бир киши иккинчисига ўртада тузилган шартнома туфайли ишлаши». Меҳнатнинг бундай тури муайян қарама-қаршилиқлар – конфликтларнинг шаклланишига олиб келади” – деб таъкидлайди.

Табиат, жамият ва тафаккурдаги қарама-қаршилиқ, инсонлар, синфлар, давлатлар ўртасидаги кураш ҳақида ижтимоий конфликтлар кескин тус олган **Янги даврда** олимлар кўпроқ фикр юритдилар. Конфликтларнинг табиати ҳақида Ф.Бекон, Т.Гоббс, Ж-Ж.Руссо, И.Кант, Гегель ва К.Маркс каби мутафаккирлар қалам тебратганлар.

Немис файласуфи Иммануил Кант (1724-1804) ёнма-ён яшаётган инсонлар ўртасидаги тинч-тотувлик ҳолати табиий ҳол эмас... Аксинча, уруш ҳолати, яъни узлуксиз ҳарбий ҳаракатлар ёки доимий таҳдид табиий ҳолдир деб қараган. Шунга кўра тинч-тотувлик ҳолатини қарор топдириш шарт деб ҳисоблаган[2].

Бошқа бир классик олимлар эса инсоннинг иррационал табиатини, зўравонлик ва агрессия унга табиатан берилганлигини таъкидлайдилар. Томас Гоббс (1588-1679) ғояларига амал қилган ҳолда Фредрех Ницше (1844-1900) ва Зегмунд Фрейд (1856-1939) асарларида ривожлантирилган концепция тарафдорлари инсон хулқ-атворидаги агрессивликни патология, меъёрнинг бузилиши деб эмас, балки табиий ҳолат сифатида қарайдилар. Уларнинг

фикрича, шунинг учун ҳам инсоният мангу тинч-тотувликка интилиб, сўзсиз урушга қайтади.

Классик фалсафада конфликтнинг моҳияти ҳақидаги фикрларнинг сероблигига қарамасдан, XIX аср охирига қадар унда қуйидаги камчиликлар учрайди:

1. Конфликтлар қарама-қаршилик ва кураш, яхшилик ва ёмонлик фалсафий категориялари сингари нафақат ижтимоий, балки табиий борлиқнинг хусусияти сифатида умумий жиҳатдан ёритилган.

2. Ижтимоий конфликтларнинг хусусиятлари, умуман олганда, тадқиқ этилмаган, фақатгина иқтисод, сиёсат, маданият ва психикадаги ижтимоий конфликтларнинг алоҳида турларига тавсиф берилган, холос.

3. Макродаражадаги конфликтлар-синфлар, миллатлар, давлатлар ўртасидаги конфликтлар тадқиқ қилиниб, кичик гуруҳлардаги ва ички шахсий конфликтлар олимлар назаридан четда қолган.

4. Ижтимоий феномен сифатида конфликтнинг умумий томонлари ўрганилмаган. Шундан келиб чиқиб, конфликтнинг мустақил назарияси бўлмаган, конфликтология фан сифатида шаклланмаган.

Социологияда ижтимоий конфликтнинг умумий концепцияси XIX аср охири XX аср бошларига келиб немис олимлари Макс Вебер (1864-1920) ва Георг Земмел (1858-1918) асрларида шакллана бошлади. Улар конфликтлар ижтимоий ҳаётнинг инкор қилиб бўлмайдиган қисми эканлигини асослаб бердилар. Георг Зиммел ўзининг «Замонавий маданият конфликти» (1918) китобида ва яна бошқа асарларида «Жамиятда ўз манфаатларини кўзлайдиган гуруҳлар мавжуд, уларни бир-бирларидан ажратиб бўлмайди, балки улар ўзаро минглаб ришталар билан боғлиқ» деган фикр билдиради.

«Ҳаёт ҳайвоний ҳолатдан юқори даражага кўтарилиши биланоқ унда ички конфликт юзага келди, конфликтнинг кучайиб бориши ва ҳал қилиниши эса бутун маданиятнинг янгиланиш усулидир»[3]-деб таъкидлайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, фан пайдо бўлганидан бошлаб кўпгина мутафаккирлар конфликтлар таҳлилига эътибор қаратганлар. Улар ижтимоий конфликтларнинг жамият ҳаётидаги ижобий ва салбий ролини эътироф этганлар. Фаннинг тараққий

этиши билан конфликт оқибатларини салбий баҳолаш бир мунча устунлик қила бошлаган. Диний таълимотларда, амалий билимлар сингари конфликт ва зўравонликка нисбатан қарама-қарши муносабат шаклланган.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ислом Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. -Т.: «Ўзбекистон», 1999. – Б. 88.
2. Кант И. Соч. в 6 Т.- М, Т. 6. - С. 266.
3. Зиммель Г. Конфликт современной культуры. - Птг: Начатки знаний, 1923. - С. 11.

УДК 32  
ББК 66.01  
М-90

## СИЁСИЙ ИММУНИТЕТ - ЎҚУВЧИ ЁШЛАРДА ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ

М.Мўминов<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Андижон давлат университети эркин изланувчиси, Андижон вилояти хокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курси бош методисти. E-mail: mmuminov-1951@inbox.uz Тел.: +998943881276.

**Аннотация.** Мақолада мактаб ўқувчиларнинг сиёсий иммунитетини шакллантириш юзасидан фикрлар баён қилинган. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш даврида фуқароларнинг давлат ҳимоясидан фойдаланишини таъминлаш учун ўқувчилик давридан бошлаб сиёсий иммунитетини шакллантириш зарурлиги таъкидланган. Мақолада биринчи маротаба “ўқувчилар сиёсий иммунитетини” муаммоси кўтарилган. Ўқувчиларда сиёсий иммунитет шакллантирилса, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини англайдиган, Ватанга, халққа садоқатли авлод этишиб чиқиши мумкинлиги кўрсатиб берилган. Ўқувчиларнинг сиёсий билимлари қанчалик чуқур бўлса, ижтимоий фаоллиги ҳам шунчалик кучли бўлиши таъкидланган.

**Калит сўзлар.** Сиёсат, сиёсий огоҳлик, сиёсий ҳушёрлик, сиёсий иммунитет, мафкуравий иммунитет, суверенитет, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, деструктив кучлар, радикал оқимлар.

**Аннотация.** В статье рассмотрены пути формирования политического иммунитета учащихся. Обращено внимание на вопросы проявления политического иммунитета учеников, как важного фактора в ходе построения правового демократического государства и гражданского общества. В статье впервые использовано понятие «политический иммунитет учащихся». Привитие политического иммунитета учеников играет большую роль в воспитании их верными патриотами, чувствующими внутреннюю и внешнюю политику государства.

**Ключевые слова.** Политика, политическая чуткость, политическая бдительность, политический иммунитет, идеологический иммунитет, суверенитет, правовое демократическое государство, гражданское общество, деструктивные силы.

**Abstract.** Political immunity is a prior form of ideological immunity. Ideological immunity is the feature that stands for struggling against harmful ideology and concepts of citizens whereas, political immunity belongs to above surface, diplomats, deputies and officials that serve to a government. It is believed that there are many more possibilities to develop political immunity of an individual from early school years. For instance, at school: 1) they gain new skills and concepts; 2) their intelligence develop; 3) they could imagine what they listen and see 4) they could develop their critical thinking through reading, learning and observing; 5) they could monitor their feelings through their brain and logical thinking. According to above mentioned examples, while studying at school they recognize the way the country has chosen and what kind of country and society are build and by these they form their own life status and logically comprehend political immunity.

**Keywords:** politics, political warning, political carefulness, political immunity, ideological immunity, sovereignty, judicial democratic state, citizen society, destructive power, radical trend.

Интернет ва СМС хабарлар орқали тарқалаётган жамиятимизга, давлатчилигимизга зид бўлган зарарли ахборотлар ёшларни тўғри йўлдан оғдиришга қаратилганлиги сабабли, уларнинг сиёсий иммунитетга эга бўлиши лозимлигини тақозо қилади. Саёҳлик ё бошқа масалаларда хорижга чиққан баъзи адашган ёшларимиз сиёсий иммунитетга эга бўлмаганлиги сабабли ижтимоий-сиёсий масалаларда азият чекиб қолмоқда. Оғир вазиятларда фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланмаяпти. Дипломатия идораларига ва консуликка муурожаат қилиш орқали мавжуд муаммолардан қутулиш йўлларини билмаяпти. Қайси давлатда миллатлараро ва динлараро бағрикенглик сиёсатига етарли эътибор берилмаса, дин ва мазҳаблар ўртасидаги тортишув қонли тўқнашувга айланиб, фуқароларнинг ночор аҳволда қолиш ҳолатлари кузатилади. Сиёсий иммунитетга эга бўлган одам бундай пайтларда қайдай йўл тутишни билади. Сиёсий иммунитет нима ва унинг бошқа иммунитетлардан фарқи қандай? Ўзбекистон миллий энциклопедиясида давлат имунитети атамасига давлатнинг хорижий юридикция дахсизлиги, деб тариф берилган. Унга кўра давлат ва унинг органларига хорижий давлат судида даъво кўзғатилмайди. Яъни давлат мулки ҳисобидан тўлов ундирилиши,

мулки хатлаб кўйилиши мумкин эмас [1. Б. 14.]. Дипломатик иммунитет – дипломат ходимларга бошқа давлатларда берилган ҳуқуқ ва эркинликлар мажмуаси [1. Б. 290.]. Шунингдек, парламент иммунитетни – парламент аъзолари, яъни депутатлар ва ҳукумат раҳбарлари ҳуқуқларининг дахлсизлиги. Парламент аъзосига парламент рухсатисиз жазо қўлланилмайди [2]. З.А.Жапуев ижтимоий иммунитетни жамиятнинг муносиб ҳаёт тарзини бузувчи ва унга таҳдид солувчи ташқи таъсирлардан ўзини ҳимоя қилиш хусусияти, деб изоҳлайди [3]. А.Ж.Душаев мафкуравий иммунитет фуқароларнинг зарарли мафкура ва ғояларга қарши туриш хусусияти эканлигини таъкидлайди [4. Б. 825-826.]. Сиёсий иммунитет эса – муайян миллат, давлат ва жамият тараққиётига таҳдид солувчи ғоявий-назарий таъсирларга қарши фуқароларда шаклланган сиёсий билимлар тизими. Сиёсий иммунитет асосан жамиятнинг юқори қатламига – дипломатлар, депутатлар, давлат ҳокимияти тизими ходимлари фаолиятига тааллуқли хусусиятдир. Украинадаги сиёсий тартибсизлик жараёнларида нафақат хорижий дипломатик шахслар, балки шу давлатнинг раҳбар ходимлари, депутатлари шахсий ҳаётига ҳам тазйиқ ўтказилди. Умумий ҳолда қаралганда, барча давлат оддий фуқароларининг ўқишга, даволанишга, ишлашга борганда келгинди сифатида камситилиши, кўпол муомалада озор етказилиши, одам савдоси жабрдийдаси бўлиб қолиши ҳоллари учрамоқда.

Бугунги глобаллашув даврида, инсон онги ва қалби учун кураш кетаётган бир пайтда ҳар қандай хавф-хатар чизиғи ҳар бир инсон орқали ўтишини аниқ тасаввур этишимиз керак. Инсон эса, аввало, ўқувчилик давридан бошлаб шаклланади. Шунинг учун сиёсий масалаларда эвришишлар бўлишига йўл кўймаслик учун мактабдаги ўқувчилик йилларидан бошлаб уларнинг сиёсий билимларини шакллантиришимиз зарур. Мактабда ўқувчи: 1) янги билим ва тушунчаларни ўзлаштиради; 2) ақлий қобилияти ривожланади; 3) идрок қилади, эшитган воқеа-ҳодисаларни кўз олдида келтириб, тасаввур қилади; 4) ўқиган, ўрганган, кўрган маълумотларни умумлаштириб, танқидий фикрлайди; 5) шахсий ҳис-ҳаяжони, иродаси орқали ўз онгли фаолиятини бошқаради [5. Б. 247]. Шундан келиб чиқиб, фарзандларимизнинг сиёсий ҳушёрлигини ўқувчилик йилларидан шакллантириш имкониятлари мавжуд. Мактабдаги таълим-тарбия жараёнларида ўз мамлакатининг тараққиётга эришиш учун танлаб олган йўлини

англайди ҳамда шу асосда шахсий ҳаётини позициясини белгилаб олади.

Буни Ўзбекистон мисолида кўрадиган бўлсак, бугунги ёш авлод халқимизга ва Ватанимизга содиқ бўлиб вояга етмоқда. Ота-оналарининг демократик давлат ва адолатли жамият барпо этаётганини онгли равишда тушунади ва бу жараёнда иштирок этишни ўзларининг ҳам шахсий бурчи, фахр ва ғурури деб ҳисоблайди. Аксинча, ҳозирги сиёсий муносабатлар ўткирлашиб бораётган таҳликали даврда давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини билмаслик, унга ҳамоҳанг яшамаслик мамлакатда барқарорликни емиради. Чунки вайронкор кучлар билимсиз, эътиборсиз, тез ишонувчан ёшларни ўз тузоғига илинтиришни ва улардан куч сифатида фойдаланиб, мамлакат сиёсий ҳаётида беқарорлик келтириб чиқаришни ўйлайди. Уларни тўғри йўлдан оғдириб, экстремистик ҳаракатларда иштирок этишга жалб қилади. Ўз фарзандларимиз кучи билан давлатимиз тинчлиги ва осойишталигига путур етказиш ниятида бўлади.

Ғоялар кураши тобора авж олаётган ҳозирги давр барчамизни сиёсат масалаларида огоҳ ва хушёр бўлишга мажбур қиляпти. Ўқувчиларда, айниқса, юқори синфларда сиёсий атамаларни, давлат, ҳокимият тизими, сиёсий партиялар фаолияти, халқаро сиёсий муносабатларни билиш ва англашга эҳтиёж сезилмоқда. Уларга сиёсий билимларни сингдиришда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда дастлаб сиёсат тўғрисида маълумот бериш тўғри бўлади. Сиёсат – давлат ва жамиятни бошқариш санъати ва маҳоратидир. У сиёсий институтларнинг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ фаолият доирасидир. Сиёсий институтлар эса жамиятнинг қарор топган давлат ташкилоти муассасалари ва ундаги лавозимлар таркиби бўлиб, суверен давлатнинг равнақига хизмат қилади.

Суверенитет – сиёсий мустақилликдир. У – давлат бошқарувини ҳамда ички ва ташқи сиёсий фаолиятини хорижий аралашувларсиз идора этишдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида ҳам Ўзбекистон – суверен демократик республика эканлиги белгилаб қўйилган. 3-моддада эса мустақил равишда ўзининг миллий давлат тузилишини амалга оширади, деб ёзилган. 4-моддада Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларнинг ҳурмат қилиниши баён қилинган. Конституциямизнинг 24-32-моддаларида фуқароларнинг шахсий



ҳуқуқ ва эркинликлари белгилаб қўйилган. Масалан, 31-модда қуйидагича: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” деб баён қилинган. Бу модданинг ҳаётийлигини мамлакатимизда Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтган 16 та диний конфессия вакиллари эмин-эркин диний амалларини тўлиқ бажараётганлигидан билиш мумкин. Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини тушунган одам унинг ниҳоятда адолатли эканлигини, демократик тамойиллар асосида тузилганлигини ҳис қилади. Фарзандларимиз бундай эркинликларга нисбатан нонқўрлик қилиб, ўз юртига хиёнат қилмаслиги, ота-онасининг юзига оёқ қўймаслиги керак. Моддий манфаатни кўзлаб, миссионерларининг пулига учиб, муқаддас динини сотмасин, мазҳабини алмаштирмасин ҳамда экстремист, террорчи бўлиб қолмасин.

Конституциямизнинг 57-моддасида диний руҳдаги сиёсий партия ва жамоат бирлашмалари юзасидан Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи гуруҳларнинг фаолияти тақиқланганлиги баён қилинган. Республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланганлиги – барчаси давлатимизнинг одамлар тинчлиги соҳасидаги ғамхўрлик намунасидир [6]. Шундай экан, ҳатто, чет давлатларда юрганда ҳам Конституциямиз моддалари билан тақиқлаб қўйилган гуруҳларга билиб-билмаган ҳолда аъзо бўлмасликлари шарт.

Ғоявий душманларимиз томонидан ёшларимизга диний радикализм, ақидапарастлик, сепаратизм, мутаассибликка бўлган чекловларни гўёки диндорларга бўлган тазйиқ деб тушунтирилади. Бу – ичиқоралик билан нотўғри маълумот бериш, одамларни давлатга қарши қўйишдир. Ҳар бир фуқаро ўзининг динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишга, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу

тарзда мажбур этилмайди. Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига, оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига қонунга зид тарзда динни ўргатишга йўл қўйиш тақиқланган. Айниқса, мактаб ўқувчиларини рухсат этилмаган жойларда диний сабоқ олишларига йўл қўйиб бўлмайди. Диний мутаассибликнинг олдини олиш учун хужра усулидаги ўқишларга барҳам бериш керак.

Ўзбекистонда амалдаги давлат тузумига қарши жиҳод эълон қилиб, Конституцион ҳукуматни ағдариб, бошқарувни қўлга киритишга ҳаракат қилаётган диний радикал оқимлар пинҳона фаолият олиб бормоқда. Экстремизм бу мақсадига эришиш учун ёшлар кучидан фойдаланишни ўйлайди ва бунинг учун фарзандларимизни ёлғон ваъдалар билан алдаб, онгига фикрий таъсир ўтказди [7. Б. 179-183]. Шунинг учун “Тарбия” дарсларида:

- диний радикал оқим вакиллариининг бузғунчиликдан иборат асл башарасини очиб ташлаш;

- экстремистларнинг “ким биз билан бирга бўлмаганлар душманларимиз”, “сизлар кофирсиз, дўзахийсиз” деган иддаолари нотўғри эканлигини исботлаб бериш;

- ноқонуний ташкил қилинган йиғилишларда иштирок этмасликни уқтириш;

- “халифаликни ўрнатсак, сен амир бўласан, тезда бойиб кетасан”, деган ваъдалари пуч, чунки ривожланган шароитда тарих энди орқага қайтмаслигини ва халифалик давлати асло қурилмаслигини тушунтириш;

- чет эл разведкасига ёлғон маълумотлар беришдан қайтариш;

- Ўзбекистон тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатмоқчи бўлганларга қарши зарба бериш;

- диний ақидапарастларга хизмат қилиш – бу ўз халқига, Ватанига қарши ҳаракат эканлигини тушунтириш талаб этилади.

Ўқувчиларимиз ўз мустақил фикрига эга бўлсин. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигидан фойдалансин. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни изласин, олсин ва уни тарқатсин. Аммо булар амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот бўлмаслиги керак. Шунингдек, давлат сирига тааллуқли бўлган маълумотларни тарқатиш қонун билан чекланган. Бу тўғрида ўқувчиларга рақиб томонининг радиотўлқинларига чиқиш, уларнинг даъватлари ёзилган варақалар тарқатиш, кўча-кўйда

афсона ва миш-мишлар тарқатиш ва Қуръони карим оятлари, ҳадисларнинг мазмунини бузиб тушунтириш каби қалбаки ёндашиш мафкуравий, сиёсий масалаларда адашишликка олиб келишини уқтириш даркор.

Сиёсий огоҳлик эл-юрт тинчлигига хавф солувчи қандай кучлар мавжудлигини билишдир. Сиёсий ҳушёрлик эса, давлат тинчлигига таҳдид солувчи кучларнинг фаолиятига қарши туриш хусусиятидир. Фуқаролар давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этмаса, ҳеч қайси давлатда демократик жамиятни барпо қилиб бўлмайди. Мана шундай сиёсий ишларда қатъиятлилик, фидойилик, садоқатлилик ҳар бир фуқаронинг сиёсий иммунитетни мустаҳкам бўлишига боғлиқ. Бу жараён жамиятимизда ижтимоий феномен эканлиги биз томондан ёритиб берилган эди [8. Б. 72-74]. Сиёсий иммунитет – сиёсий маданиятнинг таркибий қисмларидан бири. У фуқароларда давлатнинг ички ва ташқи сиёсат олиб боришига тўсқинлик қилувчи деструктив кучларнинг таъсирига берилмаслик хусусиятини ҳам қамраб олади. Мамлакатимиздаги бой моддий ресурсларни қўлга киритиш илинжида пинҳона кураш олиб бораётган рақибларимизга мутъе бўлиб қолмаслик учун ҳар бир ўқувчининг:

- давлат олиб бораётган инсонпарвар тадбирларга ва мамлакат истиқболига қарши тухмат, бўҳтон уюштирувчи шахслар тоифасига кўшилмаслиги;

- фаол фуқаролик позициясини эгаллаши, яъни Ватанни севиши, Конституцияда белгиланган бурчларни бажариши, давлат ташқи ва ички сиёсатининг моҳиятини билиши, уни қўллаб-қувватлаши;

- давлат кун тартибига қўяётган ижтимоий масалалар: бозор иқтисодиётини ривожлантириш, фуқаролар тотувлигини, миллатлараро муносабатларни, фаровон ҳаётни таъминлаш, барқарорлик шароитини яратиш бериш жараёнининг иштирокчиси бўлиши;

- халқимизнинг олижаноб мақсади – демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо қилиш жараёнларида фаол иштирок этиши;

- давлат олий бошқарувига ишончсизлик уйғотишга ва жамият тараққиётига қаршилик кўрсатишга қаратилган даъватларни инкор этиши керак бўлади.

Сиёсий иммунитет ҳар бир давлатда фуқаролар онгида ўзига хос усулларда шаклланади. Буни Ўзбекистон шароитида кўрадиган бўлсак: 1) оила муҳитида [9. Б. 252-254]; 2) мактабгача таълим муассасаларида [10. Б. 74-78]; 3) умумий ўрта таълим, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида [11.Б. 69-152]; 4) маҳалла шароитида намоён қилиш мумкин [12. Б. 128-132].

“Тарбия” дарсларида мактаб ўқувчиларининг бошланғич синфлардан бошлаб Ватанни севиши, Ватан рамзларини, олий ҳокимият раҳбарларини ҳурмат қилиши, миллий кадриятларни ўрганиши, намунали хулқ билан аъло баҳоларга ўқиши таъминланади. Ота-боболаримизнинг озод ва обод Ватанни барпо этишдаги фидокорона меҳнати ҳикоя қилиб берилади. Ўзбек халқи бой маънавий меросга ва маданиятга эга эканлиги тушунтирилади. Юртимизнинг қадимий шаҳарлари, илм-фан соҳасидаги салоҳияти, моддий ва номоддий бойликлари юзасидан маълумотлар берилади. Ватан, ер остки ва ер устки бойликларининг эгаси халқимиз эканлиги уқтирилиб, Ўзбекистондай давлатнинг фарзанди бўлганлигидан ғурур ва ифтихор туйғулари намоён қилинади [13. Б. 301-305].

5-синфдан бошлаб эса юқори синф ўқувчиларига “Тарбия” дарсларида давлатимизнинг “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари”, “Инсон манфаатлари - ҳамма нарсадан устун” деган тамойили ва “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган эзгу ғоялари орқали фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишига эътибор қаратиш керак. Халқимизнинг давлат тузумида ўзига хос ва ўзига мос танлаган йўли - ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш эканлиги тушунтирилади.

Ўзбекистонда 2019-2000 ўқув йилидан бошлаб Президент мактаблари ташкил қилинганлиги қувончлидир. Унда таълим оладиган иқтидорли, қобилиятли болалардан етук инсонлар чиқиши шубҳасиз. Ўқувчиларни ёшлик давридан бошлаб сиёсат масалаларига қизиқтириш сиёсий иммунитетни шакллантиришда исталган натижани беради. Тажрибамиздан ўтказилганидек, мактабда ўқувчилар жамоасидан ўқув ишлари бўйича “мактаб президенти”, тежамкорлик, соғлиқ, меҳнат, спорт, санъат йўналишларида “вазирлар”нинг тайинланиши демократик

тамоийиллар ҳисобланиб, ўқувчиларда бошқарувчилик хусусиятини пайдо қилган эди. Айниқса, ҳар ойда бир кун мактаб ўқув-тарбия ишларини ўқувчилар ихтиёрига топширилиши уларга масъулиятни юклади ва ўзларини катта ёшлилардек тутишди. Яъни мактаб директори, унинг ўқув, маърифий-маънавий, хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари, дарс ўтувчи ўқитувчи ролларида ўқув жараёнининг ўқувчилар томонидан бошқарилиши муносиб ўринбосарларни тарбиялашда ижобий натижаларга олиб келди.

Андижон шаҳридаги 3-мактабда ташкил қилинган “Заковат” ижтимоий-сиёсий тўғарак машғулоти баҳс-мунозара, дебат, ғоялар кураши, ролли ўйинлар шаклида олиб борилади. Дебат машғулотида ўқувчиларни икки гуруҳга бўлиб, Олий Мажлис парламентидаги сиёсий партиялар фракциясига ўхшаган соғлом рақобат ҳосил қилинади [11. Б. 105-152]. Мана шундай метод ва шакллар ўқувчиларнинг эркин фикрлашини ҳосил қилади ва ҳуқуқий маданиятли, сиёсий иммунитетли бўлиб ўсишини таъминлайди. Зеро, қонун устувор юртда тараққиёт бўлади. Фуқаролик жамиятининг асоси ҳам ҳуқуқий маданиятликда. Секин-асталик билан ўқувчилар томонидан қонунни бузиш ғайритабиий ҳодисага айланиб боради.

Ёшларимизнинг жинойтчи бўлиб террорчилик ҳаракатларига аралашиб қолиши кечирилмас ҳолдир. Бунинг олдини олиш учун ўқувчиларга террорнинг даҳшати, унинг давлат тараққиётига, жамият тинчлигига зиён етказиши тушунтирилади. Террорнинг жинойт, ноинсоний ҳаракат эканлигини англаса, у террор ва террорчини лаънатлайди. Бу билан бола террорчи бўлиб қолишининг олди олинади. Педагоглар шуни яхши билишлари жоизки, ижтимоий психологларнинг таҳлиliga кўра деструктив кучлар ғоявий таъсирларга берилишга мойил кишиларни излаб юрадилар. Бундай тоифали кишилар жамиятдан норизо ҳамда экстремистик кайфиятда бўлади. Агар бир оила аъзоси шундай характерга эга эканлиги сезилса, қолганларининг юриш-туриши, феъл-атвори, фикр-мулоҳазалари ҳам назорат қилиниши зарур. Ваҳима кўтарувчи, руҳан ожиз, ўзгалар тарбиясида бўлганларга ҳам эътиборли бўлиш керак [14. Б. 117-121].

Мамлакатни терроризмдан хавфсизлигини таъминлаш, ўз халқининг мустақиллигини, суверенитетини ва тинчлигини ҳимоя қилиш ва сақлаш асосий вазифалар эканлиги ўқувчиларга уқтирилади. Ҳар бир фуқаронинг терроризмга қарши курашни

амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиши зарурлиги тўғрисидаги вазифалар сингдирилади. Ўқувчиларга мамлакатимиз тараққиётига раҳна солаётган терроризмнинг асл мақсад-муддаолари нимадан иборат эканлиги тушунтирилса, унга қарши нафрати ортади [15,16. Б. 177-179].

Янгиланаётган Ўзбекистон кейинги уч йилда бундай масалаларга катта эътибор қаратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномасида ривожланган мамлакатларда бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг таълим-тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор қаратилишини айтиб, у инвестиция жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтираётганини таъкидлади. Шундан хулоса чиқариб, мамлакатимизда илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштиришни парламентга вазифа қилиб қўйди. Президентимиз халқимизнинг “таълим ва тарбия бешиқдан бошланади” деган ҳикматли сўзини эслатиб, фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклашини баён қилди [17]. 2019 йил 19 март куни видеселекторда ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларида олдимиздаги вазифаларни белгилаб берди. Бугунги кунда ҳам мазкур вазифалар ижросини таъминлашга барча ҳудудларнинг мутасадди раҳбарлари: Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги, “Нуроний”, “Маҳалла” жамғармалари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳудудий бўлимларини шахсан масъул ва жавобгар этибгина қолмасдан, балки бутун жамоатчилик иши деб қаралиши керак бўлади. Мазкур маънавий-маърифий ишларнинг янги тизими таълим масканларига ҳам тегишинча вазифаларни юклайди.

Ўзбекистондаги таълим муассасаларида ўқув йили бошланишида ўтказиладиган мустақиллик дарсларининг аҳамияти катта. Машғулотларда Ўзбекистон Республикасининг истиқлол учун кураш тарихи, бунёдкор ғоялари, ҳозирги куни, истиқболи тўғрисида аниқ ва мукамал билимлар берилади. Мустақиллик

дарси бутун ўқув йили давомидаги «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг бир қисми сифатида ўтказилади.

Мустақиллик дарси ўқувчилар ёшига қараб махсус ўқув режа ва ўқув дастури асосида олиб борилади. Масалан, Ватан мустақиллиги учун кураш тарихи, мустақилликнинг қўлга киритилиши, жаҳолатга қарши маърифат, жамиятни демократлаштириш ва ривожлантириш юзасидан билимлар берилади. Ўқувчиларнинг мамлакатимизда бўлаётган ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонининг мазмун-моҳияти сингдирилади [18]. Мазкур Фармон асосида қабул қилинган давлат дастурида Ҳаракатлар стратегиясининг мақсад ва вазифаларини вазирлик тизимидаги барча таълим муассасалари педагогик жамоалари ва ота-оналар иштирокидаги давра суҳбатларида, ўқувчилар билан ўтказиладиган тарбиявий соатларда тушунтирилади. Жумладан, давлат органлари ходимлари, таълим муассасалари ўқувчилари ва жамоатчилик ўртасида терроризм, экстремизм ва бошқа жиноий фаолиятнинг олдини олишга қаратилган комплекс профилактик-тушунтириш тадбирлари ўтказилади. Ўқувчиларни диний экстремизм, ақидапарастлик каби бузғунчи ҳаракатлар таъсиридан асраш мақсадида таълим муассасаларида “Ислоҳ маърифати ақидапарастликни қоралайди”, “Диний экстремизм ва терроризм – ёшлар келажагига таҳдид” мавзуларида учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилади.

Ҳаракатлар стратегиясининг 5-йўналишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик, юрт тақдирига дахлдорлик, қонунларга ҳурмат руҳида ўстириш, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, қатъий ҳаётий позицияга эга қилиб тарбиялаш борасида маънавий-маърифий чора-тадбирлар амалга оширилади. Ўқувчилар ва ота-оналар ўртасида китобхонликни, мутолаанинг инсон камолотидаги ўрнини тарғиб этишга алоҳида аҳамият берилади. Бадиий адабиётларнинг электрон нусхалари кенг микёсда порталларга жойлаштириб борилади. Кутубхоналар ва АРМлар китоб фонди

ўқувчиларнинг маънавиятини бойитадиган янги бадий, энциклопедик, сиёсий адабиётлар билан бойитилади.

Ҳар бир дарс миллий ғоя тамойиллари асосида ўтказилса, ўқувчиларнинг маънавияти - руҳий ва ақлий олами кенгайди, яъни фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, диний тасаввурлари бойийди. Яшашдан мақсади, фикр юритиши, орзу-истаклари, интилишлари, ҳис-туйғулари ривожланади. Ўзбекистонда яшаб, фаолият кўрсатаётган бир миллат вакили сифатида мамлакатимизда озод ва обод ватан барпо этиш учун бирлашиш заруратини англайди.

Мустақиллик дарслари ўқувчиларга ватанпарварлик руҳини, инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини, умуминсоний кадриятларни сингдиради. Дарс машғулот давомида миллий ғоя асосида ўзаро уюшади, ўз олдига вазифалар қўйиб, келажагини белгилаб олади ва уларни оғишмай амалга оширишга қодир бўлади. Ўзбекистон собиқ 15та республика орасида биринчилардан бўлиб, ўз мустақиллигини эълон қилганлигини ўқувчилар билиб оладилар. Мамлакатимизда давлатга раҳбарлик қилиш Коммунистик партиядан Президент бошқарувига ўтилиши 1990 йил 24 март куни парламент қарори билан йўлга қўйилган. Бу мустақил тузум шароитида иттифоқдош республикалар ичида биринчи бўлиб мустақиллик сари дадил қўйилган дастлабки қадамлардан бири эди.

Ўқувчилар қуйидаги 5 та маълумотни умр бўйи ёдда сақлашлари шарт: 1). Мустақиллик декларацияси (1990 йил 20 июнь) Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг II сессиясида қабул қилинган бўлиб, у Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишида муҳим қадам бўлди. 2). 1991 йил 31 август куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёноти Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсий йўлини тўла қонунлаштириб берди. 3). 1991 йилнинг 31 августида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ана шу қонун доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг бундан кейин Ўзбекистон ССРни Ўзбекистон Республикаси деб аташ, 1 сентябрни Мустақиллик куни деб эълон қилиш, Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, иттифоқнинг ва унинг таркибига кирадиган барча мустақил давлатларнинг олий қонун чиқарувчи идораларига, барча хорижий давлатларга ва



жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, уларни республиканинг давлат мустақиллиги эълон қилинган ҳужжатни тан олишга даъват этиш тўғрисида қарор қабул қилди. 4). Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессиясида “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида” ги ҳуқуқий ҳужжат истиқлол йўлида халқимизнинг минг йиллик орзулари ушалишига сабаб бўлди. 5). Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган Конституцияси мустақил суверен давлатнинг асосий қонуни сифатида давлатни умуминсоний демократик тамойиллар асосида бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаб берди.

Ўзбекистонда демократик ривожланиш жараёнида ёшларнинг сиёсий фаолиятини ошириш, уларнинг эҳтиёжи даражасида сиёсий қарашларини ривожлантириб бориш билан боғлиқ ёшларга оид мутлақо янги давлат сиёсати жорий қилинди. 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ги ЎРҚ-406-сонли Қонуннинг 10-моддаси таълим муассасаларига бир қатор вазифаларни юклайди. Жумладан, таълим муассасаларидаги педагоглар кенгаши ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ўзларининг таклифларини беришлари ҳамда уни амалга оширишнинг изчил усулларини қўллашлари керак бўлади. Халқ таълими бўлимларидаги ўқув методик уюшмалар ва мактаблардаги фан бирлашмалари таълим сифатини оширишга, малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда амалий таклифлари билан иштирок этади. Маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати комиссияси аъзолари билан ҳамкорликда ҳамда манфаатдор ташкилотлар ва муассасалар билан биргаликда битирувчиларнинг ўқиши ва касб эгаллашининг таҳлилини амалга оширади [19. Б. 15-18].

Ўқувчиларда сиёсий иммунитетни шакллантириш самарадорлигига эришиш учун қуйидагиларни таклиф қиламиз: 1. Педагоглар ўқувчиларга сиёсий билимларни беришда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан ҳамкорлик қилиши зарур. 2. Тиббиёт бирлашмаси, фуқароларнинг бандлигига кўмаклашиш маркази, Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги туман (шаҳар) бўлимлари билан ҳамкорликда

ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш, миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги ғояларини мустаҳкамлаш умумхалқ иши сифатида амалга ошириш мумкин. 3. Мавжуд сиёсий партияларнинг Ёшлар қаноти мактаб ўқувчиларини ҳам қамраб олса, мустаҳкам иродали электоратлар етишиб чиқади. Шундай мақсадда ёш сиёсатчилар, ёш ҳуқуқшунослар, ёш китобхонлар, ёш тадбиркорлар, ёш экологлар гуруҳларини ташкил қилиш сиёсий партиялар учун ҳам, мактаб ўқувчилари учун ҳам фойдали бўлади. 4. Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги томонидан спорт секциялари, фан, техника тўғараклари, ижодий тўғараклар, ёшлар клублари фаолиятини ва мусобақаларини ташкил этиш керак. Бу ўз навбатида “Ёшларнинг бўш вақти – душманларнинг иш вақти” деган нақлга эътибор берган ҳолда - ёт мафкураларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш ҳисобланади. 5. Дарсдан бўш пайтларда адвокатлик ишлари, “Юридик клиника”, ҳуқуқий маслаҳат берувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда маърифий тадбирлар ўтказиш орқали педагоглар ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириши, шунингдек, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялашлари даркор. 6. Яшаш жойларида жамоатчилик назорати комиссияси томонидан ёшларнинг ўқиши, ахлоқи, кишилар билан ўзаро муносабатларига эътибор кучайтирилса, яхши бўлади. Уларни зарарли одатлардан, таъсирлардан ҳимоя қилиш профилактикаси олиб борилади. Ҳаттоки, имконияти чекланган ёшларга бориб ижтимоий-психологик ва педагогик ёрдам кўрсатиш, ёш фуқароларни ижтимоий-мафқуравий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирлар кўриш доимий фаолиятга айлансин. Шундай қилинганда ўқувчининг дунёқараши, эътиқоди, руҳияти ва ҳуқ-атвори меъёрлари, қолаверса, ахлоқ-одоби, виждони, имони, садоқати билан бошқаларга намуна бўладиган жисмонан бақувват, маънавий етук шахс бўлиб тарбияланади. Шу билан бирга, уларда давлат ва жамиятга қарши ғайриқонуний ҳаракатларга қўшилмаслик хусусиятлари пайдо бўлади. Ўқувчиларимиз мактабда 11 йил ўқиш давомида:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя қилади;
- фуқаролик бурчига виждонан ёндашади ва Ўзбекистон фуқароси деган юксак номга муносиб бўлади;
- турмуш тартиб-қоидалари ва жамият талабларини бажаради;
- Ватанини ҳимоя қилади, ўз давлатининг қудратини оширишга ҳисса қўшади. Шу билан бирга, Конституциямизда белгилаб қўйилган Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Мана шундай хусусиятларга эга бўлган боладан ватанфурушлик, сотқинлик, ёмонлик чиқмайди. Мазкур жараёни алоҳида сиёсий-ижтимоий муаммо сифатида ўрганиш, илмий хулосалар билан ечимини топиш ва бу борадаги илғор тажрибаларни ҳаётга татбиқ этиш керак бўлади.

Демак, ҳар бир фуқаронинг ўз Ватанини севиши инсонийлик бурчи ҳисобланади. Демократия тамойилларидан бири – бу шахс билан давлат ўртасида уйғунликни таъминлашдир. Бу уйғунлик фуқароларнинг сиёсий иммунитетга эга бўлиш хусусияти билан боғлиқ. Шунинг учун давлатимизнинг раҳбарларини, ҳукуматини, қонунларини, Сенатини, Қонунчилик палатасини ҳурмат қилиш бўйича ўзаро муносабатларни тартибга солиш учун махсус қонун қабул қилинса, яхши бўлар эди. Бу қонун ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қилади. Шунда фарзандларимизни мактаб чоғидан бошлаб сиёсий иммунитетли қилиб вояга етказиш жараёни янада яхшиланади.

#### Адабиётлар.

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2006. [WWW.ziyouz.com](http://WWW.ziyouz.com) 10.04.2019. Б
2. Юридический словарь. 1996-2019. <https://academic.ru> 27.04.2019.
3. *Жануев* З.А. Социальный иммунитет как предмет социологического исследования: концептуализация понятия. 2013. <https://cyberteninka.ru> 10.04.2019.
4. *Душаев* А.Ж. Глобализация и идеологический иммунитет. // Молодой ученый.-2005.-№13. <https://moluch.ru> 08.04.2019. С. 825-826.

5. Абдуллаева М.Н., Абдурашидов М., Абилов У. ва бошқалар. Фалсафа: қисқача изоҳли луғат. –Т: “Шарк”, 2004. –384 б. Б. 247.
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т:“Ўзбекистон”, 2019 йил.
7. Ҳайитматов З.М. Диний экстремистик ғояларга қарши курашнинг долзарб масалалари./Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг модернизациялашув жараёни ва унинг амал қилиш хусусиятлари. – Тошкент: “Наврӯз”, 2016. –266 б. Б. 179-183.
8. Муминов М. Social aspects of the formation of political immunity in students.//The Way of Science. International scientific journal. –Volgograd: 2018. №12. 8. P. 72-74.
9. Маматқулов А. Ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни ривожлантириш йўллари./Конституция ва баркамол авлод тарбияси. –Андижон: ХТХҚТУМОИ, 2017. –264 б. Б. 252-254.
10. Абдуллаева М. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни миллий кадриятлар асосида тарбиялаш йўллари./Таълим-тарбиянинг маънавий-маърифий ва миллий-ғоявий асослари. –Андижон: “Ҳаёт”, 2010. –340 б. Б. 74-78.
11. Мўминов М. Глобаллашув жараёнида ўқувчилар мафкуравий иммунитетини шакллантириш ва ривожлантириш. (Монография.) –Андижон: “Ҳаёт”, 2018. –160 б. Б. 105-152
12. Азимов О., Севаров О. Оила ва маҳалланинг вояга етмаганлар тарбиясидаги ўрни./Маънавиятимизга таҳдид – келажакка таҳдид. –Тошкент: “NISHON-NOSHIR”, 20011. –200 б. Б. 128-132.
13. Болтабоева С., Мирзаева Г. Бошланғич синф ўқувчиларига маънавият тушунчаларини сингдириш усуллари./Таълим-тарбиянинг маънавий-маърифий ва миллий-ғоявий асослари. – Андижон: “Ҳаёт”, 2010. –340 б. Б. 301-305.
14. Камолов Ж., Қодиров У. Ёшлар тарбиясида мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг аҳамияти//“Халқ та’лими” журнали, 2016. 2-сон. Б. 117-121.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни. 2000 йил 15 сентябрь.
16. Хисомиддинов Ш. Миллий ғоянинг халқаро экстремизм ва терроризмга қарши курашдаги методологик роли./Таълим-тарбиянинг маънавий-маърифий ва миллий-ғоявий асослари. – Андижон: “Ҳаёт”, 2010. –340 б. Б. 177-179.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатнома. 2018 йил 28 декабрь.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4449-сонли Фармони. 2017 йил 7 февраль.

19. *Исроилов А.* Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари./Конституция - демократик тамойиллар пойдевори. - Андижон: “Ҳаёт”, 2017. -328 б. Б. 15-18.

Автор ҳақида: МҰМИНОВ Махаматкарим, Андижон давлат университети эркин изланувчиси, Андижон вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курси бош методисти. **E-mail:** [mmuminov-1951@inbox.uz](mailto:mmuminov-1951@inbox.uz) Тел: +998943881276.

Сведения об авторе: МУМИНОВ Махаматкарим. Независимый соискатель Андижанского государственного университета. Главный методист учебных курсов работников органов самоуправления граждан при хокимияте Андижанской области. **E-mail:** [mmuminov-1951@inbox.uz](mailto:mmuminov-1951@inbox.uz) Тел: +998943881276.

Information about the author: MUMINOV Mahamatkarim. Independent researcher of the Andijan State University. Chief methodologist of the retraining course on citizens' self-regulation under Andijan regional government. Contact info: **E-mail:**

Key words: politics, political warning, political carefulness, political immunity, ideological immunity, sovereignty, judicial democratic state, citizen society, destructive power, radical trend.

#### **Author's abstract.**

Political immunity is a prior form of ideological immunity. Ideological immunity is the feature that stands for struggling against harmful ideology and concepts of citizens whereas, political immunity belongs to above surface, diplomats, deputies and officials that serve to a government. It is believed that there are many more possibilities to develop political immunity of an individual from early school years. For instance, at school: 1) they gain new skills and concepts; 2) their intelligence develop; 3) they could imagine what they listen and see 4) they could develop their critical thinking through reading, learning and observing; 5) they could monitor their feelings through their brain and

logical thinking. According to above mentioned examples, while studying at school they recognize the way the country has chosen and what kind of country and society are build and by these they form their own life status and logically comprehend political immunity.

The importance of recognizing features that are counted before, one can realize the development of democratic and fair nation and consider participation in the process as their pride and obligation. On contrary, lack of political immunity and not knowing enough about internal and external policy of the country cause the deformation of peace in a country. As we know, destructive forces trap unconscious, reluctant and easy believable youngsters and use them as power to bring up political unsustainability in the country. By using our children they want to harm and destroy peaceful life in the country.

In such a concerning era where battle of concepts are progressing they make us be attentive and careful with political matters. There is demand for youngsters, especially for high school learners to recognize and comprehend political terms, government and management system, work of political parties and international political relations. There a question arises, what is Politics? Politics is an activity that related to a competent management of government and society aligned with cooperation of political institutions. Political institutes serve to enhancement of sovereign country.

School students are supported in order to love their motherland, to know national symbols, to respect government authority, to learn national customs and to study with excellent behavior and marks. In reading, Uzbek language, handicraft lessons students are taught about ancestors who worked hard for the sake of the development of the country.

From the fifth grade in sense of motherland, history, national sovereignty concept and basis of educative principles classes much attention is given to the citations such as "From a strong government to a strong citizens society", "Individuals benefits are prior " and "Nationals should not serve to government organizations but government organizations must do that " and on the basis of those citations citizens awareness developed on their rights and obligations. This process should be investigated as politico-social problem and solutions are provided to implement them to real life. As a result, we can bring up children political immunity from their school years.

## REFERENCES

1. (2006) *O'zbekiston milliy ensiklopediyasi*. [Uzbekistan National encyclopedia]. [WWW.ziyouz.com](http://WWW.ziyouz.com)10.04.2019.
2. (1996-2019) *Yuridicheskiy slovar*. [Judicial dictionary] . <https://academic.ru> 27.04.2019.
3. Japuev Z.A. (2013) *Sotcialniy immunitet kak predmet sotsiologicheskogo issledovaniya: kontseptualizatsiya ponyatiy*. [Social immunity as a source of social research: conceptual notion]. <https://cyberteninka.ru> 10.04.2019.
4. Dushaev. A.J. (2015) *Globalizatsiya I ideologiyatskiy immunitet*. [Globalization and ideological immunity]. // *Molodoy uchyoniye*. - №13. <https://moluch.ru> 08.04.2019.
5. Abdullayeva. M., Abdurashidov M., Abilov. U. (2004) *Falsafa: qisqacha izohli lug'at*. [Philosophy: briefly explained dictionary]. Tashkent: "Sharq", p-384.
6. The Constitution of the Republic of Uzbekistan, Uzbekistan, 2019.
7. Hayitmatov Z.M. (2016) *Diniy ekstremistik g'oyalarga qarshi kurashning dolzarb masalalari*. [Modern issues for struggling against religious extremist concepts]. *O'zbekiston ijtimoiy hayotining modernizatsiyalashuv jarayoni va uning amal qilish xususiyatlari*. [The process of modernization of social life of Uzbekistan and peculiarities of implementing them]. Tashkent: Navro'z . p-266.
8. Muminov M. (2018) Social aspects of the formation of political immunity in students. // *The Way of Science*. International scientific journal. - Volgograd. №12. p-80.
9. Mamatqulov A. (2017) *O'quvchilarda mafkuraviy immunitetni rivojlantirish yo'llari*. [Ways of developing students ideological immunity] *Konstitutsiya va barkamol avlod tarbiyasi*. [Constitution and education of developing generation]. Andijon: XTXQTUMOI, -264.
10. Abdullayeva M. (2010) *Maktabgacha ta'lim muassasalarida bolalarni milliy qadriyatlar asosida tarbiyalash yo'llari*. [Ways of educating children in preschool education on the base of traditional customs]. Andijan, Hayot. p-340.
11. Muminov M. (2018) *Globalashuv jarayonida o'quvchilar mafkuraviy immunitetini shakllantirish va rivojlantirish*. [Developing students ideological immunity in globalizing period]. *Monografiya*. [Monograph]. Andijon: Hayot. p-160.

12. Azimov O., Sevarov O. (2011) *Oila va mahallaning voyaga yetmaganlar tarbiyasidagi o'рни*. [The role of family and community in educating teenagers]. *Ma'naviyatimizga tahdid – kelajakka tahdid*. [Thread for Spirituality-Thread for future]. Tashkent: Nishon-Noshir. p-200.

13. Boltaboyeva S., Mirzayeva G. (2010) *Boshlang'ich sinf o'quvchilariga ma'naviyat tushunchalarini singdirish usullari*. [Ways of educating spiritual notions] *Ta'lim-tarbiyaning ma'naviy-ma'rifiy va milliy-g'oyaviy asoslari*. [Bases of concepts of spirituality, education]. Andijon: Hayot. p-340.

14. Kamolov J., Qodirov U. (2016) *Yoshlar tarbiyasida mafkuraviy immunitetni shakllantirishning ahamiyati*. [The importance of developing ideological immunity in educating youth] *"Xalq ta'limi" jurnali*. [Public education journal]. Tashkent: 2<sup>nd</sup> edition.

15. The Law on Struggle against Terrorism of Republic of Uzbekistan, September 15, 2000.

16. Xisomiddinov Sh. (2010) *Миллий гоянинг халқаро экстремизм ва терроризмга қарши курашдаги методологик роли*. [The methodological role of national concept in struggling against international extremism and terrorism]. *Таълим-тарбиянинг маънавий-маърифий ва миллий-гоявий асослари*. [Bases of concepts of spirituality, education]. Andijan: Hayot. p-340.

17. The request of the president of the republic of Uzbekistan to Supreme Court, December 28, 2018.

18. Action Strategy of developing the Republic of Uzbekistan by the president of the republic of Uzbekistan, Decree PF 4449.

19. Isroilov A. (2017) *Yoshlarga oid davlat siyosatining huquqiy asoslari*. [Legal basis of Youth State Policy]. *Konstitutsiya – demokratik tamoyillar poydevori*. [Constitution is the foundation of democratic principles]. Andijan: Hayot, 2017. p-328.



## МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚ ШАКЛЛАНТИШ

### З.Б. Эшпулатова – Сам ИСИ стажёр-ассистенти

Молиявий натижалар хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий фаолиятининг натижасидир. Молиявий натижалар барча корхоналарда аввало даромад олишдан ва харажатларни амалга ошириш натижасида шаклланади. Бундан кўриниб турибдики, молиявий натижалар шакилланишида асосий элементлардан бири бўлиб, даромадлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорларига мувофиқ ташқи инвесторга молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботлардаги даромадлар элементини тушунарли ва шаффоф бўлиши учун мамлакатимизда иқтисодий субъектлар аста секинлик билан Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида ҳисоб тизими шакилланимоқда.

Даромадларга оид тадқиқотлар натижасида шартномалар бўйича тушумларни тан олиш ҳамда молиявий ҳисоботларда акс эттириш, фойдани ҳисоблаш, фойдани тақсимлаш методологиясини такомиллаштиришга эришилган. Лекин, ушбу эришилган натижалар ривожланаётган мамлакатларда тўлиқ жорий қилиниши амалга оширилган эмас. Бундан ташқари, даромадларга оид МҲХСларни бир уринишда тўла ва сифатли жорий қилинишига эришиб бўлмайди. Уларнинг босқичма-босқич, мақсадли ҳамда кенг кўламли жорий қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида:

- 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда, МҲХСга мувофиқ тайёрловчи тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этишдан озод этилиши;
- акциядорлик жамиятлари, банклар, суғурта ташкилотлари, йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар МҲХС

асосида 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб бухгалтерия ҳисобининг юритилишини ташкил этилиши;

- бухгалтерларни халқаро сертификатлаш (АССА ва унинг дипломлари, CPA, CIPA); бухгалтерия ҳисоби бўйича миллий стандартларни МҲХСларга мувофиқлаштириш бўйича қатор вазифалар юклатилиши кўзда тутилган.

Даромадларни ҳисобга олишнинг асосий тамойили ҳисоблаш методи ҳисобланади. О.В. Соловьеванинг ушбу тамойил моҳиятини қуйидагича очиқ берган: “Даромадларни ҳисоблаш методи бўйича, ҳисобга олишда корхонанинг иқтисодий ресурслари ва уларга бўлган талабномалари билан боғлиқ операциялар (бошқа ҳодисалар ва ҳолатлар) самараларини у билан боғлиқ маблағлар олиниши ва тўлови бошқа даврларда амалга оширилишига қарамасдан, ушбу самара қачон юз берган бўлса акс эттирилади”

Ушбу таърифлар ва олимларнинг мулоҳазалари даромадларга янгича ёндашиш ҳамда меъерий- ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда ҳисобга олишни тақозо этади. Энди амалиётда жорий қилинган “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”да акс эттирилаётган ахборотларнинг ҳисоботни концептуал қоидаларга мувофиқлаштириш керак:

**Биринчидан,** 090-сатр “Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари” кўрсаткичининг номланишини концептуал асослари қоидаларига мувофиқлаштириш керак бўлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу кўрсаткич “Асосий бўлмаган фаолият натижасида юзага келадиган даромадлар” деб номланган. Шу боис, ушбу кўрсаткични “Одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган даромадлар” ёки “бошқа даромадлар” деб номлаш мақсадга мувофиқ. Таъкидлаш жоизки, 100-сатрдаги “Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)” кўрсаткичини аниқлашда 090-сатр “Асосий фаолиятининг бошқа даромадлари” ёки биз таклиф этаётган номлаш “Одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган даромадлари” иштирок этиши мумкин эмас. Чунки, бу фойда фақат одатдаги фаолияти натижасида олинган фойдани тавсифлайди. Шу боис, ушбу кўрсаткични кейинги босқичларга тушириш керак.

**Иккинчидан,** компаниянинг ялпи фойдаси аниқлангандан кейин, “операцион фойда” деб номланган фойда кўрсаткичини ҳам киритиш керак, деб ўйлаймиз. Бу кўрсаткич ялпи фойдадан операцион харажатлар, яъни давр харажатларини айириш орқали топилади. 080-сатрда акс эттирилган “Келгусида солиққа

тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари” кўрсаткичи бекор бўлди, шу боис ушбу кўрсаткични ҳисобот шаклидан чиқариш керак.

*Учинчидан*, операцион фойда аниқлангандан сўнг, “одатдаги фаолиятидан олинган фойда (зарар) ёки “асосий фаолиятдан олинган фойда” кўрсаткичини аниқлаш керак. Бунинг учун эса операцион фойдага роялти, дивиденд, фоизлар, молиявий ижара бўйича тушумларни кўшиш ҳамда фоизлар шаклидаги харажатлар, узок муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоиз шаклидаги харажатларини айириш талаб этилади.

*Тўртинчидан*, кейинги босқичида одатдаги фаолиятидан олинган фойда кўрсаткичига одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган даромадлар, яъни бошқа даромадларни кўшиб, одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатлар, яъни бошқа харажатларни айириш орқали солиқ тўлагунга қадар фойда (зарар) кўрсаткичини аниқлаш талаб этилади. Халқаро концептуал асосларда “бошқа даромадлар” фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилганда одатда, улар алоҳида ҳар бир моддаси бўйича очиқланиши талаб этилади. Чунки, улар тўғрисидаги ахборотлар иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдали ҳисобланади. Концептуал асосларда “фойданинг ҳар бир моддаси бўйича шу даромадга мос харажатларни айиришдан кейинги сумма акс эттирилади” деган қоида ўрнатилган. Лекин, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда ушбу қоидага амал қилинмаган. Чунки, ҳисоботда “асосий фаолиятдан бошқа даромадлар” деб умумий берилган. Уларнинг қарорлар қабул қилишдаги муҳимлигини инобатга олиб, ушбу моддалар очиқланиши керак. Бундан ташқари, бошқа даромад моддалари бўйича фойда ёки зарарлар акс эттирилиши керак. Шунинг учун уларни қуйидаги моддалар кесимида умумлаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. Узок муддатли активлар ва бошқа мол-мулкларнинг тасарруф қилишдан олинган фойда (зарарлар);
2. Валюта курси бўйича фойда (зарарлар);
3. Даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган нафлар;
4. Қайтарилмайдиган молиявий ёрдамлар ва совғалар;
5. Давлат субсидияларидан даромадлар;

6. Ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, бошқа хил жазо жарималари, шунингдек, етказилган зарарларни ундириш бўйича фойда (зарарлар);

7. Товар-моддий бойликларни қайта баҳолашдан фойда (зарарлар).

8. Ҳисобот даврида аниқланган ўтган даврлар даромадлари.

Ушбу кўрсаткичларни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга киритишни тақлиф этамиз. Улар ҳисоботга алоҳида даромад ва алоҳида харажат моддаси сифатида эмас, таллуқли моддаларнинг даромадларидан харажатларини айиргандан кейин қолган фойда ёки зарарларни акс эттириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу тадқиқот натижаларида корхоналарнинг “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”даги кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, уни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди. Жумладан, ҳисоботда “Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар” кўрсаткичи халқаро концептуал қоидалар талабларидан келиб чиқиб, даромадлар ва харажатлар кўринишида алоҳида-алоҳида эмас, балки таллуқли моддалар бўйича фойда ёки зарар кўринишида акс эттириш тақлиф этилди ва уларнинг таркибий қисмлари ишлаб чиқилди.

Ушбу тақлифларнинг амалиётга жорий этилиши даромадлар ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаффофлигининг ошишига хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чоратadbирлари тўғрисида” Қарорлари

2. Концептуальные основы финансовой отчетности. [https://nrm.uz/contentf.doc=470813\\_konceptualnye\\_osnovy\\_finansovoy\\_otchetnosti](https://nrm.uz/contentf.doc=470813_konceptualnye_osnovy_finansovoy_otchetnosti)

3. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. <https://lex.uz/docs/264422>

4. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос. [http://bhms.uz/?page\\_](http://bhms.uz/?page_)

## ИҚЛИМ ШАРОИТИНИНГ АВТОМОБИЛ РАДИАТОРИ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

**Тожибоев Ш.И. (ФарПИ докторанти),**

**Тожибаев Ф.О. (ФарПИ ассистенти)**

**Аннотация:** Автомобил ҳаракати давомида ҳар қандай иқлим шароити кузатилиши мумкин. Ушбу шароитда автомобилга атроф муҳитдан таъсир қилувчи турли хил омиллар кузатилиши ва таъсири натижасида автомобил қисмларига зарар етиши эҳтимоли катта. Хусусан автомобил двигателининг совутиш тизимида катта зарар етади. Шу омилларни ҳисобга олган ҳолда ушбу мақолада радиатор самарадорлигига таъсир қилувчи иқлим шароитлари хусусида батафсил маълумот берилади.

**Калит сўзлар:** ИЁД (ички ёнув двигателлари), иссиқлик узатиш коэффициенти, радиатор.

Ҳар қандай иссиқлик муҳитида автомобиллар ҳаракатланиши давомида автомобилнинг барча механизм ва деталларининг шакли, ўлчамлари, материалнинг таркибий хусусиятлари ва ички иш муҳитининг ўзгаришига олиб келади ва бунинг натижасида муайян тизим ва механизмлар функционал самарадорликнинг йўқолишига олиб келади. Шунинг учун, автомобил дизайнида температурасининг ҳар бир ишлаш ҳолатини назорат қилиш учун, ҳар қандай операцион ҳарорат оралиғида тизимдан иссиқликни чиқариб юборишни таъминловчи оралиқ қиймат мавжуд бўлиши керак [1]. Бундан ташқари, агар совутиш тизимининг иссиқлик ўтказувчанлигини тартибга солувчи ёки камайтирадиган қурилмалар ёрдамида йўл қўйилмаса (яъни уни атроф муҳит ҳавосидан ажратиш), бу ҳаддан ташқари иссиқлик совутишни совутиш сиртининг майдони ёки самарадорлигини ошириш, совутиш суви тезлигини ошириш ва ҳоказолар туфайли ушбу тизимларнинг иссиқлик ўтказувчанлик қобилиятларини кучайтиришни бартараф этади. Ушбу мақолада тизимларнинг иссиқлик ўтказувчанлик қобилиятларини кучайтириш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилади.

Радиаторларнинг иссиқлик самарадорлиги қуйидаги параметрлар орқали ажратилиши мумкин [2]:

1) Иссиқлик мосламасининг иш оқимини чиқиш параметрлари яъни унинг потенциал имкониятларини белгилайдиган омиллар: бунга иссиқлик узатиш, иссиқлик узатиш коэффициенти, аеродинамик ва гидравлик қаршилиқлар киради. Ушбу параметрлар экспериментал равишда махсус лаборатория қурилмаларида аниқланади ва ўртача соғутиш тезлиги ёки уларнинг ҳаражатлари функциясида ифодаланади. Бундан ташқари, ушбу параметрлар соғутиш юзасининг геометрияси (макроструктураси) ўзгарувчан дизайн кўрсаткичлари билан кўриб чиқилади.

2) Ушбу иссиқлик мосламасининг чиқиш параметрлари элемент сифатида автомобилнинг функционал тизимидир. Бундай ҳолда, ички омилларга радиаторнинг дизайн хусусиятларининг ўзаро комплекс боғлиқлиги қўшилади ва уни машинага ўрнатиш шартлари билан боғлаш мумкин: функционал тизимларнинг турли иссиқлик ишлаб чиқариш элементларининг ўзаро жойлашиши, иссиқлик узатиш сиртларининг ифлосланиш даражаси, қувват агрегатларининг юқлари, температура-иқлим ва йўл шароитлари.

Шуни таъкидлаш керакки, агар иссиқлик алмаштиргичларнинг чиқиш параметрлари мамлакатимизда ва чет давлатларда бўлгани каби турли муаллифларнинг кўплаб илмий ишларида турли вақтларда ўрганилган бўлсада, иссиқлик мосламасини ўзаро боғлиқлик функционал тизимларнинг элементи сифатида ўрганиш тизимнинг ишлашига таъсир қилувчи турли омилларнинг ўзаро таъсир механизмининг аналитик тавсифининг мураккаблиги ва экспериментларни ўтказиш учун мураккаб лаборатория базасидан фойдаланиш зарурати билан боғлиқ ҳолда камроқ эътибор берилган.

Радиаторнинг чиқиш кўрсаткичига таъсир етувчи омил иқлим шароитидир. Радиатор иссиқликни ўтказиш атропофдаги ҳавода содир бўлгани учун транспорт воситаси ҳаракатланаётган ҳаво муҳитининг хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади. Бу хусусиятлар: ҳаво ҳарорати, нисбий намлик, барометрик босим, ёғингарчиларнинг бўлиши ёки бўлмаслиги, ифлослантирувчи моддаларнинг мавжудлиги, шамол тезлиги ва йўналиши ва бошқаларга боғлиқ.

Уларнинг барчаси радиаторнинг иссиқлик самарадорлигига турлича таъсир қилади. Масалан, атропоф-муҳит ҳарорати юқори бўлганда иссиқлик узатиш қийинроқ ва секинроқ тезликда содир

бўлади. Бу иссиқлик техникаси қонунлари билан тушунтирилади, яъни иссиқлик узатиш тенгламаси билан.

Радиатор олд ифлосланиши бир вақтнинг ўзида бир неча ифлосланттирувчи моддалардан иборат бўлиши мумкин. Шу билан бирга, бу моддалар, ишчи юзаси, умумий иссиқлик қаршилигини ҳосил қилади. Манбаларга кўра [3] лойнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти ҳарорати  $450^{\circ}\text{C}$  ва иссиқлик сиғими  $0,25$  ( $\text{Kкал/кг}^{\circ}\text{C}$ ); нам ер  $0,565$  ( $\text{Kкал/м}^3\text{C}^{\circ}\text{C}$ ); қуруқ ер  $0,120$  ( $\text{Kкал/м}^3\text{C}^{\circ}\text{C}$ ); қум  $0,284$  ( $\text{Kкал/м}^3\text{C}^{\circ}\text{C}$ ); нам қум  $0,972$  ( $\text{Kкал/м}^3\text{C}^{\circ}\text{C}$ ); охак шкаласи  $1,135\text{...}2700$  ( $\text{Kкал/м}^3\text{C}^{\circ}\text{C}$ )  $65^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлмаган ҳароратда мавжуддир. Юқоридагилардан келиб чиқадики, автомобилнинг ишлаш шароити ички ёнув двигателини совутиш тизими радиаторининг техник ҳолатини ўзгаришига бевосита таъсир кўрсатади.

Турли операцион шароитларда шакллантириш даражаси радиаторнинг кирувчи ифлосланиши ва унинг самарадорлигини камайитиришга сабаб бўлади. Ушбу факт ишончли атамани аниқлашни қийинлаштиради, радиаторнинг ишлаши ва ички ёнув двигателларининг ишдан чиқишини тахмин қилиш мумкин.

Радиаторни ички ёнув двигатели билан таъминлаш ва таъмирлаш бўйича режалаштирилган профилактик чоратadbирлар радиаторнинг техник ҳолатидаги ўзгаришларнинг қонунийлиги ҳақида маълумот мавжуд.

Бу омилларни охир-оқибатда камайитириш ва ИЁД (радиатор, термостат) билан энг муҳим таркибий элементлар самарадорлигини тўлиқ йўқотишга олиб келадиган иссиқлик узатувчи юзалар иш ҳолатига таъсир қилади. Иш ҳароратининг пастлиги шароитида ИЁД билан ишлаш мураккаблашади ва фойдали ишни бажармасдан маълум миқдорда иссиқлик атроф-муҳитга йўқолиши мумкин. Ушбу йўқотишларнинг олдини олиш учун ИЁД дан иссиқлик оқими термостат билан тартибга солинади, унинг ишончли ишлаши совутгичдаги ифлосланттирувчи моддалар мавжудлигига боғлиқ. Термостат клапанининг ёриқ бўшлиғида ва унинг структуравий элементларининг сиртларида тўпланиб, ифлосланиш кўшимча гидравлик ва механик қаршилиқни келтириб чиқаради, ИЁД билан ишлашнинг ишончилигини пасайтиради ва шунинг учун ИЁД ва бутун автомобилнинг самарадорлиги эффе́ктивлиги пасаяди.

**Адабиётлар:**

1. Мануйлов В. С. Диагностирование автомобильных радиаторов тепловой нагрузкой в эксплуатации: дисс. ... канд. тех. наук. Оренбург-2010 -168 с.

2. Фомченко, А.Н. Улучшение показателей эффективности блочных систем охлаждения при эксплуатации тракторов и автомобилей путем разработки метода и средств дифференциальной оценки теплообменников : дисс. ... канд. тех. наук. Санкт-Петербург, 1999. - 153с

3. Бурков, В.В., Автотракторные радиаторы / В.В. Бурков, А.И. Индейкин. -Л.: Машиностроение, Ленингр. отд-ние, 1978. - 216 с



## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛАР ЭЛЕКТОРАЛ ХУЛҚ-АТВОРИГА ТАЪСИРИ

**Иномжонова<sup>1</sup> Муқаддас Боқижоновна**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви  
академияси тадқиқотчиси (“Агробанк” АТБ) шўъба: сиёсий фанлар; Тел.:  
+(99890)174-08-61**

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларнинг очик ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли беқиёсдир. Демократиянинг муҳим тамойили – фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалашда, ўз манфаатларини рўёбга чиқаришда ҳам оммавий ахборот воситалари салоҳияти муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролар электорал танловининг шаклланишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги баҳс-мунозаралар ҳозирги кунга қадар давом этмоқда. Жумладан, оммавий ахборот воситаларининг қанчалик қудратга, электорал феъл-атворга таъсир этувчи омиллар қаторида қандай ўринга эга эканлиги, қандай функцияларни бажариши каби масалалар турли хил баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг сиёсий жараёндаги ролини ўрганиш тарихи ўтган асрнинг 20-йилларига тўғри келади. Айнан шу даврга келиб бу йўналишдаги тадқиқотлар янада долзарб аҳамиятга эга бўлди. Бу ҳолат бир қатор омиллар билан белгиланган. Биринчидан, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, хусусан, радио ва телевидениенинг пайдо бўлиши ахборот воситалари аудиториясини ҳамда ахборот манбаларининг инсон хулқ-атворига таъсирини ўрганишга туртки бўлди. Иккинчидан, Биринчи жаҳон уруши даврида оммавий ахборот воситаларининг урушда иштирок этувчи мамлакатлар аудиториясига кенг кўламдаги тарғибот-ташвиқот ёрдамида таъсир даражасини ўрганиш зарур эди. Кўплаб тадқиқотчилар томонидан оммавий ахборот воситаларининг нафақат алоҳида шахслар онги ва кўрсатмаларига, балки жамоатчилик феъл-атвори ҳамда онгига таъсири даражасини ёритишга ҳаракат қилинган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Анохина Н.В., Брандес М.Э. Роль СМИ в избирательном процессе// Выборы в посткоммунистических обществах. М.,2000. С.137-151 (Полит.наука / ИНИОН АН.200. № 3).

Фуқаролар электорал майилларининг шаклланишида масс-медиа ролини тадқиқ этишнинг иккита асосий ёндашувлари мавжуд. Биринчи ёндашув тарафдорлари оммавий ахборот воситалари сайловчилар сиёсий хоҳиш-истаклари, улар танловининг шаклланишига ҳал қилувчи таъсирга эга деб таъкидласалар, иккинчи ёндашув вакиллари эса, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг таъсири минимал бўлиб, бошқа бир қатор омиллар билан белгиланади деган фикрни илгари сурганлар.

Америкалик социолог У.Липпманнинг 1922 йилда чоп этилган “Жамоатчилик фикри” асари биринчи ёндашувнинг назарий асоси бўлиб хизмат қилади. Муаллиф оммавий ахборот воситаларининг АҚШдаги сайлов жараёнига таъсирини ўрганар экан, фуқаролар сиёсий майилларининг шаклланишида оммавий ахборот воситалари кучли таъсирга эгалигини таъкидлаган<sup>1</sup>.

Ушбу йўналишнинг бошқа бир вакили Б.Коэн ХХ асрнинг 60-йилларида оммавий ахборот воситаларининг ахборот оқими ҳамда жамоатчилик баҳс-мунозараларининг асосий масалаларини бошқаришга кўмаклашадиган ўзига хос таъсирини тарифлаган. Б.Коэн медиахабарлар ҳамда долзарб масалаларнинг ижтимоий аҳамияти (муайян бир муаммоларнинг муҳимлиги ҳақида аудиториянинг тасавури) ўртасида бевосита алоқа мавжудлиги ҳақидаги фикрни илгари суриб, буни *янгиликлар устуворлигини белгилаш* деб атаган<sup>2</sup>. Кейинги тадқиқотларда бу тушунча олимлар томонидан “кун тартиби” тушунчасига алмаштирилган.

Россиялик тадқиқотчи И.П.Яковлев фикрича, “кун тартиби” шартли равишда “инсон” кун тартиби ва “медиа тартиб” га ажратилади. “Инсон кун тартиби”га фақатгина оммавий ахборот воситаларида муҳокама бўлаётган муаммолар кирса, “медиа тартибни” кўп жихатдан сиёсий элита белгилаб беради. Сиёсий арбоб қанчалик кучли таъсирга эга бўлса, шунчалик ўз сиёсий майилларини оммавий ахборот воситаларида ёритиладиган устувор масалалар тизимига айлантириши ҳамда оддий фуқароларнинг устувор қарашларига таъсир қилиши мумкин.

Масс-медиа “кудрати” ҳақидаги ёндашувнинг замонавий вакиллари бўлган Ш.Янгар ва Д.Киндерларнинг “Аҳамиятга эга бўлган янгиликлар” номли асарида телевидение янгиликлари

<sup>1</sup> Липпман У. Общественное мнение. М., 2004. С.157-190.

<sup>2</sup> В.С.Солон В.С.Солон The press and foreign policy. Princeton, 1963. P.13

инсонлар хошиш-истакларининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини экспериментал маълумотлар ёрдамида исботлаб берди. Тадқиқотчилар фикрига кўра ахборот воситалари объектив бўла олади, лекин ҳеч қачон сиёсий нейтрал бўлмайди.

Иккинчи ёндашув тарафдорлари (П.Лазарсфельд, Ж.Клаппер) оммавий ахборот воситалари бевосита таъсирининг минимал даражаси ҳақида сўз юритади. Уларнинг фикрича, оммавий ахборот воситалари сиёсий жараёнлар тўғрисида шахс сиёсий истакларига боғлиқ бўлмаган умумий маълумотни тақдим этади.

П.Лазарсфельд АҚШда бўлиб ўтган президент сайловларида оммавий ахборот воситалари таъсирини таҳлил қиларкан, сайловчига ахборот манбалари орқали берилган маълумот фақатгина ижтимоий мавқе, касб, даромад каби омиллар таъсирида шаклланган истак ва майилларни янада мустаҳкамлайди деган хулосага келган. У “икки босқичли коммуникация” тушунчасини илмий муомалага киритган. Оммавий ахборот воситалари воқеа-ҳодисаларни баҳолашни бутун аудиторияда шакллантирмайди. П.Лазарсфельд “фикрлар етакчиси” деб атаган аудиториянинг камчилиқни ташкил этувчи қисми ахборотни англаб боради. Булар мавжуд вазият ҳақидаги фикрларини сиёсатга қизиқмайдиган бошқа фуқароларга етказди.

Замонавий тадқиқотчилар оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёнига таъсирини бошқа омиллар билан бир қаторда талқин қилган. М.Де.Флер ва Д.Эверетт оммавий ахборот воситалари фуқаро танловига таъсир этувчи омиллардан бири эканлигини қайд этади. Уларнинг фикрича, сайловчилар учун ахборотнинг бош манбаи сифатида атрофдаги инсонлар (қариндошлар, дўстлар, касбдошлар) намоён бўлади.

Электорал танловни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ролини ўрганишдаги асосий ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатадики, оммавий ахборот воситалари таъсирининг самараси кўшлаб бошқа омилларга, хусусан, таъсир хусусияти, аудиториянинг ахборотларга ишониши, маълумотларни қабул қилишга тайёрлиги, аудиториянинг ўзига хос хусусиятлари каби омилларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам илмий адабиётларда оммавий ахборот воситаларининг жамоа сиёсий онгига, электорал майилларга таъсир даражаси масаласи бўйича хилма хил қарашлар мавжуд. Ҳақиқатдан ҳам электорал танловни белгилашда оммавий

ахборот воситаларининг роли бирламчи, муқаррар эмас. Бир томондан, аҳоли сиёсий кўрсатмаларига масс-медиянинг тотал таъсири ҳақида гап кетса, бошқа томондан ахборот воситаларининг имкониятлари чекланганлиги эътироф этилади<sup>1</sup>.

Сўнгги йилларда мамлакатимиздаги очиқлик ва ошкораликка асосланган ислохотлар, сўз ва матбуот эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бормоқда. Оммавий ахборот воситалари фаолиятида кескин жонланиш, соғлом танқидий руҳнинг кучайгани эътиборга моликдир. Айниқса, оммавий ахборот воситалари сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда, фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқини, сиёсий танловини, номзодлар ва сиёсий партияларнинг сайловчилар билан бевосита мулоқотини амалга оширишда муҳим ўрин тутди. Миллий сайлов қонунчилигимизга мувофиқ оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнида ахборот бериш, хабардор қилиш, жамоатчилик назорати сифатида кузатиш, сайловолди тарғибот-ташвиқот воситаси бўлиб хизмат қилади. Оммавий ахборот воситалари ёрдамида фуқаролар сиёсий партиялар ва номзодларнинг сиёсий платформаси, уларнинг илгари сурган ғоялари, жамиятнинг муаммоли масалаларига нисбатан ёндашувларидан хабардор бўлиш, фикр билдириш, етарли даражада ахборот билан “қуролланиш” имкониятига эга бўладилар. Оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёнидаги фаол иштироки уларнинг сайловолди кампаниясини ёритиш ҳуқуқи билан боғлиқ. Сайлов кодексининг 8-, 35-моддасига биноан оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг боришини ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиш ҳамда сайлов куни овоз бериш биноларида, шу жумладан овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга.

Сайловолди кампания жараёнида оммавий ахборот воситаларига бундай кенг имкониятларнинг берилиши кўп жихатдан уларнинг фуқароларимиз сиёсий танловига, электорал феъл-атворида, хоҳиш-истакларига таъсирини белгилайди. Чунончи, оммавий ахборот воситалари нафақат воситачилик ролини бажаради, балки манфаатларини бузилмаса, сайловчилар ўзларининг объектив сиёсий танловини амалга оширади.

---

<sup>1</sup> Деннис Э.Мэрилл Д. Беседы о масс-медиа. М.: Вагриус,1997, с.155

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Паликова А.М. Роль СМИ в формировании электорального выбор российских избирателей//Государственное управление. Электронный вестник. №27.
- 2.Липшман У. Общественное мнение. М., 2004.
- 3.Н.В.Анохина, М.Э.Брандес Роль СМИ в избирательном процессе// Выборы в посткоммунистических обществах. М.,2000. С.137-151 (Полит.наука / ИНИОН АН.200. № 3).
- 4.Рўзиназаров Ш.Н. Сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлашнинг конституциявий асослари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси. 2012 й. №4.
- 5.Деннис Э.Мэрилл Д. Беседы о масс-медиа. М.: Вагриус,1997.

УДК. 541.64:546.28

**ИССЛЕДОВАНИЕ ТЕПЛОФИЗИЧЕСКИХ СВОЙСТВ  
СОПОЛИМЕРОВ ПОЛИПРОПИЛЕНА ПРОИЗВОДСТВА  
«Uz-Kor Gaz Chemical»**

**Усманов<sup>1</sup> И.Т., к.т.н., доцент Айхаджаев<sup>2</sup> Б.Б.,**

**к.т.н., доцент Таджиходжаева<sup>3</sup> У.Б.**

**<sup>1</sup>ООО КК "UzAuto Serpla", Узбекистан**

**<sup>2,3</sup>Ташкентский химико-технологический институт, Узбекистан**

Год за годом возрастает потребность в полимерах и полимерных композициях и это становится ощутимо во многих отраслях, где эти материалы вытесняют металлы, древесные изделия, натуральную кожу и т.д. Одной из важных областей применения таких материалов является автомобильная промышленность, где все чаще используются полимерные композиционные материалы. При этом применение полимерных композиций помогают снизить вес и себестоимость автомобиля, облегчают сборку автомобиля и замену запчастей. На основе вышеизложенных факторов, по всему миру ведутся интенсивные исследования по улучшению физико-механических и теплофизических свойств полимерных композиций.

Ранее нами было исследованы физико-механические свойства сополимеров полипропилена производства «Uz-Kor Gaz Chemical» [1]. Теперь представляет интерес изучение теплофизических свойств этих марок сополимеров полипропилена. Изучены такие показатели как температура изгиба под нагрузкой (HDT), теплостойкость по Вика и коэффициент температурного линейного расширения (CLTE) для оценки теплофизических свойств разрабатываемого полимерного композиция и определения возможности их взаимозаменяемости.

Для измерения температурных коэффициентов линейного расширения использовали прибор "Rigaku TMA модели 8310". Измерение коэффициента линейного температурного расширения материалов проводятся на образцах в виде бруска с основанием 4,0 x 4,0 мм, высотой 20 мм. Управления модулем происходят автоматически, при помощи компьютерной программы "Thermo plus EVO System".

Для измерения теплостойкости использовался прибор марки "Tinius Olsen Testing Machine Company" модель 303 HDTM, где размер

образцов составляет по стандарту ISO 80 × 10 × 4,0 мм при нагрузке 1,8 Мпа, а для тестов Вика составляет 10 × 10 × 4,0 мм по стандарту ISO, при нагрузке 50Н. Все эти образцы были приготовлены методом литья под давлением в литневых машинах марки SL 170 DGH.

Целью исследования являлось изучения влияние текучести сополимеров полипропилена на теплофизические свойства материала. Поученные данные представлены в таблице.

**Показатели CLTE, HDT, теплостойкость по Вика для различного марок полипропилена.**

№	Наименование марок полипропилена	Текучесть, ISO 1133 g/10 min	CLTE $X \pm \Delta X$ ( $\times 10^{-5}$ ), 1/K	HDT, ISO 75-1, T <sup>0</sup>	Теплостойкость по Вика ISO 306, T <sup>0</sup>
1.	J320	1,8	9,1±0.11	47,7	57,3
2.	J350	9,9	8,9±0.11	46,4	56,4
3.	J360	17,2	8,5±0.11	45,2	55,2
4.	J370	35,6	7,9±0.11	44,4	54,8
5.	J380	58,2	7,4±0.11	43,8	54,1

Полученные результаты показывают что, с повышением показателя текучести расплава с 1,8г/10мин для марки J320 до 58,2г/10мин для марки J380 наблюдается снижение теплостойкость по Вика с 57,3 °С до 54,1 °С, а температура изгиба под нагрузкой уменьшается с 47,7 °С до 43,8 °С соответственно. Такая же тенденция наблюдается и для такого показателя как коэффициент линейного температурного расширения. ( с 9,1 до 7,4 соответственно). В дальнейшем, полученные результаты поможет нам изучить более детально свойства различных марок полипропилена и прогнозировать свойства композиций на основе их основе.

Литература

1. Усмонов И.Т.Алимухамедов М.Г.Исабоев С.С. Айходжаев Б.Б. Изучение полипропиленов отечественного производства. Материалы Международной конференции «Современные инновации: химия и технология ацетиленовых соединений. Нефтехимия. Катализ», 2018., стр. 158-159

## ЮҚОРИ СЕЗГИР БЎЁҚЛИ ҚУЁШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ФОТОГАЛЬВАНИК ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИ

Абдукаримов<sup>1</sup> А.А., Қахаров<sup>2</sup> С.С., Ўктамалиев<sup>3</sup> Б.

Наманган муҳандислик технология институти

Тел.: +(99897)252-32-62

Ҳозирги вақтда дунёда истемол қилинадиган энергияни асосан қазилма ёқилғилардан олинадиган энергия, яъни иссиқлик энергияси, ядро энергияси, гидроэнергиялар ташкил қилади. Лекин бундай ёқилғиларнинг миқдори чекланганлиги, экологик жиҳатдан тоза эмаслиги ва сейсмик жиҳатидан барқарор эмаслиги уларнинг асосий камчилиги ҳисобланади [1]. Шу сабабли замонавий талаблар қайта тикланувчи ва экологик тоза энергия манбалари, яъни қуёш ҳамда шамол энергиясидан фойдаланишни инсоният олдига қўймоқда.

Айни пайтда жаҳонда қуёш радиацияси энергиясини электр энергиясига айлантирувчи яримўтказгич асосли қуёш элементларини тайёрлаш технологиясини мураккаблиги ва улардан олинадиган электр энергияси таннархини қимматлиги бу қуёш элементларидан кенг миқёсда фойдаланиш имкониятларига тўскинлик қилмоқда. Умуман олганда анъанавий кремний асосли қуёш элементларининг фойдали иш коэффициентини лаборатория шароитида 25% гача, арсенид-галлий асосли қуёш элементларининг фойдали иш коэффициентини эса 32% гача ошириш мумкин [3].

Шунга қарамай, ҳозирги замон талаби тайёрлаш технологияси ва ишлаб чиқариладиган электр энергиясини таннархи арзон бўладиган қуёш элементларини излашга мажбур қилмоқда. Шундай қуёш элементларига "Юқори сезгир бўёқли қуёш элементлари (DSSC- Dye sensitized solar cell) ёки "Грацел элементлари"ни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Айни вақтда Майкл Грацел томонидан яратилган бундай турдаги қуёш элементларининг максимал фойдали иш коэффициенти 14.3%, яроқлилик муддати эса 10 йилдан ортиқ бўлиши кўрсатилган [3-5].

Ушбу ишда Таркибида 0.20 гр ТРАІ ва 0.1 гр РЕО бўлган гел-полимер электролит асосли ва турли миқдардаги ТРАІ тузига эга бўлган суяқ электролит асосли юқори сезгир бўёқли қуёш элементларининг фотогальваник характеристикалари - электронларни транспорт вақти  $t_{tr}$ , ўртача яшаш вақти  $t_{rec}$  заряд



тўплаш самарадорлиги ( $\eta_{\text{coll}}$ ), электронларни диффузия коэффиценти ( $D$ ), электронларнинг эркин югуриш узоклиги ( $L_n$ ) ва ҚЭнинг самарадорлиги ( $\eta$ ) тадқиқ қилинган бўлиб, натижалар қуйидаги жадвалда келтирилган [6].


#### Жадвал

Таркибида 0.20 гр ТРАІ ва 0.1 гр РЕО бўлган гел-полимер электролит асосли ва турли миқдордаги ТРАІ га эга бўлган суяк электролит асосли DSSC қуёш элементларининг  $\tau_{tr}$ ,  $\tau_{rec}$ ,  $D$ ,  $L_n$  ва  $\eta_{\text{coll}}$  параметрлари

Electrolytes	$\tau_{tr}$ (ms)	$\tau_{rec}$ (ms)	$D$ ( $\text{nm}^2 \text{s}^{-1}$ )	$L_n$ ( $\mu\text{m}$ )	$\eta_{\text{coll}}$	$\eta$
0.20g (РЕО+ТРАІ)	6.3	50.3	11.42	23.97	0.87	5.43
0.05 g ТРАІ	6.3	79.8	11.42	30.19	0.92	3.29
0.10 g ТРАІ	5.0	100.5	14.38	38.02	0.95	6.04
0.15 g ТРАІ	6.3	40.0	11.42	21.37	0.84	6.33
0.20 g ТРАІ	5.0	40.0	14.38	23.98	0.88	6.60
0.25 g ТРАІ	8.0	50.4	8.99	21.29	0.84	6.74

Бундан ташқари ушбу ишда юқорида келтирилган LE ва GPE асосли DSSC учун ёруғликнинг турли тўлқин узунликларида ёритилганда тушувчи фотонларнинг эркин заряд ташувчиларни ҳосил қилиш самарадорлиги (IPCE) текширилди ва олинган натижалар расмда келтирилган. Тажрибалардан шуни кўриш мумкинки IPCE нинг энг юқори кўрсаткичи ҳар икки қуёш элементи учун ҳам 520 нм тўлқин узунлигига мос келиб, LE учун 45,5% ни, GPE учун эса 41,1% ни ташкил қилди.

**Хулоса.** Шундай қилиб ушбу ишда, юқори сезгир бўёқли қуёш элементлари (DSSC- Dye sensitized solar cell) нинг фотогальваник характеристикаларини электролит таркибидаги туз миқдори бoғлиқлиги тадқиқ қилинди. Кўриниб турибдики, бу қуёш элементларини самарадорлиги унинг таркибидаги туз миқдorigа бoғлиқ бўлиб, туз миқдори ортиши билан самарадорлик ҳам 3,29 дан 6,74% гача ортиб борди. Тажрибалардан шуни кўриш мумкинки IPCE нинг энг юқори кўрсаткичи LE учун 45,5% ни, GPE учун эса 41,1% ни ташкил қилди.



Расм. Таркибида 0.25 гр ТРАИ бўлган суюқ ва гел полимер асосли DSSC қуёш элементларининг IPCE ни тушаётган ёруғликни тўлқин узунлигига боғланиш графиги.

### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. C. Goodall, Ten technologies to fix energy and climate, 2nd ed., Profile books, 2012.
2. M.A. Green, The path to 25% silicon solar cell efficiency: History of silicon cell evolution, Progress in Photovoltaics: Research and Applications 17 (2009) 183–189.
3. M. Grätzel, Dye-sensitized solar cells, Journal of Photochemistry and Photobiology C: Photochemistry Reviews 4 (2003) 145–153.
4. M. Gratzel, Photoelectrochemical cells, Nature 414 (2001) 338–344.
5. F. Bella, R. Bongiovanni, Photoinduced polymerization: An innovative, powerful and environmentally friendly technique for the preparation of, polymer electrolytes for dye-sensitized solar cells, Journal of Photochemistry and Photobiology C: Photochemistry Reviews 16 (2013) 1–21.
6. A.A. Abdulkarimov, Shahan Shah, L.P. Teo, M.H. Buraidah, Z.H.Z. Abidin, O.O. Mamatkarimov, A.K. Arof. Characteristics of dye-sensitized solar cells (DSSCs) using liquid and gel polymer electrolytes with tetrapropylammonium salt. Optical and Quantum Electronics. 2020. 3. Vol.52.pp.1-15.

## MAKTABGACHA TA'LIMNING AHAMIYATLI JIHATLARI

Nurjanova<sup>1</sup> R. p.f.n., dotsent, Tajimuratova<sup>2</sup> K.

<sup>1,2</sup>Nukus DPI. +(99891)300-13-76)

### Annotatsiya

Har yosh avlod mukammal inson sifatida ulg'ayishi uchun unga to chaqaloq paytidan boshlab alohida e'tibor berishilishni talab etadi. Lekin ba'zida ota-onalar doimiy ishlab farzandlari uchun kelajakni ta'minlash vajidan farzandlar uchun vaqt ajrata olmaydilar. Buni oldini olish uchun hozirda ko'plab davlatlarda maktabgacha ta'lim muassasalari faoliyat olib bormoqda. Bog'chada tarbiyalangan bolalar tengdoshlaridan baribir ajralib turishadi. Negaki bola bog'cha atmosferasida ko'p narsalarni o'zi mustaqil o'rganadi, dunyoga qarashi ham o'zgarib boradi. Bog'cha ta'limi nihoyatda muhim hisoblanib, maktab hayotiga oz-ozdan tayyorlanib borish bilan birgalikda, bolani sog'lom rivojlangan, mustaqil shaxs sifatida shakllantirish, o'zidagi qobiliyatni namoyon qilishda yordam beradi. Ushbu maqola orqali maktabgacha ta'lim tushunchasi haqida ma'lumot beriladi.

Mamlakat hayotining barcha jabhalarida, shu jumladan uning taraqqiyotida uzluksiz ustuvor soha - mustaqillik ruhi singdirilgan keng qamrovli islohotlar xalq ta'limiga ham tobora chuqurroq kirib bormoqda. Bu islohotlardan ko'zda tutilgan maqsad - ta'lim samaradorligini oshirish, mazmunini yaxshilash, pirovard natijada uni jamiyat ijtimoiy-iqtisodiy, ilmiy-ma'rifiy rivojlanishiga xizmat qildirishdan iborat. Ta'lim samaradorlik mezonini uning xalqaro standartlar talablariga javob berishi bilan belgilanadi. Ta'limning ilk va shaxs rivojlanishidagi muhim bosqichi bo'lgan maktabgacha ta'lim tizimini ham zamon talablari darajasida tashkil etish muhim masalalardan biri hisoblanadi. Buni amalga oshirish uchun esa jahon mamlakatlari, ayniqsa, rivojlangan davlatlar ta'lim tizimi va ulardagi muvaffaqiyat va kamchiliklarni tahlil etish samarali natija beradi. Jahon mamlakatlari maktabgacha ta'lim tizimining boy tajribalarini o'rganish orqali o'zimizning maktabgacha ta'lim tizimimiz yuksalishi uchun kerakli bo'lgan tajribalarni ham egallab boramiz. Maktabgacha ta'lim qaysi davlatda olib borilishidan qat'iy nazar barchasi bolalar kamoloti uchun yo'naltirilgan bo'lib, bizning kelajagimiz bo'lgan bolalarni to'g'ri tarbiyalash yo'lida qilingan ulkan ishdir. Maktabgacha ta'lim tizimi

uzluksiz ta'limning boshlang'ich qismi hisoblanadi. U bolaning jismonan sog'lom va har tomonlama rivojlangan shaxs bo'lib shakllanishini ta'minlab, o'qishga bo'lgan ishtiyoqini uyg'otib, tizimli o'qitishga tayyorlab boradi. 6-7 yoshgacha bo'lgan maktabgacha talim davlat va nodavlat bolalar maktabgacha ta'lim tashkilotlarida yoki uyda qarashga sharoit bo'lsa, oilada amalga oshiriladi. Maktabgacha ta'limning ustuvor maqsadi - bolalarni maktabdagi o'qishga tayyorlash, bolani sog'lom, rivojlangan, mustaqil shaxs bo'lib shakllantirish, qobiliyatlarini ochib berish, o'qishga, tizimli ta'limga bo'lgan ishtiyoqini tarbiyalashdir. Maktabgacha ta'lim tashkilotida bolalarning hayoti va sog'lig'ini muhofaza qilish maktabgacha ta'lim tashkiloti hamda shtatdagi tibbiyot xodimlari, shuningdek maktabgacha talim tashkilotiga birlashtirilgan sog'liqni saqlash organlarining tibbiyot xodimlari tomonidan amalga oshiriladi.

Ko'plab ota-onalar farzandini bolalar bog'chada tarbiyanishiga ayrim sabablarga ko'ra qarshilik ko'rsatishadi. Agar siz maktabgacha tarbiya berishga qodir bo'lsangiz, ko'plab ota-onalar hali ham bolalar maktabgacha ta'lim tashkilotlarida nimalarni o'rganishlari va ularning bolalari maktabgacha ta'limdan keyin maktab ta'limiga tayyor bo'ladimi-yo'qmi bunga shubha bilan qarashadi.

Maktabgacha yoshdagi bolalar nimalarni o'rganadilar?

1. Ijtimoiy va hissiy rivojlanish

Maktabgacha yoshdagi bolalar o'zlarining ijtimoiy va hissiy rivojlanishlarini kuchaytirishni o'rganadilar. Bolalar murosaga kelishni, o'zgaralar fikrini hurmat qilishni va muammolarni o'zlari hal qilishni o'rganadilar. Maktabgacha tarbiya bolalari uchun kashf etish, o'zini o'zi anglash, tengdoshlari bilan o'ynash va o'ziga bo'lgan ishonchni shakllantirish uchun sharoit yaratadi. Bolalar ota-onalarining yordamisiz vazifalarni bajara olishlarini va qaror qabul qilishlarini o'rganadilar.

2. Maktabga tayyorgarlik

Xulq-atvorni boshqarish maktabgacha ta'limning asosiy qismidir. Maktabgacha yoshdagi bolalar qanday qilib o'quvchi bo'lishni o'rganadilar. Bolalar sabr-toqatni, qanday qilib qo'llarini ko'tarish va navbat qilishni o'rganadilar. Bolalar o'qituvchining e'tiborini qanday baham ko'rishni o'rganadilar. Bolalar muntazam ravishda, ko'rsatmalarga rioya qilish va kutish haqida ham bilib olishadi. Sifatli maktabgacha tarbiya tashkilotlari bolalarga izlanish, tajriba o'tkazish va suhbat orqali javob topishga yordam beradi. Maktabgacha ta'lim

tashkilotlariga borish, shuningdek, bolalar ota-onasidan yoki tarbiyachisidan ajralib turishni o'rganishga yordam beradi.

#### 2. Til va kognitiv ko'nikmalarni targ'ib qilish

Bolalarning til qobiliyatlari "tilga boy" muhitda tarbiyalanadi. Sinf sharoitida o'qituvchilar bolalarga san'at darslarida, o'yin mashg'ulotlari vaqtida va boshqa mashg'ulotlarda yangi so'z boyliklarini kiritish orqali ularning til ko'nikmalarini mustahkamlashga yordam beradi. Tarbiyachilar bolalarga qo'shiq aytish, kitoblar haqida suhbatlashish va ijodiy o'yinlar orqali tilni o'rganish uchun ko'p imkoniyatlar yaratish uchun bolalarni o'ylantiruvchi savollar bilan jalb qilishadi.

#### 3. Dars mashg'uloti

Maktabgacha matematika va savodxonlikgacha ko'nikmalar joriy etiladi. Bolalarga raqamlar va harflar o'rgatiladi, ammo bu o'sha yoshdagi bolalar uchun qiziqarli tarzda o'qitiladi. Bolalar rasmlari kitobga rioya qilgan holda alifbo qo'shig'ini kuylaydilar yoki qofiyalar va qo'shiqlarni o'rganadilar, bu ularga so'zlardagi aniq tovushlarni sezishga yordam beradi. Tarbiyachilar bolalarga tinglash, tushunish va ifodali til qobiliyatlarini rivojlantirish uchun ertaklar o'qiydilar. O'yinlarni taqqoslash, o'yinlarni saralash va sanash kabi o'yinlar bolalarda raqamlar va ketma-ketliklar haqida tushunchalarni shakllantiradi. Jumboqlarni birlashtirish bolalarga naqshlarni payqashga va muammolarni echish qobiliyatlari ustida ishlashga undaydi.

Bolalar o'zlarini qiziqtirgan mashqlar, masalan, qo'shiqlar, ertak va hayoliy o'yinlar orqali yaxshi o'rganadilar. Maktabgacha ta'lim akademik muvaffaqiyatga erishish bilan bog'liq emas; bu atrofni o'rganishni va so'roq qilishni istaydigan har tomonlama barkamol bolani yaratish haqidadir.

#### 4. O'z -o'ziga ishonch

Maktabgacha tarbiya davrida bolalar aslida o'zlari uchun nimalar qila olishlarini bilib olishadi. Bolalar qo'llarini yuvishni, hojatxonaga borishni va oyoq kiyimlarini yechishni kattalar buni qilmasdan o'rganadilar. Bolalar sinfdagi ishlarga ega bo'lishlari va sinfdan yordam berishdan faxrlanishlari mumkin. Yangi ko'nikmalarni o'rganish ishonchni oshirishga yordam beradi.

